



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

5
2024

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2024

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Максуд АСАДОВ
Раҳматулла БАРАКАЕВ
Ғулом ИСМОИЛОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Сувон МЕЛИ
Ёрқинжон ОДИЛОВ
Манзура ОТАЖОНОВА
Эргаш ОЧИЛОВ
(масъул котиб)

Гулчеҳра РИХСИЕВА
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқижон ТЎХЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Алмаз УЛВИЙ
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Улуғбек ҲАМДАМОВ
Хайрулла ҲАМИДОВ

Манзилимиз:
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй
Телефон: (71) 233-71-44
E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти
№ 5, 2024

Мухаррир Э. Очилов
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"
Босмахонасида чоп этилди.
Буюртма № 5
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Нурмакон кўчаси, 1-уй.
Қоғоз бичими 70x108, 1/16
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.
Шартли-босма табоғи 8.5
Тираж ____ нусха. Келишилган нархда.

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ёзувчи ва шоирлар замондошлари қалбига асарларидаги сўзлар орқали кириб боради ва сўз воситасида уларнинг фикрини, дунёқарабини ўзгартира олади. Чинакам истеъдод эгалари бу борада бошқаларга ҳамиша ўрнак бўлади, ўз халқининг дарду аламларини, ҳасратларини, қайғуларини, армонларини, асрий орзу-умидларини дадил айта оладиган "ижтимоий суҳан"га айланади.

Муҳаммад Юсуф ана шундай улугъ шарафга лойиқ ижодкорлардан бири эди. Маълумки, ёзувчи ва шоирларнинг барчаси ўзи мансуб бўлган халқ ёки миллат тилининг амалдаги луғат бойлигидан фойдаланиб иш кўради, лекин ҳаммасига ҳам миллатдошлари, тилдошлари қалбида чуқур из қолдириш насиб этавермайди. Ҳамма гап уларнинг истеъдодида, маҳоратида. Баъзилар баландпарвоз, жарангдор сўзларни излаб, қофия ортидан эргашиб, сўзнинг таъсир кучига эътибор бермай қўяди, шаклбозликка берилиб кетади, натижада мазмунан саёз, бўш асарлар юзага келади. Чинакам истеъдод эгалари эса содда, жўн, халқона сўзларни маржондек битта ипга тизиб ташлайди. Шу сабабга кўра уларнинг ёзганлари ҳамиша эл ардоғида бўлади. Мазкур фикрлар М.Юсуф ижодига ҳам бевосита дахлдордир. Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов шундай ёзади: "Муҳаммад Юсуф қўшиқлари билан эмас, аввало, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди. Унинг ёзганлари ниҳоятда долзарб мавзуда ўта жиддий, аммо халқ дилига жуда яқин ва раvon тилда ёзилган"¹.

Мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида барча миллатдошларимизнинг юраклари ватанпарварлик, миллатпарварлик ғояларига тўлиб-тошиб, катта изтироб, кучли алангаланган дарду алам, улкан ниятлар, катта орзу-умидлар билан яшаган, лекин кўринмас ҳадик, кўркув остида дилининг тубида яшириниб ётган гапларини юзага чиқара олмаган эди. М.Юсуф эса катта маънавий жасорат, миллат дардига малҳам бўла олгудек гўзал ва нафис шеърлари ва ҳақиқий фидойилиги билан ўзбек халқининг юрак дардларини сатрларга тушириб, ўзбек тилининг бор гўзаллигини ўзининг дилтортар шеърларига сингдира олганди. Ҳа, нодир истеъдод эгасини – инжа шоирни давр яратди.

М.Юсуф ижоди ҳар жиҳатдан чуқур таҳлилга лойиқ. Ўқисангиз, қуйма сатрларда қадим ва бой, латофатли ўзбек тилининг бор гўзаллиги кўз олдингизда бутун бўй-басти билан намоён бўлади, онгу шуурингизни ёритади, қалбингизга битмас-туганмас завқ-шавқ солади. Айниқса, шоир шеърларининг лингвопоэтик таҳлили сизга бутунлай бошқа бир сеҳрли дунё – сўзларнинг ноёб хазинаси эшигини очиб беради. Чунки у ўз шеърларида бадиий тасвир воситаларининг барча имкониятларидан моҳирона

¹ Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида. – Тошкент: "Шарк", 2014, 6-бет.

фойдаланган. Масалан, ижодкор биргина "Ватаним" шеърда² антропонимлар: Сулаймон, Машираб, Навоий, Яссавий, Чингиз, Темур Малик, Муқанна, Широқ, Жалолiddин, Бобур, Улугбек, Қодирий, Алпомиш, Усмон; топонимлар: Балх, Хўжанд, Қашқар, Курдистон, Ҳиндистон, Чамбил, Қўқон; гидронимлар: Сирдарё, Энасой; фитонимлар: чечак, чинор; космонимлар: офтоб, осмон ва ҳоказо тил унсурларини ўз ўрнида қўллаб, Ватан ва Ватан тарихининг улуғвор лирик тимсолини гавдалантириб бера олган. Битта шеърда бу қадар мўл тасвир воситаларидан заргарона фойдаланиш ва юксак даражадаги бадий поэтизмни ҳосил қилиш фақат М.Юсуф ижодига хос фазилатлардан саналади.

Шеърдаги "Синглим дейми, Онам дейми, Ҳамдарду ҳамхонам дейми, Офтобдан ҳам ўзинг меҳри – Илгимсан, Ватаним" мисраларида "а", "и" унлилари иштирокида ассонанснинг ажойиб намуналари яратилган; "м", "б", "ҳ"// "ғ" ундош товушлари такрори эса шеърда ўзига хос ички дард, изтироб олиб киришга хизмат қилган. Битта қўшма гап ичида "а" ва "и" унлилари 10, "м" ундоши 11, "д" ундоши 7, "ҳ"// "ғ" ундошлари 6 ўринда қўлланиб, фонопоэтизмнинг юксак ва қайтарилмас намунаси яратилган. Ўзинг менинг улуғлардан Улугимсан, Ватаним...", "Офтобдан ҳам ўзинг меҳри – Илгимсан, Ватаним", "Минг бир ёғи очилмаган Қўригимсан, Ватаним", "Тарқаб кетган тўқсон олти Уругимсан, Ватаним...", "Ғичир-ғичир тишимдаги Сўлигимсан, Ватаним...", "Олисларда қуриб қолган Қудугимсан, Ватаним..." сатрларида "и" унлиси; чуқур тил орқа ундошлари: "қ", "ғ"; бўғиз ундоши "ҳ" воситасида ўзига хос ритм, оҳанг ҳосил қилинган.

Шеърдаги ҳар бир сўз муаллиф томонидан чертиб, танлаб олинган. Масалан, "Ғичир-ғичир тишимдаги Сўлигимсан, Ватаним..." мисрасидаги "сўлиқ" сўзи бир қараганда қофия талаби билан шеърда киритилганга ўхшайди, аммо теранроқ ёндашиб кўрилса, мазкур лексемани шоир бекорга танламаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Маълумки, "сўлиқ" касб-корга тааллуқли сўз саналади ва унинг маъноси ҳаммага ҳам тушунарли эмас. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да унга қуйидагича таъриф берилган:

СУВЛИҚ/СЎЛИҚ. Юганнинг от оғзига солинадиган металл қисми³. Юган эса от, эшак каби уй ҳайвонларини бошқариш учун улар бошига солинадиган сувлуқ, тизгин ва қайиш тасмаларидан ясалган абзал саналади⁴.

"Сўлиқ" лексемасининг шеърда киритилишида яширин тағ маъно бор. Мустақилликкача ўз эрки, изми бошқалар қўлида бўлган ўзбек халқининг руҳий ҳолати мана шу биргина "сўлиқ" лексемаси орқали ажойиб тарзда юзага чиқарилган. Юганланган, оғзига сўлиқ солинган отнинг бошқаруви унинг ўзида эмас, устидаги чавандоз қўлида бўлади. От лунжидаги сўлиқни қанча "ғижир-ғижир" қилиб тишламасин, ихтиёри ўзида бўлмайди. Кўриниб турибдики, муаллиф бетақрор тимсол топа олган.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигига янгидан-янги истиқболли тадқиқ йўналишлари кириб келди. Бадий асарларнинг фоностилистика, фоносемантика, фонографикаси устида жиддий кузатувлар амалга оширилди. Жумладан, Х.Дониёров, Б.Йўлдошев, С.Каримов, Ш.Тошхўжаева, З.Кабилова, К.Сапарова, Г.Яхшиева каби тадқиқотчилар

² Барча мисоллар шоирнинг қуйидаги китобидан олинди: Юсуф М. Сайланма. Шеърлар. Достонлар. – Тошкент: "Шарқ", 2015. – А.С.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, V жилдди, 3-жилд. – Тошкент: ЎМЭ, 2007, 578-, 613-бетлар.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд. – Тошкент: ЎМЭ, 2008, 73-бет.

томонидан товушларни чўзиш, каватлаш, орттириш, тушириш каби фонетик воситалар ёрдамида бадий асарларда фонетик поэтизмни ҳосил қилиш қонуниятлари очиб берилди, уларнинг лингвопоэтик хусусиятлари тадқиққа тортилди⁵. Айни йўналишлар М.Юсуф ижодида ҳам устуворлик аҳамиятига эга. Айникса, товушлар такрори, уларни қаватлаш, жарангли ва жарангсиз ундошларни алмаштириб қўллаш, юқорида таъкидлаганимиздек, шоир шеърятига ўзгача файз, оҳанг ва тароват бағишлаган.

Н.В.Липатованинг таъкидлашича, шеърый асарларда такрорнинг тўрт кўриниши мавжуд: 1. Ассонанс – матннинг муайян ўринларида унли товушларнинг такрорланиб келиши. 2. Аллитерация – бўғинларда бир хил ундош товушларнинг такрорланиб келиши. 3. Товушга тақлид – инсонга хос бўлмаган товушларнинг такрорланиб келиши. 4. Рифма – товуш ёки товушлар комплексининг охириги бўғинларда такрорланиши⁶. Шоир шеърятда ассонанс ва аллитерация ҳодисаси кўп кузатилади. Ўзбек тилидаги барча унлиларнинг сўз бошида, ўртасида ва охиридаги такрори шоир шеърларининг эмоционал-экспрессивлигини таъминлаш, услубий бўёқдорлигини ошириш, мазмунини кучайтиришга хизмат қилган. Масалан:

"И" унлиси: *"Топганимиз ҳандалакдек тилим-тилим, Она тилим, кечир мени, она тилим". ("Она тилим")*

"У" унлиси: *"Уч қутбга уч гулни Кузатишди бир кунда. Учта онасингилни Узатишди бир кунда". ("Ота уй")*

"Э" унлиси: *"Муҳаббат, эй гўзал изтироб, Эй кўҳна дард, эй кўҳна туйғу. Кўкрагимга қўлингни тираб, Юрагимни тўкиб қўйдинг-ку". ("Муҳаббат")*

"Ў" унлиси: *"Бағримда бўй етган бўз болам, Мерган болам, лочин кўз болам, Бўғзимга тиг урган ўз болам... Мен дардимни кимга айтаман". ("Самарқанд"); "Ўйлайман, ўйлайман, ўйларим узун, Қўлим қисқа, севгим, бўйларим узун". ("Бир кеча").*

"О" унлиси: *"Озодажон, ўзинг айтгин, озодмисан, Дунё обод бўлмади, сен ободмисан". ("Нима қилай?"); "Ойдин қизлар, ойжамол қизлар, Ойдан тушган оқ рўмол қизлар". ("Оқ рўмол қизлар")*

"А" унлиси: *"Капалакнинг камбағали, бийи йўқ, Капалаклар одамлардан меҳрибон..." ("Капалаклар")*

М.Юсуф ижодида аллитерациядан фойдаланиш ҳам кучли. Аллитерация шеърый асарнинг ажралмас қисми сифатида матнга ўзига хос оҳанг қўшади, мисраларнинг муайян ритмда такрорланишини таъминлайди⁷. Шоир ижодида ҳам аллитерациянинг кўплаб ноёб кўринишлари учрайди. У муайян нутқий вазиятларда эмоционал-экспрессив бўёқдорликнинг яққол юзага чиқишини кўрсатиш мақсадида аллитерациядан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган ва ўзбек тилининг фонологик сатҳида амалда

⁵ Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стиль. – Тошкент: "Фан", 1988; Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ, 2016; Ўшамуаллиф. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994; Кабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари НДА. – Тошкент, 2008; Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов). АКД. – Ташкент, 2009; Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. НДА. – Тошкент, 1997 ва б.

⁶ Липатова Н.В. Повторы на звуковом (фонетическом) уровне в эрзянском и немецком языках: типологический аспект. КД. – Саранск, 2004. – С.71.

⁷ Чайка Н.Н. Аллитерационный стих в немецкой поэзии XIX века: Лингвопоэтический анализ текстов на материале Р.Вегнера и В.Иордана. АКД. – М., 2004.

бўлган барча ундош товушларнинг сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида келишини назардан қочирмаган. Бу эса сатрларининг ўйноқилигини таъминлашга хизмат қилган ва натижада сўзлар худди булоқнинг ёқимли шилдирашига ўхшаб ўз-ўзидан қуйилиб келаверган.

1. Сўзлар бошида битта товушни такрорлаш: *"Бўлар элнинг болалари бир-бирин дер, Бўлмас элнинг болалари бир-бирин ер. Бир бўл энди, қадри баланд қаддингни кер, Халқ бўл, элим, халқ бўл, элим, халқ бўл, элим!"* ("Халқ бўл, элим!") – 14 ўринда қўлланган; *"Оқар ойни оқизиб, Жилдир-жилдир жилгалар. Жилгалар ҳар жойда бор, Бизда бори қайда бор?.."* ("Қайда бор?") – 5 ўринда қўлланган.

2. Муайян товушни битта сўз ичида такрорлаш: *"Қани Боғишамол кезган елларинг, Қирларда кеккайган қирговулларинг, Эслаб эзилмасму энди дилларинг, Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?.."* ("Андижон") – 10 ўринда қўлланган.

3. Битта товушни матннинг турли ўринларида такрорлаш: *"Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна, Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна. Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна, Мозийни ёд этай десанг – халқ бўл, элим."* ("Халқ бўл, элим!") – 11 ўринда қўлланган.

4. Муайян товушни сўз боши ва охирида қўллаш: *"Олдинга мен боролмасам, ўт гуноҳим, Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим, Қабрим узра ҳилтираб тур, қизгалдоғим."* ("Қизгалдоқ") – 7 ўринда қўлланган.

5. Муайян товушни сўз охирида қўллаш: *"Капалакдай айлан ўзинг бошларимдан, Узилмасин бармоқларинг қошларимдан".* ("Нима қилай?") – 4 ўринда қўлланган.

6. Матнда жарангли ва жарангсиз ундошларни қўллаш: *"Сузилма ой осмонда, Сендан тўлин юзлар бор. Сурхон деган томонда Ойдан ойдин қизлар бор".* ("Зеби, Зеби...") – 7 ўринда қўлланган.

М.Юсуф шеърятининг жозибаси унда қўлланган ўхшатишларда янада яққолроқ намоён бўлган. Шоир шеърятида қўлланган ўхшатишларни ўхшатиш қурилмасидаги грамматик воситаларнинг иштирокига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

I. Морфологик воситалар ёрдамида ясалган ўхшатишлар.

1. -дек, -дай қўшимчалари ёрдамида ўхшатишлар ҳосил қилиш: *"Топганимиз ҳандаладек тилим-тилим, Она тилим, кечир мени, она тилим."* ("Она тилим"); *"Капалакдай айлан ўзинг бошларимдан, Узилмасин бармоқларинг қошларимдан".* ("Нима қилай?"); *"Беғубор болалик юлдуздай олис, Аммо хаёл учун у ҳам бир қадам".* ("Хаёл").

2. -даги қўшимчаси ёрдамида ясалган ўхшатишлар: *Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим, Она тилим, кечир мени, она тилим".* ("Она тилим"); *"Сен кўкдаги ҳарир қўйлак, ҳур-пари, Кўк кўлдаги тиниб қолган сувпари".* ("Сувпари").

3. бамисоли кўмакчиси ёрдамида яратилган ўхшатишлар: *"Севги бамисоли лолақизгалдоқ, Тегинмай бўлмайди, Тегсанг тўкилар".* ("Севги бамисоли").

4. Аралаш усулда ўхшатишлар ҳосил қилиш: *"Мадҳиябоз ҳозир суваракдан кўп. Улар мисли қишда тарновдаги муз, Бармоқ тегса ерга тўкилар тўп-тўп..."* ("Хавотир").

II. Лексик-семантик усул ёрдамида ўхшатиш ҳосил қилиш. М.Юсуф бу каби ўхшатишларнинг устаси саналади. Мисолларга эътибор берайлик: **Кузнинг боласини кутиб сарғайган онага:** "Айвонда, хирмонда,

Андижон томонда, **Куз – мени соғиниб сарғайган онам** – Йиғлайди, бу йил ҳам келмади болам... ("Синглимга мактуб"); **юлдузларнинг само кўз ёшларига**: "Ўтар қанча йиллар тўзони, **Юлдузлар – кўз ёши самони**. ("Меҳр қолур"; **боланинг болга**: "Болам-ку, бол, менга дарду нола азиз. Сочларингдан тўкилган бир тола азиз. ("Нима қилай?"); **ўзбек қизларининг ой ва кунга**: "Кўхна дунё, бу **қизларинг** бунча гўзал, Қараб турсам, кўкларда **ой-кунча гўзал**. Қанча гўзал бўлса, алдар шунча гўзал!.. ("Ёлғончилар") ўхшатилиши халқона, ўйноқи сатрларда баён қилиб берилган.

М.Юсуф шеърятти кутилмаган ўхшатишларга, ташбеҳларга бой. Ҳаммамиз доим кўриб, билиб юрган нарса ва ҳодисалар ичидан шоир кутилмаган ташбеҳларни кашф эта олган. Масалан, ёноқнинг лолага, юзнинг ҳилолга ўхшатилиши жуда чиройли чиққан: *"Яшириб не қилдим сизлардан, Лола ёноқ, ҳилол юзлардан, Тўйдим тиллобармоқ қизлардан, Қўли қадоқларни соғиндим.* ("Соғиндим"); *"Ётар қуриб дармони, Мангу ухлар гўл ёноқ. Кўнгли тўла армони, Қўйни тўла қизгалдоқ...* ("Уйкудаги қиз").

"Тиллабармоқ қизлар", "қўли қадоқлар" сифатлашлари ҳам бетакрор мазмунга эга. *"Ўзбекойим набиралари"*нинг *"гўлбадан", "кийикнигоҳ",* дейилиши, *"Ватан"*нинг *"шоҳлари осмонга тегиб турган чинор"*га, *"қўйиндаги ифтихор"*га, *"бўйиндаги тумор"*га, *"Ўзбекистон"*нинг *"пахлавон"*га ўхшатилишида ҳам ижодкорнинг тасвирга инновацион ёндашуви кўзга ташланиб турибди: *"Ўтиб турунг кўчамдан гоҳ-гоҳ, Кўнгил яйрар кўрганим сари. Эй гўлбадан, эй кийикнигоҳ, Ўзбекойим набиралари"* ("Оқ рўмол қизлар"); *"Сен – шоҳлари осмонларга Тегиб турган чинорим, Ота десам, Ўғлим деб, Бош эгиб турган чинорим, Қўйнимдаги ифтихорим, Бўйнимдаги туморим, Ўзинг менинг улуглардан Улугимсан, Ватаним!"* ("Ватаним").

М.Юсуф шеъряттида юксак даражадаги поэтизмларни юзага келтиришда жонлантириш усули ҳам алоҳида ўрин тутати. Жонлантириш асосида учта энг муҳим компонент: тасвирланаётган объект, инсон ва инсонга хос бўлган хатти-ҳаракатлар ётади. Шунга кўра бу усул қўлланганда тасвир объекти бўрттирилади, қабартирилади, унга хос бўлган белги-хусусиятлар ёрқин ва равшан қилиб тасвирланади (Т.Бобоев). Шоир эса бундай тасвир воситаларининг заргари саналади. У ёзади: *"Товонинг ўнади ариқдаги сув, Кўйлагинг этагин ўнади майса".* ("Тушларимга кир"); *"Кўнглим айвонида куз ҳуштак чалар, Кўзимдан ёш бўлиб ёғади япроқ. Баҳорда кўп оғир, Қиқирлаб турса Тиззанга суйкалиб лолақизгалдоқ. Ялангоч новдалар пичирлаб турса, Кузда, сукунатга чўкканда чорбоқ".* ("Баҳорда"); *"Борми биздек ошиқлар, Баҳоримда куз йиғлар. Чақиртошлар товонимни тишлаб олган, Қўлларимни кийикчалар ушлаб олган".* ("Шеърят") *"Сузилма, ой осмонда, Сендан тўлин қизлар бор".* ("Зеби, Зеби...") Жонлантириш асосида *"арикдаги сувнинг товон, майсанинг кўйлак этагини ўпиши"*ни – баҳордаги тошқинларга, майсаларнинг бўй кўрсатишига; *"кузнинг ҳуштак чалиши"*ни – кузак шамолларига, *"япроқнинг кўз ёш бўлиб тўкилиши"*ни – айрилиққа; *"лолақизгалдоқнинг қиқирлаб тиззанга суйкалиши"*ни – кўкламга; *"ялангоч новдаларнинг пичирлаши"*ни – қишнинг келишига; *"кузнинг йиғлаши"*ни – ёмғирлар ёғишига ишора қилиш М.Юсуф тафаккурининг, хаёлот дунёсининг ўта чиройли манзаралари – лингвопоэтиканинг ёрқин намуналаридир. Бу каби тимсоллар бошқа ижодкорларнинг шеъряттида камдан-кам учрайди.

М.Юсуф бадий тасвирларни кучайтириш, ҳаяжонни ошириш, образни бўрттириш мақсадида муболаға борасида барча ижодкорлардан ўтиб тушган.

"Кўрганману кўганим эртасидан, Юрагим қоқ бўлинган ўртасидан" ("Озода"); "Ҳозир кўзим юаману ерга ётиб, Юрагимни суғураман қон йиғлатиб. Йўлбарсчалар есин уни касирлатиб – Юрагимни йўлбарсларга едираман. Қаранг, қандай бахтли боламан! Ўйларимда гуллар ухлайди. Кўзларимда жаранглаб кулгу, Юрагимда... йўлбарс... йиғлайди ("Ёлғончилар"); "Оқ тулпордай миниб оппоқ булутни, Уйингнинг устидан ўтади Руҳим..." ("Унутсанг"); Осмон олис, осмон жим, Осмон қулоқ солади: Юрагимни соғинчим Ёлғонжас қилиб чалади" ("Ёр-ёр").

М.Юсуф шеърига фусун бағишлаган усуллардан яна бири сўзлар такроридир. Улар қуйидаги ўринларда учрайди.

1. Мисралар бошида: **"Гўзалларим, гўзал алдайсиз, Гўзал ҳатто – ёлгонингиз ҳам... Гўзал – кўнгил қолдирмоғингиз, Гўзал – кўнгил олганингиз ҳам. ("Гўзаллар"); "Ёлгончи ёр, ёлгонларинг тугар қачон, Ёлгон йиғлаб, куйганларинг тугар қачон". ("Ёлгончи ёр"); "Сенинг ёнингда ҳам Сени ахтариб, Сенинг ёнингда ҳам Сени кутгучи". ("Биз бахтли бўламиз").**

2. Мисралар ўртасида: **"Наҳорингда пахта, шомингда пахта, Айвонингда пахта, томингда пахта. Оқар оғу бўлиб қонингда пахта, Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?" ("Андижон"); "Озодани севаман мен, Озодани, Сулувларнинг сарвари – хонзодани. Йўлатмасман ёнига шаббодани, Озодани севаман мен, Озодани". ("Озода"); "Айланаман, Шарқни кезиб айланаман, Иболи бир ёр тополмай ўйланаман". ("Туркман қиз").**

3. Мисралар охирида: **"Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон, Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!.." ("Тавалло"); "Қирқ йил чорла, гўрдан чиқмайди Бобур, Чиқса ҳам бағрингга сизмайди Бобур. Ҳинду қучоғида ухлайди Бобур, Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?" ("Андижон").**

4. Битта сўз ёки сўз бирикмасини кетма-кет такрорлаш: **"Дарёдек чайқалиб, дарёдек тошиб, Тўфондек тўхтамай умр ўтказдик". ("Дарёдек чайқалиб"); "Майли -да, кимгадир Ёқса, Ёқмаса, Уларга қўшилиб Йиғлашармидик. Биз бахтли бўламиз Худо хоҳласа, Худо хоҳламаса Учрашармидик..." ("Биз бахтли бўламиз").**

М.Юсуф адабиёт майдонига, ҳар биримизнинг қалбимизга "сўнмас гул" эмас, томирлари қадим ва ҳамиша навқирон юртимизга, меҳнаткаш ва танги, болажон ўзбек халқи ҳаётига туташ **"шохлари осмонларга тегиб турган чинор дарахти"**ни ўтқазиб кетди. Она Ўзбекистон, ўзбек халқи бор экан, бу чинор дарахти асло қуриб қолмаган...

РЕЗЮМЕ. Мақолада Муҳаммад Юсуф шеъриятининг лингвопоэтик хусусиятлари, хусусан, ассонанс, аллитерация, ўхшатиш, жонлантириш каби бадиий воситалардан фойдаланиш маҳорати очиқ берилди.

РЕЗЮМЕ. В статье раскрываются лингвопоэтические особенности поэзии Мухаммада Юсуфа, в частности, умение использовать такие художественные средства, как ассонанс, аллитерация, сравнение, олицетворение.

RESUME. The article reveals the linguistic and poetic features of the Muhammad Yusuf, in particular, the ability to use such artistic means as consonance, alliteration, comparison, animation.

Таянч сўз ва иборалар: шоир, ижодкор, маҳорат, лингвопоэтика, ассонанс, аллитерация, ўхшатиш, жонлантириш, муболага, такрор.

Ключевые слова и выражение: поэт, творец, мастерство, лингвопоэтика, ассонанс, аллитерация, сравнение, олицетворение, преувеличение, повтор.

Key words and word expressions: poet, creator, skill, linguopoetics, assonance, alliteration, comparison, animation, exaggeration, repetition.

"ҚАДИМГИ ТУРКИЙ СЎЗЛАР ЛУҒАТИ" ОНОМАСТИК ТАДҚИҚОТЛАР УЧУН МАНБА СИФАТИДА

Туркий номшуносликда тарихий ономастика билан боғлиқ масалалардан бири "тарихий номлар" тушунчасини конкретлаштириш ва қадимги туркий қатламдаги тарихий номлар қандай номлаш тамойиллари орқали юзага келганлиги, шу билан бирга, уларнинг мотивациясида қандай мотивлар етакчилик қилганлигини аниқлаш ҳамда эски қатламга оид ономаларни бугунги замонавий номлар фондидан фарқлаш, чегаралаш масаласи саналади. Бу чегарани белгилашдаги асосий муаммо "тарихий номлар" жамланмаси остидаги номларнинг маълум қисми ҳозирги ўзбек ономастик фондида истеъмолда мавжуд эканлигидир. Аслида бундай номлар тилда пайдо бўлиш даврига кўра тарихий бўлиб саналса ҳам, ҳаётийлигига кўра замонавий ҳамдир. Демак, ана шу фонддаги айрим номлар ҳам тарихийлик, ҳам замонавийлик хусусиятига эга, айримлари тарихий ёзма манбаларда қўлланиб, ҳозирда ишлатилмаслиги билан "унутилган, ўлик" номлар сирасига киради. Табиийки, номларнинг турли даврлардаги маъно хусусиятларини, ривожини тадқиқ қилиш ҳамisha муҳим илмий аҳамият касб этади.

Н.Хусанов антропонимларнинг турли даврлардаги маъно хусусиятларини, ривожини тадқиқ қилиш муҳим илмий аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб, ўзбек антропонимлари тарихий ёдгорликлардаги хусусиятларига кўра икки гуруҳга: 1) умумтуркий даврга хос бўлган ёдгорликлардаги антропонимлар; 2) эски ўзбек адабий тилига хос ёдгорликлардаги антропонимларга бўлинишини қайд қилади¹. Бу бўлиниш, бизнингча, қадимий туркий номлар фондини тиклашда қўл келмайди. Чунки X асрдан кейинги ёдгорликларда (умумтуркий бўлишига қарамай) бошқа тилларга оид номлар (асосан, ислом дини таъсирида арабий номлар, форсий бадийий адабиёт таъсирида форсий номлар) салмоқли ўрин эгаллай бошлади. Шунинг учун, биринчи навбатда, мақсаддан келиб чиққан ҳолда, VI – XI асрлар ёдгорликларидаги апеллятиви арабий ва форсий бўлмаган, асл туркий номлар ва шу даврга оид номинация жараёнининг ўзига хосликлари таҳлил қилиниши лозим. Айниқса, милодий V асрдан – X асргача бўлган узоқ даврни ўз ичига олган қадимги турк даврида қўлланилган номлар қадимий туб туркий ономастик фондни тиклашда қўл келади. Бу ишда бизга биринчи навбатда ўша давр ёдномалари табдил ва таҳлил қилинган ишлар (маҳаллий ва рус тилшунослари билан бирга, қардош турк, озарбайжон ва қозоқ тилшуносларининг тадқиқотлари), қолаверса, нуфузли луғатлар манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда ҳам "Қадимги туркий сўзлар луғати" ("Древнетюркский словарь") энг нуфузли туркологик, туркий тилларнинг биринчи умумлаштирувчи луғати саналади. Луғат илк бор 1969 йилда нашр этилган,

¹ Х у с а н о в Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: "Navro'z", 2014, 15-бет.

луғатнинг тўлдирилган, қайта ишланган 2-нашри 2016 йил Остонада нашр қилинган. "Қадимги туркий сўзлар луғати"нинг янги нашри учун А.Жафарўғлунинг "Eski uygur türkçesi" (Истанбул, 1968), Г.Клосоннинг "An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish" (Оксфорд, 1972), К.Роҳнборннинг "Uigurishches Wörterbuch. Sprachmaterial der vorislamischen türkischen Texte aus Zentralasien" (Viesbaden, 1977–1998), Э.Н.Нажипнинг "XIV аср туркий тилларининг тарихий-қиёсий луғат"лари (Москва, 1979) қайсидир маънода лексикографик манба ва материал бўлиб хизмат қилган.

Ушбу луғатда кейинги саксон йил ичида дунёнинг турли бурчақларида сақланган ва нашр қилинган VII–XIII асрларга оид кўплаб туркий ёдгорликлар лексиконидаги 20 000 га яқин сўз, иборалар билан бирга антропонимлар, топонимлар, этнонимлар каби ономастик бирликлар изоҳланган. "Қадимги туркий сўзлар луғати" манбалари бўлиб хизмат қилган ёдгорликлар табиати ва мазмунига кўра ҳар хил, уларни ёзув турига кўра 5 гуруҳга бўлиш мумкин².

"Қадимги туркий сўзлар луғати"да атоқли отлар умумий турдош отлардан фарқли ҳолатда, ўзига хос ишоралар билан берилган, кейин далиловчи иқтибос келтирилиб, манбаси қавс ичида кўрсатилган. Масалан: антропонимлар (**ADAJ** II и. *собств. (FT I)*), этнонимлар (**ALQA** этн. Наименование одного из огузских родов (МК I 56) ва топонимлар (**AČIY** III **Ačiy altır köl** *геогр.* Озеро Солёный Алтир (МСН V 6) ёки **ADAQ** II. **Adaqtutuq** *геогр.* Название населенного пункта (USp 62) каби шаклда қайд қилинган.

"Қадимги туркий сўзлар луғати"да атоқли отларнинг бир қанча ономастик типлари мавжуд:

1. Антропонимлар: *Badruq* (таниқли), *Alqaši* (alqa – алқамок, благославять), *Ajas, Ajaz* (чиройли юзли қулларга берилган исм), *Ayduq* (ay – силок, ловушка; ляйки; йиқилмок; юзи ўзгармок, бурушмок; ой кўтарилмок), *Ačiq* – (ačiq – шўр; тортик (награда), *Ačqi* (калит, очкич), *Adaj* (adaj – қушча), *Adaš* (ўртоқ, дўст), *Anar* (ana – она), *Artuqač* (artuq – оптик), *Bayayut* (бойбадавлат + yut – одам), *Baqši* – (хитойча маъноси: ўқитувчи, наставник), *Barqin* (йўлдош, путник), *Batuq* (batu – қимматбаҳо тош), *Böñak* (böñ – семиз; товуш), *Biñančuq* (biñan – хайрли хизмат, biñanči – иноятли) каби.

Ушбу луғатда аксарият луғатлардаги каби асосан эркаклар исмлари берилса ҳам, айрим ўринларда аёллар исмлари ҳам учрайди: *Adar qiz* (adar – бўлиш, анализ қилиш), *Adi jekä, Alču xatun* (alči – ёлгончи, айёр), *Anar, Baj ara, Bekina, Bekira, Uma xatun, Bušaču* (buša – йиғла, сиқилмок), *Činar čečäk qiz* (čīn – ҳақиқий), *El bilgä qatun, Iširä, Julduz, Jumšaq, Juqa, Muñsuz* (muñsiz – қайғусиз, беғам), *Qaz* (qaz – ғоз; дарахт пўстлоғи – Афросиёбнинг кизи), *Qiz turmiş* (qiz – қиз; қиммат; бахил), *Anač* (кичик қиз – умница), *Batra qiz, Turuś qatun* (turuś – жанжалкаш) кабилар.

2. Топонимлар: *Aq terak, Aq temal, Qapa* (qapa – кўтарилган, баланд), *Qijimtu* (qijim – кўркув, ваҳима), *Altun aryu uluś* (Таласнинг номи), *Altun jış* (Олтойдаги жой), *Aluś* (Қашқардаги кишлок), *Aryu* (Тараз ва Боласоғун оралиғидаги жой), *Arqar* (ороним), *Artuč, Aščan, Avqan, Bayram qumī, Baj baliq, Baj jiyāč, Barxan, Beñligak taγ, Bidilqim, Bükäguk, Bükür...*

² Древнетюркский словарь. – Астана: "Ғылым", 2016. – С. 12.

3. Этнонимлар: *Afshar, Alqa, Bajirqu, Apar, Aramut, Aryu, Arsaqaj, Az, Bayat, Bajirqu, Bajundur, Barsyan, Bars, Bulyar, Bügdüz, Qipchaq, Toḡra ...*

4. Гидронимлар: *Abiskun* (Каспий денгизи), *Adḡıraq suvi* (адḡıraq – тоғ қўйи \\\ Яғмодаги дарё), *Aq say, Qudsaj* (qud – қуйиш), *Kök taluj* (taluj – денгиз), *Türgi jaryun* (кўл номи), *Ani* (дарё номи), *Bib bilanuq* (дарё номи), *Bolču \\\ Boluču* (дарё)...

5. Космонимлар: *Aditja* (Қуёш), *Aviči, Aḡarak \\\ Aḡarak* (Марс), *Anurat* (Чаён буржи), *Ardır* (Орион буржи), *Ašliš* (ой буржларидан бири), *Buḡdaj baši* (Дева), *Kun bürči, Arslan bürč, Qara quš* (Юпитер), *Qarinč ...*

6. Зоолексемалар: *Qulan* (qulan – ёввойи эшак), *Tajḡan* (tajḡan – този), *Toḡa* (toḡa – леопард), *Qoç* (қўчқор), *Qon* (қўй), *Adḡıraq* (адḡıraq – тоғ қўйи), *Bars* (bars – йўлбарс), *Iktü* (iktü – уй хайвони), *Jaryun* (jaryun – ёввойи хайвон номи), *Taqıq* (товуқ), *Arqar, Azman* (кастированный баран), *Ažru* (шакал), *Bayırlaq* (порода дикий уток), *Baqaşıq* (курбакача), *Baraq, Bojnaq* (ящерица), *Borsuq \\\ Borsuq, Bög* (қирқоёқ тури), *Bükä* (катта илон)...

7. Фитонимлар: *Bür, Amaç, Amra (Mangifera indica), Aḡduz* (двясил), *Yaḡaq* (ёнғоқ), *Arčun* (terminoliya), *Armuḡ, Artiz \\\ Artuç* (можжевельник), *Artun* (тмин), *Arubat* (тамаринд), *Aruri* (миробаланы – *Terminalia chebula*), *Asurtıy* (чемерица – *Veratrum*), *Avja* (айва), *Avuzıy* (акация тури), *Aryuvan, Badijan (Illicium verum), Bar jigdä* (лох узколистый – *Elaeagnus angustifolia*)...

"Қадимги туркий сўзлар луғати"даги атоқли отларни таркибига қўра содда таркибли, қўшма таркибли номлар тарзида бўлиб кўрсатиш ва изоҳлаш мумкин:

1. Содда таркибли атоқли отлар: *Aba, Aviči, Abiskun, Abi, Abiç, Abiq, Açıq, Açıq, Adaş, Adıy, Ayıy, Afshar, Ayduq, Ajas, Ajaz, Alap, Alanı, Alçu, Alpayut, Alqa, Alqaşı, Altu, Amu, Anar, Arçuq, Aqış, Aqpıra, Aqış, Arda, Arçuq...*

2. Қўшма таркибли атоқли отлар: *Turuq edgü toyıl, Apa tarqan, Abamu burḡan, Adaj tutuḡ, Adaq tutuḡ, Adı jekä, Aduy tutuḡ, Aj qayan, Alp aja, Ajluç tarqan, Jabiz ajna, Xan Buzrach, Uträt mama, Botı bök taqdı, Bögu qayan...*

Қўшма таркибли атоқли отларни ҳам ўз ичида қуйидагича таснифлаш мумкин: **а) деривацион қўшма таркибли атоқли отлар:** *Bidajbıqı, Adı jekä, Er böri, Ajolutçı, Ajtoldı, Alp aja, Arslan Balban, Qanturmiş, El toyan, El tergüg ...* **б) таркиби титул-унвон билан кенгайган атоқли отлар:** *Aduy tutuḡ, Basa toyıl, Bimbasi elig, Aj qayan, Ajluç tarqan, Altun taj saḡun, Altun tamyan tarqan, Begaç Arslan tegin, Basan jalavaç, Masar qayan, Bögu qan, İnançı çur...* Ўзбекистонда, луғатдаги атоқли отлар қаторида қўш титулли қўшма номлар ҳам анчагина: *Şaşa tutuḡ seḡun, Begi tutuḡ qırqu seḡun, Bars qan saḡun, Bayatur çigşı, Bögu qan saḡun* каби.

Бу каби антропонимларда титуллар деярли ном таркиби даражасига чиққан ва улар бир қанча туркологлар томонидан изоҳланган. Масалан, **Seḡün \\\ Saḡun** – хитойча (tszyan-tsyayun); "титул, rütba³", "ҳозирги генералга тўғри келади"⁴; "лашқарбошига берилган унвон ва айни вақтда битиктош ясовчи уста"⁵ каби. \\\ **Tutuq** – хитойча (ti-tog) – вилоят ҳарбий бошқарувчиси

³ Рәсәбли Ә.Ә. Qədim türk yazısı abidələri. 4 cild. II cild. Göytürk yazısı abidələri. II hissə. – Bakı: "Nurlan", 2009. – S.404.

⁴ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1982, 120-бет.

⁵ Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи, 16-бет.

ва исм компоненти; "вилоят ҳарбий ҳоками. Хитойча *dudu* ёки *to-tog* сўзидан олинган, дейилади. Лекин аксинча бўлиши ҳам мумкин"⁶; Ҳарбий маъмурият бошлиғи учун *tutuq* қўлланган⁷. \ \ **Tutuq** – хитойча (tu-thoŋ) – вилоят бошқарувчиси ва исм компоненти. \ \ **Tarqan** \ \ **Tarxan** – титул; ҳукмдор титули \ \ **Toyril** \ \ **Tegin** – хон оиласининг кичик аъзоси (шаҳзода) \ \ **Elig** – бош ҳукмдор. \ \ **Qan** \ \ **xan** – титул (*Qayan qan*) ва исм таркиби (*Qan oyul*, *Qan elči*, *Bars qan saŋun*, *Jaylaqar qan* кабиларда). \ \ **Baya** – олий титул (суғдча βγ). \ \ **Qayan** \ \ **xaqan** – титул (асосий хон) ва исм таркиби (*Aj qayan*, *Altun qayan*, *Urum qayan* кабиларда). \ \ **Čur** – титул. \ \ **Jalabač** \ \ **Jalawaš** \ \ **Jalavač** – элчи. **с) таркиби лақаблар билан кенгайган қўшма номлар:** *Bulat aŋru*, *Altun qara*, *Aq baš atiq*, *Arslan balban*, *Barča toymiš*, *Qutadmiš bars*, *Bilga čikšan*, *Bucaŋ tekä*, *Bujančuq silavanti*, *Čaŋir tajši*, *Čoba jiqmiš* кабилар.

Маълумки, ижтимоийлик ва тарихийлик атоқли отларнинг доимо асосий хусусиятларидан биридир. Атоқли отларнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги уларни танлаш мотивида, шунингдек, уларга турли ижтимоий, этнографик, диний маънолар юкланишида ҳам кўринади. Г.Н.Гумилевнинг ёзишича, қадимий даврда туркларнинг туғилганда берилган исми шахснинг ижтимоий аҳволи, жамиятдаги ўрнига қараб ўзгариб турган⁸. Шу жиҳатдан бугунги кунда ҳам қадимги атоқли отларни (ономаларни) номинация тамойиллари асосида таснифлаб ўрганиш асосий муаммолардан бири сифатида қаралади.

Номинация, яъни борликда нарсаларга берилган ном моҳиятан икки хил бўлади. Биринчи номинация – нарса ва ҳодисага берилган илк ном. Иккиламчи номинация ўша сўзлардан фойдаланиб, бошқа нарсаларни номлаш, яъни тилдаги мавжуд сўз, сўз бирикмасидан иккинчи бора фойдаланишдир. Иккиламчи номинация шартлидир, чунки тилдаги баъзи сўзлар номлаш жараёнида уч ва ундан ортиқ ҳолатларда ҳам иштирок этиши мумкин. Номнинг муайян мотивга эгалигини мотивланганлик ("мотированность", "мотировка"), мотив учун асос бўлган белги, ҳолат, тушунчани "мотификатор", "мотивема" деб юритишади⁹. Атоқли отлар иккинчи номинация натижаси, чунки улар асосини тилдаги аввалдан мавжуд сўзлар ташкил этади. Шу сабабли ушбу "Қадимги туркий сўзлар луғати"даги атоқли отлар иккинчи бор номлаш қонуниятларини тадқиқ қилиш учун бой материал бера олади.

Хуллас, ушбу луғатдаги материаллар атоқли отларнинг номинацион-мотивацион: лингвомотиватив ва этномотиватив асосларини белгилаш, уларнинг семантик тузилишини ташкил қилувчи мотиватив маъно типларини аниқлаш, қадимги тарихий номларини мотиватив асоси ва номинацион хусусиятларига кўра таснифлаш, улардаги энциклопедик маъноларини таҳлил қилиш, атоқли отлар семантик тараққиётининг лингвистик ва экстралингвистик омилларини асослашда салмоқли аҳамиятга эга.

⁶ Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил, 119-бет.

⁷ Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. – Тошкент, 1993, 28-бет.

⁸ Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: "Наука", 1967. – С.21.

⁹ Наумов В.Ген. Явление мотивации слов в системе диалекта (лексический аспект). – Томск, 1985. – С. 23.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада "тарихий номлар" ва уларни чегаралаш, бу масала ечимида "Қадимги туркий сўзлар луғати"нинг аҳамияти, луғатдаги ономастик бирликлар, хусусан, VI–XI аср ёдгорликларидаги асл туркий номлар фонди хусусида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В данной статье речь идет об "исторических именах" и их разграничении, о значении "Древнетюркском словаря" в решении данной проблемы, ономастических единицах в словарях, в частности, о запасе исконно-тюркских названий в памятниках VI–XI вв.

RESUME. This article talks about "historical names" and their delimitation, the significance of the "Dictionary of Old Turkic" in solving this problem, the onomastic units of the dictionary, in particular, the stock of original Turkish names in monuments of the 6th–11th centuries.

Таянч сўз ва иборалар: ономастика, тарихий ном, номинация, мотивация, луғат, антропоним, топоним, фитоним, содда таркибли, қўшма таркибли, титул.

Ключевые слова и выражение: ономастика, историческое название, номинация, мотивация, словарь, антропоним, топоним, фитоним, простая композиция, сложная композиция, титул.

Key words and word expressions: onomastics, historical name, designation, motivation, dictionary, anthroponym, toponym, phytonym, simple composition, compound composition, title.

Ойбек НУРЖАНОВ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДАГИ ТҶЙ-МАРОСИМ НОМЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР

Ўзбек маросим лексикаси этнографик лексика билан узвий боғлиқ бўлиб, баъзи ўринларда маросим лексикасига объект бўлган материал этнографик лексиканинг ҳам объекти бўлиши мумкин. Бу ҳолат шу объектнинг характер хусусиятига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Қорақалпоғистон ўзбеклари лексикаси жуда бой ва ранг-баранг бўлиб, ўзининг шаклланиши, тараққий топиши нуктаи назаридан тарихийлик касб этади. Шевалар лексикасида учрайдиган маросим ифодаловчи айрим сўзлар бошқа халқ шеваларида учрамаслиги билан характерлидир. Тугал гап тарзида *сыпра қакты* атамаси ҳам Хоразм ўғуз шеваларида тўйдан кейинги якуний маросим номини ифодалайди.

1. Никоҳ маросими номлари лексикаси

Никоҳ маросими лексикаси ўзининг аҳамияти, миқёси, ўз таркибига кўпгина кичик маросимларни бирлаштириб, таркибий қисми сифатида шева ва диалектлардаги ифодавийлиги билан ажралиб туради. Никоҳ маросими лексикаси урф-одат билдирувчи сўзларга яқин, баъзи ўринларда, асосан, соф этнографизмлар сирасига ҳам киради. Халқнинг моддий, маънавий турмуш тарзини тўлақонли акс эттирувчи лексиканинг бир қисмидир. Бевосита диалектизмларга бойлиги билан ҳам, тарихан шаклланиши билан ҳам, тарих ва этнография фанида ўз йўналиши бўйича кенг ўрганилувчи соҳа. Халқ шевалари қанчалик ранг-баранг бўлса, никоҳ маросими лексикаси ҳам ўзининг диалектларда ифодаланишига кўра ранг-баранглик касб этади.

Аслида, қадимда тўй маросимининг бошланиши ирим-сиримлар асосида кенг шаклланган бўлиб, характер-хусусиятига кўра, этнографик характерга эга бўлади. Лекин шу ўринда икки дўст ёки қариндошлар тенг фарзанд кўриб, бири қиз, бири ўғил бўлса *қулақ тишләтиш* маросими ўтказилган. От-ҳаракат номининг бирикувидан ташкил топган бу ном ҳам аёллар ўртасидаги кичик маросимни англатиб, қариндош-уруғчиликнинг

мустаҳкамланиш белгиси сифатида қаралган. Ўзининг маълум даражада маросимлик хусусиятидан келиб чиқиб, маросим лексикаси қаторига киритишни маъкул кўрдик. Ушбу маросим номи халқ шеваларида *аташтирув / атақламоқ / адамақ / айтып қойылган / адағлы* лексемалари билан ҳам юритилган. Ҳозирги пайтда бу лексик бирликлар деярли истеъмолдан чиққан.

*Эшигиңи айдъ меваль-бағлы,
Деймә жаным, мән шу балаға адағлы.*

(Халқ кўшиғи)

Никоҳ тўйининг бошланиши анча масъулиятли бўлиб, унчага ўтказиладиган маросимлар номи шева ва диалектларда анчагина миқдорни ташкил этади¹. Масалан, оғры *пәти:р*, уллы *пәти:р*, *ойгөрәр*, *пәтйә той*, *хи:на йақар*, *тойлық аппарыш*, *хизмәта чақырық/ геңәш той* каби атамаларнинг ҳар бири ўз характериға кўра этнографик лексиканинг ҳам бой материали ҳисобланади. Бу маросимларни ифодаловчи атамаларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда қўлланмайди. Масалан, "ойгөрәр" маросими деярли унутилган бўлиб, кекса авлод вакиллари билиши мумкин, холос. Маросим лексикаси халқ тарихини энг мусаффо сақлайдиган қисми. Бу лексикани ўрганиш жараёнида шу халқнинг қадимдан қай тарзда ва қандай ҳолатда яшаб келаётганлиги, қисқаси, унинг маънавияти, маданияти ҳамда ўзлигини қай даражада сақлаганлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. Тарих ва этнография фани учун ҳам баъзи ўринларда қимматли материал вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Тўй маросими лексикаси таркибига кирувчи атамалардан бири *көрпә бичәр/ көрпә и:мь/ көрпә иммә* номи билан юритиладиган маросимдир. Бу лексик бирлик ифодалайдиган маросим тўйдан олдин бошланиб, келин уйини жиҳозлаш учун кекса аёллар ўртасида ўтказиладиган маросим ҳисобланади. Қиз томон тайёрлайдиган нарсалар ўғуз шеваларида *сен*, қипчоқ шеваларида *мўскәнә* деб юритилади.

Бундан кўринадики, маросим лексикаси халқ шевалари луғатига анчагина қимматли материаллар беради ва унинг бойишида ижобий таъсир кўрсатади. Тўй куни яқинлашган сари турли маросимлар ўтказила бошланади. Деярли ҳар куни битта маросим ўтказилиб, ўзининг характер-хусусиятиға кўра номланади. Шу ўринда от ва феълнинг инфинитив шаклининг бирикуви натижасида шаклланган маросим номини ҳам келтириш мумкин. Маросим лексикаси таркибидаги *ун әләр* лексемаси иккита сўз қўшилиб, *унәләр* шаклиға келиб, синхроник жиҳатдан олиб қаралганда бир ўзақдан ташкил топган маросим номини билдирувчи атамалар сирасига киритиш мумкин.

Тўй маросимини билдирувчи ҳамда у билан боғлиқ маросим номлари шева ва диалектларда кўпинча от + феъл таркибли атама сифатида шаклланган. Бу ҳолат узоқ асрлар оша шаклланганлигини ҳисобға олиб, уларни атамалашиш жараёнини бошдан кечирмоқда, деб изоҳлаш мумкин. Чунки икки сўздан ташкил топган маросим номларининг шева ва диалектларда қўлланишини эътиборға олсак, иккала сўз ўртасидаги, яъни иккинчи компонентнинг биринчи товуши анча заифлашганлиги кузатилади. Масалан: *унәләр*, *ойгөрәр* каби. Асосан бу бирикмаларнинг талаффуз

¹ Sarimsoqov B. Beshik to'ylari folklori \ O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi. – Toshkent: "O'qituvchi", 1990, 120–130-betlar.

килинишида икки сўз ўртасида деярли пауза йўқлиги сезилади. Никоҳ тўйидан олдин баъзи ўғулар яшайдиган ҳудудларда чайхалта қайтариш маросими амалга оширилади. Бу маросим қипчоқ шевалари лексикасида деярли учрамайди. Ўғуз шевалари лексикасида ҳозиргача бу маросим номи фаол қўлланади.

Никоҳ тўйидан бир кун олдин қиз уйида бўладиган маросим номи ўғуз шеваларида *хи:на йақар / қи:з йеңлар* атамалари билан ифодаланса, қипчоқ шеваларида *қыз жинар / қыз йиғын* номлари билан юритилиб, ўғуз шеваларидаги талаффузига нисбатан фонетик жиҳатдан фарқ қилади. Никоҳ тўйига алоҳида тайёргарлик кўрилишининг ўзи у билан боғлиқ бир қанча маросимларнинг ўтказилишига сабаб бўлади. Булар қаторига юқоридагилардан ташқари от + феъл шаклидаги *қарры чақырық, рейис чақырық* каби икки сўздан ташкил топган атамалар ҳам мансуб. Бир компонентли атамалар ҳам борки, маросим номини билдиришда улар кам иштирок этади. Масалан: *отырышма, геңайш* каби. Баъзи ўринларда маросимга айтилган меҳмонлар ҳажмига қараб ҳам аталиш хусусияти сезилади: *уллы той, киччи той* каби.

Этнографик хусусиятига эга бўлган, яъни тўй бошланишидан олдин қозон бошида ошпаз бошчилигида ўтказиладиган кичик маросимлар борки, улар ўғуз шеваларида *жин қаишты*, қипчоқ шеваларида *чопъмә*, аралаш тип шеваларида *тухумбаш* деб юритилади².

Никоҳ тўйи эртасига ўғулар яшайдиган қисмида *гәли:н гөрәр* маросими ўтказилиб, баъзи ҳудудларда шу куни пишириладиган таом номи билан аталиб, *гәли:н бәрәк*, қипчоқ шеваларида эса *бет ачар / йўзачар* атамалари билан ифодаланиб, бу номлар қўшма сўз сифатида шаклланган³. Тўйдан кейинги даврда ҳам ўтказиладиган маросимлар борки, улар маросим лексикасининг бойиши учун хизмат қилади. *Қуда данышма, чапан палав* каби атамалар маросим номини англатиши билан бирга, халқ тарихининг ҳам маълум томонини ёритиб, ўзига хос миллий-маънавий томонини кўрсатади. Маҳмуд Кошғарий "Девону луғотит турк" асарида маросим лексикасига оид сўзлар ҳам учрайди: *тойлық* (уғ.) – *жйфуш* (ДЛТ, 3-жилд, 18-бет); *геңайш* (уғ.) – *кенаш* (ДЛТ, 3-жилд, 376-бет) каби.

Юқорида келтирилган маросим ифодаловчи атамаларнинг кўпчилиги фақат Хоразм ўғуз шеваларига хос бўлиб, деярли бошқа ўзбек шеваларида учрамаслиги билан характерлидир. Бундан ташқари, *гийәв алыш, хатын хавары* каби маросим ифодаловчи сўзлар фақат Урганч туманининг Ғойбу, Қоромон, Бекобод қишлоқ шеваларида учрайди.

Хоразмликлар билан туркманлар ёнма-ён яшашлари, уларнинг урф-одатларидаги муштаракликлар улар лексикасида ҳам кўзга ташланади. Бу ҳолат ҳақида кўпгина олимлар ўз фикрларини билдирганлар⁴. Юқоридаги *той, ника той, а:д қойыш, бешък той, сўннәт той, геңайш* каби диалектизмлар туркман тиллари учун ҳам муштаракдир.

2. Ёш билан боғлиқ этнографизмлар

Инсон ёши билан боғлиқ маросим номлари халқ шеваларида пайдо бўлган кейинги ҳодисадир. Албатта, бу маросим номларининг пайдо бўлишига маълум даражада инсоният тарихида юз берган ижтимоий-сиёсий

² Mirzayev N. O'zbek tili etnografik leksikasi.AKD. – Toshkent, 1971.

³ Ishayev A. Qoraqalpog'istondagi o'zbek shevalari. – Toshkent: "Fan", 1977, 118-bet.

⁴ Arazquliyev T.S., Ataniyazov S., Berdiyev R., Saparova G. Turkman tilining qisqacha dialektologik lug'ati. – Ashgabad: "Ilm", 1977.

бухронлар сабабдир. Бунинг натижасида Европа урф-одатларига хос бўлган маросимлар мусулмон халқлари орасида ҳам аста-секин тарқала бошлади. Шунгача бўлган даврда диний нуқтаи назардан фақат вафот этган шахснинг қазо қилган куни маълум бир кичик диний маросим уюштирилган. Ҳозирги даврда инсон маълум ёшга етганини билдирувчи маросимлар пайдо бўлди: 1) ёш билан боғлиқ номлар: *йубилей, қырқ йаш тойи, бър йаш тойи, мучъл тойи*. Булар, асосан, сифат + от, сон + от, от + от типига шаклланган бўлиб, муайян маросим номини ифодалайди; 2) диний қарашлар асосида шаклланган ёш билан боғлиқ маросим номлари: *пейғамбәр йаши тойи, минг ай гөрдь* каби бирикмали маросим номлари ҳам мавжуд. Бу маросим номини ифодаловчи лексик бирликлар ҳам ташқи таъсирлар асосида кейинги даврларда шаклланган бўлиб, маросим лексикаси қатламида неологизм сифатида қаралади.

3. Диний маросим номларини ифодаловчи этнографизмлар

Бундай лексик бирликлар шева лексикасида салмоқли ўринни эгаллайди. Чунки араблар истилосидан сўнг қанча вақт ўтган бўлса, шу даврдан бошлаб шаклланиб, халқ онгига сингиб, улар лексикасида ўзининг мустаҳкам изини қолдирган. Бундай маросимлар сирасига, асосан, сон билан ифодаланувчи, яъни рақамларга асосланган *ўчи, йеддъси, қырқы* кабилар киради. Бундан ташқари, мусулмон ойлари билан боғлиқ *иптарлық, сә:рлик, қурванлық* кабилар ҳам маросим лексикасига хос диалектизмлардир. Диний маросимлар ўзининг асос эътибори билан халқ шеваларида мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Диний маросим номларини ифодаловчи диалектизмлар, асосан, барча туркий халқлар шевалари учун умумийдир. Шу нуқтаи назардан, айрим фонетик ўзгачаликларни ҳисобга олмаганда, уларнинг аталиши мотивида деярли ўзгаришлар учрамайди. Баъзи ўринларда лексик ўзгачаликлар бўлиши эса қонуний ҳол. Масалан, *йўз гўнлик, йлли икки гўнлик, жумалық* каби лексик бирликлар ўғуз шева вакиллари лексикаси учун бутунлай бегонадир.

Умуман, Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари таркибидаги этнографизмлар ўзининг соҳалараро боғлиқлиги, ранг-баранглиги, этимологик-семантик табиати, дериватив асослари нуқтаи назаридан махсус ўрганишни талаб этади. Бу ҳол халқ тарихи ва этнографияси учун ҳам қимматлидир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Ўзбек шеваларида тўй-маросим ифодаловчи лексик бирликларнинг турлари ҳақида сўз юритилган. Жумладан, никоҳ маросими номлари лексикаси, ёш билан боғлиқ этнографизмлар, диний маросим номларини ифодаловчи этнографизмлар бўйича фикрлар кенг тарзда баён қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются типы лексических единиц, выражающих свадебные обряды в узбекских диалектах. В частности, широко изложены лексика названий брачных ритуалов, возрастные этнографизмы, а также этнографизмы, выражающие названия названий религиозных обрядов.

RESUME. This article discusses the types of lexical units used in Uzbek dialects to describe weddings. In particular, the vocabulary of wedding names, age-related ethnographies, ethnographies representing the names of religious ceremonies are widely discussed.

Таянч сўз ва иборалар: лексика, этнографизм, этнографик лексика, шева, никоҳ маросим, диалект, кипчоқ шевалари, ўғуз шевалари.

Ключевые слова и выражения: лексика, этнографизм, этнографическая лексика, диалект, брачный обряд, кипчакские диалекты, огузские диалекты.

Key words and word expressions: lexicon, ethnography, ethnographic lexicon, dialect, wedding ceremony, dialect, kipchak dialects, oghuz dialects.

АБАЙНИНГ "ИСКАНДАР" ПОЭМАСИ ГЕНЕЗИСИ

Адабиёт тарихида анъанавий характер касб этган ва улкан адабий анъаналарни юзага келтирган мавзулар мавжуд. Шарқ халқлари, хусусан, туркий халқлар бадий тафаккури такомилида асрлар давомида қайта ишланиб шуҳрат тутган ана шундай мавзулардан бири Искандар мавзуси ҳисобланади. Мазкур қиссанинг илк сарчашмалари Александр ҳақидаги тарихий манбаларга бориб тақалса-да, у кейинчалик фольклорга, диний манбаларга, тарихий асарларга ва бадий адабиётга трансформация бўлди. Мана шу жараёнда қадимий сайёр сюжетлар сингари турли халқлар ёзма адабиётида ижодий қайта ишланиб, уларнинг маънавий бойлиги ҳазинасига сингиб борди. Бундай анъанавий сюжетлар Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари ёзма адабиётида кўп учрайди. Турли даврларнинг истеъдод эгалари бундай кўчманчи сюжет ва мотивлар асосида асарлар яратиб, шу аснода ўз ижодий индивидуалликларини, поэтик маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишган.

Искандар мавзуси Ўрта Осиё халқлари адабиётида муқим ўрнашиб қолган шундай анъанавий мавзуларнинг энг муҳимларидан бири. Мазкур мавзу туркийзабон халқлар адабиётида тарқалишидан илгари араб ва форс адабиётда кенг оммалашган эди. Шарқ адабиёти тарихида Искандар қиссаси асосидаги илк маснавий – дostonни X аср охирида Фирдавсий яратди ва уни ўз "Шохнома"си таркибига киритди. Ундан кейин, аниқроғи, XIII бошларида Низомий Ганжавий "Панж ганж" таркибида бешинчи дoston сифатида "Искандарнома"ни ёзди. Шу тариқа Искандар мавзуси хамсанавислик анъанасига ҳам трансформация бўлди. Шундан сўнг Хусрав Дехлавий 1299 – 1302 йиллар оралиғида ёзилган ўз "Хамса"сининг тўртинчи дostonини Искандар мавзусига бағишлади. XV асрда эса Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий Искандар ҳақида махсус дostonлар – "Хирадномаи Искандарий" ва "Садди Искандарий"ни яратишди. Алоҳида қайд этмоқ керакки, Алишер Навоийнинг XV асрда яратилган "Садди Искандарий" дostonи мазкур мавзунинг минтақа адабиёти, хусусан, туркий тилдаги адабиётда муқим бўлиб қолиши ва кейинги ривожда катта роль ўйнади. Навоий дostonининг кейинги даврлардаги туркий адабиётга таъсири изларини қозоқ адабиётининг улуғ намояндаси Абай Қўнанбой ўғлининг "Искандар" поэмасида (XIX аср) ҳам кўриш мумкин.

Навоийнинг дostonи ҳам, Абайнинг дostonи ҳам – тарихий асар эмас. Ижодкорлар уларда Искандар билан боғлиқ турли воқеалар воситасида, асосан, ўз нуқтаи назарини, фикрларини бадий талкин этади ёхуд мавзунинг ўз дунёқараши ва фикрларига мувофиқ эпизодларини танлаб олишади. Навоийнинг дostonи ҳажман анча катта бўлиб, унда кўпгина воқеалар қаламга олинган. Абай дostonи мухтасар бўлиб, дoston сюжети марказида Искандар ҳамда қўшинининг чўл ўртасида сувсиз қолиб кетиши, сўнгра Искандарнинг бир шаҳарга бориши эпизоди туради. Яъни Абай поэмаси Искандар қиссасидаги бир эпизод тасвирига бағишланган бўлиб, унда қиссадан маърифий ҳисса чиқариш асосий мақсад қилиб олинган.

"Садди Искандарий" ва "Искандар" дostonлари сюжет қамрови, тафсилотлар жиҳатидангина эмас, мазмунан ҳам жиддий фарқларга эга. Бу ҳолат асосий қаҳрамон талкинида яққол намоён бўлган. Навоий ўз қаҳрамонини маънавий камолотни ихтиёр этган, дунё халқларига эзгулик ва тинчлик улашувчи идеал ҳукмдор сифатида тасвирлаган бўлса, Абай Искандар образини босқинчи ва инсонлар бошига кулфат келтирувчи, нафсининг қули бўлган, "мақтовни суювчи, қизғончик" ҳукмдор сифатида бадий гавдалантирган. Навоий достонида форсигўй шоирлар асари ва ижодидан кучли таъсирланиш кузатилса, Абайнинг ёндашувида кўпроқ тарихий ҳақиқатга, айна пайтда, фольклор мотивлари ва туркий манбаларга таянилгани сезилади. Қисқаси, Навоий ва Абай асарлари ўртасида мавзу, мотивлар, тарихий асосга кўра ўхшашликлар бўлса-да, тафовутлар ҳам анчагина. Хусусан, Абай достони сюжетини ташкил этган чўлда сувсиз қолган лашкар ва лашкарбоши саросимаси, Искандарнинг сув қидириб саҳрода бир сувга дуч келиши, унинг лаззатли эканини кўргач, манбасини қидириб бир саройнинг олтин дарвозасига дуч келиши, дарвозабонга ўзининг енгилмас ҳукмдор эканлигини айтиб мақтаниши, саройга киритишини айтиб дағдаға қилиши, унга ичкарига рухсат йўқлигини айтишгач, ҳеч бўлмаса улуг лашкар учун сийлов беришларини сўраши ва сийлов тариқасида рўмолга ўралган суякни беришлари, бунинг ҳикматини тушуна олмай, Арастунинг маслаҳати билан тарозининг бир палласига олтин зар қўйиб тортишлари, барибир суяк томоннинг оғир келиши ҳамда ҳақим бир сиким тупроқ ташлагандагина суякнинг енгил келиши каби тафсилотлар Алишер Навоий асарида учрамайди.

Абай ўз поэмаси орқали инсониятни маънавий уйғоқликка чорлаш, нафсоний иллатлардан қутулиб, илму маърифат билан юксалишга ундашни мақсад қилиб олган. Шу боис ҳам Искандар мавзусининг улкан сюжетлар системасидан ўз ижодий концепциясига мос келадиган биргина эпизодни танлаб олган. Абай тасвирлаган эпизоднинг ҳикмати шу эдики, кўз (нафс) ҳеч қачон дунё молига тўймайди, қанчадан-қанча мол-мулк, давлат, сийму зар кўрмасин, яна кўрсам деяверади. У қачон бу одатини қўяди? Фақат қабрга кирганда! Бу Искандарга, билвосита инсониятга "сен дунёни, баҳру барни эгалладинг, аммо ит каби нафсинг, ҳавасинг кетидан юриб, истаклар пайида сарсон кездинг, сен орзу қилган мол-мулк, давлат, аслида, мана шу суяк кабидир, оқил одам ҳеч қачон итлар емиши бўлган суякка ошиқмайди, балки ундан йироқ юради. Сен умрингни нафсингга кул бўлиб, суяк қидирган итдек ўтказмоқдасан, билсанг – бу улкан хатодир! Шунинг учун ҳам Тангрининг дарвозаси бўлган бу дарвоза (яъни жаннат дарвозаси) ҳеч қачон сенга очилмайди, сен унга нолойиқсан!" – деган мазмундаги танбеҳ эди:

– *Мықтымын деп мақтанба, ақыл білсең,
Мықты болсаң, өзіңнің нәпсіңді жең!
Іші тар, көре алмастың біреуі – сен,
Ондай кісі бұл жерге келмейді тең.*

Искандар босқинчилигининг охирида мана шу ҳақиқатни англаганидан сўнг юришларини тўхтатиб, Юнонистонга қайтиб кетади. Абайнинг "миқти бўлсанг, аввал ўз нафсингни енг" деган панди Искандар образи орқали бутун инсониятга қаратилган эди. Буюк оқин бу орқали инсоният бошига келадиган

ташвишларнинг манбаси нафс эканига эътиборни қаратади ва Одам боласини бу балодан огоҳ бўлишга чақиради. Абай айтмоқчики, киши ўз нафсини енгмас, разолатдан қайтмас экан, у Оллоҳнинг даргоҳига муносиб бўла олмайди, Оллоҳ меҳрини қозона олмайди, демакки, жаннатга ҳам сазовор бўлмайди. Абайнинг асосий чорлови тазкият ун-нафс – нафсни поклашдир. Зеро, нафс ҳақиқат талабгори учун энг улуғ душман саналади. Абайнинг Искандари мана шу улуғ душмандан енгилган ожиз "шоҳ" образи сифатида бадий талқин этилган. Поэмадан улуғ оқиннинг Александр тарихидан яхши хабардор бўлгани сезилади. Бироқ Абай ўз поэмасига асос қилиб олган эпизод, аслида, Искандар мавзусининг Ғарбдаги диний асосларига, хусусан, Талмуд адабиётига ва қадимий фольклор манбаларга бориб тақалади.

Искандар мавзусининг Талмуд адабиётидаги 9 сюжет линиясидан бири айнан "Александрнинг оби ҳаёт топиб, жаннат эшигига бориши; кўз соққаси"¹ воқеаси ҳисобланади². Александрнинг зулматга сафари, ҳаёт булоғи ва Адан боғини излаб боргани воқеалари кейинчалик Шарқда бирлашиб, Искандарнинг оби ҳаёт қидириши ҳақидаги машҳур сюжет тармоғини юзага келтирган. Абай поэмаси сюжетини ташкил этган лавҳа Талмуд адабиётида мавжуд бўлган: "Гемара Александр ҳақида яна қуйидагиларни айтади: ортга қайтиб йўлига тушганда у бир булоқ олдида тўхтаб нон еб ўтирарди. Қўлида эса тузланган балиқ бор эди, у балиқларни ортиқча тузидан тозалаётганда улардан муаттар хид таралди. Александр ўз-ўзига деди: бундан чашма Адан боғидан келишини хулоса қилиш мумкин. Баъзиларнинг айтишича, Александр ўша сувлардан олди ва юзини ювди. Баъзиларнинг айтишича, у Адан боғининг кириш қисмигача булоқ бўйлаб чиқиб борди. У баланд овозда "Мен учун дарвозани оч!" – деди. Адан боғининг қўриқчилари унга: "Бу Раббимизнинг дарвозаси, унга солиҳлар киради" (Забур, 118:20). Сиз солиҳ бўлмаганингиз сабабли киролмайсиз. Александр уларга деди: Мен ҳам бир шоҳ сифатида муносибман, мен жуда муҳим (шахс)ман. Модомики, мени қабул қилмаса, ҳеч бўлмаганда ичидан бирор нарса беринг. Улар жаҳонгирга битта кўз соққасини беришди. Александр уни олиб келиб, қўлидаги барча олтин ва қумушларни кўз олмаси билан (тарозида) тортди..."³. Ушбу иқтибосдан кўриниб турибдики, Абай поэмасидаги деярли барча эпизодлар аввалроқ Талмуд адабиётида мавжуд бўлган.

Валлачнинг фикрича, Талмуд адабиётидаги Александр афсоналари, яъни жануб оқсоқоллари билан суҳбат, зулмат минтақасига саёҳат, Адан боғи дарвозасига бориш ва бошқалар яҳудий ижодкорлар томонидан эллинистик манбалар асосида қайта ишланган ҳамда яҳудий халқининг қадимийлигини юнонлар ва мисрликларга исботлаш учун тарғибот сифатида фойдаланилган эллинист-яҳудийлар аполагик адабиётининг қолдиқлари ҳисобланади⁴. Ушбу

¹ Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Tamid (32b). – Jerusalem: Koren, 2019. – P. 455.

² И с м о и л о в И. Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достони генезиси ва поэтикаси. Фил. фан. док-ри. дисс. – Тошкент, 2022, 26-бет.

³ Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. – P. 455.

⁴ The Book of the gests of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A mediaeval hebrew version of the Alexander romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Ph.D. – Massachusetts: The Mediaeval Academy of America, 1962. – P. 18.

эпизодларнинг аксари раввинистик тўқималардан иборат бўлиб, яхудийлик ғоялари тарғиби учун хизмат қилдирилган.

Абай тасвирлаган эпизоднинг иккинчи манбаси сифатида насронийлар томонидан тўкиб чиқарилган, муаллифи номаълум "Серулик Ёкубнинг иймонли қирол Александрнинг Агог ва Магогга қарши қурган дарвозаси ҳақидаги кўшиғи" (A discourse composed by Mar Jacob upon Alexander, the believing king, and upon the gate which he made against Agog and Magog)⁵ номли афсонани кўрсатиш мумкин. Ушбу афсона Псевдо-Каллисфен сурёний версиясининг қўлёзмаларида асосий матндан кейин илова қилинган бўлиб, унда Александрнинг ҳаёт чашмасини қидириб зулматга тушиши, у ерда тузланган балиқ орқали ҳаёт булоғини қидириши, лекин унга насиб қилмаслиги, у ердан турли қимматбаҳо тошлар олиб чиқиши ҳақида гап боради.

Абулқосим Фирдавсий "Искандар подшолиги" достонида Искандарнинг Мағрибга қўшин тортганини тасвирлар экан, мавзу тарихида алоҳида аҳамият касб этган оби ҳаёт воқеасини тасвирлайди. Ўтиборли томони, Фирдавсий тасвирлаган воқеалар юқорида қайд этилган "Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналари" сюжети билан алоқадор. Фирдавсий тасвирларида муайян ўзгаришлар ҳам содир бўлган. Оби ҳайвон қидириш воқеаларига ҳам Шарқдаги айрим мотивлар – Хизр, унинг пайғамбар сифатида ўтироф этилиши, у ердаги даштдан "Оллоҳу акбар" овозининг келиши, Исрофил билан учрашув қабила қўшилиб кетган, айна пайтда, бу қаби ўринлар қисса мусулмон дунёқарашига эга киши томонидан қайта таҳрирланганини ҳам кўрсатади⁶. Бошқа томондан, Фирдавсий сюжетида Талмуддаги "Александр ва Адан боғи" афсонаси ҳам қоришиб кетган. Шу тариқа Фирдавсийнинг оби ҳаёт билан боғлиқ тасвирлари Х асрдаёқ Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналари, Талмуд афсоналари шарқ эпик шеърятини, шарқ адабиётига трансформация бўлиб улгурганини тасдиқлайди.

Фирдавсий келтирган оби ҳаёт воқеаси кейинчалик ушбу сюжет линиясининг шарқ адабиётдаги Искандар мавзусида муқим бўлиб қолиши, янада кенгайиб бориши, айрим мотив ва деталларининг насрий ва назмий асарларда алоҳида-алоҳида ҳолда оммалашшига замин яратди. Жумладан, Низомий Ганжавийнинг Искандарнинг оби ҳаёт қидириш билан боғлиқ тасвирлари ҳам Фирдавсийники билан жуда ўхшаш⁷, яъни ушбу қиссада ҳам яхудий ва сурёний афсоналарнинг излари сақланиб қолган.

Хуллас, Искандарга Адан боғи дарвозасида улкан танбех бериш эпизоди бадий адабиётда асрлар оша яшаб қолди ва XIX асрга келиб яна туркий адабиётда – Абай ижодида қайта тасвирланди. Ўтиборли томони шундаки, Абай ўз тасвирларида қахрамон ва эпизоднинг энг қадимий (босқинчилик, очкўзлик ва панд бериш қаби) характери сақлаб қолган ва унинг умидбахш дидактик мазмунидан юксак маҳорат билан фойдаланган.

⁵ The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the PseudoCallisthenes. Edited from five manuscripts, with an English translation and notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – P. 163–200.

⁶ Абулқосими Фирдавсий. Шоҳнома: иборат аз 9 жилд, жилд 6. – Душанбе: "Адиб", 1989. – С. 117–119.

⁷ Низомий Ганжавий. Хамса: Искандарнома. – Душанбе: "Адиб", 2012. – С. 284–298.

мотивлар ва туркий манбаларга таянилгани сезилади. Зеро, айнан туркий тафаккур билан алоқадор манбалар – Махмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк", Хусрав Дехлавийнинг "Ойинаи Искандарий" ва Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" дostonларида Искандарнинг туркий халқлар билан муносабати тасвирига нисбатан ҳолис муносабат ёхуд бироз салбий муносабат сақланиб қолган эди. Туркий манбалардаги бундай ёндашув нисбатан қадимийроқ илдизларга эга, чунки Искандарнинг Осиёни босиб олиши бойлик, талон-торож, босқинчилик каби мақсадларни кўзлаган бўлиб, туркий халқлар тафаккурида айна жиҳат нисбатан аниқроқ сақланиб қолган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Абай қаламига мансуб "Искандар" поэмасининг генезиси фольклор, диний, тарихий ва адабий манбалар асосида тадқиқ этилган. Достонда мавзунинг туркий тафаккур билан алоқадор излари сақланиб қолгани очиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье на основе фольклорных, религиозных, исторических и литературных источников исследуется генезис поэмы "Искандар", написанной Абаем Кононбоем.

RESUME. In the article, the genesis of the poem "Iskandar" written by Abay Kononboy is researched based on folklore, religious, historical and literary sources.

Таянч сўз ва иборалар: Абай, Искандар мавзуси, генезис, оби ҳаёт, афсона, бадий адабиёт.

Ключевые слова и выражения: Абай, генезис, вода жизни, миф, художественная литература.

Key words and word expressions: Abay, Alexander theme, genesis, woter of life, legend, fiction.

Яшар ҚОСИМ

РАУФ ПАРФИ ВА ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ

Ҳозирги замон ўзбек ва жаҳон шеъриятининг атоқли вакилларида бири Рауф Парфи ижодининг бошланишиданоқ сўз санъати ва жамият олдига ҳаёт-мамот мазмунли саволларни кўндаланг қўйишга жасорат қилганди. Мана, "Шеърият" (1964) номли манифест характерли бир шеърида ҳали 20 ёшлардаги навқирон қалам соҳиби нималар деб ёзган эди: "Зарб! Оқ қоғоз узра, гўё ёруғ жаҳон узра урилар қалам! Зарб!! Титрар жаҳон, жуда ёмон, Ер титрар, Она ер титрар. Зарб!!! Қасрлар, тахтлар ёвузликлар шаклида йиқилди... Шоир кулди, Оллоҳни тан олмаган коммунистик башарият Таниб олди илоҳий деб сени, Шеърият!"¹. Табиийки, бундай ҳайратомуз поэтик жасорат тасодифан, ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин эмас эди. Ёш шоир ўзидан олдинги даврларнинг ғайримафкуравий, демократик адабий анъанасини ва бетакрор эстетик дунёқарашини чуқур ўрганган ва ижодий шаклда ўзлаштирганди.

XX аср ўзбек адабиётида, хусусан, шеъриятида тутқун ижтимоий муҳитда санъаткорнинг ўзига хос маънавий-ахлоқий фаолиятига доир бебаҳо ва ноёб эстетик тажриба шаклланди. Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ойбек, Усмон Носир ижодининг ўлмас сабоқлари, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла

¹ П а р ф и Р. Сабр дарахти. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 42-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси кавс ичида кўрсатилади. – Я.Қ.

Қаҳҳор, Максуд Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Асқад Мухтор, Зулфия, Шукрулло каби забардаст адибларимизнинг ўнлаб асарлари ана шундан далолат беради. 60–70-йилларда адабиётимизга дадил кириб келган турли адабий насллар ижодий изланишларида ҳам, табиийки, умуммиллий бахтсизлик ва ялпи мазлумлик шароитида ижодкор ўрни ва ижтимоий мавқеи каби муҳим муаммолар диққат марказида туради. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфилар авлоди ва уларнинг издошлари ижодида бу масала бадиий-фалсафий йўналишда чуқур талқин этилди.

Р.Парфи ва А.Орипов лирикасида ҳам ижодкор тақдирининг фалсафий таҳлили, хусусан, миллий-ижтимоий ҳуқуқсизлик шароитида шоир қисматининг ғоят чигаллиги мунтазам равишда ўз аксини топиб келган. Ижодкор умрини яшаш, чинакам шоир бўлиш жудаям қийин қисмат. Сўз санъатининг кўнгилли азобкашлари, софдил фидойилари мана шу қисматнинг мураккаблигини қайта-қайта таъкидлашни ўзларига бурч деб билганлар. А.Орипов маънавий салафлар эътирофини ва муқаддас ўғитларини ёдда тутган ҳолда бежиз айтмаган: *"Шоир бўлиш қийин, Шоир бўлиш оғир"*². У ижодкор ҳаётининг барча аччиқ-чучугини, қалтис синовларини бошидан кечирган бир инсон сифатида *"Шоир умри"*ни бекорга қуйидагича тасвирламаганди:

*Дарахтни ҳамиша ўрайди шамол,
Шоирни таъвишлар чулғар ҳамиша.
Сен шоир умрини дема безавол,
Унинг ҳам ҳар они таъвишига пеша.*

*Қара-я ўтибди қирқ йил муттасил,
Яшабман юлдузлар остида қарахт.
Оҳ, шоир умрига ҳавас қилмагил,
У куюн ичида унган бир дарахт (438).*

Дарвоқе, шоирлар шухратига рашк қилгувчилар, кўпинча, уларнинг тинимсиз давр шамоллари қуршовида, омонсиз замон қуюнлари ичра униб ўсадиган дарахт эканлигини унутиб юборадилар. Шоирларни – ёвуз замонларнинг ўғай фарзандларини эъюзлаш ва ардоқлаш заруратини замон томошабинлари – паст ва "кибор оломон" (Р.Парфи) ўйлаб ҳам кўрмайди. Эрк ва озодликка шоирнинг муҳаббати қанчалар бепоён бўлса, адолатсиз замон пайдо бўлишида ҳар гал ва мудом тайёр "хомашёдай" иштирок этадиган муте, бепарво ва лоқайд оломонга нафрати шунчалар чексиздир:

*Машраб осилганда қаяқда эдинг?
Чўлпон отилганда қаяқда эдинг?
Суриштирганмидинг Қодирийни ё,
Қалқон бўлганмидинг келганда бало? (423)*

Замон ва санъаткор курашида иккинчи томоннинг, деярли, ҳар гал мағлубиятга учрашида асосий сабабкор ва айбдорлардан бири, шубҳасизки,

² О р и п о в А. Йиллар армони. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 249-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси кавс ичида кўрсатилади. – Я.Қ.

оломондир. Азал-абад салтанатлар ва ҳокимиятлар суянчиғи бўлиб келган ва жамиятнинг маънавий жихатдан энг текинхўр қисми саналадиган бу ғаройиб ижтимоий табақа учун ҳайвоний эҳтиёжлар, ҳузур-ҳаловат ҳамма нарсадан устун. Ҳатто Ватан, озодлик, эл-юрт тақдири, номуси ва шаъни у учун ҳеч нарсадир. Шунинг учун ҳам шоир характерли замон белгиларидан ва тимсолларидан бири сифатида оломонни ажратиб олиб, уни ғазаб билан лаънатлайди:

*Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?
Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, эй, сен оломон?(423)*

Шоир қисмати – мушкул қисмат. Бироқ Ватани асорат остида, миллати асирликда бўлган шоирнинг тақдири юз чандон, минг чандон оғирроқдир. Мазлум юртнинг шоири – фақат шоир эмас. У, айтиш чоғда, озодлик учун курашчи, маънавий муаллим-мураббий. А.Ориповнинг мустамлака зулми авжидалигида чўлпонона жасорат ва шижоат билан битилган мазкур сатрлари ана шу ҳақиқатни шоир нечоғлик теран англаганлигини кўрсатмайдими? *"Фақат шоир бўлиш... Бу ҳали етмас – То кишан бор экан юрт оёғида"* (249). Хусусан, буюк санъаткор шунчаки оддий ва якка шахс эмас. У бутун элу юртни, Ватан ва миллатни ўзида мужассам қиладиган улкан Шахсдир. Шунинг учун ҳам унинг оғриқлари адоқсиз, изтироблари эса чексиздир. Чинакам шоир шахси шунчалар улуғворки, у ялпи тутқунлик муҳитида ҳам умумдан кескин ажралиб туради ва озодликнинг яккаш оролидай мавжуд бўлаверади. Шоир ҳар қандай шароитда ҳам руҳан эркин бўлгани ва ўз ички эркини ҳеч қачон бой бермагани учун Озодликнинг таъмини-лаззатини ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Унинг қадрига кўпроқ етади. Айтиш бу боис Озодликни ҳаммадан кўра Шоир ортиқроқ севади ва истайди:

*Шоир қаламида ҳасратлар қат-қат,
Шоирни чулғайди ўйлар дафъатан.*

*Яшаб қолармикан шеърим оқибат?
Озод бўлармикан нотава Ватан?(250)*

XX аср ўзбек шеърлятида тутқун муҳит ва иждокорнинг миллий-эстетик мавқеи борасида сўз борар экан, Р.Парфи лирикасини четлаб ўтиш амримаҳол. Агар таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, у бутун дунёга донғи кетган "ёвузлик салтанати" билан ҳаёт-мамот жангларида энг кўп "қон тўккан" шоирларимиздан саналади. Шуниси ҳайратланарлики, у мана шу узундан-узон кураш йилларида ўз содиқ эътиқодидан ва жанговар мавқеидан ҳеч қачон "бир мисралик" ҳам чекинмаган. Ҳукмрон мафкурага бир зум бўйсунмаган. Р.Парфи илк ёшлик машқларидан то бу кунгача "Шоирнинг сўзи – унинг ишининг моҳиятидир" (А.С.Пушкин) деган доҳиёна каломга амал қилиб келди. Иждокорнинг эзгу эътиқоди ва шунга узлуксиз садоқати масаласи ҳар доим унинг диққат марказида туради. Р.Парфи ҳали навқиронлик чоғларида битган ва буюк замондоши Абдулла Ориповга бағишланган "Шоир" (1970) деган машҳур шеърда санъатнинг моҳияти ва

санъаткорнинг тақдири хусусида жудаям трагик ва таъсирчан мисралар ўрин олганди:

*О, она табиат, маъюс онажон,
Сирли бу завқ аро сирқирайдур тан,
Охири ўлдирар мени ҳаяжон,
Боиси не, айтолмасман дафъатан.*

*О, она табиат ўйлайман сени,
Тинглайман оламнинг шивирин такрор.
Банди масканига чорлайди мени,
Кибор чўққиларда музлаган баҳор.*

*Мунгли товушига осурман қулоқ,
Довдир мажнунона ҳаёлга асир...
Варақлар устида михланди нигоҳ,
Ёнгин чангалида турибман охир (97).*

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида, яъни собиқ Совет жамиятидаги омонсиз шоир ва замон, аёвсиз санъаткор ва муҳит қарама-қаршилигини кўз олдимизга келтира олсак, ўшанда қуйидаги кескин ва шиддатли саволларни муаллиф бекорга ўртага ташламаганига ишонч ҳосил қиламиз:

*Кимни шоир дея тан олар жаҳон,
Биз кимни шоир деб атаймиз бугун? (97)*

Р.Парфи ва А.Орипов каби забардаст шоирлар мансуб авлоднинг ўзига хослиги ва қудрати шундаки, улар эрта ёшлиқданоқ санъатнинг тақдири ва туб моҳияти билан чамбарчас боғлиқ масалаларни замондошлари олдиға қўя билар ва бунга ҳаққоний жавоб излар эдилар. Табиийки, ушбу масалалар ичида энг долзарби ва хатарлиси "Шоир ва Замон" муаммоси эди. Хўш, Шоир ким? Шу ғаройиб замонга – Инсоният тарихидаги энг ёвуз ёлғонга унинг муносабати қандай бўлмоғи зарур? У жафокаш миллат қалбидаги ғамзада ва мотамсаро кечинмаларни тасвирлаши керакми?

*Кимдир ул, ғамғусор ва мотамсаро,
Фикр сочаётган оламга? (98)*

Наҳотки, чин санъаткор ҳам шунчаки бир эрмак деб қуйлаши, сохта ва ўткинчи эҳтиросларга берилиши, умумёлғон ва умумгуноҳга шерик бўлиши мумкин? Саволнинг ўзи янги ва ёш Шоирни даҳшатга солади:

*Йўқ... Йўқ, яралмади у билган ҳаёт,
Ҳали туғилмади шоирнинг куни (97).*

Муносабат – бениҳоя аниқ. Жавоб – жудаям кескин. Дарҳақиқат, Р.Парфининг ёш лирик қаҳрамони бу масалада ҳеч қачон иккиланмаган. Ҳақиқатнинг қасоскор кўзларига ҳамиша тик қарай олган. У мустамлака воқелигини – эркин ҳаёт, айрим ва бир қатор замондош қаламкашлардай, миллий зулми – миллий саодат, деб қуйлашни бир зум ҳам тасаввур

килолмаган. Вақт оғир-оғир айланиб, туткунликнинг узундан-уzun ва зил-замбил йиллари ортда қолган, қутлуғ Истиқлол титроқ орзудан, аёвсиз армондан Куёш янглиғ ҳақиқатга айланган мана шу Музаффар кунларда бемалол айтса бўлар: Р.Парфи Истиқлолни чорлаб, Миллий қутулишни истаб, Озодликни астойдил сўраб, Эркни қўмсаб битган шеърларни юрак кони билан ёзар экан, ҳар гал Ватан учун жон фидо қилишни кўз олдига келтира олган, ўлимни обдан ўйлаган экан:

*Тиккандир жонини Ватанига у,
Бу сўз қаршисида титрама, эй жон.
Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув,
Юзма-юз келадир шоир ва замон (98).*

"Шоир"да муаллиф барча эҳтиёт ва хавфсизлик чораларини кўнгилли равишда итқитиб ташлагандай кўринади. На замоний ва маконий шартлилик бор бунда – шеър замондош ва тенгдош ижодкорга бағишланган. 1970 йил. Миллий туткунлигимизнинг юз йили... Яна ёвуз Даҳо туғилганининг юз йиллиги... Шеърда на мажозий тагдорлик, на истиоравий сир бор – ҳамма нарсa очик-ойдин айтилган. Энг хушёр сўз соқчиларини ҳам шоштирадиган, сирли-сеҳрли ва "мубҳам" образлар яратишда моҳир, деб тан олинган муаллиф негадир бу гал ўз нафратини тизгинламаган, ғазабини рамзлар билан пардаламаган. Аксинча, беҳад кескин қаршилантериш усулини танлаган – шоир ва Замон ҳолатини "гўё ўт ва сув" деб белгиллаган. "Шоир"да Р.Парфи қонли салтанат билан зимдан олишиш жонига теккан, сабр-тоқати тоқ бўлган ва ниҳоят, ёвуз душманга қарши очик ҳужумга ўтишга шайланаётган, шошилаётган ёвқур аскарга ўхшайди:

*Буюк эътиқоддир бу даҳр аро йўл,
Буюк эътиқоддир муборак илҳом.
Шоир юрагида очилмаган гул,
Шоир юрагида собит интиқом (98).*

Ушбу мисраларни қайта ўқиркан, қалбимдан яна ажиб ва жозиб бир туйғу кечди: нечоғлик гўзал жасорат ва накадар жасоратли гўзаллик... XX аср ўзбек лирикасидаги бу каби жасур ва ҳайратангиз гўзалликлар билан чексиз ғурурлансак арзийди... Зотан, Р.Парфи ва умуман, XX аср ўзбек шеърлятидаги худди ана шу йўналишдаги маънавий-эстетик ўзгариш ва янгиланиш тамойиллари М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Н.Худойберганов, Б.Акрам, И.Ғафуров, Б.Назаров, Н.Раҳимжонов³ сингари устоз мунаққид ва адабиётшунослар томонидан чуқур таҳлил қилинган ва юксак баҳоланганди.

³ Қўшжонов М. Камалакдек сержило \ О р и п о в А. Йиллар армони, 2–23-бетлар; Ш а р а ф и д д и н о в О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент: "Ёш гвардия", 1983; К а р и м о в Н. Ўзбек совет поэзияси. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1984; Х у д о й б е р г а н о в Н. Чўкилар чорлайди. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975; А к р а м о в Б. Шеърят гавҳари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Ғ а ф у р о в И. Жозибa. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970; Н а з а р о в Б. Ҳаётйилик – безавол мезон. – Тошкент: "Ёш гвардия", 1985; Р а ҳ и м ж о н о в Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: "Фан", 1979.

Р.Парфи ижодида мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга қарши аламли эътироз ва кураш шахсга сиғиниш даври фожиаларининг таҳлилидан бошланади. Тўғрироғи, у машъум шахсга сиғиниш йиллари даҳшатларини аёвсиз фош қилмасдан туриб манфур ва шафқатсиз мустабид тузумни инкор этишни иложсиз деб билади. Янги шеърятдаги бир-бирини тўлдирадиган, ўзида теран ахлоқий-фалсафий ва миллий-маънавий мазмун ташийдиган ана шу иккита йўналишнинг ўзаро муносабатини билиш жуда муҳим аҳамиятга молик. Зеро, янги ўзбек лирикасининг ғоявий-бадий пафосини ҳам, янги лирик қаҳрамоннинг маънавий-эстетик мавқеини ҳам ушбу иккита поэтик жараённинг узвий бирлиги белгилайди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ҳозирги замон ўзбек шеъряти, хусусан, Рауф Парфи ва Абдулла Орипов ижоди мисолида мустабид тузум даврида иждодкорнинг ўрни ва ижтимоий мавқеи каби муҳим муаммолар хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье речь идет о таких важных проблемах, как место и общественное положение творца в период авторитарного режима, на примере современной узбекской поэзии, в частности творчества Рауфа Парфи и Абдуллы Орипова.

RESUME. The article discusses important issues such as the role and social status of the creator during the era of the authoritarian regime, especially in contemporary Uzbek poetry, using the work of Rauf Parfi and Abdulla Aripov as an example.

Таянч сўз ва иборалар: шоир, муҳит, шахс, шеърят, анъана, поэтик жасорат, Ватан, миллат.

Ключевые слова и выражения: поэт, среда, личность, поэзия, традиция, поэтическое мужество, Родина, нация.

Key words and word expressions: : poet, environment, person, poetry, tradition, poetic courage, Homeland, nation.

Хайрулла ҲАМИДОВ

САБОҲИДДИН АЛИ ҲИКОЯЛАРИ МИАД ҲАКИМОВ ТАРЖИМАСИДА

Жаҳон адабиётининг ажралмас қисми саналган турк адабиётида Сабоҳиддин Али ижодининг алоҳида ўрни бор. Унинг асарларида миллий турмуш манзаралари, турк қишлоқларидаги кишилар қиёфаси реалистик акс эттирилган. Бугунга келиб адиб асарлари дунёдаги жуда кўп халқларнинг тилларига таржима қилинган ва миллионлаб китобхонларнинг маънавий мулкига айланган. Атоқли ҳикоянавис адиб қаламига мансуб ҳикояларнинг кўпчилиги ўзбек тилига ҳам таржима қилинган¹. Жумладан, адибнинг "Арава", "Тегирмон", "Қочоқ", "Метрика", "Усмон қотил", "Хинин", "Жонқурторон", "Апельсин", "Чили", "Маслакдош", "Бўри билан кўзичоқ" "Бахтиёрлайча", "Девларнинг ўлими", "Қўйлар ҳақида эртақ" каби йигирмага яқин машҳур ҳикоялари таниқли таржимон Миад Ҳақимов таржимасида ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек тилида нашр этилган. Шундан сўнг, орадан салкам ярим аср ўтиб (2022), турк адибининг ҳикоялари Тошкентда нашр этилган 100 жилдлик "Туркий адабиёт дурдоналари" туркумининг 44-жилди-

¹ Али С. Кичкина Ҳасан (ҳикоялар). – Ташкент, 1954; Ҳикоялар. – Ташкент, 1959.

дан жой олди². Бу ерда адибнинг "Арава" ("Kağı") ва "Тегирмон" ("Değirmen") ҳикояларини ўзбекча таржималари билан солиштириб таҳлил қилиб кўрамиз.

Сабоҳиддин Али ҳикояларнинг асосий мавзусини ўтган асрнинг 30-йилларида Туркиядаги синфий зиддиятлар, йўқсиллик, қамоқхона ҳаёти, қишлоқ жойларида йўл, ер-сув, таълим, соғлиқни сақлаш, ёмон йўлга кирган аёллар муаммоси, оддий халқ-зиёли қатлам орасидаги муаммолар, бюрократлар ва ҳокимият вакиллариининг салбий хатти-ҳаракатлари ташкил этади. Адиб ўз ҳикояларида турк қишлоқларидаги ижтимоий муаммолар ва бунинг оқибатида юз бериб келган жиноятлар, ҳатто қотилликларни бадий воситалар орқали тасвирлаб, қаттиқ танқид остига олади. Ўз асарларида қишлоқлардаги чорасиз инсонларнинг ҳис-туйғулари, ўй-хаёлларини ёритади.

Адибнинг "Арава" ҳикоясида Туркиянинг узоқ қишлоқларида яшаган камбағал деҳқонларнинг ҳаёти, қишлоқларда ижтимоий адолатнинг ишлаш механизми кучли тасвир ва ифода воситалари ёрдамида ёритиб берилган. Эзилган қишлоқ аҳолиси, камбағал, чорасиз деҳқонларнинг яшаш учун курашлари бадий акс эттирилган ушбу ҳикояда эзувчи-эзилувчи, бой-камбағал ўртасидаги кураш, мамлакатдаги ижтимоий адолат принципларининг ишлашидаги муаммолар очиб берилган. "Турк адабиётининг буюк намояндаси, ҳикоянавис адиб Сабоҳиддин Али ўз ҳикояларида йўқсил ва бечора кишиларнинг ҳаётини ижтимоий реалист нуқтаи назаридан акс эттиради", – деб ёзади турк тадқиқотчиси Алев Ўндер³. Дарҳақиқат, "Арава" ҳикоясида ҳам ижтимоий, ҳам психологик унсурлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, адиб ижтимоий тенгсизликнинг асл сабабларини бадий воситалар орқали очиб беришга ҳаракат қилади.

"Арава" ҳикояси Сабоҳиддин Алининг турк қишлоқларида ўрнашиб қолган урф-одатларга ва таг-томири билан чириб кетган тузумга ўз таъсирини ўтказа оладиган даражада ёзилган. Ҳикояда ер эгаси бўлган оғанинг ўғли, камбағал Маҳмад сариқ билан далани суғориш масаласида келишолмай қолади ва уни ўлдириб қўяди. Шундан кейин Маҳмад сариқнинг икки ўт орасида қолган қари онаси ўғлининг ўлими учун жандармага даъво аризаси бериш ёки умуман мурожаат қилмаслик устида боши қотиб қолади...

Маҳмаднинг ўлими ҳақидаги хабар ҳикоянинг бошида худди газета хабарига ўхшаб берилган: "*Bir tarla meselesi yüzünden Savrukların Hüseyin, Arkbaşı'nda Sarı Mehmet'i vurdu*"⁴. Биргина шу жумланинг ўзида адиб иккита исм ишлатади ва иккаласига ҳам лақаб қўшади (*Savrukların Hüseyin, Sarı Mehmet*). Жумла ўзбек тилига қуйидагича берилган: "*Ҳусайн лаванг тўғон бошида сув талашиб, Меҳмет сариқни отиб қўйди*"⁵.

² A l i Sabohiddin. Turkiy adabiyot durdonalari. Umar Sayfiddin, Sabohiddin Ali. 44-jild. Adabiy-badiiy nashr. – Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022. – 296 b.

³ A l e v Ö.. Sabahattin Ali'nin Kağı ve Kanal öykülerinde sosyal adalet. Rumelide Dil ve Edebiyat Araştırmaları Dergisi, (19), 387–397.

⁴ A l i S. Bütün Öyküleri 1, Değirmen, Kağı, Ses. YKY. İstanbul, 2003. – S. 144 (кейинги ўринларда ушбу манбанинг саҳифаси кўрсатилади).

⁵ Turkiy adabiyot durdonalari, 100 jildlik, 44-jild. Umar Sayfiddin, Sabohiddin Ali. – Toshkent: "O'zbekiston", 2022. – B.120 (кейинги ўринларда ушбу манбанинг саҳифаси кўрсатилади).

Таржимада "саврукларин" лақаби "лаванг" деб берилган. Ўзбек тилининг изохли луғатида "лаванг" ва "лаванд" сўзлари бир хил сифат экани, "лаванд" форсчадан ўзлашгани ва "дангаса, бекорчи, ўзини-ўзи удда қилолмайдиган, қўлидан бирор иш келмайдиган; бўшанг, ношуд" маъносига эгаллиги билан аслиятдаги персонажга берилган салбий сифатга айнан мос тушган.

Ўлдирилган Маҳмаднинг онаси жандарма ва маҳкамаларнинг узоқлиги ва у ерларда ишларни кўриб чиқиш жараёнлари узоқ давом этиши, қоғозбозлик туфайли маҳкамага даъво аризаси билан мурожаат қила олмайди. Бундан ташқари, имом ва қотилнинг отаси кампирга дўқ-пўписа, таҳдид қиладилар: *"Ülen kocakarı – diyordu, – Dava edersen ne kazanacaksın? Kim gider de Mevlüt Ağa'nın oğlu adam vurdu diye şahitlik eder? Etse bile sen ayda bir iki defa kasabaya gidip her seferde dört beş günü gâvur edersen tarlanı kim eker, işine kim bakar? Kasaba iki günlük yol, gidersin, şahitlerin gelmedi haftaya uğra derler. Mahkemen talik olur. Sen gününü şaşırıp gidemezsin, jandarma seni alır götürür, gayri kendin istesen bile yakanı sıyıramazsın, evin barkın yıkılır"* (144).

Ҳикоянинг кульминация нуқтасида келган ушбу жумла М.Ҳакимов талқинида қуйидагича берилади: *"Қулоқ сол, ҳой кампир, – деб бошлади имом. – Даъво қилган билан нима фойда чиқади? Ким сенга Мевлуд отанинг ўғли одам ўлдирди, деб гувоҳлик беради. Борди-ю, бирор киши гувоҳ бўлган тақдирда ҳам, ойига камида икки-уч марта районга борасан, ҳар борганингда тўрт-беш кунинг бекорга кетади, бу ерда экинингга ким қарайди-ю, ишларингни ким қилади? Қишлоқ билан районнинг ораси икки кунлик йўл, у ерга бир амаллаб етиб олсанг ҳам, гувоҳларинг келмади, бир ҳафтадан кейин кел, деб ишингни галга солаверишади. Қайси кунига чақиргани эсингдан чиқиб қолади, жандармларнинг қўлига тушгандан кейин, қанча уринсанг ҳам қутулолмай гаранг бўласан, уй-жойинг вайрон бўлади"* (120). Таржима муваффақиятли амалга оширилган: муаллиф услуби, оҳанг, маром таржимада ўз аксини топган, аслият сўзларига тўла мос келадиган сўзлар танланган. Фақат "Mevlüt Ağa"ни "Мевлуд ота" деб эмас, "Мавлуд оға" деб, "kasaba"ни "район" деб эмас, "қасаба" ёки "шаҳарча" деб бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди⁶.

"Арава" ҳикоясидан олинган яна бир муҳим парча ва таржимасига эътибор берамиз: *"Bütün bu sözleri oturduğu yerde başını sallayarak dinleyen ve çapaklı, ağlamaktan kızarmış gözlerini, budaklı bir dala benzeyen iri mafsallı, çatlak derili elleriyle silen kocakarı, imam lafını bitirdikten sonra da hep aynı şekilde sallanmakta devam ediyordu. Bir demet kuru ot gibi başındaki yamalı ve kirli örtünün altından fırlayan kınası solmuş kır saçlarını yüzünden ve ıslak yanaklarından çekti. Anlaşılmaz şeyler mırıldandı"* (144).

Ўғли ўлдирилиб, бошига мусибат тушган қашшоқ кампирнинг чорасизлиги, жисмоний ва маънавий ҳолати акс этган парча ўзбек тилига қуйидагича ўғирилган: *"Шилпиқ ва йиғидан қизариб кетган кўзларини сербутуқ шох сингари бармоқлари тарам-тарам ёрилиб кетган қўллари билан ишқалаб, бошини ликиллашиб ўтирган кампир, имом гапини тамом қилгандан кейин ҳам чурқ этмади. Бошидаги серямоқ ва кир рўмоли тагидан ёш билан*

⁶ Bundan tashqari, "yakani sıyıramazsın" (yoqangni sidira olmaysan) iborasini "qutulolmay garang bo'lasan" erkin birikmasi vositasida bergan.

ювилган бетига тушиб турган, хинаси ўчган, қуриган ўт сингари бир тутам оқ сочини орқага қайтариб, алланима деб пичирлади" (121). Бу туркча матн парчаси ҳам тўлиқ ва тушунарли таржима қилинган, услуб ва оҳанг ҳам сақланган. Аммо аслият матнидаги "*başını sallayarak dinleyen*" ва "*her ayın şekilde sallanmakta devam ediyordu*" бирикмалари "*бошини ликиллайтиб ўтирган*" шаклида сал ғализроқ бериб қўйилган. Таржимон ўзининг бу камчилигини "*чурқ этмади*" иборасини қўшиш билан сал тузатган. Сўнгги жумла таржима-сида ҳам тафсилотлар умумлаштирилиб, аслиятнинг асосий мазмуни берилган.

Бошқа асарларида бўлганидек, Сабоҳиддин Алининг "*Арава*" ҳикоясида ҳам туркча оғзаки нутқда қўлланилувчи иборалар кўп учрайди. Масалан, *birbirine girmek* (сўзма-сўз: "бир-бирига кирмоқ") ибораси "бир неча кишининг бир пайтда жанжал бошлаши, муштлашиши"ни билдиради: "*Otuz evli köy birbirine girdi*" (S.144). Таржимада ушбу фразеологизм "*талотўп бошланди*" деб берилган: "*Ўттиз хонадонли қишлоқда талотўп бошланди*" (120). Ўзбекчада туркча "*birbirine girmek*" фразеологизмининг "*тартибсизликнинг бошланиши*", "*бир-бирига ташиланмоқ*", "*ур-тўполон*", "*ит эгасини танимайди*" каби эркин ва турғун вариантлари борлигини таъкидлаш лозим.

"Арава" ҳикоясида ўндан ортиқ фразеологизм қўлланилган ва улардан бир нечаси куйидаги жумлалардан ўрин олган. Масалан: *Aklin yattı mı?* (163) содда гапнинг (сўзма-сўз: *Ақлинг ётдим*) маъноси "Тушундингми" бўлади. Ўзбекча таржимада ижодкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда уни "*Тилинг кесилганми?*" (120) деб ўгиради. Бадий таржимада фразеологик бирликларни "тахини бузмасдан" бериш, яъни уларга адекват муқобилларни топиб бериш таржимоннинг маҳоратини белгиловчи хусусиятлардан бири ҳисобланади. Асардаги оддий сўз ёки эркин бирикманинг ўзбекча таржимада ибора ёки бошқа фразеологик воситалар ёрдамида ўгирилиши эса таржимондан икки баравар кўпроқ маҳорат талаб этади. Чунки бундай вазиятда таржимон муаллифдан кўра кўпроқ ижод қилиши керак бўлади.

Яна бир мисол: "*Bunları görünce muhtarın yüreği 'hop' dedi*" (S.146). Ушбу жумлада *yüreği 'hop' demek* (сўзма-сўз: *юраги "ҳўп" демоқ*) ибораси қўлланилган. Таржимада ушбу жумла "*Буларни кўрган қишлоқ оқсоқолининг юраги тушиб қолди*" (122) деб ўгирилган. Ҳолбуки, *yüreği 'hop' demek* иборасининг ўзбек тилида *юраги "шув"* *этмоқ* деган аниқ муқобили бор эди. Таржимон бунини инобатга олмаган кўринади.

Ҳикоядаги "*Oğlunun acısı daha içinden çıkmamıştı*" (165) жумласи ўзбекчага "*У ўғлини эслаб, ҳамон ўртаниб ёнар...*" (122) шаклида ўгирилган. Туркча жумла таркибида келган ибора (*içinden çıkmamak*)нинг маъноси "унутмаслик"дир. Таржимон ишга ижодий ёндашиб, уни ривожлантирган ва иборани "*ўртаниб ёнмоқ*" деб ўгирган.

Сабоҳиддин Алининг Туркия ҳаётидаги зиддиятлар бутун кескинлиги билан очиб ташланган асарларидан яна бири "Тегирмон" (1935) ҳикояси бўлиб, унинг бош қаҳрамони келишган, чайир лўли йигит Атмажа ҳисобланади. У бир пайтлар қишлоқ тегирмонининг чархида қўли ямланиб ногирон бўлиб қолган тегирмончининг қизига ошиқ бўлади. Қиз ҳам уни севиб қолади. Аммо қизнинг ўз севгисига эришиши имконсиз бўлиб кўринади.

Ҳикоянинг тили ўзига хос. Адиб ўз фикрини ифодалаш учун турк тилининг услуб имкониятларидан кенг фойдаланган. Масалан: *"İnsan evvela kendi kendisinden utanır gibi olur ama, bilir misin, bizim en büyük maharetimiz nefsimizden beraat kararı almaktır. Vicdan azabı dedikleri şey, ancak bir hafta sürer. Ondan sonra en aşağılık katil bile yaptığı iş için kafi mazeretler tedarik etmiştir"* (9). Ушбу гап М.Ҳакимов таржимасида қуйидагича берилган: *"Дастлаб киши ўзидан ўзи уялгандек бўлади, лекин, биласанми, бизнинг энг катта маҳоратимиз ўз нафсониятимиздан ҳар нарсани қилса бўлаверади, деган ижозатни олишдадир. Виждон азоби деган нарса нари борса бир ҳафтадан ошмайди. Шундан кейин ўтакетган қотил ҳам қилган иши учун етарли далил тўплашга киришади"* (85).

М.Ҳакимов ижод жараёнида сўзларни танлар экан, нафақат аслият жумласидан келиб чиқади, балки юз бераётган воқеа-ҳодиса, вазиятни ҳам ҳисобга олади, керак бўлса аслият сўзларини "қурбон" ҳам қилади.

Туркча жумла таркибидаги *"bizim en büyük maharetimiz nefsimizden beraat kararı almaktır"* (8 та сўздан иборат) деган содда гапни таржимон *"бизнинг энг катта маҳоратимиз ўз нафсониятимиздан ҳар нарсани қилса бўлаверади, деган ижозатни олишдадир"* (13 та сўздан иборат) шаклида салкам икки баробар кўпайтириб ўтирган. Буни оддий китобхон тушуниши қийинроқ. Ҳолбуки, жумлани содда ва ихчам қилиб *"бизнинг энг катта маҳоратимиз нафсимиздан оқлов қарори олишимиздир"* (8 та сўздан иборат) шаклида бериш мумкин эди. Бундан ташқари, аслият парчасидаги *"aşağılık katil bile yaptığı iş için kafi mazeretler tedarik etmiştir"* гапини ҳам *"ўтакетган қотил ҳам қилган иши учун етарли далил тўплашга киришади"* деб эмас *"энг пасткаш қотил ҳам разил қилмиши учун баҳонани олдиндан тайёрлаб қўяди"* тарзида ағдариш муаллиф услубини сақлаш маъносида бадиий таржимадан кўзланаётган мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир мисолга эътибор қаратамиз: *"Sen sevgiline ne verebilirsin sanki? Kalbini mi? Pekala, ikincisine? Gene mi o? Üçüncü ve dördüncüye de mi o?.. Atma be adaşım, kaç tane kalbin var senin?.. Hem biliyor musun, bu aptalca bir laftır. Kalbin olduğu yerde duruyor ve sen onu filana veya falana veriyorsun... Göğsünü yararak o eti oradan çıkarır ve sevgilinin önüne atarsan o zaman kalbini vermiş olursun..."* (10). Ушбу парчада сўроқ оҳанги таъсирни кучайтиришга хизмат қилган. Таржимон уни сўзма-сўз ўгириш орқали ана шу оҳангни сақламоқчи бўлган: *"Сен севгилинга нима бера оласан, хўш, қалбингними? Жуда соз, иккинчи маъшуқангга-чи? Яна шуними? Учинчи ва тўртинчисига ҳам яна шуними? Қўйсанг-чи, биродар, нечта қалбинг бор, ўзи?.. Кейин, биласанми, бу аҳмоқона бир гап: қалбинг ўз жойида турибди, сен уни гоҳ унисига, гоҳ бунисига беряпсан... Кўксингни тилиб ўша бир бўлак гўштни маъшуқанг олдида чиқариб ташласанг, ана шунда қалбингни берган бўласан..."* (85).

Ташқаридан қараганда, ўзбекча таржимада ҳамма нарса ўз ўрнида, кам-кўстсиз ўз аксини топган, биронта сўз таржимада тушириб қолдирилмаган. Аммо, барибир, нимадир етишмайди. Бу аслиятдаги ифода тони, маром. Таржимада танланган сўзларнинг тафти пастдек. Масалан, *"Pekala, ikincisine?"* тўлиқсиз содда гапини *"Жуда соз, иккинчи маъшуқангга-чи?"* деб чўзмасдан, *"Майли, иккинчисига-чи"* тарзида ўгириш, ёки *"Göğsünü yararak o eti oradan çıkarır ve sevgilinin önüne atarsan"* шарт жумласи ҳам *"Кўксингни тилиб, ўша бир бўлак гўштни маъшуқанг олдида чиқариб ташласанг"* деб

эмас, "Кўксингни ёриб ўша бир парча этни маъшуқанг олдиға ташласанг" шаклида ўзбекчалаштирса, муаллиф услуби ҳам, жумла оҳанги ҳам бекаму кўст сақланган бўлар эди.

Сабоҳиддин Али таъсирни кучайтириш учун нафақат риторик сўроқлар, ўрни келганда хис-туйғу, эҳтиросни ифодалаш учун такрор санъатидан ҳам унумли фойдаланади: *"Siz sevemezsiniz adaşım, siz şehirde yaşayanlar ve köyde yaşayanlar; siz, birisine itaat eden ve birisine emredenler; siz, birisinden korkan ve birisini tehdit edenler... Siz sevemezsiniz. Sevmeyi yalnız bizler biliriz... Bizler: Batı rüzgarı kadar serbest dolaşan ve kendimizden başka Allah tanımayan biz Çingene'ler. Dinle adaşım, sana bir Çingene'nin aşkını anlatayım..."* (10). Парчани М.Ҳакимов қуйидагича ўгирган: *"Сиз шаҳарлик ва қишлоқилар севишга қодир эмассиз, сизлар бири итоат қилиб, бири ҳукм қиладиганлар; сизлар бири қўрқиб, бири қўрқитадиганлар... Сизлар сева олмайсиз. Севишни фақат биз биламиз. Ҳа, бизлар ғарб шамоли сингари эркин, дайдилар ва ўзидан бўлак ҳеч кимни, Худони ҳам танимайдиган лўлилар... Қўлоқ сол, биродар, мен сенга бир лўлининг муҳаббатини ҳикоя қилиб берай..."* (85). Парча ишончли таржима қилинган, фақат аслиятнинг илк содда гапи (*"Siz sevemezsiniz adaşım – Сиз севишга қодир эмассиз, адаш!"*) парчага сингдириб юборилган. Ундан кейинги *"Siz şehirde yaşayanlar ve köyde yaşayanlar"* мурожаат бирикмаси таржимаси ҳам жўнгина қилиб берилган, ҳатто муаллиф айтган *"қишлоқ аҳолиси"*, *"қишлоқда яшовчи инсонлар"* бирикмаси *"қишлоқилар"* деб берилиб, хатога йўул қўйилган.

Умуман олганда, Сабоҳиддин Али ҳикояларининг Миад Ҳакимов томонидан амалга оширилган таржималари турк-ўзбек таржимачилигининг ёрқин намунасига айланган ва ҳикояларда муаллиф қўллаган бадий санъатлар, фразеологизмларнинг таржималарда қай даражада ўз ифодасини топганлиги, таржималарнинг савияси ва бадий қиммати устида тадқиқотларни давом эттириш керак бўлади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада XX аср биринчи ярмида яшаб ижод этган таниқли турк адиби Сабоҳиддин Алининг ўзбек таржима адабиётининг таниқли намоёнаси, ўтган асрнинг иккинчи ярмида турк адабиёти дурдоналарини она тилимизга ўгириб, китобхонларга армуғон этган моҳир таржимон Миад Ҳакимов томонидан амалга оширилган "Арава" ("Kağı") ва "Тегирмон" ("Değirmen") ҳикоялари таржимаси таҳлилга тортилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье проанализированы рассказы "Телега" ("Kağı") и "Мельница" ("Değirmen") выдающегося турецкого писателя, который жил и творил в первой половине XX века Сабахиддина Али в переводе представителя узбекской переводной литературы, искусного переводчика Миада Хакимова, который известен как переводчик шедевров турецкой и русской литературы.

RESUME. This article analyzes the stories "Cart" ("Kağı") and "The Mill" ("Değirmen") by an outstanding representative of Turkish literature of the first half of the twentieth century, Sabahiddin Ali, translated by a representative of Uzbek translated literature, a skilled translator Miad Khakimov, who is known as a translator of masterpieces of Turkish and Russian literature.

Таянч сўз ва иборалар: ҳикоя, аслият, қишлоқ ҳаёти, фразеологизм, бадий таржима, таржимон маҳорати.

Ключевые слова и выражения: рассказ, оригинал, сельская жизнь, фразеологизм, художественный перевод, мастерство переводчика.

Key words and word expressions: story, original, rural life, phraseology, literary translation, translator's skill.

ШУҲРАТ ҲИКОЯЛАРИДА ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

Шуҳратнинг ҳикоялари кузатилганда, қаҳрамон руҳий оламида кечаётган ғалаёнлар, ҳаётӣй вазият туфайли кўнгли ғаш бўлиб, руҳан эзилиб, қийналиб юришлари адиб томонидан ишонарли тасвирланганлигини кўриш мумкин. Зеро, "Адабиёт шундай борлиқки, унга қараган киши (миллат) гўё кўзгуга боқиб ўз ҳолини кўради"¹. Адибнинг худди шундай "Алданиш" ҳикояси ҳаётӣй конфликт асосида яратилган бўлиб, унда жамиятда урчиб келаётган ножўя ҳаракатларни кўрамиз. Ҳикоя институтнинг аспирант ўқитувчиси Носиржон билан универмаг сотувчиси Назокатхон ўртасидаги муносабат ва зиддият асосига қурилиб, ҳикоя Носиржон бошидан ўтказганларини ўз тилида таъсирчан баён қилиши билан бошланган.

Ҳаёт мураккаб, гоҳо бешафқатлигини унутган ҳикоя қаҳрамонининг чин юракдан қилган орзуси "астойдил севмоқчиман, севилмоқчиман ва сағана тошини босгунимча бирга-бирга умр кечирмоқчиман"² деган ўйлари сароб бўлиб чиқиши ҳикоя сюжетини ташкил қилади. Ҳаёти мазмунӣ ўқиш ва ишдан иборат бўлган Носиржон янги йил кутиш баҳонасида қўярда-қўймай уйига таклиф қилган кадрдон дўсти Қосимникига борди-ю, соф тақдири йўлига ўз манфаати учун кириб келган Назокатхонни учратди. Ҳикояда яхши турмуш йўлида ўзини ўтга-чўкка урадиган, сабру қаноатдан йироқ Назокатхоннинг руҳий дунёси фавқулудда вазиятлар тасвири асносида ғоят таъсирли кўрсатиб берилган. Ҳикоя қаҳрамони Носиржон назарига тушган, унинг ҳушини ўғирлаган Назокат саккизинчи синфни битирган йили отаси вафот этганлиги учун ишлашга мажбур бўлганини, ҳозир универмагда ишлаши, мақсади битта укасини институтга киргазиш эканлигини секингина гап орасида қистириб ўтади. Кўзлари бир онда узоқ йиллар кутиб юрган муҳаббатини топгандек бўлган Носиржон ҳаётида туб бурилиш шу лаҳзадан бошланди.

Ҳикоядаги Носиржон билан Назокатхон икки дунё кишилари бўлиб, уларнинг дунёқарашлари ҳам турлича эди. Носиржон илмга чанқоқ, ишини юракдан яхши кўрар, ўзи ишлайдиган институтга сидқидилдан хизмат қилишни ўзининг бурчи деб билар, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашар эди. Ҳаётига илк кириб келган муҳаббати Назокатни бахтли қилиш Носиржоннинг бирдан-бир орзусига айланган, унинг камчиликлари, нуқсонларини кўзлари кўрмас эди. Назокат унинг ҳаётига йўлини ёритувчи бир маёқдек кириб, уни ўз асирига айлантира олган эди. Шундай кучли муҳаббат ила беғараз севган Носиржондан Назокат ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни мақсад қилгани ҳикояда ишонарли тасвирлаб берилади.

Назокатхон яхши яшаш, оиласидаги турмуш муаммоларини ҳал қилиш, хусусан, укасининг ҳаётини изга солиш учун ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдиган худбин аёл образи. Укасини Носиржоннинг олдига

¹ Ҳ а м д а м о в У. Руҳни уйғотувчи сўз. – Тошкент, 2027, 3-бет.

² Ш у ҳ р а т. Танланган асарлар, III жилдлик, 2-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 420-бет. Кейинги иқтибослар ҳам шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Н.С.

таништиргани олиб келар экан, укасига яхшилаб таниб олишини "Қўй боради қўзи билан, бир-бирининг изи билан. Этакларидан маҳкам ушласанг бўлгани"(424) деган сўзлари Назокатхоннинг ғарзли ниятини маълум даражада ошкора қилганини қўрган Носиржон уни универмагдаги бежиримгина бир хотин билан аввалига пичирлашиб, хайрлашган кишидек бўлиб, яширинча хотиннинг қўлига бир нарса қистирганини кўриб хайрон қолади. Ёзувчи ҳикояда Назокатхон қиёфасини, унинг характерини ишонарли тасвирларда ифода этган.

Назокатхоннинг хатти-ҳаракатлари ёзувчи томонидан катта дард билан тасвир этилган. Чунки жамиятда урчиб келаётган бу оғриқли нуқталар адибнинг назаридан четда қолмаган. Носиржон руҳиятида содир бўладиган ички қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар ҳикояда ёрқин тасвирланган. Носиржон руҳиятидаги сезимлар қарама-қаршилиги, ҳиссиётлар кураши жамиятдаги реал ҳаётда мавжуд бўлган воқеаларнинг акс садоси. Ҳикоя давомида Назокатнинг ўз манфаатини ўйлаб, бениҳоят даражада меҳрибонлик, ширинсуханлик билан Носиржонга муомала қилаётгани етмагандек, украинча қўйлак совға қилишининг жумбоқли сири очилди, Назокатнинг укаси Носиржон ишлайдиган институтга ҳужжат топширган, уни институтга киритиш учун кўмак сўраган эди. Носиржондан укаси консультацияларга келиб тайёрланишини эшитган Назокатхон укасининг нимжонлигини, тайёрланмасдан киритиш кераклигини сўраганда Носиржон севгидан кўр бўлган кўзлари очилгандек бўлди, бу меҳрибонликлар нимага эканлигини англади.

Агар ҳикоянинг 1957 йилда ёзилганини ҳисобга олсак, ёзувчи жамиятга кириб келаётган порахўрлик, таниш-билишчиликнинг ёмон иллат эканлигини, бу иллат урчий бошласа, уни йўқотиш осон эмаслигини тушуниб, гўё замондошларини огоҳ бўлишга ундагандек бўлади.

Адибнинг маҳорати, Носиржондан рад жавоб олган Назокатхон портретини ишонарли чизганида, дилидаги заха очиб ётган гапни тилига кўчганини кўрсатиб берганида намоён бўлади. У Носиржон руҳиятидаги ранж, алам, қайғу ҳолатини шундай тасвирлайдики, персонажларнинг ҳаётийлигини сезмасликнинг ва бундан таъсирланмасликнинг иложи йўқ. Бойлик орттириш, ошна-оғайнигарчилик қилиш, порахўрлик, таниш-билишлик каби қусурли иллатларнинг халқимиз ҳаётига кириб келаётгани ҳикояда жуда ишонарли тасвирланган.

Шухрат ҳикояларининг аксариятида иродаси кучли, диёнати мустаҳкам, иймон-этиқодли қаҳрамонлар тасвирланади ва яна шуни қайд этиш керакки, у батафсил баён қилиш йўлидан бормайди. "Чунки ҳикоя жанри батафсил баённи кўтармайди"³. Қисқа, аммо таъсирли бадий лавҳалар ҳикоя тасвирининг залворини оширар экан, адибнинг "Дакки" ҳикоясини шундай ҳикоялар сирасига киритиш мумкин.

Ҳикоя бошланишиданоқ китобхонни ўзига тортади. Ҳикоя бир ўзбек оиласи ҳаётида бўлиши мумкин бўлган воқеа тафсилотида бағишланган. Юқорида айтганимиздек, ҳикоя қаҳрамони Рустам ота диёнатли, иймон-этиқодли, халқимизнинг бойлиги бўлган пахтани қадрловчи, лоқайдлик ва исрофгарчиликни кўрса ёниб-куйиб кетадиган образ. Ҳикояда эр-хотиннинг тортишувига сабаб бўлган нарса – халқимизнинг бойлиги ҳисобланган, Рустам ота учун нондек азиз бўлган пахтанинг ерда сочилиб ётиши эди.

³ Каримов Х. Наср бахшиси. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2003, 22-бет

Ҳикоядаги Рустам ота қатъиятли, виждонли, инсонпарвар, меҳрибон инсон образи. Ўринли савол туғилиши табиий: шундай инсон бировни бежизга хафа қилиши мумкинми? Хури опани шунчалик ранжитган, жиғибийрон бўлишига сабаб аслида нима эди? Беихтиёр ҳикоя китобхонни мана шу жиҳати билан қизиқтириб қўйиши табиий. Чунки Рустам ота фақат ўзини эмас, ўзгаларни ҳам ўйлайдиган, вақти келса кадрлай оладиган инсон эди. Ўзининг бригадасида пахта йиғим-терими яхши, кўнгилдагидек боряпти. Лекин Чукурсой томондаги бригада бригадири, мусобақадош Норбўта карвон теримининг бориши сушт бўлгани сабабли эрта билан йўлини дўстидан хабар олиш учун ўша томонга бурган эди. Йўлда аравага ортилган пахта йўл бўйлаб тўкилган, аравакаш эса кечаги ҳафтада кўзининг оку қораси Комилани унаштирган йигит Мирсаид бўлиб чиқади. Унинг кўзига фақат увол бўлаётган пахта кўриниб, ғазабини боса олмай бўлғуси куёвига қаттиқ дакки беради. Бу воқеани эшитган Хури опа ўтиргани жой тополмай, жиғибийрони чиқар, куёвига чоли берган даккини ҳазм қила олмас, энди нима бўлади, деган ўй унга тинчлик бермасди. Шу боис тинмай жаврар, жондан азиз бўлган кизи учун кўйинар, шунча гапни эшитган куёв тўйни қайтарса нима бўлишини ўйлаб, йиғлагудек бўлиб, бор аламини Рустам отадан олишга ҳаракат қилар эди. Ҳикоянинг энг аҳамиятли жойи бош қаҳрамоннинг кампирнинг жаврашларига жавобан айтган Рустам отанинг қалбида оғир дард бўлиб келаётган сўзлардир:

– Йигит деган шунақа қилиб тишийдди. Пишиган лойнинг чинниси тоза бўлади. Уларнинг оёқяланг лой кечиб, колхознинг оғир хизматини қиладиган пайти. Ҳа, сен унинг ёнбошига пар ёстиқ қўя берма, эртага тўрга чиқиб олиб, қизингга "Мени ишлаб боқ!" дейди. Ўшанда нима қиласан? Уйингга кўчириб келиб боқасанми? (432).

Матндаги Рустам отанинг бу сўзлари китобхонни ўйлашга мажбур қилади. Дарҳақиқат, Рустам отадек инсонларнинг даккисини эшитмай катта бўлган айрим кимсалар бугунги кунда худди ота айтгандек, ўлигини аёлига юклаб, уйга кириб олгани, асарнинг бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўрсатади. Ҳикоя Мирсаидга ўхшаб ўз хатосини тушуниб, тўғри хулоса чиқарадиган инсонлар бўлишга даъват каби янграйди. Адибнинг бу ҳикояни ёзишдан мақсади ўқувчиларни қаҳрамонлар тимсолида тўғри қарор чиқариш, халқ учун, жамиятнинг кичик бўғини бўлган оилани асраб-авайлаш каби ғояларни илгари суришга ундаш бўлган, деб ўйлаймиз.

"Изтироб қанчалик санъаткорона акс этса, муаллиф ундан ҳам оғирроқ дардни бошдан кечирганлигини"⁴ адибнинг "Баҳриниса" ҳикоясида кўрамиз. Ҳикоя қаҳрамонлари Садир билан Баҳриниса ана шундай изтироб туфайли қалблари кемтик бўлган инсонлар. Инсон борки, ёши етгач оила қуриб, ўзидан яхши зурриёт қолдиришни орзу қилади, наинки орзу қилади, балки ҳаётининг олий бир мақсадига айлантиради. Бу бахтдан мосуволик-чи? Тирноққа зор бўлиш ҳар қандай қадди тик одамнинг ҳам қаддини дол қилади. Ҳикояда бу қаҳрамонларнинг фарзандсизлик туфайли азият чекаётгани, ботиний дунёсидаги алам-ғамлари тошни майда-майда қилиб парчалаб юборади, лекин Баҳринисанинг шу изтироблари Садирнинг муҳаббати билангина нафас олаётган бир вақтда, эри томондан айтилган "сўзларингдан эғилаб ўлдирилган қандала ҳиди келади" гапи жон-жонидан ўтиб, кўзларини қоронғи қилди. Ёзувчи Садирнинг Баҳринисага айтган "саратонда бўйра

⁴ Э ш о н к у л Н. Мендан "Менгача". – Тошкент: "Академнашр", 2024, 285-бет.

остида ётган етти бўғинлик чаён захридай" кесатиғи ҳикоя қаҳрамонининг анчадан бери юрагида сақлаб, тилига чиқара олмаган гаплари бўлиб, бу гап Баҳринисанинг сокин ҳаётига вулқон отилиши бўлиб киргани ишонарли, таъсирчан лавҳаларда тасвирланган. Қаҳрамон характери қирраларини ёрқинроқ акс эттириш учун адиб қаҳрамонлар нутқида "ҳаммадан кўра ноёб ва кўчма сўзлардан фойдаланиш"и⁵ асар бадииятини таъминлаган, бир сўз билан айтганда, бу ҳолат адибнинг маҳорати учун ўзига хос фазилат эканлигига далолат.

Аёлнинг тортган ботинан дард ва азоби, Садирдан эшитган бу ёқимсиз хўрлик, дашном олдида шамолдек тўзиб кетди. Умидларини чилпарчин қилди, биринчи марта ўзини кераксиз инсондек ҳис қилди. Нозиккина жисмига унинг сийратию фитратида яширинган улкан, укубатли изтироб бўрони, шамолдан-да кучли, оловдан иссиқ бағрини куйдирди. Бу гапдан кейин уни оилага боғлаб турган охирги ип батамом узилди. Энди ҳаммасини тушунгандек бўлди, эрига ялиниб фарзанд асраб олайлик деганда, қаршилик қилгани, аслида кўнглида бошқа ният бор эканлигини Баҳриниса тушунди-ю, аъзойи бадани титраб кетди, охирги илинж барг ширт этиб узилди. Бахт истаб, юрагига иссиқ тушиб келган хонадонидан, музлаб, бўзлаб бош олиб чиқиб кетди.

Маълумки, "Бадиийлик доирасида интим туйғулар ва кайфиятларни тасвир этиш жараёни инсон индивидуаллиги, шахс ибтидосига жиддий диққат қаратиш лозимлигини кўрсатади"⁶. Адиб ҳам бу ҳикояни ёзишда шу тамойилга амал қилган. Ҳикояда Садирнинг иккинчи хотини Меҳрининг қишлоқдаги қариндошиникида беҳосдан дард тутиб қолиб, Садирнинг не умидларда зўрға етадиган фарзандини дунёга келтиришни собиқ хотини, бир маҳаллар туғмагани учун маломат қилиб, уйдан чиқариб юборган Баҳриниса амалга ошириши, нафақат Садирни, ҳатто ҳикояни ўқийётган китобхонни ҳам чўчитиб, қизиқтириб қўйиши аниқ. Ва айтиш жоизки, ҳикоянинг кульминацион нуқтаси шу ўринда энг юқори чўққига кўтарилади. Вазият жиддий, туғруқ жараёни оғир, болани сақлаб қолиш мушкул, она ҳаёти хавф остида. Садирни бир нарса қаттиқ чўчитар эди – энди ҳаммаси учун Баҳриниса ўч олса-я.

Ёзувчи ҳикоясида "...қаҳрамон руҳиятини очишда асосан қарама-қарши туйғулар коллизияси етакчилик қилади. Натижада руҳий тасвирда ҳар томонлама ишонарли, ёрқин образлар ва характерлар яратилганини кузатиш мумкин"лиги⁷ адибнинг ушбу ҳикоясида тўлиқ ўз исботини топган. Баҳриниса Садирнинг ўтказган озорлари, хўрликлари эвазига туғруғи оғир кечиб, кўп қон йўқотган Меҳрини гуруҳига мос тушадиган қон касалхонада бўлмаганлиги учун қон гуруҳи тўғри келган Баҳринисанинг ўзи қон бергани ҳикояда ишонарли лавҳаларда тасвирлаб берилган.

Адиб томондан ҳикояда "...иштирок этувчи персонажларнинг асосий вазифани ҳал қилишдаги роли ва уларни ўз ўрнига қўя билиш маҳоратини анализ қилиш... қаҳрамонларнинг асардаги умумий ғоявий вазифани ҳал қилишдаги ролини анализ қилиш муҳим"лигини⁸ "Қудук" ҳикояси мисолида кўриб чиқамиз. Ҳикоя тузилиш жиҳатдан ихчам, лекин ғоявий жиҳатдан

⁵ А р а с т у. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2004, 57-бет.

⁶ В е с е л о в с к и й А. Избр. произведения. – М.: "Наука", 1939, 70-бет.

⁷ Қ ў ч қ о р о в а М. Замонавий прозада руҳият талқини // улўғбекхамдам.уз 28.04.2023.

⁸ Қ ў ш ж о н о в М. Сайланма, 2жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 279–280-бетлар

улкан асарлар сирасига киради. Ҳикоя Жамшиднинг буваси тоғ этагини тошлардан тозалаб, экин учун қудуқ қазиб келган кунидан бошланади. Жамшиднинг буваси табиат ирим-жиримларига ишонадиган ғалатироқ одам бўлиб, у қазиб келган сувнинг ширин чиққани учун қўни-қўшни бўш челақ билан кириб, тўлдириб чиқиб кетавериши унинг наздида яхши эмас, хонадондан барака кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин, деб ўйлаши натижасида уларни ёмон кўргани ҳикояда ҳаққоний тасвирларда берилган.

Ҳикояда буванинг аввалига майда, истехозли гапларига жавоб қилмаган қўшнилари камига қудуқнинг атрофини яхши тахталар билан ўраши, қўлда тортадиган сувни чиғириқ билан айлантириб оладиган қилиши "ўлганни устига тепган бўлиши" уста образида кўрсатилган. Адиб бува образини ёритар экан, унинг нақадар тубан кетганлигини, сувда қўшнилари ҳам ҳақи борлигини унутётган чолнинг аянчли авҳолини, персонажларнинг қочириқли гапларига берган жавобларида кўрсатиб беради. Қудуқдан оёғини тийган ҳамқишлоқлар бувадан хафа бўлиб, маъракаларга ҳам айтишмай қўйишади. Бува эса ҳамон боягидек, ўз қилган ишини тўғри, деб ҳисоблар, қишлоқдошларининг совуқ муносабати гармселдск ўтиб кетишига ишонар эди. Лекин ундай бўлмади, буванинг қилган иши нафақат ўзига, балки набиралари ҳаётига ҳам таъсир қилди. Бувасини кўрганда қувониб кетаётган арзанда набираси Жамшид ҳам ундан ўзини олиб қочадиган, истар-истамас, зўрға салом бергани етмагандек бир куни мактабдан келгач, уйга кириб йиғлагани, бунинг сабабини сўраган онасига "Мактабда ҳамма болалар "зиқналар, хасислар" дейишяпти, деб жавоб қайтаради. "Табиатнинг сувини аяган очкўзлар", дейишаётганлигини эшитди, лекин кириб набирасига ҳеч нима дея олмади. Ҳикоя сўнгида кўнгли ғаш бўлиб уйғонган бува эрталаб қудуққа олиб борадиган сўқмоқнинг икки ёнидаги жўхори ҳали пишмасдан ўриб ташлангани, йўл кенг қилиб очилганини кўрди.

Ҳикояда Жамшиднинг буваси ҳаётий мувофиқлик ва бадий изчиллик асосида тасвирланган. Бува образининг руҳий-психологик ҳолати персонажларга нисбатан ҳолис муносабатида бўрттиб очилишида кўзга ташланади. Бува ички оламидаги кечинмалар персонажлар билан ҳаётий зиддиятлар воситасида ҳикояда акс эттирилади.

Хулоса қилиб айтганда, адиб ҳикоялари қаҳрамонлари тафаккури, дунёқараши, руҳий дунёсига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бу қаҳрамонлар бутун чигаллиги, мураккаблиги ва ўзига ҳослиги, ютуқ ва камчиликлари билан ҳикояларида реал ифодаланган. Улар киёфасида инсон маънавий олами давр билан ҳамоҳанг, ҳамнафасликда тасвирланган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Шухрат ҳикояларининг ҳаётий чиқишини таъминлаган омил адибнинг ҳаётда ўз кўзи билан кўрган, шохиди бўлган воқеаларни қаламга олганлиги эканлиги асослаб берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье фактором, обеспечившим жизнь рассказам Шухрата, является то, что писатель записывал события, которые видел своими глазами и был свидетелем.

RESUME. In the article, the factor that ensured the life of Shuhrat's stories is that the writer wrote down the events he saw with his own eyes and was a witness.

Таянч сўз ва иборалар: ҳикоя, образ, қадрият, тасвир, урф-одат, тўқнашув, конфликт, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: история, образ, ценность, образ, традиция, столкновение, конфликт, мастерство

Key words and word expressions: story, image, value, image, tradition, clash, conflict, skill.

ЎЗҒУРМИШ ОБРАЗИ ҲАҚИДА

Юсуф Хос Ҳожиб Ўзғурмиш образи тасвирида мавзу тақозоси билан бир неча мотив ва тимсоллар тасвирига устуворлик берган. Шулардан бири дунё тимсоли бўлиб, бу тимсолсиз на Ўзғурмиш образини тўлақонли тасаввур қилиб бўларди, на зухд мавзуси тўқис ёритилган бўларди. Дунё тимсоли "Қутадғу билиг" тимсоллари тизимида шу қадар муҳим ўрин тутадикки, у ва унга оид тасвирларсиз бутун дostonнинг воқеалар тизимини, асар композициясини тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, Кунтуғди ва Ойтўлди муносабатлари асосида ҳам, Кунтуғди ва Ўзғурмиш, Ўгдулмиш ва Ўзғурмиш муносабатлари замирида ҳам айнан дунёга муносабат масаласи ётади. Айнан дунёга муносабат борасидаги зиддият асарнинг бутун воқеалар тизимини ҳаракатга келтирувчи куч саналади. Заковатли инсонлар дунёнинг турли хийла-найрангларидан узоқ туриш учун ўзларини хилватга тортганлар. Баъзилар дарвеш қиёфасида саҳро кезганлар, баъзилар эса зоҳид қиёфасида узлатга чекинганлар.

Инсоннинг дунёга қизиқиши ҳам бежиз эмас, чунки "Оллоҳ таоло инсонни яратганда уни бу дунёга қизиқадиган қилиб яратган. Агар инсон табиатида бу дунёга қизиқиш бўлмаганида дунё обод бўлмас эди... Шунинг учун дин юбориб, унинг нафсини жиловлаб туришни ҳам йўлга қўйди. Нафс инсонни дунёга тортади, дин эса уни дунёга қизиқмасликка чорлайди..." "Оли Имрон" сурасида шундай марҳамат қилинади:

"Одамларга аёллардан, фарзандлардан, тўп-тўп тилла ва қумушдан, боқилган отлардан, чорвалардан, экин-тикиндан иборат шахватларнинг муҳаббати чиройли кўрсатилди. Булар дунё ҳаётининг матоҳидир. Ва Оллоҳ – ҳузурида гўзал қайтар жой бор Зотдир" (14-оят)¹.

Яъни "дунё ҳаётининг матоҳи" чиройли қилиб кўрсатилган, улар, аслида, чиройли эмас, шу сабабли уларга кўнгил бермоқ, уларга ошуфталик, уларга қул бўлмоқ адашишларнинг боши ҳисобланади. "Қутадғу билиг" достонида Ўзғурмиш образининг дунёга муносабати айни мана шундай ҳақиқий мезонлар асосида бадиий талқин этилган.

Ўзғурмиш образининг дунё билан муносабатини тадқиқ этишдан олдин мазкур тимсолнинг "Қутадғу билиг" достонида тутган ўрнини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Тўрт асосий қаҳрамондан бири бўлган Ойтўлди, муаллифнинг таъбирича, бахту давлат тимсолидир:

*Бу Кунтуғды тэгли төру-ул көни
Бу Айтолду тэгли қут-ул көр аны (349).*

¹ Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Zuhd va hayo. – Toshkent: "Hilol-Nashr", 2021, 45-46-betlar.

Маъноси: "Бу Кунтуғди дегани(м) чин адолатдир, Бу Ойтўлди дегани(м) бахтдир, унга бир боқкин"².

Бахту давлат эса бу оламнинг, борлиқнинг қувончи, илтифоти сифатида бевосита дунё билан боғланади. Асарда Ойтўлди тилидан бахту давлатнинг фазилатлари ва нуқсонлари айтилар экан, икки камчилик – *беқарорлик* ва *бевафолик* алоҳида таъкидланади.

*Йайығ тэлвэ давлат көңул бамагыл
Толун-тэг бу давлат йана эрилу (726).*

Маъноси: "Давлат бевафо, гумроҳдир, унга кўнгил боғламагин, Давлат – тўлин ой каби, у яна емирилади".

Бахту давлат айнан беқарор, ўзгарувчан бўлгани учун ҳам асарда унинг тимсоли бўлган қаҳрамонга Ойтўлди деб ном берилган. Давлат бевафо, ким унга рўпара келса ёки унга муносиб бўлса, шу билан бирга бўлади. Қолаверса, ой каби беқарор, бир кун кичик (хилол), бир кун тўлин. Шу боис ҳам адиб бахту давлатга кўнгил қўймаслик кераклигини бот-бот уқтиради, бахтнинг вақтинча эканини турли тасвирлар, мисоллар орқали поэтик далиллайди. Умуман олганда, Кунтуғди ва Ўғдулмиш образлари талқинида ҳам уларнинг дунёга муносабати масаласи муҳим аҳамиятга эга. Аслида, масаланинг бу жиҳатини ҳам текшириш жиддий ҳулосаларга имкон беради, аммо асосий мақсад Ўзғурмиш образининг дунёга муносабати, муаллифнинг дунё тимсолини қандай бадиий талқин этганини тадқиқ этиш бўлгани боис масаланинг шу жиҳати билан чекланамиз.

Ўзғурмишнинг дунёга муносабати ва у ҳақдаги қарашлари сюжетнинг бир неча ўринларида яққола намоён бўлган. Бу борада Ўғдулмиш ва Ўзғурмишнинг баҳслари, Ўзғурмишнинг Ўғдулмишга фоний дунё ҳақидаги пандлари, Ўзғурмишнинг элига насиҳати каби боблар алоҳида аҳамиятга молик. Айниқса, Ўғдулмиш ва Ўзғурмиш баҳси, савол-жавобида дунё тимсолининг моҳияти ишонарли тарзда очилган.

"Қутағу билиг"да бу дунё "тунэк" – тунаш жойи деб тавсифланади. Ким унга кўнгил берса, Баят (Оллоҳ) ёдидан узоқлаштирувчи "дин йўты" – дин офатига йўлиқади. Ўзғурмиш дунё кирдикорлари ҳақидаги тасаввурларини уни "көлинкэ" – кўланка, соя, "этинмиш келин" – ясанган келин, "қуртга" – қари, кампир, "түшүн" – меҳмонхона ёки раббат, "татығсыз суҳбат йолы" – беҳаловат суҳбат йўлига ўхшатиш орқали образли тарзда тасвирлаб беради.

Ўзғурмиш дунёнинг қуйидаги айбларини бирма-бир кўрсатиш орқали дунёпарастларни огоҳликка чорлайди: "Бу бевафо олам – ўткинчи, бойлик кибр-ҳаво ортишига олиб келади, бу дунё нима берган бўлса, тезда яна қайтиб олади; дунё – кўланка, изидан борсанг, қочади, сен қочсанг, изингдан келади; бу дунёнинг қилиқлари – жафо, қилмишлари – бевафолик, беги (вақтинчалик соҳиби) билан уч ой ҳам турмайди".

Адиб моддий олам ҳодисалари моҳиятини жуда аниқ ва таъсирчан тарзда кўрсатиб бера олади: "дунёнинг нарсаси шўр сувга ўхшайди, одам қанча ичса ҳам қонмайди, тили намланмайди. Ўзғурмиш Ўғдулмишга берган бу ўғитларини тарихда ўтган авлиёлар, зоҳидларнинг ҳаёти мисолида исбот

² Юсуф Хосхожиб. Қутағу билиг (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф). Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Тошкент, 1972, 112–113- бетлар. Бундан кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинди, байт рақамлари кўрсатиб кетилади.

этади: – Авлиёлар бу дунёнинг нарса ва молини бадал қиладилар, зоҳидлар эса боқиб, бу дунё асосини тарк этадилар" (3478–3515).

Ўгдулмиш Ўзғурмиш билан узлат ва дунёнинг моҳияти бобида суҳбатлашар экан, дастлаб, "Нима учун ёлғизликни ихтиёр қилдинг, бунча машаққат чекишингга сабаб нима?" – деган саволни беради. Ўзғурмиш эса узлатга чекинишининг сабаблари сифатида куйидагиларни кўрсатади: 1) одамлар орасида диним ноқис эканини кўргач, бу ер менга афзал кўринди; 2) бу дунё ишига аралашган киши хизмат билан банд бўлиб охират (у дунё) ишларини қила олмайди, шу боис халқ хизматида бутунлай эшик ёпиш керак; 3) ҳавас, нафс бўйнини синдириш ва тоат-ибодатдан ҳаловат топиш; 4) одамлар билан муомаладан етадиган ёмонлик, гуноҳлардан тийилиш; 5) халққа, қариндошларга фойдам тегмаганига яраша зиёним ҳам тегмаслиги учун³.

Ўзғурмиш бу фикрларига ёлғиз эмаслигини, доим Оллоҳ ёди билан бандлигини ҳам қўшимча қилади. Ўтибор берилса, Ўзғурмиш узлати ва зоҳидона ҳаёт тарзини, асосан, дунё ва у билан боғлиқ нарсалар туфайли танлаганини таъкидламоқда. У тақвосининг ноқислигига ҳам, охират ишларини тўқис бажара олмаслиги, тоат-ибодатдан ҳаловат топа олмаслигига ҳам, ёмонликлару гуноҳларининг боиси, ўзгалар кўнглини синдириб, уларга зиён-заҳмат етказишига ҳам, хуллас, барча ёмонликларнинг бош сабабчиси сифатида дунё ва у билан боғлиқ нарсалар (ҳавас ва нафс)ни кўрсатади. Ўзғурмишнинг фикрича, уни ўз мақсадидан – охират ишларини тўқис адо этиб, Оллоҳ ризосига эришишдан айнан дунё ажратиб туради.

Асардаги бошқа бир қаҳрамон – Ўгдулмиш савол-жавобда дунёнинг зарурати, аҳамиятини асослашга ҳаракат қилса, Ўзғурмиш дунёни инкор этади, дунёни барча ёмонликлар ва офатларнинг бош сабабчиси сифатида кўрсатади. Ўзғурмиш қариндошига дунёнинг айбларини батафсил айтиб беради:

*Ана йазды эрсэ байат қийнады,
Бу дунйағ түнәк қылды эрклиг иди (3475).*

Маъноси: "Одам гуноҳ қилса, худо қийнайди. Эркли эгам бу дунёни тунаш жойи [яъни қўниб ўтадиган омонат жой] қилди".

Ўзғурмишнинг дунёқарашига мувофиқ, дунё – *гуноҳларнинг бош сабабчиси*, гуноҳлар эса Оллоҳнинг қаҳрига мубтало қилади. Дунёнинг яна бир муҳим сифати – *ўткинчилиги, фонийлигидир*. Оллоҳ бу дунёни инсон учун вақтинчалик "түнәк" – тунаш жойи қилган. Бундай ўткинчи жойни орзулаш эса эзгулик аломати эмас. Шу боис Ўзғурмиш элига жавобида ҳам ушбу муҳим тезисни яна бир бор таъкидлайди:

*Эй элиг, бу дунйа кэчимлүг турур
Тириглик кўнингә түгәр алқынур (3709).*

Маъноси: "Эй элиг, бу дунё ўткинчидир, Тириклик кунига тугайди, емирилади".

Шундай экан киши тилагига жаннатда этади, нажот жаннатдадир. "Нисо" сурасининг 77-оятда айтилганидек: "Дунё матоси (лаззати) оздир.

³ O'sha kitob, 523-bet.

Тақволи кишига эса охират яхшидир"⁴. Шу маънода, Худо бирор кулини ёрлақаб сийласа, унга дунё бермайди, балки ҳидоят беради деган қараш Ўзғурмиш маънавий оламининг негизларидан бирини ташкил этади.

Ўзғурмиш дунёни ёмон деб ҳисоблайди. Бу борада унинг муайян асослари мавжуд. Уларнинг ичида энг муҳими шуки, дунё – *банда ва Оллоҳ ўртасида тўсиқ бўлади, кишининг эътиқоди, иймонига футур етказади*:

*Анын эдгү эрмәз бу дунйа қуты
Байатдын йыратур бу-ул дин йуты (3478).*

Маъноси: "Шу сабабдан бу дунё қути яхши эмаски, (У) Худодан узоқлаштиради, у дин офатидир".

Чунки одам бойиса, кибру ҳавоси ортади, ғурурга кетади, қалб тавозеси эса камбағаллик билан юзага келади.

Дунёнинг беҳуда ва ўткинчи экани, бинобарин, арзимаслигини исботловчи яна бир далил – ўлим. "Умуман олганда ўлим масаласи барча халқларнинг мифологиясида ва халқ ижодида кенг ўрин олади.

*Йалың туғмыш эр көр йалың барғу-ул
Нэрәк дунйа тәрмәк йана қодғу-ул (3481).*

*Қапуг ачты дунйа тақы бир қапуг
Өлүм қапғы ачлур кирур халқ қамуг (3484).*

Маъноси: "Яланғоч туғилган инсон, яланғоч ўлади, кўр, Дунё йиғиш не керак, яна уни қолдириш керак. Дунё эшик очди, яна бир эшик (очилади), Ўлим эшиги очилади, ҳамма халқ (унга) киради".

Бу дунё тунаш манзили бўлгач, инсон унда уч кунлик меҳмон, қолаверса, у ўлувчидир. Барчанинг кун келиб "ўлим эшиги"дан кирмоғи муқаррар. Шундай экан дунёга кўнгил қўйиш, мол-давлат тўплаш, дунёси билан мағрурланиш беҳуда. Одамнинг елиб-югуриши, барча интилишлари, аслида, дунёнинг икки нарсаси учун:

*Бири дунйа малын бәдүсә өзүң,
Тақы бир йорық болса элдә сөзүң.
Эди эдгү эрди бу экки булүб,
Өлүм тутмаса, қалса мәнү болүб (4598–4599).*

Маъноси: "Бири — дунё моли билан ўзинг буюклашсанг, Тагин бири – эл орасида сўзинг [яъни ҳукминг] раво бўлса. Жуда яхши бўларди, шу икки (нарга) эришиб, Ўлим тутмасаю (киши) мангу бўлиб қолса".

Яъни, дунёвий ишлардан мақсад иккита нарса – бири бойиш, мол-дунё, иккинчиси қудрат, обрў қозонишдир. Ўзғурмиш шу икки нарсага эришгач кишини ўлим тутмаса, мангуликка эришса, уларни яхши деб ҳисоблаш мумкин дейди. Бироқ бу кучли риторика бўлиб, ушбу ҳар икки нарса, бинобарин, дунёнинг беҳуда эканлигини таъкидлашдир. Зеро, ўлим муқаррар экан, инсоннинг дунёвий, ҳаётий илинжлари фонийлик касб этаверади. Адибнинг бу борадаги талқинларининг махражида "Анбиё" сурасининг 35-, яъни "Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир" ояти тургани сезилиб туради.

⁴ Qur'oni karim. Abdulaziz Mansur tarjiması. Niso surasi, 28-oyat.

Умуман, "Қутадғу билиг"да ўлим тушунчасига оид бадий талқинларнинг заминиди Қуръон оятлари, ҳадислар ва исломий ҳақиқатлар туради⁵.

Бу дунё моҳиятан ясанган келинга ўхшайди, аввал безаниб ўзини кўрсатади:

*Көңүл бәрдиң эрсә бу қуртға йүзи
Йақанны тутар күндә кәтмәз сөзи
Йана қылқы ирсәл қылқынчы йайығ
Бәги бирлә тутмаз түгәл үч айығ (3493–3494).*

Маъноси: "Кўнгил бериб қўйсанг, бу юзи кўҳна (қари) Кунда ёқангни тутати, сўзи (ҳеч) тугамайди. Яна қилиғи жафо, қилмишлари бевафоликдир, Беги билан тугал уч ой (ҳам) турмайди".

Дунё – буқаламун, у тез-тез тусланиб туради. Ёш келинчакдек кўрингани билан, аслида, кекса кампирдир. Унинг қилиғи жафо, иши эса бевафоликдир. Кимда-ким унга кўнгил бериб қўйса, тириклиги беҳуда кетади. Ҳолбуки, тириклик, умрнинг ҳар бир куни жуда қимматли бўлиб, уни беҳуда ишларга сарфлаш, зое қилиш ақлдан эмас. Ўзғурмишнинг фикрича, дунёнинг қуйидаги уч нарсдан бошқа нарсаси йўқ: 1) ҳалол; 2) ҳаром; 3) шубҳали нарсалар⁶.

Хуллас, Ўзғурмиш образи тасвирида дунё тимсоли муҳим ўрин тутати. Адиб Ўзғурмишнинг образ сифатидаги қиёфаси, ички дунёсини очиқ беришда дунё тимсолидан қарши қутб сифатида самарали фойдаланади. Дунё тимсолининг табиати тўлиқ бадий тасвирланади. Юсуф Хос Ҳожиб Ўзғурмиш образининг дунё тимсолига муносабати замирида, аслида, зуҳд ва дунё зиддияти борасидаги ҳақиқатларни бадий талқин этади. Бадий тасвир бобида юксак маҳорат кўрсатади. Муаллиф бу жараёнда дунёнинг асл моҳиятини уни таниган, шу боис уни ўзига душман деб билган ва нафсни жиловлай олган кишиларгина англай оладилар, зотан, "Оллоҳни севмоқ нишонаси шуки, (киши) дунёни тарқ қилгай"⁷ (Ҳасан Басрий) деган позицияда туради. Ўзғурмиш образига оид барча талқинларда мазкур маънавий асосга таянади ва Ўзғурмишни дунёни жуда яхши танувчи, унинг моҳиятини чуқур идрок этувчи маърифатли образ сифатида бадий тасвирлайди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асаридаги Ўзғурмиш образи ва у билан боғлиқ дунё тимсоли тадқиқ қилинади.

РЕЗЮМЕ. В статье исследуется образ Озгурмиша и связанный с ним символ мира в произведении Юсуфа Хоса Хаджиба "Благодатные знание".

RESUME. The article examines the image of Ozgurmish in Yusuf Khos Hajib's work "Kutudgu Bilig" and the symbolism of the world associated with him.

Таянч сўз ва иборалар: Юсуф Хос Ҳожиб, "Қутадғу билиг", асар, образ, тимсол, тасвир, талқин, таҳлил, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: Юсуф Хос Хаджиб, "Благодатные знание", произведение, образ, символ, изображение, интерпретация, анализ, мастерство

Key words and word expressions: Yusuf Khos Hajib, "Kutudgu bilig", work, image, symbol, image, interpretation, analysis, skill.

⁵ Baş Münire Kevser. Kutadgu bilig'de ölüm anlayışı ve ahiret inancı \ EKEV Akademik Dergisi. Yıl: 14, Sayı: 42. Kış 2010. – S. 83–104.

⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг, 549-бет.

⁷ Фаридуддин Аттот. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ғ.Фуллом номидаги НМИУ, 2012, 56-бет.

НАСРИЙ ВА ШЕЪРИЙ ТЕЗ АЙТИШЛАРДА АЛЛИТЕРАЦИЯ

Ўзбек ва қорақалпоқ, умуман, дунё халқларида ҳам тез айтиш аллитерация асосига қурилувчи, консонансга асосланадиган ягона фольклор жанри ҳисобланади. Оғзаки ижодиётнинг бошқа бир қатор жанрларида ҳам аллитерация ҳодисасини учратиш мумкин, аммо улар мазкур жанрларда маълум даражадагина қўлланилади.

Тез айтиш жанрини аллитерациясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аллитерация – матндаги маълум товушларнинг уйғунлиги бўлиб, тез айтишнинг ритмлилигини, оҳангдорлигини, унинг композицион яхлитлигини таъминловчи восита ҳисобланади. Масалан: *"Киши пишмаган кишимиш еган билан тиши қамашмас эмиш, қамашса ҳам қамашмас эмиш, қамашмаса ҳам қамашмас эмиш"*¹. Ушбу тез айтиш "қ", "к", "ш" ва "с" товушларига асосланган аллитерация негизига қурилган бўлиб, уни тез ва янглишмай айтиш жуда қийин. Сабаби, юқорида келтирилган товушлар айтилиши жиҳатдан бир-бирига яқин, яъни улар талаффузда бир-биридан кам тафовутланади. Ушбу товушларнинг барчаси жарангсиз ундош товушлар саналиб, "қ" чуқур тил орқа, "к" тил орқа, портловчи товушлар бўлса, "ш" тил олди, сирғалувчи, "ч" тил олди, қоришиқ, портловчи² товушлар ҳисобланади. Тез айтиш талаффуз қилинганда мазкур товушлардаги сезилмас фарқлар ҳисобга олинмаса, яъни товушларнинг фонетик қонуниятларига амал қилинмаса, нутқда тугилиш содир бўлади. Шунинг учун ҳам ўхшаш, оҳангдош товуш, сўз ёки сўз бирикмалари шиддатли айтилганда чалғишга мойилликни кучайтиради.

Тез айтиш ижрочиси матндаги ҳар бир сўзнинг ўрни ва нозик маъноларини англаб олиши лозим. Чунки, матн таркибидаги уйғунлашиб кетган сўзларни тез ва тўғри айтишда бу муҳим омил саналади. Ўзбек болалар фольклорининг йирик тадқиқотчиси О.Сафаров тўғри таъкидлаганидек, тез айтишдаги товушлар аллитерацияси ижрочига матн замиридаги нозик маънони англашга ҳалақит беради, оқибатда уни чалғитади³. Аллитерация унли товушларга асосланса – "вокал", ундошларга асосланса – "консонант"⁴ ҳисобланади. Демак, юқорида келтирилган тез айтиш консонант аллитерацияга мисол бўла олади.

¹ ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. № 660.

² Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Дарслик. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1980, 60–62-бетлар.

³ Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1985, 197-бет.

⁴ Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1979, 26-бет.

Туркий халқлар тез айтишларида аллитерациянинг турли кўринишдаги намуналарини учратиш мумкин: *"Тошкентлик Тоштемирнинг тешаси тошлоқлик Тошболтанинг тешасиданмас"*⁵. Ёки:

*Содиқ сочиққа сочини суртдимми?
Сочиққа Содиқ сочини суртдимми?*⁶

Келтирилган хабар мазмуни ифодаланган биринчи мисол бир компонентли, сўроқ мазмуни ифодаланган иккинчи мисол икки компонентли бўлиб, улар кам сўзли насрий тез айтишлардир. Эътибор қилинса, тез айтишлар "с", "ч" ва "ш" товушлари аллитерациясига асосланган. Бунинг сабаби, айрим болалар ушбу товушлар талаффузда қийналишади, яъни "ч", "ш" ўрнига "с" товушини айтишади. Демак, биз бундай кам сўзли тез намуналарнинг болалар нутқини тўғрилаш мақсадларида яратилганлигини билиб оламиз.

Яна бир мисол: *"Тоир тойини топди"*⁷. Бу "т" товуши аллитерациясига асосланган уч сўздан иборат тез айтиш тез талаффуз қилинганда *"Тоир Тоирни топди"* тарзида эшитилади. Бунинг сабаби, биринчи ва иккинчи сўзлар уйғун бўлиб, талаффузда *"Тоир"* сўзи *"тойи"* сўзини ўзига мослаштириб олмакда. Бу нутқ билан боғлиқ фонетик ҳодиса бўлиб, бунда *"...сўз таркибида олдин келган товушнинг таъсири билан кейинги товуш ўз хусусиятини ўзгартиради ва олдингига ўхшаш товушга айланади"*⁸. Демак, тез айтишдаги сўзларнинг маъно ўзгариши мана шу фонетик қонуният асосида содир бўлмоқда. Бу хил тез айтишлар сўз ўйинига асосланган бўлиб, бундай *"сўз ўйинларида бир ёки бир неча сўзнинг тез айтилиши янги маънони келтириб чиқаради ва асосий фикр яшириниб қолади"*⁹. Бинобарин, тез айтишдаги асосий мақсад чалғитиш ва шу асосида кулгили вазиятга замин яратиш ҳисобланади.

Қуйидаги қорақалпоқ халқ тез айтиши бошдан-оёқ "ш" товуши аллитерациясига қурилган:

<i>Шағырды шап,</i>	<i>Шала шаппа,</i>
<i>Шапсаң шап,</i>	<i>Шашлап шап,</i>
<i>Шаққан шап,</i>	<i>Шашнай шап,</i>
<i>Шапишаң шап,</i>	<i>Шақлап шап</i> ¹⁰ .
<i>Шаплап шап,</i>	

"Ш" товуши асосига қурилган тез айтишнинг ҳамма сатрлари икки сўздан иборат бўлиб, унда "ш" товуши 21 марта қўлланилган. Матндаги барча

⁵ Бойчечак. Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари (Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Сафаров О., Очилов К.) – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 201-бет.

⁶ Ўша манба, 200-бет.

⁷ Айтувчи: Ҳасан ота, 1947 йилда туғилган. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Балиқчилик кишлоғи. Ёзиб олувчи: И.Мадияров. 2019 йил.

⁸ Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. Фонетика, Лексикология, Морфология. – Тошкент: "Фан", 1966, 62-бет.

⁹ Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1975, 50-бет.

¹⁰ Қарақалпақ фольклори. Көп томлик. 88–100-томлар. – Нөкис: "Илим", 2015, 447-бет.

сўзлар "ш" товушидан бошланган. Дикқат қилинса, мисралар бошидаги сўзларнинг деярли ҳаммаси 2-3 та фонема орқали фарқланади.

*Таңжарбай, Таңжарбай, бай Таңжарбай,
Қойиңды мол жуўсанга жай, Таңжарбай.
Қойиң кетти таўдан асып,
Қойиңды қайтарып жай, бай Таңжарбай*¹¹.

Эътибор қилинса, ўзбек ва қорақалпоқ тез айтишларидаги шахс номларининг аксарияти "т" товушидан бошланган. Қолаверса, улар "т" товуши аллитерациясига қурилган тез айтишларда иштирок этган бўлиб, ушбу исмлар таркибида айтилиши қийин ҳамда талаффузда алмашиб кетиши мумкин бўлган "р", "й", "ш", "с" товушлари ҳам иштирок этган.

*Занжир, саржин, анжир*¹². Мазкур содда – бир компонентли насрий тез айтиш "ж" ва "р" товушларининг аллитерацияси асосига қурилган бўлиб, ундаги сўзлар таркиби бир-икки товуш билан фарқланадиган, талаффузда чалғитишга асосланган оҳангдош сўзлардан иборат. Матндаги сўзлар умумий мазмун англатмайди. Дикқат қилинса, мазкур тез айтиш учта сўздан иборат бўлиб, бизнингча, бу хил қисқа, ихчам намуналар ёш болалар нутқини ривожлантириш, ундаги нуқсонларни бартараф этиш учун яратилган.

Насрий тез айтишларда шеърӣ тез айтишларга нисбатан аллитерацион оҳангдорлик кучли бўлади. Насрий тез айтишларнинг "аксарияти кўп сўзли. Ҳар бир сўз ўзаро ўхшаш товушли бўлганлигидан ички аллитерацион оҳангдорликни юзага келтирган. Ўз навбатида, ички аллитерацион оҳангдорлик тuroқланиш асосида ўзига хос поэтик ритм ҳосил қилган"¹³. Демак, ушбу типдаги тез айтишларнинг компонентлари кўп бўлиб, улар ритмлик, оҳангдошлик жиҳатидан шеърӣ тез айтишларга яқин туради дейиш мумкин. Бунга қуйидаги тез айтишлар мисол бўла олади:

*"Дарёнинг нариги бетида иккита жийда. Жириллаган жийдами, жирилламаган жийдами? Жириллаган бўлса ҳам жириллатиб кел, жирилламаган бўлса ҳам жириллатиб кел"*¹⁴.

*"Нур Қарабай таўинан киятыр едим, алдымнан шықты еки мың еки жүз еки түп жийде. Жийделенген еки мың еки жүз еки түп жийде ме? Жийделенбеген еки мың еки жүз еки түп жийде ме? Дайымның жийделенбеген еки мың еки жүз еки түп жийдеси болса, албетте, жийделенген еки мың еки жүз еки түп жийде"*¹⁵.

Икки халқнинг жийда ҳақидаги тез айтишлари композицион жиҳатдан муштарак бўлиб, "ж" товушига асосланган ички аллитерацион ритм ҳосил қилган.

Биз бу билан насрий тез айтиш намуналарининг барчаси ритмик жиҳатдан шаклланган бўлади, деган фикрдан йироқмиз. О.Сафаров ёзишича, "Насрий тез айтишларнинг шундай намуналари ҳам борки, уларда поэтик

¹¹ Ўша манба, 438-бет.

¹² Болалар адабиёти (Тузувчилар: Ахмедов И., Суюмов А., Солиев М., Раҳманов В.) – Тошкент: "Ўқитувчи", 1978, 25-бет.

¹³ Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. – Тошкент: "Шарқ", 2013, 171-бет.

¹⁴ Бойчечак, 204-бет.

¹⁵ Қарақалпақ фольклори, 88–100-томлар, 441-бет.

ритмдан воз кечилган; ижтимоий мазмундорлигини бўрттирувчи аллитерацион оҳангдорликкагина эга"¹⁶. Ҳақиқатан ҳам, бу тип насрий тез айтишларда аллитерацион оҳанг устуворлик қилиб, матннинг образлилигини кучайтиришга хизмат қилади: *Оқ тепада оқ каптар, кўк тепада кўк каптар. Оқ тепадаги оқ каптар кўк тепадаги кўк каптарга дон бердим, кўк тепадаги кўк каптар оқ тепадаги оқ каптарга дон бердим?*¹⁷

Тез айтишдаги *"оқ тепа"*, *"оқ каптар"*, *"кўк тепа"* ва *"кўк каптар"* бирикмалари бир томондан талаффузда ўқувчини чалғитишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, яъни О.Сафаров таъбири билан айтганда, "муддао хусни – мотивни ифодаловчи восита"дир. "Муддао хусни, – дейди у, – ҳам шеърий, ҳам насрий тез айтишларда тугун вазифасини ўтайди. Улар мотивнигина эмас, балки қайси товушни аллитерацияга солишни ёхуд сўзни такрорлашни белгилувчи восита сифатида сўз ёки сўз бирикмаси шаклида намоён бўлади"¹⁸. Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги тез айтишдан келиб чиқадиган бўлсак, муддао хусни матн таркибидаги *"о"*, *"қ"*, *"н"*, *"к"* товушларини аллитерацияга солишни белгилаб берган. Шунингдек, О.Сафаров насрий ва шеърий "тез айтишларда поэтик ритм хилма-хил оҳанглари (гумон, сўроқ, буйруқ, хабар) ифодалаши мумкин"лигини тўғри таъкидлайди¹⁹. Яна шуни ҳам қўшиб кетиш керакки, айрим тез айтишларда поэтик ритм (мазмун) бир неча оҳанглари ифодалаши ҳам мумкин. Юқорида келтирилган жийда ҳақидаги тез айтишларда дарак, сўроқ ва буйруқ, *"Оқ тепада оқ каптар..."* деб бошланувчи тез айтишда эса дарак ва сўроқ оҳанглари ифодаланган. Аллитерация ҳар бир халқ тилининг фонетик, лексик ва грамматик қурилиши ҳамда хусусиятларига асосланадиган санъат тури ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, аллитерация тез айтиш жанрида қўлланиладиган асосий санъат тури бўлиб, асосан айтилиши жиҳатдан бир-бирига яқин, яъни улар талаффузда бир-биридан кам тафовутланадиган товушлар иштирокида тузилади. Тез айтишларда қўлланилган аллитерация санъати жанрнинг ритмлилигини, оҳангдорлигини, унинг композицион яхлитлигини таъминловчи асосий восита вазифасини бажаради.

РЕЗЮМЕ. Мақолада насрий ва шеърий тез айтишларда аллитерациянинг ўрни хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается роль аллитерации в прозаических и стихотворных скороговорках.

RESUME. The article discusses the role of alliteration in prose and poetry tongue twisters.

Таянч сўз ва иборалар: жанр, тез айтиш, аллитерация, санъат, ритм, композиция, образлилик.

Ключевые слова и выражения: жанр, скороговорка, аллитерация, искусство, ритм, композиция, образность.

Key words and word expressions: genre, tongue twisters, alliteration, art, rhythm, composition, imagery.

¹⁶ Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари, 171-бет.

¹⁷ Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси (Тузувчилар: Мирзаев Т., Сафаров О., Ўраева Д.) – Тошкент: "Алоқачи", 2008, 406-бет..

¹⁸ Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари, 172-бет.

¹⁹ Ўша манба, 171-бет.

"ГЕНЕТИК" РОМАНИДА РОВИЙ ОБРАЗИ

Исажон Султоннинг "Генетик" романи эпик баён услуби, поэтик тили каби бадиий тасвир ва поэтик ифода омилларининг матндаги эстетик вазифаларини кузатиш эътиборлидир. Зотан, бадиий тил романда ўзига хос услубий вазифа бажариб, ифоданинг равлонлиги ва тушунарлилигини таъминлайди. Бу жараёнга адибнинг сўз танлаш маҳорати ва сўз қўллашда ўзига хос ёндашув услуби катта таъсир кўрсатади. "Генетик" романи юртимиз қишлоқларидан бирида туғилиб ўсган, азалий генетик код, иймон-этикод ва замонавий илм-фан ёрдамида қадимтуркий халқнинг теран илдизларига, глобал дунё ройишига разм солган йигитнинг ўй-фикрлари асосига қурилган. Бу йигитни элимиз ҳаётий тутумлари, урф-одатлари, айтимлари, эртагу дostonлари, қўшиқларию маталлари фикран улғайтириб, мустақил ҳаётга йўллаган. И.Султон бу романда ҳам, "Озод" асаридаги сингари ўспирин қаҳрамонни маъно ва ҳикмат дунёларига қадам қўйиш, ўзлигини англаб етиш йўлларида олиб ўтади. Уни XXI асрда Картахена (Колумбия)да бўлиб ўтган Бутунжаҳон Генетика анжуманида нутқ сўзлашгача юксалтиради.

Ўзбек генетигининг жаҳон аҳлини эзгулик йўлида бирлашишга чорловчи самимий ўтинчи ва ёруғ умидлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Чунки у: "инсониятнинг бутун куч-қуввати истеъдод юлдузларининг чакнашига йўналтирилиши шарт", деган қарорга келади. Бу жўн хулоса бўлмай, бугунги глобал дунёнинг асл фожиаларини англашдан келиб чиққан бадиий ҳукм эди. Азалдан мукарам этилган, аммо билимсизлик таназзули туфайли кундалик турмуш ташвишларидан юксала олмайётган инсон руҳини ҳақиқий илмдан маънавий рағбат ва ором олишга йўналтириш, одам боласида ўзига ишонч ҳиссини қайта уйғотишга чорлов эди. Инсонни ўз фитратига истеъдод гавҳарини ардоқлашга ундаш, она заминда меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, олижаноблик, покиза ниятлар қанот ёзишига ишониш, ишонтиришга интилиш эди. Шунинг учун ҳам олим: "Одамзот қалби ўлмас, руҳи ҳамдардлик ва шафқат туйғуларига тўла экани билан қутлуғдир. Бизнинг барча уринишларимиз мана шу йўлга – уни улуғлашга, шарафлашга ва эъзозлашга йўналтирилиши шарт"¹, – дейди. Бу даъватлар публицистик пафосдан холи бўлмаса-да, қаҳрамоннинг шон-шухрат ва сарват илинжидаги нутқи эмаслиги билан қадри. Қолаверса, меҳнаткаш ва фидойи бу ровийнинг хулқи ва тақвоси, холислиги ва самимияти китобхонда шубҳа уйғотмайди. Ёзувчи барча фикр-мулоҳазаларни илоҳий, тарихий-адабий, илмий, генетик манбалар билан бир қаторда, ҳаётий тажриба ва мисоллар, ҳаёл ва хотирада қайта тикланган қўплаб ахборотлар, тафаккурида пишиб этилган маълумотлар негизда асослаб беришга интилади. Масалан, мана бундай ишоравий бадиий тасвир китобхон фикр-ҳаёлларини беихтиёр қадимтуркий битиклар сари етаклайди: "...Тонг ота бошлади, сўнг унинг изидан ер юзи ёришди. Сўнг қуёш чиқди,

¹ Султонов И. Генетик. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2018, 139-бет. Кейинги мисоллар шу нашрдан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – И.С.

ҳаммаёқ ёруғ бўлди. Эр йигит эмаклаб борди, Тангрига йўлиқди. Йигит бахт тилади, Тангри бахт берди. Оғилда йилқинг бўлсин, умринг узок бўлсин, деди" (141).

Бизнингча, ровийнинг тақволи, парҳезкор, ростгўй инсон экани, диний ва дунёвий илмларнинг асосларини яхши билиши, сўз ва унинг маъноларига эътиборли экани, романдаги киритмалар шарҳи асл маншаъига мувофиқ, турли ихтилофлардан холи экани ҳам унга ишониш учун етарли асос бўла олади. Зотан, Хатиб Бағдодий таъкидлаганидек: "Олимга ишонмаслик – унинг илмига ишонмаслик"² экани ҳам бизни романдаги генетик олимнинг ровий сифатидаги эпик баёнига ишонишга ундайди. Қолаверса, ушбу ровийнинг теран нигоҳи ва ўз ҳис қилганларини бадиий тасвир ва ифодага кўчириши ортида ноластик образ – И.Султон турганини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Бинобарин, роман адибнинг реал воқеликдан олган таассуротлари тасвири ва поэтик ифодасидир. Демак, роман бадиий тили ва поэтик тасвир услубини таҳлил ва тадқиқ этар эканмиз, энг аввало, муаллиф қарашлари ҳикоячи қаҳрамон (ровий) нутқи орқали ифодага кўчгани эътиборимизни тортади. Чунки воқеаларни ҳикоя қилаётган ушбу ривоя субъекти, биринчидан, бизга улар кечаётган макон ва замон ҳақида тасаввур беради. Иккинчидан, иштирок этаётган персонажларга оид тафсилотларни етказди. Учинчидан, тасвир предметига муайян муносабат билдиради. Таъкидлаш ўринлики, бу романнинг персонажи генетик олим. Ривоя унинг тилидан олиб борилиши эпик асарлар баён тарзига хос хусусият бўлиб, ривоянинг бутунлигини сақлаш шартидир. Аслида, бош ровий муаллифнинг ўзидир.

И.Султоннинг "Генетик" романида бир йигит (ровий) умрининг энг гўзал паллалари: болалиги билан боғлиқ хотира ва ғаройиботлар, ўсмирлигида кўрган-кечирганлари, ўзи мансуб бўлган элнинг илдизлари қайси манбаларга туташ экани ҳақидаги ўй-мулоҳазалари роман бош поэтик ғояси атрофида бирлаштирилади. Асар тили услубан содда, халқона ва миллийликни инъикос этгани ҳолда, бирқадар кўтаринки пафосда баён қилинган. Таниқли генетик олим Иброҳимжон Абдурахмонов прототиби роман марказига олиб чиқилган.

"Генетик" романининг биринчи қисми: "Она тупроқ", "Лайлатулқадр", "София холам", "Убай ака", "Дашти Қипчоқ", "Бобом", "Ҳаёт", "Илмлар маскани", "Тешиктошдан топилган бола", "Уч чанокли муҳаббат", "Куз" каби сарлавҳаланган жажжи ҳикоялардан таркиб топган. Иккинчи қисм ўз ичига: "Генетикага кириш", "Момақалдироқ", "Генларни бошқариш", "Дўст", "Устоз", "Эр Буғу", "Ҳукми мутлақ", "Эл", "Чақин", "Эр Буғу марсияси", "XXI аср. Картаҳена. Колумбия", "Эзгу сўз" каби ҳикояларни қамраб олади. Ёзувчи баён қилинаётган тафсилотларни ихчам мавзуларга ажратиб, адабий курак (монтаж) усулида бирлаштиришда ўзининг бошқа романларида синовдан ўтган шакл ва ифода услубига содиқ қолган.

Воқеликни ровий тилидан баён қилиниши асарнинг ўқишлилигини таъминлаган омиллардан бири. Муаллиф ҳикоячига роман моҳиятини ва ундан англашиладиган маънони китобхонга етказиб беришдек улкан

² Бағдодий Х. Кифоя фий илми ривоя. – Миср: Дор Усмония, 2010, 48-бет.

масъулиятни юклаган. Унинг сюжет яратишдаги маҳорати шундаки, романдаги воқелик ҳам, сўз ҳам биргина қаҳрамон томонидан бошқарилади. Бош қаҳрамоннинг хотиралари, учқур тасаввурлари роман сюжетининг асосини ташкил этади, ваҳоланки, роман сюжети ана шу хотиралар баёнидан, яъни ҳикоялардан ҳосил бўлган. Ҳикоядан-ҳикояга ўтилгани сари тиниб-тинчимас қаҳрамон характери, ҳамма нарсани кузатувчи, ўз ёшига мос хулосалар чиқарувчи бола кўз ўнгимизда гавдаланиб боради. Бола нигоҳи билан теварак-атрофдаги воқеалар кузатилиб, бу воқеалар образ ва характерларга шу қадар боғланиб кетганки, ҳар бир воқеа бош қаҳрамон характерининг ўта кузатувчан, синчков, кенг фикрловчи, барча ҳодисаларга қизиқувчи жиҳатларини кетма-кетликда очиб боради. Асар қаҳрамони романда табиатнинг кенг пландаги фонида ҳаракат қилади: болалик ғаройиботлари, хотирага абадий муҳрланган тасаввурлари, қишлоқ ҳаёти, гўзалликка бурканган табиат кўринишлари, лиризмга, теран тафаккурга эга пейзаж тасвири, илм-маърифатга интилиш, генетиканинг ўтмиш билан уйғунлиги реал манзараларда тасвирланган.

Асарнинг дастлабки қисмлари, айниқса, Омоннинг болалик дунёси орқали тасвирланган қаҳрамонлар ва ҳодисалар китобхон қалбига гўзал манзара ва руҳий тиниқлик ҳаёти этиб, улар ҳақидаги илиқ тасаввурларни ҳосил қилади. Романнинг кейинги ўринларида ровий тилидан баён қилинган ҳикоялар орқали генетиканинг асл моҳиятига урғу берилган. Эл-улуснинг ташқи миллий қиёфа жиҳатидан келиб чиқиши билан бирга уларнинг ўзлигини топиши, англаши, маънавияти, маданиятининг ўзаро бирикуви биргина халқ ва элат тимсолига чамбарчас боғланиши реал ҳаётини ҳақиқатлар асосида далилланган.

И.Султон аксарият насрий асарлари, хусусан, "Генетик" романида ҳам микроскопик ифода услубидан фойдаланади. Яъни адиб зоҳиран унча эътибор берилмайдиган майда нарса-ҳодисаларни худди микроскопда кўраётгандай катталаштириб тасвирлашнинг ҳадисини олган. Чунки кўрилган, билинган манзара-ҳолатлар ровий онгу тасаввурида кичрайтирилиб, уларнинг ранглари ёрқинлашади ва шу тахлитда тасвир ҳамда ифодага кўчади. Масалан: "Ёмғир ёққанида ҳам ёқимли, ҳайбатли оҳанг яралади. Ҳамма нарса ун чиқара бошлайди. Тол ёнига борсангиз, дарёдай шовуллашини эшитасиз. Сабаби барглари учли, узунчоқ, қайиқчага ўхшайди, ёмғир суви улардан оқиб пастга қуйилади. Терак шитирлайди, япроқлари тигиз бўлгани учун бир-бирига урилади. Каттароқ баргли дарахтларда дағалроқ товушлар ҳосил бўлади. Қуруқ шох-шаббалар бошқа, хаслар бошқа сас чиқаради, хуллас, бутун борлиққа бастачисию ижрочиси табиат бўлмиш ёмғир мусикаси таралаверади" (6).

Бизнингча, ёмғир шивирида унинг ҳайбати, нарсалар чиқараётган товушларда дарёнинг шовуллашини тинглаш, яъни энг кичик заррадан улғуворликкача юксалиб боровчи табиат симфониясини ҳис қилиш ва уларни ҳис қилдира билиш ўта нозик кузатувчанлик ҳамда ифода услуби билан боғлиқ маҳорат белгисидир. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай тасвирларда табиат ҳодисалари, инсоний қиёфалар муайян ижтимоий-тарихий жараёнлар билан ўзаро боғланиб кетади. Ровий романда кимни эсламасин, у муқаррар тарзда қайсидир воқеа билан боғлиқ ҳолда жонланади. Масалан, бўзбола

Убай акани шамоллар билан бирга тасаввур қилади. София хола Ой манзаралари билан уйқаш ҳолда кўз ўнгида намоён бўлади. Дашти кипчоқлик Интизор эса асал билан боғлиқликда жонланади.

Ровий ўз онасини ялпиз, райҳон ҳамда гул очаётган чечаклар ёнида, отасини эса, негадир қўлида болта ёки арра, кесилган дарахт шохлари ёхуд яхшилаб шудгорлаб чиқилган майдон ўртасида кўради. Тасаввурига кўра, у қайси манзарага яқинлашса, ўша катталашиб, майда деталларигача намоён бўлаверади. Ровий хотирасига муҳрланган воқеа-ҳодисаларни бемалол турфа ракурслардан кузата олади. Шунинг учун, романнинг одам ва олами қамраш миқёслари янада кенгайиб, юксалиб, беҳад улуғворлик касб этиб боради. Ровий тасаввуридаги асар қаҳрамонларининг метафорик уйғунлашуви уларнинг индивидуал табиатини юзага чиқариш билан бирга китобхон онгига сингдирилган. Ёзувчи ровий тилидан қаҳрамонлар тасвирини тадрижийлик асосида бадий гавдалантирар экан, синчков ўқувчи матн талкинидан муаллиф мулоҳазасини уқиб олади. Поэтик образлар, метафорик тасвирлар ва воситалар китобхон руҳий-эстетик оламини бойитишга йўналтирилган.

Романда мақол, матал, ривоят, лексик воситалардан ибора, шева, атамаларнинг ўринли келтирилиши ва ўтмиш алломаларининг асарларидан воқелик моҳиятига уйғун ҳолда иқтибосларнинг қўлланилиши ёзувчининг ўзига хос ижодий манерасини, композиция яратишдаги маҳорати ва услубий йўналишини белгилаб беради. Унинг "Генетик"дан ташқари "Озод", "Бокий дарбадар" романларида ҳам айнан шу шакл яққол кўзга ташланади. Халқ оғзаки ижодига хос жанрлардан самарали фойдаланиш, мумтоз адабиёт анъаналарига эргashiш ёзувчи индивидуал услуби ва ижодий лабораториясининг ўзига хослиги билан ўлчанади. Асар воқелигини киритмалар билан таъминланиши, биринчидан, тасвир миқёсини кенгайтирса, иккинчидан, ривоя техникасини тартибга келтиради, учинчидан, муаллифнинг ғоявий-эстетик мақсадини очишга хизмат қилади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Исажон Султоннинг "Генетик" романи муваффақиятини таъминлаган омиллар: эпик баён услуби, ровий тили, поэтик маҳорат, тасвир ифодаси, прототип, тарихий ҳақиқат, бадий талқин сингари назарий муаммолар тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются факторы, обеспечившие успех романа "Генетика" писателя Исаджона Султана, такие как эпический стиль повествования, язык повествователя, поэтические способности, образная выразительность, прототип, историческая правда, художественная интерпретация и др. исследуются.

RESUME. In this article, the factors that ensured the success of the novel "Genetic" by the writer Isajon Sultan, such as the epic narrative style, the narrator's language, poetic skills, image expression, prototyp, historical truth, artistic interpretation.

Таянч сўз ва иборалар: роман, эпик баёнчи, ровий, услуб, композиция, бадий ифода, сюжет, поэтик маҳорат, иқтибос, киритма матн.

Ключевые слова и выражение: роман, эпический сказитель, повествователь, стиль, композиция, художественное выражение, сюжет, поэтическое мастерство, цитата, вступительный текст.

Key words and word expressions: novel, epic narrator, narrator, style, composition, artistic expression, plot, poetic skill, quotation, introductory text.

ЭШҚОБИЛ ШУКУРНИНГ ТАСВИР МАҲОРАТИ

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева "Эшқобилнинг шеърлари Олтин бешикнинг кўнғироғига ўхшайди. Одамни бирдан ўзига жалб қилади", – деб эътироф этган бўлса-да, бизнингча, шоир шеърлари икки-уч марта ўқилиб, кейингина тушуниладиган ижод маҳсули ҳисобланади. Чунки унинг шеърини бир марта ўқиган китобхон, гарчи ўта иқтидорли бўлса ҳам, ўша лаҳзада тушуна олмайди. Сабаби, унинг шеърлари мағзида яна бир қат "мағиз" – мазмун мужассамдир. "Баъзан кашф этилган янги образ фақат шеърхонга эмас, шоирнинг ўзи учун ҳам "бахтли тасодиф" – кутилмаган янгилик бўлиб, номаълумликни маълум ифодалар билан очиш қийинроқ бўлади"¹, – дейди Аҳмад Аъзамов.

"Ҳамал айвони" тўпламидаги шеърлар теран туйғуларнинг назмий қолипларга бўйсунмаган ҳақиқий ифодаси бўла билган. Аслида туйғу "тентаклик"нинг сирдоши, у ҳеч вақт қайсидир қолипларга сиғмайди. Шоир бепоён туйғуларни рамзлар кўмагида шеърга кўчиради. М.Кенжабек ёзади: "Эшқобил Шукурнинг "Ҳамал айвони" китобини варақлаб, бир хулосага келдимки, Эшқобил тақлид қилмаган шоир. Унинг "Насойим ул-муҳаббатга сайр" туркуми халқимиз учун юксак маърифий руҳдаги асарлардан деб ҳисоблайман".

Тўпламидаги шеърларда нарс-буюм, ашёлар асосида юзага келтирилган ўнлаб образлар учрайди. Улар орасида ўсимликлар талайгина. Айниқса, гул образи алоҳида аҳамият касб этади. "Ой, булут, шамол, дала, йўл... Улар доим менинг шеърларимга кириб келаверади. Йўқ, булар шунчаки образлар эмас. Улар менинг бу дунёдаги доимий ҳамроҳларимдир. Шаҳарнинг энг гавжум, энг сершовқин жойида ҳам улар менинг ёнимда эканини ҳис этаман", – дейди ижодкорнинг ўзи...

"Ҳамал айвони"нида келтирилган "Кўнглимни тошга ёрдим" деб бошланувчи шеъри 4 банддан иборат бўлиб, 1-бандида лирик қаҳрамон ичидаги изтиробини тошга ёради, кўнглини унга очади. Оқибатда "тошлар чил-чил синиб кетади". Қаҳрамоннинг қайғуси шу қадар бисёрки, шу қадар серобки, ҳатто ташна қолган қушлар келиб, ундан сув ичмоқда. Бу қушлар сувга эмас, соғинчга ташна қанотли қайғудошлардир:

*Кўнглимни тошга ёрдим,
Тошлар синди-я чил-чил.
Сув ичгали кўзимга
Қушлар қўнди-я бир-бир². (2.Б.17.)*

У қандай туш эканки, эшитганда "сувлар лов-лов ёнади"? У қандай тилки, қаҳратон қишлар ундан чўғ терса? Агар туш раҳмоний бўлса, демак,

¹ Аъзамов А. Масъул сўз. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 74-бет.

² Шукр Э. Ҳамал айвони. – Тошкент: "Шарқ", 2002, 17-бет. Шоир шеърларидан мисоллар шу нашрдан келтирилиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – И.А.

лирик қаҳрамонда илоҳий дард тўлғонади, гар тил рост сўзлаётган бўлса, у оловли, чўғли бўлади. Унда зимистон музлаган "тани"ни исита олади:

*Тушимни сувга айтдим,
Сувлар ёнди-я лов-лов.
Чўғ тергали тилимга
Қишлар қўнди-я бирров.*

Одатда, тушни сувга айтиш мотиви халқда кенг тарқалган. Бу таъбир билан боғлиқ. Илк таъбир муҳим ва амалга ошувчи бўлгани сабаб халқ таъбирчи сифатида сувни ёки унга шаффофлиги билан монанд ойнани танлаган. Улар – тилсиз ва ёруғликка эга таъбирчи, яъни туш ёруғликка ёйилиши учун сувга айтилган. Айни дамда, сув тушни оқиб кета олади. Шу маънода шеърятда тушни сувга айтиш мотиви қатор шоирлар томонидан келтирилади. Э.Шукур ҳам халқона мотивга мурожаат қилар экан, кутилмаган тасвирни беради: тушни тинглаган сув ёнади, қарангки, "лов-лов ёнади". Шоир зидлик ҳисобланган сув ва оловни бирга келтириб, оксиморон ёрдамида ҳолатни кучайтиради.

Ёмғир қачон тўхтайдими, тинади? Қачонки булутлар тарқалса, албатта! Одам дардини бирор кимсага ёхуд табиат инъомларининг бирига, аниқроғи, сувга айтса, анча енгил тартади. Кўнгил осмонидаги "булут"лар – қийноқлар бошқа тарафларга кўчиб кетиб, "ёмғир"лар – ҳаётидаги ғулғулалар ҳам тинади. Шунча ғам чеккан инсоннинг қафтида гул унадими? Шоир изтироблар инсонни поклашига ишора қилади. Барча қийинчиликларни енгиб ўтган инсон қайсидир жиҳатдан покланади. Тозарган жойда кўқариш, гуллаш бор. Қизлар – гўзаллик тимсоли. Аслида қизлар ҳам гул кабидир. Шоир гўзаллик ва покликни ёнма-ён қўяди:

*Дардимни ёмғирга айтдим,
Ёмғир тинди-я сим-сим.
Гул тергали кафтимга
Қизлар қўнди-я лим-лим (9).*

Негадир юқоридаги банднинг илк сатрида бир ҳижо ортикча, ҳолбуки, шоир "Дардим ёмғирга айтдим" тарзида берса, вазн жойига келарди. Лирик қаҳрамоннинг юрагида ишқ ўти баланд. Кунга айтса, кун ёнар, ойга айтса, ой тўлар. Ишққа чалинганнинг қалби тўла куй бўлади, нола бўлади. Бу нолалардан сўз куйилади, дард тўкилади:

*Ишқимни ойга айтдим,
Ойлар тўлди-я гул-гул.
Куй ичгали кўнглимга
Сўзлар қўнди-я бир-бир.*

Шоир ойнанинг тўлишини гул ҳолатига монанд тарзда беради. Сўзлар қуш, аммо сув ўрнига куй ичадиган қуш. Шоирнинг метафораси бетакрор. Юқорида таҳлилга тортилган шеърнинг ҳар бир бандида муаллиф муболаға

санъатини маҳорат билан "едира билган". Аксарият муболаға ғулув тарзида қўлланган.

Э.Шукур шеърга олиб кирган гуллар турфа рангларда товланиб, гоҳ деталь, гоҳ образ ҳолатида товланади. "Юраги шодликка уйланаётган" ижодкор "Суюнчи" назмий тизмасида гулларни "Суюнч бахш этувчи кимса" маъносида ишлатган, бизнингча. Лирик шахс ҳар хил тусдаги суюнчгулларга тўлиб кетади. Болларга бурканган кунлар кўнгил роҳларидан сезилади, изларидан билинади:

*Ер каби қуёшдан айланай,
Тунларим ойларга беланур.
Бир ажиб тўйларга шайланай,
Юрагим шодликка уйланур.
Суйганларим, суюнчи беринг!*

*Айланай, гулларнинг тилидан,
Кўзларимга ранглар тўлмоқда.
Юрагимнинг узун йўлидан
Ширин-шакар кунлар келмоқда.
Суйганларим, суюнчи беринг! (11)*

Шеърда ўхшатиш ("Ер каби"), метафора-истиора, сифатлаш ("Ойларга беланмоқ, шодликка уйланмоқ, юракнинг узун йўли, ширин-шакар кунлар"), муболаға ("кўзларга ранглар тўлиши"), нидо ("Суйганларим, суюнчи беринг!") сингари тасвирий воситалар ишлатилган бўлиб, улар назмнинг бадииятини таъминлашда кўмакка келган.

"Руҳим" шеъриси тарди акс ва ташбеҳ бадиий санъатлари етакчи ўрин эгаллагандир. Шеърнинг ҳар бир байтида юқоридаги мисранинг пастки қаторда жой алмашинув усулида берилиши матнда ўйноқи оҳангни ҳосил қилган бўлса ҳам, аксу дард зарбини ҳам бироз оширган. Қушда туш, тушда қуш, оловда гул, гулда тил(олов), тўйда куй, куйда тўй, кўзда сўз, сўзда кўз инъикос этганлигини кўрасиз. Бу шунчаки тарди акс эмас, тафаккур қилишга мажбурлайдиган алмашинув. Шоир сўзлардаги ўрин алмашинувини маҳорат билан амалга оширган. Булар зукко шеърхонга завқ бағишласа, кимларнидир зериктиради. Бундай қолипни шеърнинг ҳар сатрида қайтариш атайин сўз ўйини қилинаётгандай таассурот уйғотади. Шу сабаб "Руҳим" матни жиддий таҳлилни талаб қилади.

Гул уялмайди, одам уялади. Гулга уятчанлик сифатининг берилиши, яъни инсондаги хусусиятнинг жонсиз ёхуд жонли нарсага кўчирилиши шахслантириш ҳисобланади. Гулга ҳис-ҳаяжон билан мурожаат этиши эса нидо тасвирий воситасини вужудга келтиради. Э.Шукур "Намозшомгуллар" шеърининг ҳар бир бандида ташхис ва нидо бадиий санъатининг "қувват"ини сингдира олган. Шоир наздида, шеър – гўзаллик рамзи. Намозшомгул шу нафосатнинг сингилларидир. "Хайрихоҳ қўллар" – дардли сирдош. "Шом гуллари – тун дарчалари", дейилишига сабаб, бу гуллар кундузи "мизғиб", шомда очилади. Табиатан тунда уйғоқлик хусусиятига эга. Демак, шоир гуллардан деталь ёки образ сифатида фойдаланганда уларнинг табиатидан келиб чиқиб, акс эттиради.

*О, уятчан намозшомгуллар,
Шеърнинг дилбар сингилчалари...
Қалбни суянг, хайрихоҳ қўллар,
Шом гуллари – тун дарчалари... (17)*

Нега лирик қаҳрамон "шом чоғи қўшиқ айтиб", айнан намозшомгуллар орқали ўзининг ҳасратлари, изтиробларини олисдаги кизга йўллашни истаяпти?! Чунки Тунда тинчлик, осудалик ҳукмрон, аслида бу таассурот ҳам алдамчи. Ана шу осудалик қўйнида ҳам нотинчлик бор. Тунда намозшомгул ухлайди, ухлаганда ҳам ним очик турадики, шоир бу ҳолатдан фойдаланиб, уларни "тун даричалари" дейди.

*О, уятчан намозшомгуллар,
Қўшиқ айтай шом чоғи сизга.
Дардларимни қўясиз йўллаб,
Олис юртда қолган бир қизга.*

Шеърнинг 3-бандидаги Бибиҳоним тарихий шахс – Амир Темурнинг садоқатли турмуш ўртоғи. У ҳаё бобида Шарқ хотин-қизларига ўрناк бўларли гўзал хулқли аёл. Намозшомгул ибоси Бибиҳоним назокатига қиёсланган. Назмий асарларда тарихий шахс, жой номларини тилга олиш, бирор асарга ёхуд унинг қаҳрамонларига ишора қилиш талмехни юзага келтиради. Учинчи банднинг бадиийлигини, таъсирчанлигини оширишда унинг иккинчи мисрасидаги ўхшатиш ҳамда талмех шеърини санъатлари муҳим роль ўйнаган. Бизга маълумки, муболағанинг таблиғ, игроқ ва ғулувв турлари мавжуд. Биринчисида ҳаётда ҳам содир бўладиган, ақлан ҳам ишониладиган тасвир, иккинчисида турмушда бўлиши мумкин бўлмаган, аммо ақлан ишониладиган ифода, учинчисида эса ҳаётда ҳам содир бўлмайдиган, ақлан ҳам ишонилмайдиган ўта кучли бўрттириш намоён бўлади. Шеърдаги учинчи банднинг учинчи, тўртинчи мисраларида юраги зада ошиқнинг "шом чоғи йиллаб жонини севгига бериши" игроқни юзага келтирмоқда:

*О, уятчан намозшомгуллар,
Қизчалари Бибиҳонимнинг,
Ўлимгамас, шом чоғи йиллаб
Мен севгига бердим жонимни.*

"Намозшомгуллар" шеърининг ҳар бир бандида "уятчан" сифатидан фойдаланиш орқали шоир жонлантириш бадиий воситасини ўз ўрнига тушира билган. Жонлантириш иккига бўлинади: интоқ (нутқлантириш), ташхис (шахслантириш). Инсондаги хусусиятнинг бошқа бир нарсага қўчирилиши шахслантириш дейилади. Уятчанлик характери одамга хос. Унинг гулга "ўтиши" эса ташхисни вужудга келтирмоқда. Ҳар банддаги такрор сатр шеърдаги таъкид ҳамдир.

Шеърда ўхшатишнинг ҳам гўзал намуналари кузатилади. Биринчи бандда уятчан намозшомгуллар "шеърнинг дилбар сингилчалари"га, "тун дарчалари"га, иккинчи бандда ошиқ "дардларини йўлловчи" дарддошга, учинчи бандда "Бибиҳоним қизчалари"га, тўртинчи бандда "гўзалликнинг пок

қизчалари"га, "синиб қолган юлдузчалар"га, бешинчи бандда эса яна лирик қахрамон изтиробларини "олисдаги таниши"га етказувчи қайғудошга менгзалган. Иккинчи банддаги "Дардларимни қўярсиз йўллаб" мисрасининг бешинчи бандда такрорланиши таъкидли ҳиссий зарбни кучайтириб, бадий гўзалликни янада оширган.

Тўртинчи банддаги "юлдузчалар", аввало, намозшомгулдан тўкилган "тангачалар" – "соғинч парчалари" бўлса, иккинчидан, улар ошиқнинг кўёшларидир. Булар, албатта, бизнинг тафаккуримиз қатидаги маъно ёхуд яна бир пинҳона қиёсов. Назм нуруни ҳар қалб ўзича англайди, ўзича мушоҳада қилади:

*О, уятчан намозшомгуллар,
Гўзалликнинг пок қизчалари,
Супурмоқда кўксимдан еллар
Синиб қолган юлдузчаларни.*

Хулоса қилиб, шун қайд этиш жоизки, Э.Шукур ўзи яратаётган назм боғини турфа гуллар билан безайди:

*О, уятчан намозшомгуллар,
Қўшиқ айтай шом чоғи сизга.
Дардларимни қўярсиз йўллаб
Олисдаги танишингизга...
О, уятчан намозшомгуллар...*

У қуруқ сўзламайди, шунчаки баён қилмайди, ҳар сатрига "бадий тўн" кийдиради, ҳар бандини тафаккур кучи билан қувватлантиради. Шоир шеърятдаги туйғулар ранг-баранглигини, ғоялари силсиласини, тасвирлар жозибадорлигини сезиш учун китобхон бадий тасвир воситаларидан хабардор бўлиши шарт.

Иброҳим Ҳаққулов ёзганидек, "Ҳақиқий шеър ўқилганда қалбда қолади, ҳаётнинг қайси бир фурсатларида шеърхон руҳига суянч бўлади"³. Дарҳақиқат, Эшқобил Шукурнинг нафис шеърятини юракка таянч, дарддош бўла оладиган бетакрор ижод намунасидир.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада Эшқобил Шукурнинг ижодида акс этган бадий тасвир воситалари, шунингдек, гул образининг ўзига хос товланишлари, кўринишлари хусусида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о средствах художественного изображения, отраженных в творчестве Эшкabila Шукура, а также об уникальных интерпретациях и проявлениях образа цветка.

RESUME. This article talks about the means of artistic representation reflected in the work of Eshkabil Shukur, as well as the specific interpretations and appearances of the image of a flower.

Таянч сўз ва иборалар: гул, образ, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, лирик шахс.

Ключевые слова и выражения: цветок, образ, сравнение, прилагательное, метафора, лирическая фигура.

Key words and word expressions: flower, image, simile, qualification, metaphor, lyrical personality.

³ Ҳ а қ қ у л о в И. Бадиий сўз шукуҳи. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 122-бет.

АСАРДА БАДИЙ ОҲАНГНИНГ ЎРНИ

Бадиий асар структурасида барча элементларнинг маълум даражада ўрни мавжуд. Агар бу элементлар моҳирлик билан жойлаштирилган бўлса, унинг муҳимлик даражаси яна-да юқори бўлади. Ижодкор асарига ҳар бир белги, нарсa, ишорани ғоявий мақсади, структурал ўрни, бадиий вазифасини аниқ англаган ҳолда киритса, яратикнинг мукамаллиги ортиб бораверади.

Асардаги майда деталлардан тортиб, киритма воқеаларга қадар ўзига хос бадиий юкни ташишга хизмат қилади, хизмат қилиши шарт ҳам. "Ижодкорнинг топқирлиги туфайли қўлланган деталлар тилга кирганда ҳикояни гапиртириб юборади"¹. Асарнинг матнида кўзга ташланмайдиган, уни ўқиш жараёнида ҳис қилинадиган унсурлар ҳам борки, улар ҳатто структурада мукамалликка эришиш учун маълум вазифаларни амалга оширади. Булардан бири оҳанг бўлиб, бадиий етук асарларда муҳим эстетик ва ғоявий вазифаларни бажаради. Жумладан, муаллиф нутқи, товуш, тиниш белгилари, қаҳрамон нутқи ёрдамида ифодаланган турли оҳангларнинг поэтик вазифаси асарда катта ўринга эга ҳисобланади. Бу унсурлар қаҳрамон характерини ёритишда ҳам муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Қаҳрамонларнинг руҳий оламини ёритишда, характерини тўлақонли очиб беришда янги усул ва методлар юзага келгани эътиборлидир. Қиссалар поэтикаси бўйича сўз юритган У.Расулова "қаҳрамон сийрати, психологик ҳолатини тасвирлашда муносабат ўзгариб бораётгани, ижодкорнинг поэтик изланиши натижасида юзага келган асар маънавий, эстетик арконни янги образ, деталь билан тўлдираётгани тадқиқ этилади"², – дея таъкидлайди. Яъни қаҳрамон оламини тўлиқ, атрофлича очиб беришда барча бадиий унсурлардан самарали фойдаланиш, янги поэтик фигураларни топиш, уларга етарли вазифалар юклай олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Янгича тасвир усуллари, долзарб ижтимоий муаммолар талқини, тажриба намуналари дастлаб ҳикояларда ўтказилади, албатта. Замонавий ҳикояларнинг структурал ёки поэтик ўзига хосликларини ўрганиш йирик жанрлар тадқиқида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Жоди" ҳикояси мавзу, ғоя, тасвир борасида бир қатор ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Ўрганишлар давомида ҳикоядаги бадиий оҳанг масаласи бизнинг диққатимизни жалб қилди.

Бадиий адабиётда оҳанг масаласи, кўпинча, лирик асарлар таҳлилида тилга олинади. Шеъриятдаги талаблардан саналган лирик оҳанг масаласи насрий асарларда табиий оҳанг, драматик оҳанг, товуш, нутқ оҳангининг поэтик вазифалари нуқтаи назардан алоҳида тадқиқ этилмаган. Й.Солижонов Ш.Холмирзаев ҳикоялари таҳлилида насрдаги оҳанг масаласига ишора қилади: "Номланишидан оҳангигача лирик йўналишдаги бу ҳикояларни ўқиб, қуй тинглаётгандек бўласиз"³. Олим бу ўринда асосий эътиборни деталларга

¹ Солижонов Й. Деталлар тилга кирганда \ \ Ўзбек адабий танқиди (Антология). – Тошкент: "Turon-iqbol", 2011.

² Расулова У. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва таракқиёт тамойиллари). ДД. – Тошкент, 2020, 68-бет.

³ Солижонов Й. Деталлар тилга кирганда. \ \ Ўзбек адабий танқиди (Антология). – Тошкент: "Turon-iqbol", 2011.

қаратганлиги боис оҳанг масаласига чуқур кириб бормади. Шунингдек, бадиий матндаги оҳанг масаласи лирик турга яқин тасвирлар натижаси эканлигини эътироф этади. Насрий асарлардаги оҳанг масаласига У.Қосимов ҳамда М.Хидироваларнинг мақоласида бироз эътибор қаратилган: "Бадиий адабиёт шу қадар ранг-баранг, тасвир қўлами кенг ва теран оламки, баъзан айтиш мумкин, бир сўз такрори ҳам турли даражадаги маъно, оҳанг ва таъсирчанлик "кашф" этиши мумкин"⁴. Ушбу мақолада бир сўзни асарнинг бир жойида ёки турли ўринларида такрорлаш орқали бадиий ғоя, мазмунни кучайтириш усули, матндаги оҳанг орқали драматизм ортишига хизмат қилиши эътиборга олинган. Биз эса "Жоди" ҳикояси мисолида оҳангнинг асар структурасидаги, асар моҳиятини очишдаги, қаҳрамон характери, ёритишдаги, асардаги драматизмнинг юқорилашишидаги ўрнини ўрганиш масаласига эътибор қаратдик.

Ҳикояда Франциядаги XVIII асрнинг иккинчи ярми сиёсий ҳаёти тилга олинган бўлиб, бош қаҳрамон Жозеф Гилотин ҳисобланади. Жозеф тиббиёт бўйича мутахассис ва депутат сифатида фаолият олиб борган. Францияда қонунга киритилган ўлим асбоби – жоди тўғрисидаги қонун ташкилотчиси сифатида жиноий жавобгарликка тортилади. Асарда қамоқдаги сўроқ жараёни тасвирланади.

Ҳикояда оҳанг муҳим поэтик вазифа бажарган. Мусиқа тилида айтиладиган бўлса, асар юқори пардада ёзилган. Унинг бошидан-охирига қадар оҳанг, овоз эшитилиб туради. Жумладан, ҳикоянинг биринчи жумласи шундай бошланади:

"Оғир темир эшик қисирлаб, ярим-ёрти очилиб улгурмай ичкарига ёқимсиз илимилиқ нам ҳаво ёпирилди"⁵.

Ушбу жумлада "эшик қисирлаб" бирикмасидаги оҳанг ҳикоянинг мазмуни, қаҳрамонлар ҳолати, воқеалар ривожига ҳақидаги дастлабки хабарни беради. Товушларнинг ҳам ёқимли ёки ёқимсиз, ижобий ёки салбий, тартибли ва тартибсиз хусусиятлари бўлади. "Биламизки, табиатдаги барча нарсалар мунтазам тебранишда бўлади. Ҳар бир тебраниш аслида товушдир. Бу тебранишларнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлган узлуксиз оҳанглар, агар улар уйғун бўлса, бизга ижобий таъсир қилади. Бироқ бир-бирига мос келмаса, стресс ва салбий туйғуларни келтириб чиқаради"⁶. Тилимиздаги "ҳамоҳанг" сўзи, қўпинча, "бир-бирига мос", "уйғун" маъноларида келади. Бизнинг таҳлилимиз жараёнида эса бу сўзни том маънода, ўз маъносида қўллашимиз мумкин. Яъни ҳикоядаги товушларнинг оҳангдошлиги, ҳамоҳанглигини ўрганамиз. Демак, ҳикоядаги товуш ёки оҳанглар бир-бирига уйғунми, йўқми; асардаги оҳанг воқеа мазмунига ҳамоҳангми, йўқми, қандай саволларга жавоб излаш тадқиқотимизнинг асосий маркази ҳисобланади.

Эшикнинг қисирлаши инсонга ёқадиган товушлардан эмас, шунингдек, эшик жойлашган бино ҳам ёқимли жой эмас – қамоқхона. Буларга уйғун ҳолда бош қаҳрамон ҳам ҳавас қиладиган аҳволда эмас – маҳкум. Шу билан бирга, қамоқхонанинг ҳавоси ҳам юқоридагилар билан уйғунликда ёқимсиз тарзда берилган. Демак, ҳикоянинг биринчи жумласи ёқимсиз товуш,

⁴ <https://hp.jdpu.uz/index.php/hp/article/download/197/146/622>

⁵ Д ў с т м у ҳ а м м а д Х. Қичқирик: янги ҳикоялар. – Тошкент: "Sharq", 2014, 71-бет. Кейинги ўринларда мазкур асардан олинган иқтибосларнинг саҳифаси кўрсатилади.

⁶ <https://www.themaggar.com/ses-meditasyonu-nedir>

ёқимсиз жой, ёқимсиз ҳолат ва ёқимсиз ҳаво тасвири билан бошланади. Ёзувчи биринчи гапда тасвирдаги ҳар бир деталнинг мазмунан ва мантиқан уйғунлигига эришган.

Эшик очилганда ёқимсиз ҳаво билан бирга чивин ҳам кириб келади. Қон сўрувчи ҳашарот ҳисобланган чивиннинг терговчилар билан бирга кириб келишида ҳам рамзийлик бор. Шунингдек, "чивиннинг қанотчалари остидаги қоринчаси оқиш заъфарон тусдалиги унинг ғирт очлигидан далолат" (71) берувчи тасвирида ҳам оҳанг бор, овоз бор. Биринчидан, қорни оч чивин шафқатсиз терговчиларга ишора ҳисобланади. Иккинчидан, ёзувчи чивинга нисбатан қўллаган "ғирт оч" бирикмаси ўрнига услубий жиҳатдан "жуда оч", "ниҳоятда оч" жумлалари қўлланилса маъқул кўринади. Бироқ бу ўринда асар бошида бошланган оҳанг давом этмоқда. Яъни "ғирт" сўзининг изоҳли луғатда 3 та маъноси берилади. Бу сўзнинг 1) белгининг даражасини кўрсатиш, 2) "бутунлай" деган маънони ифодалаш ҳамда 3) тақлид сўзни ифодалаш вазифалари кўрсатилган. "Ғирт оч" жумласида эса учала маъно ҳам мавжуд. "Оч чивин" отли бирикмасида "оч" сўзи белгини билдирмоқда ва "ғирт оч" бирикмасида "ғирт" сўзи "белгининг кучли даражасини қайд этади, кучайтирув билдиради", яъни чивиннинг жуда очлигини кўрсатмоқда. Иккинчидан, "ғирт оч" бирикмасидаги очлик чивинга тегишлилиги маъносида "предметга тўлалигича, бутунлай дахлдорлиги, оидлиги маъносини билдиради"⁷. Иккинчи маъно ҳам бу тасвирда маълум даражада мазмунга мослигини кўриш мумкин. Учинчи ва бизга бироз тушунарсиздай туюлиши мумкин бўлган маъно – тақлид сўзлик мазмунидир. Юзаки қараганда чивиннинг очлигига нисбатан ишлатилган "ғирт" сўзида тақлидлик маъноси, товушга нисбатан тақлид йўқдай туюлади. Тор тасвирдан бироз узоқлашиб, ҳикоянинг умумий мазмунига эътибор қаратсак, асар ўлим куроли – жоди ҳақида ҳисобланади. Жоди одам бошини кесганда "ғирт" деган товуш чиқади. Маҳкумларнинг ҳар бир ўй-фикрида, ҳаёлида, нигоҳида, қулоғида ана ўша товуш айланаётган пайт эди. Шунинг учун уларнинг кўзига чивиннинг қорни тасвирида ҳам "ғирт" деган товуш келиб турибди. Х.Дўстмуҳаммад шу тарзда моҳирлик билан ҳикоядаги оҳангни давом эттиради.

"Қисирлаган" эшик ва "ғирт" оч чивин овозларига ҳамоҳанг равишда "чивиннинг ғинғиллаб" училиши кўшилиб, мазмуний ва оҳанг уйғунлиги ҳосил қилади. Маҳкум одам психологик тушқун кайфиятда бўлади. Унинг учун қўп нарсалар ёқимсиз таассурот қолдиради. Айниқса, тутқунлик жараёнида сўроқ-савол қилувчи терговчилар ҳеч қайси маҳкумга ёкмайди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, "терговчининг ёқимсиз ғинғиллаган овози эшитилди", деган жумла ўрнига чивин овози деталини киритади ҳамда ҳолат ҳам образли ёритилади. Уйғунликка эътибор берилса, терговчиларнинг "суҳбатни кимдан бошлаймиз?" деган саволига мос ҳолда чивин овози эшитилади.

"Тақир кал бошга қўнган чивиннинг ғинғиллаб ҳавога кўтарилгани эшитилди" (72).

Чивиннинг овози қон сўрувчи ҳашарот товуши сифатида инсонлар онгидан жой олганлиги учун ҳеч кимда ижобий муносабат уйғотмайди. Бу товуш терговчилар гап бошлаганига ҳам ишора сифатида рамзийлик касб этади. Терговчиларнинг саволлари маҳкумларда чивин овози каби, яъни

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд. – Тошкент: ЎМЭ, 2008, 449–450-бетлар.

конхўрнинг овози каби таассурот қолдиради ва ашула сўзлари ҳамда мусиқа уйғунлиги каби ҳамоҳанглик юзага келади.

Х.Дўстмуҳаммад ҳикоя оҳангини бир хилда олиб кетмайди. Воқеалар оқимиға, яъни сюжет чизиғига мос ҳолда овоз тоини ва ритмни ўзгартириб боради. Ҳикояда ретроспектив сюжет тури қўлланган бўлиб, воқеалар оқимида ўтмишга ҳам мурожаат қилинади. Воқеалар юз бераётган замондан ўтмишга қайтиш жараёнида ҳикоянинг овоз тони ҳам ўзгаради:

"Қария бир зум ўйга чўмди-ю, ўзининг маҳкумлигини унутган кўйи ҳаётининг энг масрур дамларини ибрат ва ифтихор учун хотирлаётган машҳур шахслар сингари бир бошдан ҳикоя қилишга тушди" (73).

Мазкур мисолда Жозеф Гилотиннинг характер кирралари очилади. Яъни маҳкум сифатида қамокда ўтирган тушқун кайфиятдаги олимдан депутатлик чоғида амалга оширган ишлари ҳақида сўралганда гапириш шаклида ўзгариш рўй беради. Тўғри, бу ерда муаллиф Жозефнинг овози ўзгарганлиги ҳақида бирорта сўз ишлатмаган. Биз буни матндан – "масрур дамларини ибрат ва ифтихор учун хотирлаётган машҳур шахслар сингари" тарзида қўлланган ўхшатишидан билиб оламиз. Жозеф Гилотин олим ва депутат сифатида фаолият олиб борган чоғларида нотиклик санъати бўйича бир қатор ютуқларга эришади. Бу табиий ҳол ҳисобланади, албатта. Партия фракцияларида кўтарилаётган масалалар моҳиятини тушунтириш, парламент мажлисларида маъруза қилиш учун пухта тайёргарлик кўриш ва нутқ оҳангини кўтаринки, тантанали услубга яқин тарзда берилиши талаб этилади. Мунтазам шу муҳитда ишлаган инсонларда бу ҳолат характерига сингиб кетади. "Қасб нуктаи назаридан ҳам хатти-ҳаракатлардаги психофизиологик жараёнлар ўзига хос бўлади. Бадий асарда қасбга боғлиқ психофизиологик ҳолатни яратиш ёзувчидан катта эътибор талаб қилади"⁸. Жозефнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ воқеаларни "машҳур шахслар сингари" кўтаринки оҳангда сўзлатишда ёзувчи ана шу депутатлик фаолиятида шаклланган характерни тўғри эътиборга олган.

Шу ўринда Жозеф Гилотин нутқида шахт, кўтаринкилик мавжудлигининг яна бир исботини тиниш белгилари сонига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Ҳикоядаги Гилотин нутқида 74 та ўринда ундов белгиси ишлатилади. "Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари"⁹ ундов белгисига оид 14 та қоида берилган. Биз таҳлил қилаётган ҳикоя қаҳрамони Гилотин нутқида ҳиссий жараёнларни ифодаловчи мазкур қоидаларнинг 11 хили қўлланилган. Таҳлиллардан ҳам кўринадики, ҳикояда Гилотиннинг овоз тони юқори бўлган. Бу орқали унинг характери очилган ва асар драматизмида оҳанг ёрдамида сезиларли даражада юқориликка эришилган. Асарда бошқа қаҳрамонлар нутқида ҳам Гилотинга ҳамоҳанг равишда оҳанг тоинининг баландлиги ҳикоя структурасида овоз масаласининг нақадар муҳим, ўринли ва самарали эканлигини кўрсатади. Агар овоз масаласида Х.Дўстмуҳаммад узвийликни таъмин этмаганида ва оҳангдан унумли фойдаланмаганида ҳикоядаги эмоционал муҳит сезилмас ёки умуман очилмай қолиши мумкин эди.

⁸ A h m a d j o n o v a О. Badiiy asar qahramonining psixologik va psixofiziologik talqini (Asqad Muxtor romanlari misolida). Filol, fan, bo'y, fals. dokt., diss, avt. – Farg'ona, 2023-yil, 22-bet.

⁹ <https://ziyouz.uz/ozbek-tili/punktuasiya>

Бадий асарда оҳанг қаҳрамонлар нутқидаги овознинг паст-баландлиги, оҳанг мазмуни ёки муаллиф нутқи орқали ифодаланган изоҳлар ёрдамида юзага келади. Ижодкор асар структурасида оҳанг функциясидан унумли фойдалана олса, бадий ҳамда структурал мукамаллик юзага келади. Х.Дўстмуҳаммад "Жоди" ҳикоясида бадий оҳангни мукамал ярата олган ҳамда асар қаҳрамонлари характери очилишида, макон ва замон хусусиятларини ёритишда овоз деталдан самарали фодаланган. Мазкур ҳикоя юқори бадий оҳангга эгаллиги билан ажралиб туради.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек адабиётшунослигида қаҳрамон руҳий ҳолатини очишга хизмат қилувчи бадий тасвир воситаларидан бири бўлган бадий деталлар ҳақидаги фикрлар акс этган. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Жоди" ҳикоясидаги оҳанг масаласига эътибор қаратилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье отражены мысли о художественных деталях, которые являются одним из инструментов художественного изображения, служащих раскрытию душевного состояния героя в узбекском литературоведении. Мы уделили внимание вопросу тона в рассказе Хуршида Достмухаммеда "Джоди".

RESUME. This article reflects the thoughts about artistic details, which are one of the tools of artistic representation that serve to reveal the mental state of the hero in Uzbek literary studies. We paid attention to the issue of tone in the story "Jodi" by Hurshid Dostmuhammad.

Таянч сўз ва иборалар: бадий деталь, оҳанг, мавзу, ғоя, образ, бадий мақсад

Ключевые слова и выражение: художественная деталь, тон, тема, идея, образ, художественная цель.

Key words and word expressions: artistic detail, tone, theme, idea, image, artistic goal.

Гулноза ТЕШАЕВА

АДАБИЙ ПАРАЛЛЕЛНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Адабий жанрлар муаммоси адабиётшуносликда ҳам, адабий танқидчиликда ҳам ўзининг муҳим аҳамиятига эга. Адабиётшунослик сингари адабий танқидчиликнинг ҳам ўзига хос муҳим хусусиятлари ва тараққиёт йўллари мавжуд. Адабий танқидчиликнинг жанрлар тизимида алоҳида ўрнига эга бўлган адабий параллелнинг мустақил жанр сифатидаги ўрни, тарихи, келиб чиқиши, табиати, ривожланиши, шаклланиш йўллари ўрганиш долзарб вазифалардан бири саналади. "Адабий танқиддаги жанр фикрлаш категориясидир, жанрларда давр услуби ўз ифодасини топади. У структуравий омил, "модел" бўлиб, шакллантирувчилик ролини бажаради, танқидий нутқни ташкил этади. Ва ниҳоят, жанр адабий ва танқидий ҳодисаларни таснифлаш воситаси бўлган "бирлик" вазифасини бажаради. Адабиётда ҳам, танқидда ҳам жанр анъаналарнинг улкан ролини кўрсатадиган тоифалар қаторига киради"¹. Тарихий ривожланиш жараёнида танқиднинг вазифаларига мос равишда муайян жанрлар юзага келди. Адабий танқиднинг жанрлар тизими бетўхтов ривожланиш ва ҳаракатда бўлади. Шу сабабли ҳам адабий танқид "ҳаракатдаги эстетика", дея аталади. Бу яхлит тизим таркибида муттасил миқдор ва сифат ўзгаришлари рўй беради: янги жанрлар вужудга келади ёки йўқолиб кетади, замон талаби билан шакл ва мазмун жиҳатидан такомиллашиб боради, анъанавийлик билан бир қаторда,

¹ Чернец Л. В. К методологии изучения литературных жанров // Литературный процесс. – М., 2009. – С. 198.

новаторлик хусусиятлари ҳам намоён бўлади. Мунаққидларнинг маълум жанрга киритган ўзига хос янгиликлар ва ўзгаришлари баробарида ўша жанрлар тараққий этади. Бундан ташқари, жанрлар тизими ўтмишдаги жанрий қонуниятлар билан бойийди. "Яна бир жиҳати, ҳар бир давр адабиётидаги жанрлар тизими адабий анъаналарнинг давоми ва адабий алоқалар натижаси ўлароқ янада ранг-баранг тус олади; фаол жанрлар билан бир қаторда, анъанавий ва хорижий адабиётлардан ўзлашган жанрлар ҳам истёъмолда бўлади"². Шу сабабли ҳам ўрганилаётган ҳар бир жанрга тарихийлик ва замонавийлик нуқтаи назаридан ёндашиш зарурияти туғилади.

Адабиётшунос П.Пилский "Санъат ўз шаклини янгилашга интилганидек, танқид ҳам янгиланади ва бунда шакл мукамаллигига эришилади"³, – деган эди. Адабий параллелни мустақил жанр сифатида ўрганиш жаҳон, хусусан, рус адабиётшунослиги ва танқидчилигида XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига тўғри келади. Машҳур рус адабиётшуноси В.М.Жирмунский В.Ф. Корш ва А.И.Кирпичниковнинг тўрт жилдли "Умумий адабиёти"и ҳақида сўз юритар экан, муаллифлар методологияси руҳида жаҳон адабий жараёнидаги ўхшашликлар хронологик параллел ҳодисаларнинг оддий йиғиндиси билан чекланганлигини таъкидлайди⁴. Бироқ бунда параллелликка жанр эмас, балки ҳодиса сифатида баҳо берилади. Рус адабиётшунослигида жанрлар муаммосини биринчи бўлиб ўрганган Л.П.Гроссман танқидчилик жанрларининг 17 турини кўрсатар экан, уларни уч хил тасниф қилади: 1) танқид усули бўйича (бунга эссе, импрессион этюд, трактат, публицистик танқид, академик тақриз, шарҳ мақола киради); 2) танқидий ишнинг кўриниши ёки "адабий турлар" бўйича (бунга фелъетон, ҳикоя, хат, диалог, пародия, памфлет кабилар киради); 3) объектни қамраб олиш кенглиги ва даражаси бўйича (адабий портрет, обзор, тақриз, параллел, монография)⁵. Демак, Л.П.Гроссман адабий параллелни биринчилардан бўлиб мустақил жанр сифатида ўрганган. Адабий параллел мустақил жанр сифатида рус филологи ва танқидчиси Б.Ф.Егоровнинг асарларида атрофлича ўрганилган. Олим ўзининг "Адабий танқид маҳорати ҳақида: жанрлар, композиция. услуб" номли тадқиқотининг "Диалог ва адабий параллел жанрлар сифатида" бўлимида адабий параллелнинг жанрий хусусиятларини кўрсатади ва XIX асрнинг 60-йилларида яратилган рус адабиётидаги мазкур жанрга кирувчи асарларни таҳлил қилади. Б.Ф.Егоров П.А.Вяземскийнинг "Державин ҳақида" мақоласини адабий параллел жанрининг ёрқин намунаси сифатида келтиради. Шу билан бир қаторда, машҳур рус танқидчиси В.В.Белинский илмий фаолиятида ҳам адабий параллел жанрига мансуб тадқиқотлар салмоқли ўрин тутишини таъкидлайди. В.В. Белинскийнинг "Петербург ва Москва" (1844), "1847 йилги рус адабиётига бир қараш" асарлари шулар жумласидандир. Танқидчининг "Петербург ва Москва" (1844) асари умуммаданий параллелнинг ёрқин намунаси бўлса, "1847 йилги рус

² Куронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: "Akademnashr", 2013, 99-бет.

³ Пильский П.М. О критике (Мечты и парадоксы) / П.М. Пильский \ \ Критика начала XX в. – М., 2002. – С. 268.

⁴ Qosimov A va b. Qiyosiy adabiyotshunoslik. – Toshkent: "Akademnashr", 2019, 111-бет.

⁵ Гроссман Л.П. Цех пера. Эссеистика. – М., 2000. – С. 245.

адабиётига бир қараш" асари адабий параллелдир. Мақолада Гончаровнинг "Одатий тарих" ва Герценнинг "Ким айбдор?" асарлари қиёсан таҳлил қилинган. Аммо бу асарда адабий обзорга хос хусусиятлар қоришиб кетганлиги кўринади. Чунки Белинский асарларида синтезлашув ҳодисаси кучли.

В.Перхин "Ўзгаллик ва ноқисликларни кашф этиш" асарида адабий танқиднинг асосий жанрлари сифатида тақриз, мақола, портрет ва некрологни келтиради ва ўз навбатида, бошқа жанрларни уларнинг таркибига киритади. Хусусан, адабий параллел муаммоли мақола, юбилей мақола, мақола-мактуб, мақола-эсселар билан бирга мақоланинг таркибий қисми сифатида ўрганилган⁶. Тўғри, мақола ва адабий параллел бир-бирига яқин жанрлар ҳисобланади, аммо адабий параллел мустақил жанр сифатида мақоладан фарқладиган хусусиятларга эга. В.Перхин адабий параллелни қиёсий тақриз, адабий портрет жанрига яқин қўйса, Б.Егоров параллелнинг драматик диалог билан ўхшаш жиҳатлари қўплигини таъкидлайди. В.В. Перхин адабий параллелга "меҳнатни энг қўп талаб қиладиган жанр" деб баҳо берган эди. Адабиётшуноснинг фикрича, параллел танқидчидан ёзувчининг асарлари, матнлари, таржимаи ҳоли ва шахсияти ҳақида пухта билимга эга бўлишни, қўплаб аниқ ва мукамаал таққослашни талаб қилади⁷.

Яна бир рус адабиётшуноси В.Н.Крилов "XIX аср охири – XX аср бошларида рус символистик танқиди: генезис, анъаналар, жанрлар" монографиясининг бир бобини адабий параллел жанрини ўрганишга бағишлаган. В.Н.Крилов XIX аср охири – XX аср бошларида адабий параллел рус танқидчилиги ва адабиётшунослигининг турли йўналишларида фаоллашганини таъкидлайди. В.Н.Крилов адабий параллелнинг жанр ва усул сифатида фаоллашишига асосий сабаб қилиб символистларнинг кенг қиёслаш, турли типологик алоқаларни ўрнатиш ва адабиётда ўтмишдошларини излашга бўлган интилиш каби омилларни кўрсатади. Адабиётшунос адабий параллелни ҳам мустақил жанр, ҳам усул сифатида текширади. Параллелни жанр сифатида шакллантирувчи асосий омил қиёсий таҳлилдир. Агар қиёслаш мақолани бутунлай қамраб олса, устунлик қилса, таққосланаётган турли ҳодисалар ўртасидаги боғланиш таъминланса, демак, асарда адабий параллел жанр сифатида бўй кўрсатади. Танқидий асарнинг фақат бир қисмида қиёслашдан фойдаланилса, параллел жанр эмас, усул сифатида баҳоланади. Бунда қиёс усули муаллиф услубини, унинг ўзига хослигини кўрсатиш сингари эстетик вазифаларни бажаради. В.Н.Крилов адабий параллелнинг энг асосий жанрий хусусияти сифатида қиёсий таҳлилни кўрсатади ва асарларида, асосан, рус символистлари яратган адабий параллелларни текширади.

Жаҳон адабиётшунослигида ҳам турли муаммоларга бағишланган адабий параллеллар яратилган. Ўзбекистонда ҳам маълум тадқиқотларда жанр номи сарлавҳада ҳам намоён бўлган. Масалан, Жан Бродал "Гаршин ва Дагни Жуелнинг флорал мотивлари: адабий параллел"⁸, Симона Драганнинг

⁶ М и х а й л о в а М.В. Литературная критика: эволюция жанровых форм. – М., 2009. – С. 69.

⁷ Е г о р о в Б.О. Мастерстве литературной критики: жанры, композиция, стиль. – Л., 1980. – С. 193.

⁸ J a n B r o d a l. Floral Motifs in Garsin and Dagny Juel: A Literary Parallel. (PDF) Floral Motifs in Garšin and Dagny Juel: A Literary Parallel (researchgate.net)

"Эпистема ва адабий қонунлар. М.Фуко ва Х.Блум орасидаги параллел"⁹, О. Самбуеванинг "Бэй Дао ижодида адабий параллеллар"¹⁰, Д.О.Куриловнинг "Томас Маннинг "Доктор Фаустус" ва Жеймс Жойснинг "Улисс" романлари: адабий параллеллар"¹¹, Гералд Петерсоннинг "Адабий параллел: Алфонсо Рееcнинг "Сена" ва Карлос Фуентеснинг "Аура" асарлари"¹², Бидуши Саҳанинг "Бҳавоия кўшиқлари ва Китс лирик поэтикасининг алоқалари: адабий параллел таҳлили" мақоласида¹³, Ж. Вайт Даффнинг "Ҳомер ва Беовулф: адабий параллел"¹⁴ тадқиқотларида шу ҳолат кузатилади.

"Ҳомер ва Беовулф: адабий параллел"¹⁵ мақоласининг кириш қисмида муаллиф томонидан адабий параллел ёзишдан олдин ёзувчи нималарга эътибор бериши кераклиги, қандай омиллар параллелнинг илмий жиҳатдан ишончли чиқишини таъминлаши ҳақида мулоҳазалар бериб ўтилади. "Агар параллел етарли даражада илмий асосларга эга бўлмаса, уларга қўпчилик ишонмайди. Адабиётда параллеллар қутилмаган нуқталарда кесишиши мумкин. Аммо алоқадор нуқталарни кўришга иштиёқманд ёзувчи математикадаги каби параллеллар учрашадиган чексизликни қутиш билан кифояланмайди. Баъзан у бесабрлик билан ўзи қиёслаётган объектларини сунъий равишда бирлаштириш пайига тушади"¹⁶ (таржима бизники – Г.Т.). Мисол сифатида у Плутархнинг "Қиёсий ҳаётномалар" биографик асарини келтиради. Ж.Вайт Даффнинг фикрича, асардаги айрим жуфтликлар ҳолис мосликдан кўра параллеллизм зарурияти билан ёзилган. Муаллиф буюк юнон эпоси "Илиада" ва "Одиссея" асарлари ва инглиз эпоси "Беовулф"ни таҳлил қилади ва қуйидаги ўхшашликларни топади: 1) қиёсланаётган барча асарлар ўз миллий адабиётининг илк намуналари саналади; 2) Ҳомернинг дostonлари мил. авв. IX асрга мансуб деб қаралса, "Беовулф" милодий VIII – IX асрларда яратилган; 3) дostonлар бахши (распод)лар томонидан қуйланган; 4) асарларнинг бош ғояси Ватан ва уруш мавзуси саналади; 5) дostonларда ботирлик асри, ижтимоий ҳаёт, тириклик ва ўлим масалалари ҳақида ҳам фикр юритилган. Хулоса қисмида эса Ж.Вайт Дафф қиёсланаётган асарларининг ҳар бири ўзига хос оригинал эпослар эканлиги, ҳар бири миллий адабиётининг хусусиятларини ўзида мужассам этишини таъкидлайди.

⁹ Dragan S. Episteme and Literary Canon. A Parallel Between Michel Foucault and Harold Bloom". Crossing Disciplinary and Cultural Boundaries, edited by Liviu Papadima, David Damrosch, Theo D'haen, Amsterdam – New York, Rodopi, 2011, ISBN: 978-90-420-3281-1; E-Book ISBN: 978-90-420-3282-8, P. 111–119.

¹⁰ Самбуева О.В. Литературные параллели в творчестве Бэй Дао. – Вестник Бурятского государственного университета, 2011/8. – С. 90–94.

¹¹ Курилов Д.О. "Доктор Фаустус" Томаса Манна и "Улисс" Джеймса Джойса: литературные параллели Вестник Московского университета. Серия 9. Филология, 2022. № 3. – С. 108–121.

¹² Petersen Gerald W. "A Literary Parallel: 'La Cena' by Alfonso Reyes And 'Aura' by Carlos Fuentes" *Romance Notes* 12, no. 1 (1970): 41–44. <http://www.jstor.org/stable/43800629>.

¹³ Bidushi S. Connecting' the Bhawoiyaa Songs with Keats's Lyric Poetics: A Parallel Literary Analysis. *Keats-Shelley Journal*, vol. 68, 2019, p. 169-173. *Project MUSE* muse.jhu.edu/article/771170.

¹⁴ Wight Duff J. Homer and Beowulf: a literary parallel. *Saga-Book Vol. 4 (JANUARY, 1904, TO DECEMBER, 1905)*, pp. 382–406 (25 pages)

¹⁵ Ўша ерда.

¹⁶ Ўша ерда, 382-бет.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жаҳон адабиётшунослиги ва танқидчилигида турли адабий муаммоларга бағишланган жуда кўп адабий параллеллар яратилган. Адабий параллел танқидчиликнинг мустақил жанри сифатида В.М.Жирмунский, Л.П.Гроссман, Б.Ф.Егоров, В.Н.Крилов, В.Перхин каби рус олимлари томонидан турли хил йўсинда ўрганилган. Йиллар давомида тараққий этиб, ўзгаришларга учраган адабий параллел жанри ҳам бугунги кунда ривожланишдан тўхтагани йўқ. Шу сабабдан ҳам уни ўрганиш адабиётшунослик ва танқидчиликнинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолади.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада жаҳон ва рус адабиётшунослигида адабий параллелнинг ўрганилиш тарихининг айрим масалалари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется история изучения литературной параллели в мировом и российском литературоведении.

RESUME. This article analyzes the history of studying the literary parallel in the world and Russian literary studies.

Таянч сўз ва иборалар: адабий параллел, жанрий хусусиятлар, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва замонавийлик, адабий параллел таснифи.

Ключевые слова и выражения: литературная параллель, жанровые особенности, сравнительный анализ, историзм и современность, классификация литературных параллелей.

Key words and word expressions: literary parallel, genre features, comparative analysis, historicism and modernity, classification of literary parallel.

Муҳаммадризо ЖЎРАЕВ

ЁРИЙНИНГ ҚОРИЙ ҒАЗАЛИГА БИР ТАХМИСИ

Тахмисчилик Қўкон шоирлари ўртасида кенг илдиз отиб, шоирлар иктидорининг ойинаси сифатида намоён бўлганлигини шу ҳудуд қаламкашларининг ижодидаги кўплаб муҳаммаслар тасдиқлайди.¹ Қўкон шоирлари, хусусан, Ҳазиний шеъриятида 27 та², Муқимий шеъриятида 72 та³, Фурқат шеъриятида 15 та⁴, Муҳаййирда 37 та⁵, Қорийда 57 та⁶ муҳаммас учрайди. Диний-тасаввуфий адабиёт вакили ҳисобланган Азимий шеъриятида ҳам муҳаммаслар салмоқли.

Қўкон шоирларидан яна бири Ёрмуҳаммад Ёрий бўлиб, унинг қўлимиздаги дастхат девонида 211 та муҳаммас мавжуд. Булардан 90 таси хос муҳаммас бўлса, қолганлари Навоий, Лутфий, Фузулий, Машраб, Амирий, Махмур, Фурқат, Ҳазиний, Муҳаййир ва бошқа шоирлар ғазалларига боғланган. Унинг Қорий ғазалига битган тахмиси шулардан бири ҳисобланади⁷.

¹ Адабий турлар ва жанрлар, 2-жилд. – Тошкент: "Фан", 1992, 222–223-бетлар.

² Жўрабоев О. Ҳазиний Девон. – Тошкент: "Тамаддун", 2010.

³ Муқимий. Тўла асарлар тўплами. – Тошкент: "Иқтисодиёт", 2021.

⁴ Фурқат. Муҳаббат йўлида. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2009.

⁵ Деҳқонов А. Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: 2007, 27-бет.

⁶ Сулаймонов И. Амирий ва Қўкон адабий муҳити. – Тошкент: "Тамаддун", 2017, 84–87-бетлар.

⁷ Джуроев М. Ёрмуҳаммад Ёрий шоир, таржимон. – Тошкент: BOOKMANY PRINT, 2022, 76–88-бетлар.

Қорий ғазали 6 байт. Тахмис ҳам 6 банд. Шоир Ёрий тахмисда Қорий ғазали вазнини сақлаган; рамалнинг саккизлик маҳзуфида. Афойили фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун; тактеъси: – V – – / – V – – / – V – – / – V –. Ёрий қўшган қофияларининг аксарияти ўзбек адабий тилидаги сўзлар. Қорий ғазалнинг ажужини арабий ёки форсий сўз билан тугаллаган бўлса, Ёрий ҳам шу тилга хос сўзларни қофия қилган. Радиф ҳар иккисиди ўзбекча. Шу ўринда тахмисда бир нуқсонни ҳам айтиб ўтиш ўринлига ўхшайди. Аввало, Қорий истифода этган сўзлар ичида қайтариқ бўлган "кезиб" равишдошининг ҳолат шаклини икки мартадан қофияга олиб чиқилиши шеърнинг оҳангдорлигини бироз сусайтирган. Ёрийда ҳам бу ҳолат кўзга ташланади: Қорий қўллаган "киши" қофиясини у ҳам истифода қилган, ғазалдаги қайтариқдан келиб чиқиб, ҳолат равишдошини икки бор қофия қилишга мажбур бўлган. Бироқ келтирилган нуқсонлар тахмиснинг умуммазмунига, умумоҳангига у қадар таъсир этмаган. Шоирлар ғазал ва унинг туфайли юзага келган тахмисда воқеликнинг вербал манзарасини моҳир мусаввирдай ҳижрон туфайли пайдо бўлган руҳоний ранглар орқали маҳорат билан чизиб бера олганлар.

Тахмисчиликда ёзилмаган бир қонун бор. Ғазалга боғланган уч мисра, ғазал байтидан паст савияда бўлса, бундай тахмис танқиддан тубан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тахмисчилар танланган ғазалларнинг мазмунига ҳам, шаклига ҳам алоҳида диққат қилганлар⁸. Ёрийга келсак, катта миқдорда тахмис ёзган аҳли қалам вакилидан нуқсон ахтариш тирноқ остидан кир қидириш бўлиб қолади. Бизнингча, ғазалнинг ўзи мукамал, инчунин, унга боғланган мухаммас ҳам гўзал. Агар боғланган ушбу тахмисдан Ёрий таҳаллусини ёхуд Қорий таҳаллуси олиб ташланса, тахмисда қолган бир таҳаллусга қараб, Қорий битган ёки Ёрий битган хос мухаммас дейиш мумкин.

Тахмиснинг мазмун-моҳиятига келадиган бўлсак, ундаги "билур" радифи шеърнинг умумғоясини тўла равишда аён қилаётганини сезиш қийин эмас. Зеро, аслида ҳам, "Танаси бошқа дард билмас" мақолига қаралса, бировнинг дарду хасратини бошқа биров ҳис этмаслиги мумкин. Бироқ шоирона тахайюл бунга зид равишда, тўғрироғи, айтимчи ўзининг дарду ғамини ошқор этар экан, мени зил-замбилдай эзиб турган дардларни худди мен сингари ишқда бемор бўлганлар билар, деган хулосани айтишга ҳақли. Қорий: "Менинг ишқ ўтида ловиллаб ёнганимни худди мендек қуйганлар, мен каби ёридан бегона (айрилиб кетганлар) бўлганлар билар", – дейди:

*Ишқ ўтида қуйганим сўзона бўлганлар билур,
Ман каби ўз ёридин бегона бўлганлар билур.*

Ёрий ғазал байтидаги айни шу фикрни давом эттириб, "Ҳақиқий ишқнинг лаззатини вужудида ҳис қилиб, худди мендек девона бўлганлар, бу билан юрак-бағри ўртаниб қоврилганлар, ишқнинг ўртасига тушиб сархона болганлар билар", – дея экан, ғазалдаги мазмун билан Ёрий қўшган уч мисра ва ғазал муалиффи қўллаган "сўзона", "бегона" сўзларига таносуб бўлган "девона", "бирёна", "сархона" (бу сўзни олов ёниб, ичида ялтироқ чўғ, ахгар турган ўчоқ ёки тандир ва унинг ичида ёнаётган олов маъносида қабул

⁸ Бу ҳақида қаранг: Қ о б и л о в а З. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик. – Тошкент: "Турон-Иқбол", 2021, 98–99-бет.

килинса, истиоравий унсур эканлиги аён бўлади) сўзлари мантиқан бир-бири билан уйғунлашиб, худди бир дарахт шохига бошқа бир шохча пайвандланиб, билинмай кетганидек, тахмис шакли юзага келади. "Мева" эса олдингисидан ҳам лаззатлироқ, тотлироқ, ширинроқ бўлган:

*Лаззати ишқин чекиб, девона бўлганлар билур,
Бағри ўртаб ишқида бирёна бўлганлар билур,
Кўраи ишққа тушуб, сархона бўлганлар билур.*

Тахмиснинг кейинги бандида Ёрийнинг лирик қаҳрамони Қорий лирик қаҳрамонини ўз ортидан эргаштиради. Ёрий лирик қаҳрамони маъшуқадан айрилиб, ҳижрон оташида қоврилиб бўлиб, кечаю кундуз оҳу нола чекаверганидан юрак-бағри қонга тўлган. Бироқ у санамсурат ошиқнинг бу дарду хасратларига бепарво, аслида, ундан раҳм-шафқат кутиш бефойдамиканки, агар маъшуқа номехрибон бўлса, ошиғига ҳеч қачон назар ташламайди. Ёрийнинг ушбу иддаоларини Қорийнинг байти тўлдиради, яъни ишқ кўчасида эртаю кеч худди Мажнундек дарбадар кезиб, оҳ уриб юрган ошиқлар, ёр васлига етишолмай гирёна бўлиб юрганлар буни жуда яхши биладилар. Бандддаги нидо (эй дилрабо), истиоралар (шоми ҳижрон, санамсурат, мубталолик кўчаси) сингари тасвирий воситалар ҳар икки муаллиф ҳасратларини тиниқ намоён қилиб бермоқда:

*Шоми ҳижронинг чекиб, эй дилрабо, қондур жигар,
Оҳи сардимдин ҳазар қилмас санамсурат магар,
Дилбари номехрибон бўлса агар солмас назар,
Мубталолик кўчасинда оҳ уруб шоми саҳар,
Ёр васлин топмаган гирёна бўлганлар билур.*

Мумтоз шеърятда анъанавий бир тасвир мавжуд. Бу ҳам бўлса – узлат. Бирор лирик шеър ёхуд эпик полотно бўладими, ошиқлар (улар ҳақиқий ёки мажозий ишқ толиблари бўлсин) ўз дардларини эл-улусдан яшириш учун (чунки дунё ташвишларига берилган эл-улус ишқнинг туб моҳиятини билмайдиган булҳаваслар деб ҳисобланади) дашту саҳроларни, тоғу тошларни ихтиёр этадилар. Масалан, Мажнун каби мажзублар ҳижрон туфайли дашту чўлларда дарбадар кезган. Азиз-авлиёлар Оллоҳ ишқидан сармаст бўлиб, дашту чўлларни, тоғу тошларни ўзларига маскану макон тутганлар. Мумтоз адабиётда "ҳижрон дашти", "айрилиқ саҳроси" сингари метафораларнинг кўп ишлатилишининг сабаби ҳам шундан. Зеро, бу ҳолатда азиз-авлиёларда Оллоҳга (яқинлик пайдо бўлади, биров уларнинг ғойибона "суҳбатлари"га ҳалал бермайди. Ошиқларда ҳам шундай. Уларнинг ишқаро чеккан ва чекаётган ҳасратларига куладиган ва буни мажнунворликка йўядиганлар бўлмайди. Тахмиснинг кейинги бандида Қорий ва Ёрийларнинг худди шу йўсин тасвирга изн беришларини шу ҳолат билан изоҳлаган маъқул. Қорий байтида асл муддао ёрнинг нишонини дашти ҳижрондан ахтариш, чунки унинг лирик қаҳрамони каби ишққа мубтало бўлганлар жуда яхши биладилар:

*Излабон ёрин нишонин дашт(и) ҳижронин кезиб,
Ҳажрида танҳо қолиб сарсона бўлганлар билур.*

Ёрий Қорий байтидаги мазмуннинг сабабини ёритади. Жараёнда ғазал муаллифи ҳамда тахмис муаллифининг муддаолари қўшилиб, яхлит оқибат келиб чиқади:

*Ўртагай ошиқни кўнгли ишқ ўти бирла қизиб,
Юргуси кўйида йиғлаб кўзидин ёшин тизиб,
Ёди дилбар бирладур ошиқлари бағрин эзиб.*

Тахмиснинг тўртинчи бандида учинчи банддаги тасвирнинг давомини кузатиш мумкин. Зеро, ишқ жунуни бошга тушган одам кунлари, ойлари, йиллари қандай ўтаётгани билан иши бўлмай қолади. Дилбарининг ёди билан яшаётган ошиқ на яқинлари, на бегоналар билан иши бўлади. Унинг нолиши оламни бузади. Шу ўринда Ёрий муболаганинг энг кучли тури бўлган ғулуввга изн бериб, "Тешгуси кўк пардасин тун-кун саҳарда нолиши" деган мисрани бандга киритадики, натижада Қорийнинг ошиқ магарки ўз яқинларидан узоқлашиб кетиб, жунунликни ихтиёр этган экан, унинг ҳолидан бошқалар беҳабар бўлади. Шу туфайли у худди бойўғлидек маскани вайроналар бўлиб қолади, дейди:

*Ишқ жунуни бошқа тушса, билмагай ёзу қиши,
Дилбарин ёди биландур, ўзгага йўқтур иши,
Тешгуси кўк пардасин тун-кун саҳарда нолиши,
Ҳоли зорин сўргудек оламда топмай бир қиши,
Чўғз янглиғ маскани вайрона бўлганлар билур.*

Агар толиб ишқ изтиробларига ғарқ бўлиб юрганида рафиқларидан бешиб кетмаса ҳам, ўзига насиҳат қилувчиларга кулоқ тутишни истамай, насиҳатгўйларни ўзининг душмани, деб билса ҳам қийин. Дўстлари, бошқа носихлар унга панду насиҳат қилсалар, йиғлаб, юрак-бағри ўртаниб, яна дашту саҳроларга қочиб кетади ва узлатда Мажнун каби ёр хаёлидан айро бўлолмай сарсону саргардон юради, кўзига кўринган ҳар бир нарса, ҳар бир ашё Лайли бўлиб кўринади; улар билан дардлашади. Шунинг учун ошиқ аҳли ўзи сингари аҳли оламдан бегона бўлмоқни лозим топади:

*Ишқ жунуни кўзгаюр кетмай рафиқлардин бешиб,
Балки бул ағёр деб носихларин кўрса сезиб,
Дашту ҳомун сори қочқуси юрак-бағрин эзиб,
Ўзини Мажнун этибон дашту саҳрода кезиб,
Халқи олам кўзидин бегона бўлганлар билур.*

Сўнгги банд тамсил характерида. Қорий айтади: "Тоғу чўлларни кезиб сайр айлади аҳбоблар". Лирик қаҳрамоннинг суюкли дўстлари ёр васлига мушарраф бўлиб, шоду хуррам юрибдилар. Ёрий тоқ мисрадаги мазмунни икки мисра билан янада аниқлаштиради: "Васли дилбарни топиб ишрат билан арбоблар, Ўтти қошимдин париваш гавҳари ноёблар". Бироқ аҳбобу арбобларнинг бу каби шодликлари на Қорийга, на Ёрийга татийди, тасалли беради. Қорий дейди: "Қорий ҳолин эларо афсона бўлганлар билур". Ёрий дейди: "Ҳажри ишққа Ёрий чўмди ғарқ этиб гирдоблар".

Мухтасар хулоса шуки, Қорийнинг ғазали мазмунан ҳам, шаклан ҳам анча пишиқ. Унга боғланган тахмис мисралар ҳам маҳоратли қаламкаш, хассос шоир томонидан байтларга маҳорат билан пайвандланган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Ёрийнинг шоир Қорийнинг "билур" радибли ғазалига боғлаган бир тахмиси таҳлил қилиниб, шоирларнинг шеърятдаги салоҳиятига баҳо берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализирован тахмис, посвященный Яри газели с редифом "билур" ("знает") поэта Кари, а также оценены способности поэтов в восточной поэзии.

RESUME. In the article, a quote attributed by Yori to poet Qari's "bilur" radif ghazal is analyzed and the potential of poets in poetry is evaluated.

Таянч сўз ва иборалар: мухаммас, анъана, байт, мисра, банд, тажид, маҳорат, қофия, радиф.

Ключевые слова и выражения: мухаммас, традиция бейт, мисра, строфа, новаторство, рифма, редиф.

Key words and word expression: muhammes, tradition, \beit, misra, stanza, innovation, rhyme, redif.

Барчин ШУКУРОВА

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИДА МУАЛЛИМ ОБРАЗИ

Жаҳон адабиётида инсониятнинг барча миллат ва элатлари учун бирдек ўқишли ва таъсирли асарлар талайгина. Бундай асарлар инсониятнинг ўзаро ажралмас қисматдошлиги, ҳамдардлиги билан бир-бирини тўлдиради. Қадриятлар ва ахлоқий қоидалар барча маданиятларда бирдек ифода топгани ҳолда, адабиёт бу умуминсоний ғояларни ёритиб беради. Адабиёт орқали миллатлар ўзларининг энг яхши қирраларини дунёга намоён қилади. Инсониятнинг маданий хазинасида ҳар бир миллат ўз ўрнига эга бўлиб, адабий асарлар орқали бир-бири билан мулоқот қилади. Бу мулоқот нафақат ахборот, балки ҳис-туйғулар, фалсафа ва эстетик қадриятларнинг ҳам алмашинуви орқали амалга ошади.

Бугунги глобаллашган дунёда қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, қадриятлар муаммоси муҳим аҳамият касб этмоқда. "Қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, дostonларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган"¹. Бадиий адабиётда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги асарнинг бадиий қимматини оширади. У адабиётни фақат гўзал санъат эмас, балки ижтимоийлик ва индивидуалликни шакллантирувчи восита сифатида ҳам намоён қилади. Шунинг учун ҳам адабий асарлардаги абадий муаммолар умуминсоний қадриятлар орқали ечим топади.

Бизнингча, бадиий асарда умуминсоний қадриятлар қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

биринчидан, адабиёт этик ва эстетик жиҳатдан инсонлар ўртасидаги муносабатлар, ахлоқий қадриятлар ва эстетик стандартларни муҳокама қилиш учун платформа яратади – унда ёзувчилар инсон табиати, қадриятлар ва турмуш тарзи ҳақидаги қарашларини баён қилади;

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1995, 6-бет.

иккинчидан, тарихий бадий асарлар орқали халқларнинг тарихий тажрибалари, маданий қадриятлари ва урф-одатлари ўз ифодасини топади – бу жамиятнинг ўзига хос қадриятлари ва маънавиятини ёрқин намоён қилади;

учинчидан, танқид ва талқин қилиш орқали адабиёт жамиятдаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий масалаларни ёритиш, таҳлил қилиш учун имконият яратади. Бу жамиятдаги носоғлом муҳитни бартараф этишга ёрдам беради;

тўртинчидан, идрок ва ҳиссиётга таъсир этиши жиҳатидан адабиёт инсонларнинг ҳиссиётлари, интуицияси ва дунёқарашига таъсир қилади. У қадриятларни шакллантириш, китобхонларнинг руҳий ва шахсий ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Умуминсоний қадриятлар акс этган асарлар сирасига атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг "Биринчи муаллим" ва Лукмон Бўрихоннинг "Сирли муаллим" қиссаларини ҳам киритиш мумкин. Ҳар икки ёзувчи миллатнинг урф-одатлари ва қадриятларини баён этиш орқали ўқувчига оддий одамлар ва оддий мактаб муаллими ҳаётидан қисса сўзлаб беради.

Атоқли қирғиз адиби япон мутафаккири ва адиби Икэда Дайсакунинг давр, тарбия, оламда одам бўлиб қолиш, инсоний соғлом фикрлаш, умуминсоний қадриятлар, инсондаги этик ва эстетик идеаллар ҳар қандай мафкурани рад этиши ҳақидаги мулоҳазаларига шундай жавоб беради: "...Менинг энг катта бахтим – болалигимда тоталитар таълимотни юракдан қабул қилмаган одамларни учратганимда. Улар менга ўз мардлигини тўхфа этишди, ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳамма нарсадан ўз инсонлик қадр-қимматини баланд қўювчи одам бўлиш ва ҳамиша шундай бўлиб қолишни ўргатишди.

Мен ҳеч қачон қишлоқ мактабидаги ўқитувчининг таъсирли сўзларини унута олмайман: "Отангнинг исмини айтаётиб, ҳеч қачон кўзингни ерга қаратма!" Гап шундаки, отам Тўракул Айтматов репрессия қилиниб, 1937 йилда қатл этилган. Оиламиз эса чекка овулда яшириниб яшашга мажбур эди.

Шу дарс мен учун унутилмасдир"².

Ёзувчининг бадий аср яратишда аксиологик ва тарихий ёндашувларни яхши ҳис қилганлиги унинг ижодини чуқур тушуниш имконини беради. Унинг шахсий қарашлари ва ҳаётий тажрибалари бадий қадрият сифатида муҳрланди. Ч.Айтматов ижоди инсоннинг барча ижобий ва салбий фазилатларини намоён қилади ва асосий мақсади олижаноб инсон, ахлоқий ҳислатларга бой шахс образини кўрсатишдир.

Бизга маълумки, қадим-қадимдан аёлларнинг таълим олиши осон бўлмаган. Қисса айнан шу машаққатли йўлни ҳам бадий ифода қилади. Дуйшэннинг отхонани мактабга айлантириш режаси ўша давр кишилари орасида норозиликка сабаб бўлади. Дуйшэннинг овулда мактаб очиш, ёшларни ўқитиш мақсадида аҳоли билан ўтказган илк мажлисда унинг фикри маъқулланмади. Овулдаги саводсизлик Дуйшэннинг режаларини тушуниш ва қўллаб-қувватлашга йўл қўймади. "Мактаб", "ўқиш" сўзлари моҳиятини у замонларда камдан-кам одам тушунарди. Дуйшэн ана шундай камдан-кам одамлар қаторида эди. У ўз фикрида қатъий турди ва ҳатто сиёсий контекстдан фойдаланиб, мактаб очишга эришди. Сатимкул тажанглардек жоҳил кишиларнинг норозилиги Дуйшэнни кўрқитмади. У жамиятдаги анъанавий тўсиқларни енгиб ўта олди.

² https://uza.uz/uz/posts/chingiz-aytmатовning-songgi-iqrorlari_388779

"Биринчи муаллим" қиссаси давр ўзгариши инсонлар дунёқараши ва ҳаёт тарзига қанчалик таъсир этгани тўғрисида бадий ҳужжат бўлиб қолди. Дуйшэн образи умуминсоний аҳамиятга эга бўлиб, унинг фаолияти жамиятда таълимга бўлган эътиборни ўзгартириш йўлидаги кураш сифатида қабул қилиниши мумкин. Адиб ўз асарлари орқали таълимнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва жамиятнинг ривожланишидаги ролини яққол кўрсатиб берди. "Биринчи муаллим" қиссаси туркий халқлар адабиётидаги классик асарлардан бири бўлиб, ёшларга билим олиш, меҳнат қилиш ва ўз орзуларини амалга ошириш учун илҳом беради. Бу асар таълим ва маърифатнинг туркий халқларнинг ҳар бир хонадонига кириб боришидаги аҳамиятини эслатиб ўтади.

Ичиқора, сурбет янганинг золимлиги жаҳолатнинг рамзи бўлса, Дуйшэннинг ўқувчи қиз тақдирига бефарқ қараб туролмасли жамиятдаги гендер тенглик, аёлнинг жамиятдаги ўрни ва билим олишга нисбатан курашларнинг XX аср бошида долзарблигини ҳам намоён қилади. Олтинойнинг жаҳолатдан маърифатга интилиши уни ўша ботқоқдан қутқаради. " – ...Мен янгамнинг дўк-пўписаларидан йиғлаганим йўқ, уларга аллақачон кўникиб қолган эдим, балки у энди мени ҳечам мактабга юбормай кўяди, деган ҳаёлда йиғладим..."³.

"Биринчи муаллим" қиссаси мазмунининг туб эстетик қатлами асар умрбоқийлигини таъминлаган. Асарда устоз ва шогирд, таълим ва тарбия, маърифат ва жаҳолат, меҳр ва мурувват, севги ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, зулм ва адолат каби мангу умуминсоний қадриятлар юксак маҳорат билан тасвирланган.

Ўзбек миллати тарихида ҳам муаллим шахси алоҳида қадрланади ва улуғланади. Халқнинг устозга отадек юксак эҳтиром кўрсатишдек қадриятлари ҳалигача амал қилиб келади ва бу миллат адабиёти саҳифаларига ҳам кўчган. Ватан адабиётида муаллим образи азалдан йирик ижтимоий ўзгаришлар ва маданий ривожланиш жараёнларида шакллана бошлаган. Барча даврда муаллим халқни маърифатга йўлловчи, қийинчиликларни енгиш йўлида илм-фан ва маданиятни тарғиб этувчи фигура сифатида кўрсатилган. Унинг образида халқ учун маърифатпарварлик, фидойилик, самимийлик ва сабр-тоқатни акс эттирувчи хусусиятлар бўй кўрсатган.

Ўзбек адабиётида Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Парда Турсун, Абдулла Қаҳҳор каби машҳур ёзувчилар ўз асарларида муаллим образининг ёрқин намуналарини яратдилар. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романидан ўрин олган хонлик манзараларида жамиятдаги ички ва ташқи курашлар, мактаб ва оила муносабатлари, муаллим ва мактабдор ҳамда ахлоқ масалалари ўз тажассумини топган. Парда Турсуннинг "Ўқитувчи" романида Элмурод образи орқали ўзбек зиёлиси – муаллимнинг ҳаёт ва кураш йўли бадий ҳужжат сифатида тасвирланган.

Замонавий адабиётда эса бу анъанани Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Шойим Бўтаев, Лукмон Бўрихон каби ёзувчилар давом эттириб, "Олабўжи", "Кечирасиз, ўртоқ муаллим", "Шўродан қолган одамлар", "Сирли муаллим" асарларида муаллим образини маҳорат билан гавдалантиришди. Лукмон Бўрихон "Сирли муаллим" қиссасида ўзига хос луқмонона кинояни

³ Айтматов Ч. Биринчи муаллим \\\ Танланган асарлар: – Тошкент: "Шарк", 2021, 208-бет.

қўлаб, ўзи яшаган ҳудуд мактабларидаги таълим жараёнини жонли тарзда тасвирлади. У муаллимлик касби ва унинг жамиятдаги қадрига алоҳида урғу бериб, муаллим образини шахсий кузатишлари асосида яратди. Муаллиф халқ оғзаки ижодидан ниҳоятда самарали фойдаланади. Қиссада муаллим образи сирли ва ўзига хос, нодир инсон сифатида намоён бўлади. У худди эртак қаҳрамонлари каби бошқалардан фарқли, бетакрор бир шахсдир. Унинг мактаб ҳаётида пайдо бўлиши нафақат ўқувчиларнинг шахсий ривожланишига катта таъсир кўрсатади, балки ҳамкасблари ҳаётига ҳам янгилашишлар олиб киради.

Қисса туман марказидан келган мухбир йигит изланишлари ўлароқ юзага келди. У терговчи столидаги барча тушунтириш хатлари билан китобхонни таништиради. Китобхон беихтиёр одатдаги мактаб муҳити, шунингдек, бу муҳитга янги қон бўлиб кириб келган Нажот Ғайбуллани ўз кўзлари билан борица таниб олади. Янги қадрият эски қадрият билан тўқнашади. "Бир пайт бўсағамга бир шарпа кўндаланг бўлди. Шартга бош кўтариб қарадим. Қарадим-у, беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. "Тафтишчи-ёв?! – лип этиб ўтди ҳаёлимдан. Бундай ўй қалламга беҳуда урилмади. Ахир, бўсағада баланд бўйли, келишган, яп-янги, қимматбаҳо костюм-шим, оппоқ кўйлак кийган йигит турар эди. Юз-кўзларидан алланечук нур ёғилади.

– Ассалому алайкум, домла, – деди у қироат билан. – Киришга мумкинми?

– Келинг, келинг...

Кўзларимни нотаниш йигитдан узолмай қолдим. Ҳалиги... Ҳолливудми-ей, Голливудми-ей, деган жойларнинг киноартистларига ўхшайди. Кўзлари чакнаб турибди, лабларида нимтабассум. Ёши нари борса ўттизларда. Мени ҳаёл қурғур ҳар ёқларга олиб қочади. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да! Ким экан бу? Чет элликми дейман? ...Йигит мен ишора қилган стулга ўтириб, қўлини кўксига қўйди.

– Узр, домла, безовта қилдим. Сиз директор бўлсангиз кераг-а?

Мен ҳаяжон билан бош ирғаб, ўзимни таништирдим.

– Мен Нажот Ғайбулламан, – дея гап бошлади йигит. – Туман марказидан келдим.

– Ҳуш келибсиз, ҳуш кўрдик.

– Мен... – Нажот Ғайбулла бироз каловланиб ерга қаради. – Мен иш излаб келдим. Ўқитувчиман.

"Фу-у..." – шу лаҳзадаёқ ҳафсалам пир бўлди-қолди; эс-ҳушим дарров жойига қайтиб, ҳадик-ҳаяжонлар тарқади-кетди"⁴.

Ушбу парчадан кўриш мумкинки, Нажот Ғайбулланинг ўқитувчи бўлиб келиши мактаб директори Қ.Қалқоновнинг ҳафсаласини пир қилади. Унинг муаллимлик касбига муносабати шу каби ички конфликтларда ишонарли далилланган. Асарда Нозима образи орқали таълимнинг самарадорлиги ва ундаги муаммолар кўрсатилган. Луқмон Бўрихоннинг "Сирли муаллим" асари фақат ўқитувчилик касби ҳақида эмас, балки ижтимоий муносабатлар, қадриятлар ва таълимнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳаза қилишга ундовчи асардир. Ёзувчи Нажот Ғайбулла образи орқали инсонийлик ва фидойилик фонида умуминсоний муаммоларни яққол кўрсатади. Қисса ҳар бир инсоннинг таълимга, жамиятга ва ўз вазифасига бўлган муносабати қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги муҳим саволларни

⁴ <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/luqmon-borixon/lu-mon-burihon-sirli-muallim-issa/>

ўртага ташлайди. Китобхонлар "Сирли муаллим" қиссасини ўқиб, мактаб таълими нафақат билим бериш, балки ўқувчиларни тарбиялаш ва жамиятни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур ва теран ҳис қилади.

Ч.Айтматовнинг "Биринчи муаллим" ва Л.Бўрихоннинг "Сирли муаллим" қиссалари таълим, қадриятлар ва инсон ҳаётида муаллимнинг роли ҳақида ҳикоя қилади. Қиссалардаги оддий одамларнинг кундалик турмуш тарзи воқеалари орқали кўплаб мураккаб мавзулар таҳлил қилинади.

"Биринчи муаллим" қиссасининг XX аср бошидаги аҳамияти XXI асрда ҳам қайта актуаллашуви туб эстетик қатламда инсон ва унинг камолот йўлининг жонлантирилиши билан боғлиқ. "Сирли муаллим" ва "Биринчи муаллим" қиссаларининг моҳияти ҳам туб эстетик қатламнинг муштарик жиҳатларида ойдинлашади.

Биринчидан, инсон ҳаётида муаллимнинг ўрни муаммоси алоҳида диққатга сазовор. Қисса марказидаги муаллим образи таълим ва тарбиянинг жамиятдаги аҳамиятини намоён этади. Муаллимнинг меҳнати орқали ёшларнинг дунёқараши шаклланади ва ахлоқий меъёрлари белгиланади. Ҳар иккала ёзувчи ҳам муаллим образини жамиятнинг олижаноб ва қадрли шахси сифатида кўрсатади.

Иккинчидан, ахлоқий қадриятларнинг акс этиши мавзуси муҳим аҳамиятга эга. Асарларда инсонларнинг самимийлиги, бир-бирига ёрдам бериши, меҳнатга муҳаббат ҳамда ўқитувчиларнинг ўз касбига бўлган масъулияти мавзулари очиқ берилган.

Учинчидан, миллий қадриятлар азалий мавзуси саналади. Қирғиз ва ўзбек халқларининг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятлари асарларда муҳим ўрин тутади. "Биринчи муаллим" қиссасида маънавий ривожланишда хотин-қизларнинг қадри ва қимматини кўтаришдаги муҳим босқичлар ўз ифодасини топган бўлса, "Сирли муаллим" қиссасида муаллим образи орқали жамиятдаги носоғлом муҳитнинг негизи, сабаблари ва оқибатлари киноявий услубда тасвирланган.

Тўртинчидан, ижтимоий муносабатлар мавзуси ҳамisha долзарбдир. Ушбу муносабатларда муаллим образи атрофида содир бўлаётган воқеалар, унинг касбига муносабати, билим бериш ва уни қадрлайдиган инсонлар билан боғлиқ жараёнлар алоҳида ўрин тутади.

Бешинчидан, сюжет ва конфликтлардаги умумий жиҳатлар муштараклиги. Қиссалардаги сюжет ривож, қаҳрамонлар ўртасидаги конфликтлар, уларнинг ички муаммолари ва курашлари инсон табиати ва ахлоқий қарорлар ҳақида ўйланишга мажбур қилади. Муаллимнинг жаҳолатга қарши туриши, жамиятдаги ижтимоий муаммоларга қарши кураши, оилавий ҳаётдаги кўплаб зиддиятлар инсон руҳиятини кенг таҳлил этиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ч.Айтматовнинг "Биринчи муаллим" ва Л.Бўрихоннинг "Сирли муаллим" қиссалари таълим, ахлоқ ва миллий қадриятлар ҳақида теран фикр-мушоҳада қилишга ундовчи асарлардир. Бу қиссалар жамиятнинг ривожланиши ҳамда инсоннинг шахсий ва руҳий ривожланишида муаллимнинг ролини кўрсатиб беради. Қиссалардаги қаҳрамонлар ва уларнинг иқдорлари орқали кўплаб муҳим ижтимоий ва маънавий масалалар кўтарилади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Ч.Айтматовнинг "Биринчи муаллим" ва Л.Бўрихоннинг "Сирли муаллим" киссаларида муаллим образи, таълим-тарбия, ахлоқ ва миллий кадриятлар талқини ўрганилди.

РЕЗЮМЕ. В статье исследуется образ учителя, вопросы воспитания, нравственность и интерпретация национальных ценностей в рассказах Ч.Айтматова "Первый учитель" и Л.Бурихана "Таинственный учитель".

RESUME. In the article, the image of the teacher, education, morals and interpretation of national values were studied in the short stories of Ch. Aitmatov "The First Teacher" and L. Borikhon's "Mysterious Teacher".

Таянч сўз ва иборалар: кисса, сюжет, кадрият, маърифат, ахлоқ, муаллим, таълим-тарбия, талқин.

Ключевые слова и выражения: повесть, сюжет, ценность, просвещение, нравственность, учитель, образование, интерпретация.

Key words and word expressions: story, plot, value, enlightenment, morality, teacher, education, interpretation.

Иродахон АБДУРАЙИМОВА

"ФАРҲОД ВА ШИРИН" ДОСТОНИДАГИ МАКТУБЛАР

Мактублар азал-азалдан инсонлар қалбидаги энг гўзал туйғуларнинг асосий ифодаловчи воситаларидан бири бўлиб келган. Адабиёт ҳаётининг инъикоси бўлганлиги сабабли ушбу ҳолат қадим замонлардан бери бадиий асарларда ҳам ўз аксини топиб келмоқда. Хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб замонавий адабиётгача бўлган даврда ҳам биз эпистоляр жанр намунаси бўлган мактубларни учратишимиз мумкин. Даврлар ўтгани сайин мактублар жанр сифатида ривожланиб, ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан тараққий этиб борди. Дастлабки вақтларда шунчаки хабар етказиш воситаси сифатида пайдо бўлган мактублар ўрта асрларга келиб алоҳида жанр сифатида шаклланди. Дунё адабиёти тарихида ўчмас из қолдирган буюк Навоий ижодида бунга ёрқин мисолларни кўришимиз мумкин.

Алишер Навоий "Хамса" асари таркибига кировчи иккинчи дoston "Фарҳод ва Ширин"да энг асосий ғоя бўлган комил инсонни тасвирлашда асар таркибидаги мактубларнинг ҳам катта ўрни бор. Асарда ҳаммаси бўлиб 8 та мактуб ва унга дахлдор ҳодисалар мавжуд. Улардан тўрттаси мактуб талабларига тўлиқ жавоб беради, яъни уларда муаллиф ҳам, адресат ҳам маълум, мактуб манбаси ҳам мавжуд. Булар: Жомосбнинг Суҳайлога, Шириннинг Фарҳодга (2 та), Фарҳоднинг Ширинга ёзган мактублари. Бундан учтаси асарда тўлиқ ҳолатда келтирилган, фақатгина Шириннинг Фарҳодга иккинчи маротаба ёзган мактубининг айрим керакли қисмларигина келтирилган. Қолган тўрттаси эса мактубнинг айрим талабларига жавоб беради. Масалан, Фарҳоднинг тилсимни енгиш йўлида дуч келган мактубларининг учтасида муаллиф маълум эмас, аммо адресат аниқ, яъни бу Фарҳод, мактуб манбаси бор. Уларнинг айримлари қоғозга, айримлари тош тахтага, айримлари эса қандилга ёзилган эди. Асарнинг сўнгги мактуби ҳам айрим талабларга жавоб беради, холос. Бу мактубда муаллиф Фарҳод, адресат аниқ (улар кўпчилик: Фарҳоднинг отаси, онаси, кўкалдоши Баҳром ва ҳоказо) мактуб манбаси эса бироз ноодатий шаклда бўлиб, унда тонг елига муружаат қилинган.

Асардаги биринчи мактуб Фарҳод ўз ишқи йўлида Суҳайло билан учрашган ўринда келтирилади. Бу мактуб Жомосб (қадимги дунёнинг афсонавий донишмандларидан бири. Келажак ишларидан хабар берувчи "Жомосбнома" китоби унга нисбат берилади)нинг ўлимидан сўнг унинг гапларини жамлаган ҳакимларнинг мактубларидан Суҳайлога маълум бўлганлари ҳақида. Мактубларнинг энг асосий мақсади маълум бир адресатга маълум бир хабарни етказиш эканлигини ҳисобга олсак, ушбу парчага ҳам мактуб деб қарасак бўлаверади. Уни Жомосбнинг Суҳайлога мактуби дейиш мумкин. Унда Фарҳоднинг қачон, қаерда туғилиши, ҳаётида нималар қилиши ҳақидаги башоратлар келтирилган. Фарҳоднинг Искандар тилсимини очишига ёрдам берувчи йўл-йўриқларни Фарҳодга етказишни Суҳайлога топшириқ қилиб беради. Тилсимни очиш учун аждарни ўлдириб хазинага, девни ўлдириб Сулаймон узугига эга бўлишини, ниҳоят тилсимни очгач, Жамшид жомини қўлга киритишини ва буларнинг барчасини ҳоқонга топшириши кераклигини айтади. Ўзига эса Сукрот ҳаким билан учрашиш кифоя қилишини билдиради. Кўзгуда нимаки кўрса даврон унинг бошига шуни солишини айтиб, мактубни якунлайди.

*Кўруб кўзгуда неким, кўргусидур –
Ки, даврон бошига келтургусидур.*

Ушбу мактуб бундан кейинги воқеалар ривожини учун муҳим ҳисобланиб, калит вазифасини бажарган. Фарҳоднинг энди қиладиган ишларини белгилаб берган. Айнан шу ўринлардан бошлаб воқеалар силсиласига шиддат киргандек туюлади. Фантастика элементлари кўзга ташлана бошлайди. Неча юз йиллардан буён Суҳайлонинг Фарҳодни кутаётгани, дев ва аждарлар билан жанг қилиш кераклиги фикримизнинг исботидир. Фарҳоднинг бошига тушажак ушбу синовлар унинг ишқи камолга етиши йўлидаги босқичлар эди. Унинг чин маънодаги комил инсон бўлиши учун керакли бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларини синовдан ўтказиб, мукамаллик сари боришнинг поғоналаридан эди. Муаллиф ушбу маълумотларни бериш учун айнан мактуб шаклини танлади. Чунки бу ўринда замон тақозоси билан мактубдан бошқа восита бу вазифани бажара олмас эди, мактубга амалий эҳтиёж бор эди. Минг йиллардан бери маълум бир ахборотни сақлаб қолишнинг ягона йўли шудир. Яна шуни эътиборга олиш кераки, Суҳайло бутун умрини фақатгина шу мактуб мазмунидаги хабарларни ўз эгасига етказиш учун сарф қилди. Чунки бу Фарҳоднинг келажаги учун жуда аҳамиятли эди. Унинг мақсадига эришиши учун енгиб ўтиши керак бўлган қийинчилик ва тўсиқларнинг калити эди.

Асардаги иккинчи мактубга Фарҳод аждарни енггандан кейин дуч келади. Ушбу мактуб ғордаги тахтага ёзилган эди. Сайқалланган ушбу тоштахта устига у ғордаги хазиналарнинг қандай қилиб яширингани ёзилган эди.

*Кўмуклук ерга тошедур шабаҳун –
Ки, бор вазн ичра минг ботмондин афзун.*

Мумтоз адабиётимизда аксар ҳолларда аждар нафс тимсоли ҳисобланади. Киши ишқ йўлида аввало ўз нафсини енгмоғи шарт. Илоҳий

висолга етмоқ учун бу биринчи қадам ҳисобланади. Фарҳод ҳам айнан шунинг учун биринчи бўлиб аждар билан, ўз нафси билан олишди. Аждар жуда катта, ақл бовар қилмас даражада кучли ва қудратли бўлса ҳам, Фарҳод ўзидаги фазилат ва қуроллар ёрдамида уни енга олди. Шунинг учун у мисли кўрилмаган Фаридун хазинасини қўлга киритди. Мана шу хазинага эга бўлиш усули эса асарда айнан мактуб шаклида берилади. Асардаги Сухайлони рамазан Фарҳоднинг пири дейиш мумкин. Чунки Сухайло Фарҳодни висол сари тўғри йўлга солиб қўйди. Бу йўлда нималар қилиш керак, нималарга эътибор бериш керак, нимани қандай қилиш керак, қачон қилиш керак, нималар қилмаслик керак каби саволларга жавоб берди. Асарнинг ушбу ўринларида келтирилган мактублар ҳам Фарҳодга тўғри йўл кўрсатишга хизмат қилади. Мақсадига эришиш учун бу йўлда қандай тўсиқлар борлигидан, уларни қандай енгиб ўтиш кераклигидан ва бу машаққатларни енгач, қандай мукофотларга сазовор бўлишидан огоҳлантиради. Шу жиҳатидан бу хатларни солиққа йўл-йўриқ кўрсатувчи қўлланма дейиш мумкин. Чунки бу хатлар ошiqқа йўлда қандай юриш кераклигини ўргатапти. Ошиқ ўз нафсини енгач, худди буюк хазинага тенг бўлган жуда қўплаб нарсаларга эришади. Аммо улар чин ошиқ учун аҳамиятли эмас, унинг олий мақсади фақат ишқ, фақат висол. Айнан шунинг учун ҳам Фарҳод худди Сухайло айтганидек, қўлга киритган хазиналарини хоқонга ҳадя этди. Бу орқали Фарҳод ўз халқига ва мамлакатига катта фойда келтирди. Худди нафси устидан ғалаба қилган инсон жамият ва халқ учун манфаатли бўлгани каби. Асардаги учинчи хат ана шу хазина ичида эди. Бу хазинадан у кескирликда Зулфиқор қиличидан қолишмайдиган бир қилич ва қалқон топди. Унинг ёнида бир хат бор эди. Унинг мазмуни қуйидагича эди: "Кимки бу қилич ва қалқонга эга бўлса, юзта девни ҳам ўлдира олади. Қалқоннинг куббасига Сулаймон подшоҳ ўз исмини ёздирган бўлиб, қалқоннинг кучлилиги шу исм шарофатидан эди. Қиличда ҳам бир исм ёзилган бўлиб, унинг хосияти зарба еган кишинининг агар гуноҳи бўлмаса, унга зарба қор қилмаслигида эди.

*Кишиким бўлмагай шойистаи тиг,
Тани бўлмагай онинг хастаи тиг.*

Аммо у ёмон одамлар, шайтон ва Аҳраман дев кабиларни иккига бўлиб ташлар эди. Киши ўз нафси устидан ғолибликни қўлга киритгач, ишқ йўлидаги кейинги босқичлар учун муҳим бўлган хулосаларни олади, яъни кейинги жанглار учун қуролланади. Фарҳод ҳам шунинг учун қилич ва қалқонни айнан шу ўринда қўлга киритди. Эътибор берсак, бу қилич беғуноҳларга қор қилмаслиги ҳам бежиз эмас. Чунки у фақатгина эзгулик ғалабаси учун қурашади. Озор унинг касби эмас, худди солиқлар каби.

Фарҳод девни енгач, у қасрга киради ва бу ердаги эшикларга ичкарида нима борлиги ёзиб қўйилган эди. Бир олтин эшикка "Бу уйнинг қулфи осонлик билан очилмайди. Уни очишдан кўра кўрқиб очмаган авло" деб ёзилган эди. Фарҳод шу эшикдан кирди ва кўрдики, "Унинг ичи гинасиз кишининг кўнгли каби мислсиз даражада топ-тоза бўлиб, бу хил уйни ҳеч ким кўрмаган эди". Ишқ йўлидаги мушкулларни енгиб бораётган солиқ қалби ҳам худди шундай тозаланиб, покланиб бораверади. У аслида Фарҳоднинг қалб покизалигидан далолат эди, бу эшик унинг ўз қалби эшиги эди, бу қадам

ўзлигини англашга қўйилган қадам эди. Бу уйда Фарҳод бир қандилни кўрди. Қандилдан Сулаймон узугини топади. Унда бир хат ёзилган эди: "Кимгаки бу узук муяссар бўлса, ўша узукда ёзилган исмларни ўқиган одам Искандари Румийнинг тилсимини очади. Бу узукдаги исмлар ўқилганда йўқликдан овоз келиб, тилсимнинг мушкулларидан уни хабардор қилади".

*Ўқулса кўп қилур фархунда ҳотиф,
Ул иш мушкилларидин они воқиф.*

Шу хат ёрдамида Фарҳод тилсимни очади ва дунё сирларидан огоҳ қилувчи Жамшид жомини қўлга киритади. Шундан сўнг Сукрот ҳакимдан дунё ва ишқ ҳақидаги мутлақ ҳақиқатларни тинглайди. Чунки у энди бунга муносиб, ишқ йўлида кўплаб мушкулликларни енгиб, Сукротнинг доно насиҳатларини тушуна олиш даражасига етди. Фарҳоднинг шу даражагача етиб келишида албатта унга мактублар катта ёрдам бэрди. Йўл-йўрик кўрсатувчи дастуриламал вазифасини ўтади ва бу ўз ўрнида мохирлик билан асар воқеалар ривожини бошқаришга катта ҳисса қўшди.

Асарда Фарҳод Хисравнинг зиндонида ётган вақтида Шириннинг унга ёзган мактуби бор. Ушбу мактуб учун алоҳида бир боб ажратилган бўлиб, у ўзи алоҳида бир бутун асар каби композицияга эга. Худди дostonлар каби Оллоҳга ҳамд айтиш билан бошланади.

*Анинг ҳамди била бу номайи дард,
Ки солди даҳр аро ҳангомайи дард.*

Шундан сўнг ушбу мактуб кимдан кимга йўлланаётганлигини ёзади. Фарҳоддан ҳол-аҳвол сўрайди. Мактубни ўқиш давомида асар воқеалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Айрим ўринлардаги ишора бўлган сўзлар бунга ёрдам бэради. Масалан, "...ғаму дарду фироқи тоғ-тоғ бўлган, дарду андух тоғида қалъа тузган сенгадир". Фарҳоднинг тоғ устида қаср қурганлигига ишора қилиняпти. Шунинг учун асардаги мактубларни унинг бошқа қисмлари билан боғланган алоҳида қисмлари деб айтиш мумкин. Хат давомида Ширин ўз тасвирини сўзлар ёрдамида чизиб беради. Фарҳод ҳақида эшитганларини баён қилади. Ўзини камтар тутати. Фарҳодни Сулаймонга тенглаштиради, аммо ўзини Билқисга тенглаштира олмайди. Ўз туйғуларини, хоҳиш-истакларини баён қилади. Фарҳодга ўз тақдирига рози бўлиши кераклигини айтиб, оқила аёл сифатида ўзига ишонишга даъват этади. Ушбу мактуб Шириннинг оқила ва доно аёллигини очиб бериши билан ҳам аҳамиятга эга. Асар давомида Шириннинг кечинмалари илк бора ўз тилидан баён этилади. Китобхон шу ўринда ҳақиқатдан ҳам Шириннинг севгисига ишонч ҳосил қилади. Ушбу мактубда Ширин характерининг очиқ-ойдин манзаралари чизилади. У бир қатор ижобий фазилатлари билан бирга халқпарвар аёл сифатида намоён бўлади. Халқнинг бошига тушган бу савдоларга ўз севгисининг сабабчи эканлигидан афсус чекади. Зеро, халқпарварлик Навоий ижодининг бош ғояларидан бири эди. Шундан сўнг Ширин ўз орзу-истакларини айтиб, мактублар анъанасига кўра илтимос ва жавоб хати сўраб уни якунлайди. Ўртада Шопур хат ташувчи вазифасини бажаради.

Асардаги кейинги мактуб Фарҳоднинг Ширинга мактуби бўлиб, у ҳам Тангри номи билан бошланади. Тангрига мактовлардан сўнг у ўзи ёзаётган мактубини "Меҳнат-машаққат ўтининг достони" деб атайди. Ўзини хатокор ҳисоблаб, девоналиги учун узр ишора қилади. Мактубдан Фарҳоднинг ўзини жуда хоксор ва камтар инсон сифатида тутганлиги ҳамда ўзини ёрга муносиб кўрмаганлиги англашилади. Бу ҳам бўлса комил ишқнинг белгиларидандир. Унинг учун ҳаттоки ёрнинг ити билан гаплаша олиш ҳам шараф. Чунки ит ёрни кўра олади. Ўзини ўша хароб итга қиёслаб, аҳволи ёр ишқида уникидан-да баттарроқ эканлигини айтади. Шунинг учун бу ит тасвирига жуда катта ўрин берилган. Фарҳоднинг ҳам, Шириннинг ҳам бир-бирларига йўллаган мактублари, энг аввало, уларнинг ҳижрондаги аҳволи қандай эканлигини кўрсатиш орқали уларнинг ишқи кучини намоён қилиши билан асарда муҳим аҳамият касб этади. Фарҳод илк бора ўзи ҳақида, ўзининг келиб чиқиши ҳақида Ширинга шу мактубида баён қилади. Ўзининг шоҳ ўғли эканлигини билдириб, Шириннинг ишончини бу борада комил қилади. Мактубни кечирим сўраган ҳолатда якунлайди. Ушбу мактублар, аввало, бир-бирларининг аҳволларидан огоҳ қилиш воситаси эди. Чунки улар бир-бирининг тирик ёки ўлганлигини билишмасди. Шунинг билан бирга, ўз қўллари билан ёзилган мактубда шундай хусусият борки, у адресатга ёзилаётган пайтдаги муаллифнинг қалб кечинмаларини ёрқин ҳис қила олиш имконини яратади. Чунки уларга муаллиф ҳарорати жо бўлади ва бу ҳарорат адресатга мактуб ўқилаётган вақтда юқади. Шу билан бирга, мактуб дил изҳорининг энг ишончли воситаси ҳамдир. Шунинг учун ушбу мактубларни асарнинг энг қайноқ ва қизгин қисмлари дейиш мумкин. Ушбу мактублар қаҳрамонлар ҳолатининг яхшиланишига ва янги сюжет шаклланишига сабабчи бўлган. Шу хат алмашинувларни эшитган Хусрав Фарҳодни йўқ қилмоқ ҳаёлига тушиб чора излай бошлаган. Ўз ўрнида бу ҳолат Шопурнинг тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Асардаги кейинги хат Шириндан Фарҳодга келган хат бўлиб, у тўлиқ ҳолда берилмайди. Ундан озроқ парчалар берилиб, унинг мазмунини айтиб ўтилади. "Бу мактуб бутун бир ҳолида меҳру-муҳаббат достонидан иборат эди" дейилади. Ушбу мактуб Фарҳод ва Ширин ишқи кучи қай даражада эканлигини, уларнинг режалари ва ҳиссиётларини, туйғулари, ҳолатларини Хусравга маълум бўлиш воситаси ҳам эди. Хисрав ҳақидаги Шириннинг фикрлари асарда айнан келтирилади. Бу орқали чин ошиқ аслида қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги мулоҳазалар ҳам айтилади.

*Керак ошиққа жон – жонон фидоси,
Тилар ул қилса жонон – жон фидоси.*

Шириннинг қатъий қарори – агар Хисрав унга уйланмоқчи бўлса, ўзини ўлдирмоқчи эканлиги ҳам айнан шу ўринда айтилади. Хисрав характерининг яна бир муҳим жиҳати очилишига ҳам шу мактуб тўртки бўлган. Яъни Хисравнинг Фарҳодни ўлдириш қарори ҳали қатъий эмасди. У ўтакетган золим эмас эди, ёки Фарҳоддан кўрқар эди. Чунки иккиси ўртасида бўлиб ўтган мунозарада Фарҳоднинг берган жавобларидан ҳайратга тушган эди. У Фарҳоднинг ўз юртига кетишини, орадан кўтарилишини истаган, холос. Ушбу мактуб асарда қаҳрамонларни ўлимга олиб боровчи йўл, кўприк вазифасини бажарган.

Асар давомида Фарҳод ўлими олдидан тонг елига айтган сўзлари орқали мактуб ёзади. Ушбу ҳодисани ҳам гарчи қоғозга ёзилмаган бўлса-да, мактуб дейиш мумкин. Чунки адресат мавжуд, муаллиф мавжуд. Фарқи шундаки, бунда шаклан елга оғзаки мурожаат қилинади. Мазмун жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, анъанавий мактублардан фарқи сезилмайди. У шундай бошланади:

*Ки, эй боди сабо, тенгри учун қўп,
Етиб Чину Хито мулкига ер ўп.*

Ушбу мактуб бамисоли васиятнома эди. Бу орқали Фарҳоднинг солиҳ фарзанд эканлиги, фарзандлик мақомини тўғри англагани, ота-онасини нақадар яхши кўриши ва ардоқлаши намоён бўлади. Мактуб шунинг учун ҳам асарда катта аҳамият касб этади. Чунки бу хусусиятлар комил инсоннинг энг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Фарҳод онасини ташвишга солганлигидан айбдорлик ҳиссини шу ўринларда баён қилади.

*Бу хусрон баски, чун гам руди туздум,
Сиришким селидин каъбамни буздум.*

Ўлимидан олдин кўз олдидан бутун бир ҳаёт йўли ўтади ва барча яқинларига васият қилади. Бу хабарларни ел етказиб олиб боришига ўқувчи ишонмаслиги мумкин, албатта. Лекин бу ўринда мақсад хатнинг етиб бориши эмас, Фарҳоднинг ҳис-туйғулари, истаклари, васиятини бериш орқали шахсиятининг гўзал қирраларини ифодалаш ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мактублар асар қурилиши ва қаҳрамонлар характери ёрқинроқ ифодалаш учун жуда муҳим восита вазифасини бажарган. Сюжет унсурлари: воқеалар ривож, кульминация ва ечимни шакллантириш учун аҳамиятли ҳисобланади. Шу билан бирга, "Фарҳод ва Ширин" достонида қаҳрамонлар руҳияти тасвирларини беришда ундаги мактублар катта аҳамият касб этади. Мактублардаги сўзлар қаҳрамонлар тилидан айтилганлиги сабабли китобхонга кучлироқ таъсир кўрсатади. Муаллиф тилидан кўра ишончлироқ ифодаланади. Қалб кечинмалари жонлироқ ва ҳароратлироқ бўлади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги мактубларнинг асарда тутган ўрни ва бажарган бадиий вазифалари ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье речь идет о роли и художественных функциях писем в поэме Алишера Навои "Фархад и Ширин".

RESUME. The article discusses the role of letters in Alisher Navoi's epic poem "Farhod and Shirin" and the artistic tasks they fulfill.

Таянч сўз ва иборалар: дoston, мактуб, бадиий мақсад, қаҳрамон, тасвир, сюжет, композиция.

Ключевые слова и выражения: поэма, письмо, художественная цель, герой, изображение, сюжет, композиция.

Key words and word expressions: epic, letter, literary goal, character, image, plot, composition.

БАДИЙ ИЖОДДА МУШТАРАКЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Баъзан бошқа-бошқа миллатларга мансуб буюк ижодкорлар бир-биридан беҳабар ҳолда ўзаро ўхшаш ҳолда асарлар яратади. Энг қизиғи, бунда сюжет ва композициянинг ўзаро яқин экани ҳар икки асарнинг оригиналлигига заррача бўлсин халақит бера олмайди. Ҳеч бир жиҳатдан улар бир-бирини такрорламайди. Бунинг сабабларини О.Абдулҳақимова шундай кўрсатади: "1) ҳар бир ижодкор услубининг ўзига хослиги; 2) мавзуга ёндашув мезонларининг фарқланиши; 3) поэтик тасвирдаги индивидуаллик"¹. Бизнингча, бу фикрларга қўшимча равишда адабий-эстетик ҳодисанинг яна бошқа иккинчи кўриниши – бир ижодкорнинг асарларини таржима қилиш, учинчи кўриниши эса бир ижодкор ўзидан олдинги ижодкор асарларини мутолаа қилиб, ундан таъсирланиши натижасида мутлақ мукамал оригинал асарлар яратиши мумкин. Бундай асарларни қиёсий ўрганиш бадий адабиёт сирларини, шунингдек, ижодкор руҳиятини англашда алоҳида аҳамият касб этади.

Чингиз Айтматовнинг "Асрга татиғулик кун", "Қиёмат" романлари ва "Оқ кема" қиссаси "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романининг яратилишига замин яратган асарлар десак муболаға бўлмайди. Эркин Самандарнинг роман яратишдаги услуби, композиция, баъзи образлари буюк қирғиз адабининг романчилик маҳоратини эслатади. Аммо асарлараро умумий ва хусусий жиҳатларнинг майдонга келиш жараёнлари тамомила ўзгача қонуниятлар маҳсулики, имкон қадар шу масалага диққат қаратишга уринамиз.

"Асрга татиғулик кун" – Ч.Айтматовнинг бадий ва ғоявий жиҳатдан энг юксак асари. Ёзувчининг илк романи бўлса-да, ҳар томонлама мукамал. Ёзувчи унинг яратилиши ҳақида сўзлаганда Эдигей Бўрон меҳнатсевар, маънан бой, замоннинг ҳар жиҳатини ўзида мужассамлаштиргани билан қизиқарли ва кадрли эканлигини таъкидлаб ўтади. Шу боисдан уни давримизнинг чархи олам меҳварига – ўзимни ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилдим², – дейди. Бу романда адиб инсон кадрини, инсон учун инсонийлик фазилатлари қанчалик муҳим эканлигини Найман она фожиаси тимсолида тенгсиз тарзда ифодалаб берган. Халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланади.

"Дарёсини йўқотган қирғоқ" романи 1989 йилда яратилган ва 2005 йилда қайта ишланган³. Муаллиф янги нашрга ўша давр тақозоси билан боғлиқ ўринлар қисқартирилганини, янги боблар қўшилганини айтади. Романда одамларнинг табиатга тажовузи ва бунинг оқибатида юз берган экологик, ахлоқий, маънавий бузилишлар, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш акс этади. Инсонларнинг табиатга тажовузи оқибатида сув остида қолиб кетган Маздубад туз кони, Найсон бува масжиди ва портлатилган Қиртепаннинг пайдо бўлиши ҳақидаги ривоятларни усталик билан роман ичига жойлайди. Бу икки роман муқаддас қадриятларимиз ва табаррук масканларимизга оид афсона ва ривоятлар билан тўлдириб борилади.

¹ Абдулҳақимова О. Абдулла Орипов адабий-эстетик қарашлари. Филол. фан. бўй. фалс.док... дисс. – Тошкент, 2022. 3-бет.

² Айтматов Ч. Asrga tatigulik kun. – Toshkent: "Adabiyot uchqunlari", 2018, 3-bet.

³ Самандаров Э. Ғайб қушлари. – Тошкент: "Шарк", 2009.

Иккисида ҳам маънавий етуклик, ахлоқ, одамгарчилик хислатлари юкори ракурса куйланади.

"Дарёсини йўқотган қирғоқ" романи сюжети "Қиёмат" романи сюжетиға яқин туради. Роман уч бўлим ва тўрт асосий сюжет йўналишидан ташкил топган. Биринчи ҳикоя линиясида бўрилар Акбара ва Тошчайнар, иккинчисида диний семинариядан кетган Авдий Каллистратов, учинчиси Ҳазрат Исо ва ниҳоят тўртинчиси ҳалол ва меҳнаткаш чўпон Бўстон билан боғланган. Асарнинг бошланиши ургочи бўри Акбара нуқтаи назаридан, кейинроқ Авдий, охири ҳам Акбара, ҳам Бўстоннинг қарашлари шаклида ҳикоя қилинади. "Қиёмат" романида яхшилик ва тўғрилиқнинг, олижаноблиқнинг, адолат ва ҳақгўйлиқнинг, қиёмат қойим даражасига етаётган ҳолатлари табиат, жамият, инсон ва иймон муаммоларини акс эттириш орқали кўрсатилади.

"Дарёсини йўқотган қирғоқ" романи ҳам уч бўлим, тўрт асосий сюжет йўналишларидан ташкил топган. Биринчи ҳикоя линиясида Ганжа ва дарё суви, иккинчиси Аминов ва унинг ишлари, учинчиси Бува ва Қурбонбойнинг жамият ривожини учун кураши, тўртинчиси Аминовнинг жазоланиши. Асар бошланишида Ганжанинг дарё сувини тўсиб, омбор қуришга қаршилиқ қилиши ва қамалиб кетиши ҳақида боради. Сўнг Аминовнинг омбор қуриш ишлари, кейинроқ Буванинг отлар учун курашиб, отлари билан сув тагида қолиб кетиши, охирида Аминовнинг жазоланиши шаклида ҳикоя қилинади. Романда экология ва маънавий ахлоқ масалалари ёритилади.

Авдий билан Ганжанинг қисматлари ҳам ўхшашлиқ касб этади. Қуйидаги парчалар бунини исботлайди. "Сайғоқларға уюштирилган қатлиомдан даҳшатга тушган Авдий гуруҳдагилардан бу ишни дарҳол тўхтатишларини талаб қилади. Шундан кейин асардаги воқеалар такроран актуал ҳолга қайтарилади. Авдий овчилар тарафидан аёвсиз калтакланиб, бир саксовул дарахтига Исо каби осилади. У охириги нафасини олаётганда она бўридан ёрдам сўрайди, худди уни эшитгандай Акбара етиб келади. Авдий она бўрини кўргач, ёруғ оламни тарк этади"⁴. Бу ушбу лавҳада аниқ кўринади:

Авдий. Гамлет, Галкин, Узоқбой менга қўшилиқлар, Обер Кандалов ва унинг малайларини ташлаб кетайлик... Тирик табиатга етказган зиён-заҳматимиз учун, қилган гуноҳларимиз учун тавба-тазарру қилайлик.

Мишаш. Шу ерда ёт, эй сени Сайғоқ билан қўшмазор бўл! Чақир энди худойингни деди бўғилиб ва уни боғлаб қўйди.

Авдий. Қўлимни ечинглар.

Обер Кандалов. Мана илтимосингни бажардик, Энди манави арақни ич.

Авдий. Йўқ ичмайман!

Мишаш. Ичасан, деди Мишаш ва стаканни қўлида синдириб, Авдийни юзларини, қўлларини тилди.

Амударё сувидан нотўғри фойдаланиш оқибатида табиатга жиддий зарар етишини билган Ганжа Аминовдан бунини тўхтатишни талаб қилади. Натижада, Аминов Ганжани ҳийла йўли билан маҳв этади. Бу Аминов бошчилигида Амударё суви бўғилиб, Маздубад туз ғори сув омборига айлантирилаётган қисмда яққол кўзга ташланади. У, аввало, боши гаранг

⁴ A y t m a t o v Ch. Qiyomat. – Toshkent: "Adabiyot uchqunlari", 2018, 576-bet.

бўлиб, кечкурун қишлоқ оқсоқоли Буванинг олдига боради. Сўнг маҳалла зиёлиларини тўплаб, бу ишга қарши чиқади:

Майор Раҳмонов. Нима завго-жанжал?

Бува. Қурувчи йигитларга биз айтдик. Бу гор эски, муқаддас жой, уни босқилаш, вайрон этиши мумкин эмас.

Ганжа. Йигитларнинг қўли бу ишга бормаяпти.

Майор Раҳмонов. Асли уларни лақиллатиб бузган сен.

Бува. Ундай деманг, бошлиқ. Ганжани биламиз, хўп одобли яхши йигит.

Майор Раҳмонов. Сен менга ақл ўргатма.

Ганжа. Кекса одамни нега жеркаси?

Майор Раҳмонов. Назаров бу нусхага повестка ёзинг. Кўрайлик-чи, бу қайси босмачининг авлоди экан.

Ҳар икки романда ҳам табиатни муҳофаза қилишга уринган соф виждонли инсонлар маънавиятсиз, ахлоқсиз одамлар томонидан тазйиққа учрайди. Бири ўлиб кетади, бириси қамалади. Фарқли жиҳати шундаки, "Қиёмат" романидаги табиат душманлари пул, бойлик учун яшайдиган жиноятчилар бўлса, "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романидаги табиат душманлари эса ўзлигини унутган, қилаётган ишининг натижасини билмайдиган кўғирчоқ раҳбарлардир. Ушбу романларнинг муштарак жиҳати, асарнинг бош ғояси инсон ва унинг моҳиятини англаш. Улардан келиб чиқадиган хулоса: одам болалари умрини беҳуда ишларга сарфламаслиги, маънан етук, юксак ахлоқ эгаси бўлиши, табиат ва жамият ҳақида қайғуриши зарур.

"Асрга татиғулик кун" романида Эдигей, "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романида Бува образлари ҳақиқий маънода юксак маънавият эгалари, табиат ва жамиятнинг дўстларидир. Эдигей инсонлардаги одамийлик, меҳр-оқибат, фарзандлар ва ота-она ўртасидаги самимий муносабат учун курашса, Бува эса табиатни севади, айниқса, ўзи боқаётган отларни оила аъзосидек яхши кўради. Инсоният билан табиатнинг мангу дўст бўлишини, бир-бирини ҳурмат қилишини, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишини истайди. Эдигей қиёматлик дўсти Казангапнинг ўғли Собитжонни такаббурлиги, мактанчоқлиги учун ёқтирмас эди. Отаси Казангап умуман бошқача эди деб куюнарди:

Собитжон. Қалай? Дарвозага етганда орқаларингга тепишдимми? Шундай ҳам бўлиши керак эди! Она Байит, Она Байит, деб роса учиб-қўндиларинг! Мана сизларга Она Байит! Мана энди калтакланган итдек бўлдиларингми?

Пиёниста кўёв. Ит деганинг ким ўзи? Агар орамизда ит бўладиган бўлса – ўша сенинг ўзингсан, аблаҳ!

Эдигей. Моторни ўчир, гап бор!

Собитжон. Яна қанақа гап? Йўлни тўсма, шунча сайр қилганимиз етар.

Эдигей. Йўлни ўзинг тўсиб турибсан. Казангапни ана шу ерга дафн этамиз.

Собитжон. Мен тупурдим буларнинг ҳаммасига, ўликни уйга қайтариб олиб кетамиз!

Эдигей. Одамзоднинг урф-одатларига қарши борманглар, табиатга қарши зид иш қилманглар! Мозордан ўликни қайтариши ҳеч қачон бўлмаган.

"Асрга татигулик кун" романида Эдигей дўсти Казангапни сўнгги манзилга рисоладагидек кузатиш, миллий қадриятларни асраш учун курашса, "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романидаги Бува эса табиат аталмиш катта оиланинг аъзоси отларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз ҳаётидан воз кечади. Рафиқаси Моможон момони катта уйда ёлғиз ташлаб, отлари билан тўқайга кетади:

Моможон. *Тўқайга кетсангиз, уй нима бўлади, Бува?*

Бува. *Нима бўларди – ўзинг яшайверасан. Биринчи ёлғиз қолишингми, уруш йилларини эсла.*

Моможон. *У давр бошқа эди. Унда мажбур эдик. Сиз фронтда эдингиз, бошқа иложимиз йўқ эди. Энди бўлса...*

Бува. *Ҳозир ҳам иложимиз йўқ, момо. Кўряпсан-ку раис даюсинг қилиқларини. Ё кетмайинми, а? Унда отлар нима бўлади?*

Эдигей билан Казангап Иккинчи жаҳон урушига қатнашган. Бошига турли хил қийинчиликлар келса-да, сабр-матонат билан енгадиган, ўзлигини йўқотмаган, инсонийлик хислатларини ўзида сақлаб қолган қаҳрамонлардир. Албатта, романларнинг ўхшаш томонлари билан бирга, ўзига хос фарқли томонлари ҳам бор. "Асрга татигулик кун" романи "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романи билан маънавий-ахлоқий қадриятлар, одамгарчилик хислатлари биринчи ўринга қўйилганлиги, халқ оғзаки ижодидан ўринли фойдаланганлиги, 80–90-йиллардаги сиёсий тузум борасидаги ғоялар, Эдигей ва Бува образлари характер, дунёқараш жиҳатидан ўхшашлик касб этса-да, қўйиладиган муаммолари билан фарқланади. "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романида кўтарилган муаммо анча катта. Бунда одамлардаги маънавий тарбия, ахлоқ, эстетик маданият фақат инсонлар ва жамият учун эмас, балки табиат ва экология учун ҳам хизмат қилади. Бу жараёнда ривожланиш бўлмаса, инсониятни Орол муаммоси каби мислсиз даражада аянчли кўргиликлар кутиб турганлиги таъкидланади. "Асрга татигулик кун" романидаги маънан етуклик, ахлоқий мукамаллик, асосан, оила ва жамият учун хизмат қилади. "Дарёсини йўқотган қирғоқ" романи ёзувчи ижодий нияти ва бадиий-эстетик идеали маҳсулидир. Унда миллий руҳ нафаси уфуриб туради.

РЕЗЮМЕ. Мақолада қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов билан ўзбек ёзувчиси Эркин Самандар романларидаги муштарак ва ўзига хос жиҳатлари очиб берилади. Икки ижодкор услуби, асар яратиш маҳорати ва асарларидаги асосий ғоялар таҳлилга тортилган. Авдий, Казангап, Ганжа каби персонажлар фаолияти, дунёқараш, одамлиги таққосланиб, фикр билдирилади.

РЕЗЮМЕ. В статье раскрываются общие и уникальные стороны романов киргизского писателя Чингиза Айтматова и узбекского писателя Эркина Самандара. Анализируется стиль двух творцов, мастерство создания произведений и основные идеи в их произведениях. Сравниваются деятельность, мировоззрение и человечность таких персонажей, как Авдий, Казангап, Гянджа, и высказываются мнения.

RESUME. The article reveals the common and unique aspects of the novels of the Kyrgyz writer Chingiz Aitmatov and the Uzbek writer Erkin Samandar. The style of two creators, the skill of creating works and the main ideas in their works are analyzed. The activities, outlook, and humanity of characters such as Avdiy, Kazangap, and Ganja are compared and opinions expressed.

Таянч сўз ва иборалар: роман, мавзу, композиция, сюжет, образ, таъсир, услуб, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: роман, тема, композиция, сюжет, образ, стиль, мастерство.

Key words and word expressions: novel, theme, composition, plot, image, effect, style, skill.

ТАРИХИЙ ОБРАЗ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

XXI аср ўзидан олдинги барча давларга нисбатан интеллектуал фаол асрга айланиб улгурди, гарчи ҳали биз бу даврнинг биринчи чорагида бўлсак-да, бугун технологиялар ҳар қачонгидан тез ва шиддат билан ривожланмоқда. Айни шу ривожланиш ишлаб чиқариш, тиббиёт, астрономия, микробиология, космология, агрономия ва бошқа жуда кўплаб соҳаларда ўз аксини кўрсатмоқда. Инсонлар жисмоний куч сарфлайдиган ёки вақт талаб қиладиган масалаларда янги технологияларга таяниши ўз самарасини аллақачон бера бошлади. Мана шундай кашфиётлардан бири сунъий интеллект.

Ўтмиш ҳар қачон қизиқарли ва тортишувли кечган, ҳар бир халқ ўз тарихини, аждодларини, борингки, келажак даврини ҳам ҳаққоний ва жонли кўришни истайди. Тарих ва бадий адабиёт бу борада инсонларнинг тасаввурий ҳисларини қондирса-да, аср кашфиётлари барча фанларга кириб боргани каби бадий адабиёт оламига ҳам жиддий аралашиб, айни тасаввурларни ўзгартириб юбормоқда. Сунъий интеллект¹ исталган даврни жонли тарзда гавдалантириб, келажак давримизга-да ташхис қўя бошлаганидан англаш мумкинки, у бадий тафаккуримизга ҳам ўз таъсирини ўтказиши тайин бўлиб қолди. Гарчи адабиёт миллий ҳодиса саналса-да, дунё ривожланишидан, замон кашфиётларидан четга чиқиб, алоҳидалик касб этолмайди, яъни жаҳон цивилизацияси, янги ҳодисалари албатта ҳар қандай миллий тафаккурга, бадий ижод оламига сингишиб кетади. "Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз..."².

XX аср бошларида роман, драма, театр, газета, кейинроқ радио, телевидение миллий адабиётга қандай таъсир қилган бўлса, аср сўнгига модернизм ўзбек адабиётида ўзгача кўрила бошланди. Худди янги жанрлар ёки кашфиётлар адабий ҳаётга ўзига хослик олиб кирганидек, сунъий интеллект ҳам бадий адабиёт тушунчасига янгича қайфият тақдим қилиши мумкин. Бу жараён жаҳон адабиётида аллақачон кузатилаётган экан, ўзбек адабиётида ҳам бўй кўрсатиши, бадий тафаккурга ўзгаришлар олиб кириши тайин. Аммо бу борада ўзбек адабиёти янги босқичда бўлганлиги боис ҳали қилинадиган ишлар кўп. Жаҳон адабиётида эса бу борада муаммолар аллақачон ниш ура бошлади, масалан давримизнинг машҳур ёзувчилардан бири Жейн Фридман ўз номи муаллиф сифатида янги нашрдан чиқарилган китобга қўзи тушади ва Амазон онлайн савдо дўконига сотувга қўйилганини кўриб ҳайратда қолади. Унинг муаллифлигидаги китоблар қуйидаги номлар билан эълон қилинган эди: "Электрон китобни тезда нашр этинг ва пул ишланг. Электрон китоблар бўйича қўлланма. (Write and publish an ebook quickly and make money), Амазонда электрон китоблар савдосини кескин ошириш стратегиялари. (Promote to prosper strategies to skyrocket your ebook sales on Amazon) китоб муаллифи Жане Фридман"³. Яъни бугунги кунда сунъий интеллект ҳақиқий муаллифнинг услуби ва мазмунига тақлид равишда янги асарлар ёза олмақда.

¹ <https://uz.wikipedia.org>

² Қ о д и р и й А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Наврўз, 2019, 5-бет.

³ <https://mpost.io/uz/ai-generated-books-pose-new-challenges-for-authors/>

Шундай экан, реал ижодкорлик билан сунъий ижод маҳсулини англайдиган даражадаги бадиий интеллект зарур. AI каби дастурлар ёрдамида тез ва тасвир жиҳатдан сифатли китобларнинг ёзилиши ижодкорларга хавф туғдириши, нафақат ижодкорларга, балки сунъий интеллект томонидан болаларга бағишланган турли хил жанрдаги асарларнинг машҳур бўла бошлаган даврда келажак инсонларининг онг-тасаввурига ҳам хавф солиши мумкин. Демак бу жиҳатларни ҳисобга олиб, ижобий фойдаланиш йўллари, топиш давр талаби бўлиб бормоқда.

Сунъий интеллект бугунги кунда миллий қаҳрамонларимизнинг образини шакллантириб улгурган. "Жалолиддин кўпинча ўз Ватани мустақиллиги учун курашган мард ва ватанпарвар раҳбар сифатида тасвирланади. Унинг образи озодлик учун кураш ва миллий ўзликни ҳимоя қилиш ғояси билан чамбарчас боғлиқ. Марказий Осиёда кўпчилик уни миллий қаҳрамон деб билади ва уни босқинчиларга қаршилик кўрсатиш рамзи деб билади. Мангуберди образи санъатнинг турли турларида, жумладан, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик санъатида тасвирланган. Шунингдек, у кўплаб тарихий китоблар ва тадқиқот ишларининг мавзусидир".⁴ Юқоридаги матн Ўзбекистоннинг "mohir.ai" номи илк сунъий ақл томонидан Жалолиддин Мангуберди образига берган таърифи. Лекин афсуски жуда саёз ва кам маълумот жойланган, ҳатто ўзбек тили қонун-қоидаларига юзаки амал қилинган.

Сунъий интеллект ёрдамида нафақат тарихий қаҳрамонлар тасвири, балки улар ҳақида мультфильм, кино ҳатто бутун бир роман ёзилмоқда. Бутун дунёга ахборот тарқатишнинг йирик манбаси сифатида сунъий интеллектдаги ҳар бир маълумот жуда муҳим ҳисобланади, шу нуктаи назардан аждоқларимиз, ўтмишимиз ҳақидаги бадиий асарлардан ташқари бу бадиий асарларни ярата оладиган даражага етган сунъий ақл олами ҳам конкрет фактлар билан тўйинтирилиши лозим. Жаҳон сунъий интеллект базаларидан бири ChatGPT⁵ Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, тарихи, образи ҳақида қуйидагича маълумотга эга. "Жалолиддин Мангуберди — ўзбек тарихида муҳим шахс сифатида танилган, XIII асрда яшаган буюк жангчи ва ҳукмдордир. У, асосан, мўғул истилосига қарши кураши билан машҳур. Жалолиддин 1220 йилларда, Ўзбекистоннинг ҳозирги жанубий ҳудудларида, Туркистон минтақасида фаолият кўрсатган. Унинг ҳаёти ва фаолияти кўплаб афсоналар ва тарихий манбаларда ёритилган. Жалолиддин Мангуберди, хусусан, 1220 йилларда мўғул қўшинлари билан курашларида кучли раҳбарлик кўрсатган. У ўз халқининг озодлиги учун курашган, мардлик ва жасорат тимсоли сифатида қабул қилинган. Жалолиддин ҳақидаги энг машҳур воқеалардан бири унинг Қорақамиш яқинида мўғуллар билан бўлиб ўтган жангидир. У жуда мард жангчи сифатида танилган ва ўз халқини бирлаштиришда муҳим роль ўйнаган. Унинг мероси Ўзбекистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида эъзозланади, ва бугунги кунда ҳам Жалолиддин Мангуберди ўз халқининг озодлик ва мустақиллик рамзи сифатида қадрланади"⁶.

Инсончалик ҳиссий ҳолатни, ёки бошқа бир инсон зотини англай олиш ва тасвирлаш, руҳиятини очиб, бошқа қалб торида чертиш фақатгина инсон

⁴ Ўзбекистонда илк бора яратилган "Mohira" сунъий ақлнинг Жалолиддин Мангуберди образи ҳақидаги жавоби.

⁵ <https://chatgpt.com>

⁶ <https://chatgpt.com>

қўли билан кечадиган жараён. Бунини юқоридаги сунъий интеллектлар тасвирлаган Жалолиддин Мангуберди образи ва 800 йил олдин айна қаровонимизни гавдалантирган мунший тасвиридан ҳам англаш мумкин.

"У бугдоймағиз ранглик, ўрта бўйлик, туркий қиёфалик ва туркийда гапирадиган одам эди, шу билан бирга форсийда ҳам сўзлаша оларди. Унинг мардлиги, жасурлигига келсак, юқорида ҳикоя қилганим жанрлардаги фаолиятини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилади. У шерлар орасида энг зўр шер эди, қўркмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У ювош, мулоим одам эди, жаҳлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб қўярди, кам гапирарди. У ҳақгўйликни, адолатни улуғларди, аммо у яшаган даврдаги ғалаёнлар, алғов-далғовлар феъл-атворини ўзгартирди. У қўл остидаги одамларнинг оғир ҳаётини енгиллаштиришни хоҳларди, аммо у яшаган давр қонунлари уни зулм қилишга мажбур этарди"⁷.

Бугунги замонавий фан ютуқлари ёрдамида неча асрлар олдин яшаб ўтган исталган тарихий шахснинг феъл-атворига ҳос хусусиятларини белгилаш, сунъий ақл ёрдамида эса руҳий ҳолатидан ташқари барча элементларини аниқлаш мумкин. Ҳозирча ҳар қандай сунъий ақл дастурлари инсон ҳиссиётларини тасвирлай олмайди, бу борада эса фақат бадиий адабиёт асосий манба бўла олади ва тилнинг ҳиссиёт билан боғлиқ томонларини сунъий интеллект бадиий асарлардан, айниқса, романлардан ўзлаштириш қобилиятига эга. "...романлар сунъий интеллект учун ажойиб тренинг ҳисобланади. Улар тизимни тилдаги нозик жиҳатларни фарқлашни ўрганишга мажбур қилади"⁸. Бундан ташқари, сунъий ақлдан олинаётган маълумотларнинг ҳаммаси ҳам реалликка мос келавермайди, аммо давр янгиликлари келажак ижодий жараёнига ўзгартаришлар киритмай қолмайди.

Инсон ва сунъий интеллект турли хил қарашларга тўхталар экан, бадиий адабиётда ҳам айна инсон ва сунъий ақллар ўртасида муросасизликларга ҳам олиб келиши мумкин. Чунки инсонлар кундалик ҳаётда фаол фойдаланадиган компьютер ва смартфон, айниқса қўллаб-янгилар бугун сунъий интеллект ёрдамида тайёрланмоқда ва бу ҳодиса инсон онгига таъсир қилмай қолмайди. Инсон ҳиссиёт ва ақл мувозанатида фикрласа, сунъий интеллект номига яраша интеллект(ақл)га таянади. Илм-фанда одам боласининг ҳиссий туйғулари англашга ёрдамчи бўлса-да, далил жиҳатдан асрлар давомида шаклланиб келатган интеллектни ўзида сингдириб олувчи сунъий ақлдан ортда қолиши ҳақиқатга яқинлашиб қолди.

Ўзбекистонда 2023 йилда илк бор ишга туширилган сунъий интеллект "Mohir.ai" бугун аудио шаклдаги овозларни матнга имловий хатоларсиз ўгириш, видеоларга субтитр жойлай олиши, ўзбек тилидаги видеоларни инглизча дубляж қилиши, ёки исталган мавзуда сиз билан суҳбат қуриши мумкин.

Куйида яна бир қизиқ ҳолатга эътибор берамиз:

Ko 'ngil bog 'ing ichra gullar ochildi,

Sen kelgan zamonlar ko 'ngil to 'ldi.

⁷ Ш и х о б и д д и н М у х а м м а д а н - Н а с а в и й. Сийрат ас-султон Жалол ад-Дин Менгбурни. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2009, 301-бет.

⁸ <https://daryo.uz/2016/05/06/google-suniy-intellekti-oz-kitobini-yozadi>

*Sening vaslingga yetgudek bo 'lsam,
Ishq aro bu jonim tunga cho 'g' solib yondi.*

Шеър муаллифи: CHatGPT (сунъий интеллект)

Сунъий интеллект нафақат шеър ёзолади, балки роман каби катта ҳажмли жанрдаги асарларни ҳам ёзиб бериши мумкин, бунинг учун унга бир неча сониялар етарли.

"Ушбу яшадигимиз муҳит доирасинда анинг тўлкуни одамнинг ҳар хил маишатига қараб ўзгарадир", – дея Чўлпон "анинг тўлкини", яъни инсоният цивилизациясига мос тарзда бадиий адабиёт ҳам жилоланиб боришини таъкидлаган эди. Аслида бу янгиликка ўч бир шахс сифатидаги илғор қарашларни англатади. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи барчамизга таниш, мана шу романнинг "кундуз" қисми эса ҳанузгача сир бўлиб қолмокда. Шунинг учун CHatGPT сунъий интеллектига "кундуз" қисмини ёзиб бериш сўровини юбордик, энг қизиғи роман ҳам таппа-тайёр! Фикримизча, адабий жараёнимиз бундай янгиликларни ҳам кутиб олмоғи лозим.

Бундан ташқари CHatGPT сунъий интеллектига бадиий ёки илмий асар юклашингиз ва ушбу асар ҳақида фикр олишингиз мумкин ва бу жараён ҳам бир дақиқага етмайди. Эътибор берилиши лозим бўлган томони, сунъий ақл асарни тўлиқ ўқиб, шунчаки эмас, аниқ жавоб беради. Масалан, У. Ҳамдамнинг "Мувозанат" романини юклаганимизда қуйидаги жавоб олинди.

"Улуғбек Ҳамдамнинг **"Мувозанат"** романи ўзбек адабиётида муҳим бадиий ҳодисалардан бири бўлиб, унда инсон ва ҷамият ўртасидаги мураккаб мувозанат излаш жараёни чуқур таҳлил қилинади. Асарда бош қаҳрамон Юсуфнинг шахсий курашлари, мустақиллик даврида юз берган ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар контекстида тасвирланади.

Романинг ўзбек адабиётидаги ўрни ва бадиий қиммати:

1. Миллий ва маънавий изланишлар: Асар ўзбек халқининг мустақиллик даврида кечган маънавий курашлари ҳақида. Улуғбек Ҳамдам ўз асарида Истиқлолнинг маъносини ва миллий қадр-қимматни ўрганиб, бу даврдаги зиддиятларни, инсоннинг ўз ички мувозанатини топишга уринишларини чуқур бадиий тафсилотлар билан ёритади.

2. Шахсий ва ижтимоий мувозанат: Роман инсон ҳаёти ва унинг шахсий кечинмалари билан ҷамиятдаги ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Юсуф ўз ҳаётида оиласи, дўстлари ва ҷамият билан юзма-юз келганида, мувозанатни сақлаш учун курашади. Ушбу мувозанат, асарда таъкидланганидек, инсоннинг ички руҳий ҳолати ва ҷамиятнинг умумий ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

3. Психологик таҳлил ва инсон руҳияти: Асар орқали ўзбек адабиётида психологик таҳлил анъанаси бойитилади. Юсуфнинг ички изтироблари, унинг ўзлигини англаш ва ҳаётий мувозанатга эришиш йўлидаги курашлари ўқувчини инсон руҳиятининг мураккаб томонлари билан таништиради.

4. Бадиий услуб ва образлар: Улуғбек Ҳамдамнинг услуби чуқур поэтик бўлиб, унда ҳар бир образ ўзига хос рамзий маъно касб этади. Юсуф, бошқа қаҳрамонлар сингари, ижтимоий масъулият, шахсий кураш ва

маънавий изланишларни ифодалайди. Бу роман ўзбек адабиётига чуқур маъно ва фалсафий ёндашувларни олиб кириши билан ажралиб туради.

Умуман олганда, **"Мувозанат"** Улуғбек Ҳамдам ижодининг муҳим асари бўлиб, у ўзбек адабиётида ижтимоий ва маънавий масалалар бўйича муҳим бадиий асарлардан бири сифатида ўз ўрнини топган"⁹.

Жавобдан билишимиз мумкин сунъий ақл бадиий адабиёт ва умуман ўзбек адабиёти ҳақида **"фикрлай"** олмоқда, конкрет тушунчага эга. Лекин унга бу натижага эришиши учун кўпроқ бадиий романлар юкланиши лозим бўлади.

Биз юқорида тарихий бир шахс образи, шеър ва роман ҳақида сунъий интеллект **"фикри"**ни олдик. Таҳлилдан шуни кузатиш мумкинки, сунъий интеллект ўзига юкланган ҳар қандай саволга ҳақиқатга жуда яқин жавоб беради, ақлий ёндашади, аммо инсон ҳиссиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган шеър каби ижодий матнлар билан оригиналликка эришиш хусусияти йўқ. Сунъий интеллектнинг инсон каби фикрлай олмаслиги, сўзни ҳис қила олмаслиги, у аслида мавжуд ёки ўзига юкланган маълумотлардан фойдаланиши кўп ҳолларда ҳиссий жараёндан йироқ ва механик жавобни келтириб чиқаради. Яъни ҳиссиёт, ижодий янгилик унинг учун имконсиз ва инсондек дунёни идрок этишининг ҳар қандай жонзод ва технологиялар учун иложсиз ҳодиса. **"Сунъий интеллект инсон шеърларига етарлича рақобат қила олмайди. Тилнинг ўзига хос мусикийлигини ва чуқур ҳиссий ифодасини етарли даражада яратиш қийин бўлиши мумкин"**¹⁰.

Хулоса қилиш мумкинки, замонавий кашфиётлар, илмий ютуқлар инсоният ўтмиши ва бугунига ўз таъсирини ўтказар экан, тарихий шахсларимиз ва миллий қаҳрамонларимизнинг қиёфаларини, ватанпарварлик образларини ўзимизга, ўзлигимизга янада яқинлаштириш имконияти сифатида қараш айни мумкин.

РЕЗЮМЕ. Мақолада сунъий интеллектнинг бадиий адабиётга кириб келиши, замонавий адабиётнинг энг муҳим масалаларидан бўлиб бораётганлиги ва бадиий адабиётга таъсири ўзбек адабиёти контекстида таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы внедрение искусственного интеллекта в художественную литературу и то, как он становится одним из важнейших вопросов современной литературы, а также его влияние на художественную литературу в контексте узбекской литературы.

RESUME. The article analyzes the introduction of artificial intelligence into fiction, its growing importance as one of the most important issues in contemporary literature, and its impact on fiction in the context of Uzbek literature.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий образ, сунъий ақл, интеллект базалари, тарихий шахслар қиёфаси, Mohir AI, CHatGPT, AI.

Ключевые слова и выражения: исторический образ, искусственный интеллект, базы интеллекта, образ исторических личностей, Mohir AI, CHatGPT, AI.

Key words and word expressions: historical image, artificial intelligence, intelligence databases, image of historical figures, Mohir AI, CHatGPT, AI.

⁹ <https://chatgpt.com/g/g-IN1gKFvL-creative-writing-coach/c/670aa0c1-52dc-8011-97e3-cc46995c999a>

¹⁰ <https://chatgpt.com/g/g-IN1gKFvL-creative-writing-coach/c/670aa0c1-52dc-8011-97e3-cc46995c999a>

ИЖОД АҲЛИ ВА АДАБИЙ ТАНҚИД

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдаги адабиётшунослик илмида мамлакатимизнинг турли вилоятларида мавжуд бўлган адабий муҳитларда тожик шеърятининг тараққиётини ўрганиш, номаълум ёки яқинда адабиётга кириб келган ижодкорларни оммага таништириш, энг аввало, шу вилоятларда туғилиб ўсган олимлар томонидан амалга оширилган. Бу мавзунини ўрганишнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганини Шавкат Шукуров, Садри Саъдиев, Аҳмад Абдуллоев, Ҳасан Қудратуллоев, Ҳамиджон Ҳомидий, Аслиддин Қамарзода, Жума Ҳамроев, Султонмурод Олим, Абдусалом Самадов каби адабиётшунос олимларнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Сурхондарёда ижод қилаётган шоирларни халққа таништириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида ёзилган илмий мақола ва тадқиқотларидан билиш мумкин. Лекин бу масала адабиётшунослар фаолиятининг бир томони саналиб, мустақиллик давригача улар асосан мумтоз форс-тожик адабиёти муаммолари, маорифпарварлик адабиётининг ривожланиши, ҳозирги тожик адабиёти муаммоларини ўрганиш билан шуғулланган. Демак, мустақиллик даври адабиётшунослигида Ўзбекистон адабий муҳитида ривожланиб келаётган тожик адабиётини ўрганиш зарурати табиий равишда вужудга келди. ХХI аср биринчи ўн йиллиги ёш шоирлари Жаъфар Муҳаммад, Асадулло Шукуров, Хожа, Шаҳзода Назарзода, Дилшоди Фарҳодзодаларнинг илк шеърини тўпламларига ёзган муқаддималарида Аҳмад Абдуллоев, Садри Саъдиев, Ҳазрат Сабоҳий, Жума Ҳамроев сингари етук тожик адабиётшунос олимлари ушбу шоирлар шеърятининг тил хусусиятлари, ифода тарзи, образлилиги ва мазмуни, Эрон модернист шоирларидан илҳомланиши ва издошлиги ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Баъзи расмий маълумотларга кўра, бугун Ўзбекистон тожик адабиётида назм ва наср соҳаларида 400 га яқин ижодкор фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Ҳасан Қудратуллоев "Сарводаи Сурхон"¹ деб номланган Сурхондарё шоирлари шеърини тўпламига ёзган сўзбошида, шоир Жаъфар Муҳаммад "Адабий ҳавза нима?" мақоласида² шу фикрни таъкидлашган. Бу кўрсаткичга кўра, бу ижодкорлар ёши улуг, ўрта ёш ва ўсмирлар, касбий ва хаваскор шоирлардан иборатдир. Уларнинг баъзилари ўндан ортиқ тўплам ва хатто шеърлар девони (Асад Гулзода, Ҳадя Бухорой, Жаъфар Муҳаммад, Асадулла Исмоилзода), баъзилари камида битта тўплами (Парисо, Мехмон), баъзилари шеърларини журналларда чоп этиш имконига эга бўлганлар, бошқалари эса интернет орқали шеърларини мухлисларга етказишади ва хоказо.

Ўзбекистондаги тожик адабий муҳити тожик шоирларига ўзбекчадан тожикчага, тожикчадан ўзбекчага таржима қилиш маҳорати ҳамда ўзбек тилида шеър ёзиш имтиёзини ҳам берган. Масалан, 2018 йилда нашрдан чиққан "Дўстлик саодати"³ китобида 60 нафар замонавий ўзбек шоирларининг Акбар Пирузий, Нормурод Каримзода, Жонибек Қувноқ,

¹ Сарводаи Сурхон (Баёзи шеърҳо). – Тошкент: "Тамаддун", 2011.

² https://www.researchgate.net/publication/337800889_Havzai_adabi_litaturumyi_krug. Жаъфар Муҳаммади Тирмизӣ. *Ҳавзаи адаби, яъне чӣ*

³ Саодати дўсти (Баёзи шеър). – Тошкент: "Yangi kitob", 2018.

Паймон, Абдулла Субҳон, Муҳаммад Шодий, Фозил Шукурзод, Жаъфар Муҳаммад, Асадулла Шукуров, Дилшоди Фарҳодзод, Хусрави Саъдуллоҳ, Баҳодир Убайдуллоҳ, Дилрабо Насимий таржимасидаги шеърлари ўрин олган. Ушбу китобнинг нашр этилиши бир қанча шоирларни яхши таржимон сифатида танитди. Акбар Пирузий, Паймон, Муҳаммад Шодий, Жаъфар Муҳаммад, Фозил Шукурзод, Хусрав таржималари яхши ва етукдир. Таъкидлаш жоизки, бу таржимонлар Ўзбекистонда аллақачон шаклланиб бўлган ва Хуршид, Муинзода, Шойслом Шомухаммедов, Асқар Маҳкам, Эргаш Очил, Олимжон Бўриев каби вакиллари бор таржимонлик мактабининг издошларидир.

Қадимдан форс-тожик адабиётида шоирлар орасида ўзаро "завкий танқид" мавжуд бўлиб, улар ҳажв, истехзо, фахр, марсия шаклида бир-бирларининг ижодини баҳолашган ва ё ўз ижодий маҳоратидан фахрланиб шеър айтишган. Бу равияда Рудакий шеърлари ҳақида айтилган таърифлар, Ҳоконийнинг ўз шоирона маҳоратини улуғлагани, Сўзаний Самарқандийнинг баъзи замондош шоирларини ҳажв қилиб айтган шеърлари ва бошқа намуналар мумтоз адабиёт тарихида маълум. Чунончи, X–XI аср машҳур шоирларидан бўлган Рашидий Самарқандий шеършунослик бобида манзум сўз, яъни назмни, мансур сўздан устунлигини шундай таърифлаган:

*Сухан гарчи мансур некӯ бувад,
Чу манзум гардад, накӯтар шавад.
Ба гавҳар ҳаме нангари з-озмун,
Ки бе ришта чун асту бо ришта чун?⁴*

"Сўз агар мансур (шаклда) яхши бўлса-да, манзум этилса, яхшироқ бўлмай. Марваридга синчиклаб қара: риштага тортилгани қандай? Риштасиз ҳолда-чи?"

Ҳозирги тожик назмида ҳам ўз шеърига нисбатан танқидий қараш, бошқаларнинг танқидий нигоҳига эътироз баъзи шоирларнинг ижодида кўзга ташланади, чунончи, Ҳадя Бухорой, Салим Кенжа, Паймон, Абдулло Субҳон шеърларида шундай ҳолат кузатилади. Лекин бу ерда илмий мақола мақсади – илмий тадқиқот ва адабий танқид масаласи билан машғул бўлган ўзбекистонлик тожик шоирлар илмий фаолиятига назар солишдан иборат.

Буюк назарийчи олим Шамс Қайс Розий "Ал-муъжам" асарида шоирларнинг бадий асарни мунаққидлар улардек баҳолай олмаслиги ҳақида сўзлаб, аслида шоирлар матога чиройли безак ва нақш соладиган ҳунармандга ўхшайди, аммо бу матонинг ҳақиқий қийматини бозор кўрган мунаққид аниқлай олади, деган ғояни баён этган⁵. Аммо маълум бўлишича, баъзи вақт шеър масаласи билан чуқурроқ шуғулланган шоирлар назм ва умуман ижод моҳиятини яхши тушунган ҳолда илмий қийматга эга асарлар, мақолалар, кичик тадқиқотлар яратишган.

Бугунги Ўзбекистон тожик ижодкорлари асарларини илмий ўрганишга адабиётшунос олимлар қаторида илмий изланишлар билан шуғулланиб келаётган айрим шоирлар ҳам эътибор қаратмоқдалар. Уларнинг тадқиқотлари илмий мақолаларда, тақризларда, шоирларнинг шеърӣ тўпламларига ёзилган кириш сўзлар шаклида намоён бўлмоқда. Бадий ижод

⁴ Саъдиев С. Суханварони Самарқанд. – Самарқанд: "Mahorat", 2023. – С. 29.

⁵ Зеҳний Т. Санъати суҳан. – Душанбе: "Ирфон", 1967. – С. 18–19.

билан бирга олий ўқув юртлари, бошқа таълим ва маориф соҳаларида фаолият кўрсатиб, адабиёт тарихи ва замонавий адабиётнинг илмий масалаларини тадқиқ этиш билан шуғулланиб келаётган Масъуд Мирзо, Жаъфар Муҳаммад, Норхожа Чориев, Асадулло Исмоилзода, Хусрав Саъдуллоҳ, Меҳмон Нарзиқулов, Дилшод Фарҳодзода^{ларнинг} газета-журналларда босилган мақолаларида, шоирлар китобига ёзилган муқаддималарида, алоҳида рисоаларда мамлакатимизда тожик шеърятининг ривожланиш ҳолати, шоирлар шеърятининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа адабий масалаларга оид илмий фикрларини билдиришган. Ҳозирги тожик адабиётида жанр ва шеърий шакллар масаласини ўрганиш жараёнида ушбу адабий муҳитда мунаққид олимлар қаторида бу ижодкорларнинг илмий тадқиқот ишлари ҳам эътибордан четда қолмади. Уларнинг тадқиқот ишларида ҳозирги тожик шеърятини ривожланиши масаласи, шоирлар шеърларининг поэтик хусусиятлари ўрганилган.

Бу жараёнда Тожикистон адабиётшунослари ва шоирлари ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Масалан, устод Лоик Шерали Жонибек Қувноқнинг "Зангула" ("Қўнғироқ") китобига, шоир Доро Нажот шоир Хусрави Саъдуллоҳнинг "Лифофаи набзҳо" ("Томирлар ҳулласи") китобига, Гулназар Акбар Пирузийнинг "Тўфони дил" ("Юрак тўфони") китобига, Фарзона Хужандий ҳам Масъуд Мирзо ва Илҳом Насафийларнинг шеърлари тўпламига сўзбоши ёзиб, асарларининг тили ва ифодаси, шоирлик маҳорати ҳақида ўз фикрларини билдирган. Жумладан, Илҳом Насафийнинг мумтоз шеърга бўлган эътибори, шу билан бирга, шоирнинг янгича мазмун ва образлар яратишга бўлган интилишларини унинг муваффақиятлари сифатида баҳолайди.

Фалсафа фанлари доктори, шоир Жаъфар Муҳаммад Термизий ўзининг илмий-адабий ва ижтимоий фаолияти давомида кўпгина ўзбекистонлик тожик шоирларини шу адабий ва маданий муҳитга танитиш, уларни ижодга йўналтиришга ҳаракат қилган. Унинг кўмаги билан бир қанча шоирлар, чунончи, Асад Гулзода Бухорой, Шоди Карим, Саида Синавий, Озода Мусаллам, Расулбек Аҳмадзода, Меҳмон Нарзиқулов, Шукруллоҳ Сирож ва бошқаларнинг китоблари нашр эттирилди. Шоир Асад Гулзода Бухоройнинг 2017–2022 йиллар оралиғида тўрт жилдда нашр этилган асарлари қуллиётида профессор Таваккал Чориев ҳамда Жаъфар Муҳаммад томонидан ёзилган кириш сўзида Асад Гулзода таникли шоирлар Мирсаид Миршакар, Аминжон Шукуҳий, Гулчеҳра Сулаймонова, Убайд Ражаб, Абдумалик Баҳорий, Бобо Ҳожи, Наримон Бақозода, Али Бобожон, Муҳиддин Фарҳат, Нуъмон Розик, Маҳбуба Неъмат каби асосан болалар ва ўсмирлар шоири эканлиги айтилади.

Тадқиқотчи Асад Гулзода ижодидаги хусусиятларни кенгрок очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг шеърлари соддалиги, оммабоплиги, тиник маъно ва реалистик ифодага эгаллиги, равонлиги билан эсда қоларли бўлиб, тадқиқотчи Гулзодани устоз Рудакий услубига издошлик қилган анъанавий шоир, деб билади. Жаъфар Муҳаммад шеърдаги зарб ва ҳашв (ортиқча сўз)лар, қофияларнинг бир-бирига мос келмаслиги ва бузилиши каби баъзи камчиликларни гоҳ яширин, гоҳида очик киноя билан кўрсатади ва Гулзода шеъри ҳақида ўз хулосаларини бир-икки оғиз сўз билан ифодалайди: "Асад Гулзода Бухоройнинг шеърий ҳужжати ҳам унинг шеъри: жонли, гўё, сўзловчи, таъсирчан, содда, оқимли, самимий, рост, дилтортар, эсда қоларли

... Шеърнинг борлиги вазн ва қофияга боғлиқ, деб ўйлайдиган танқидчилар ташқи кўринишини кўради, лекин шеърнинг ички дунёсига чуқур кириб бормайди.”⁶ Асад Гулзода шеърларининг услуб хусусиятлари ҳақида мамлакатимизнинг бир қанча олимлари ўз илмий фикрларини билдирганлар. Улар орасида таниқли адабиётшунос Жаъфар Муҳаммаднинг тадқиқотлари чуқурроқ ва кенг қамровлидир.

Жаъфар Муҳаммад “Соф ихлос фалсафаси” мақоласида самарқандлик Нормурод Каримзоданинг инсоний фазилатлари ҳақида сўзлар экан, унинг шахсияти билан шеърини ўртасида ўзаро боғлиқлик излайди: “... Нормурод Каримзода шеърини ва шахсияти ўртасида жудолик, ё синиклик ҳақидаги хабарни на кўрасан, на эшитасан. У қандай бўлса, ўзини шундай кўрсатади. Инсоний табиати тақозосидан келиб чиқиб, шеър яратади. Хўш, шеърини инсонийлигидан ажралмаган шоирнинг шеърини бунчалар зебу зийнат бахш этувчи нарса нима? Назаримда, бу ўша Нормурод Каримзоданинг фавкулудда шаффоф самимияти. Унинг табиати ва шеъринида якқол намоён бўладиган ҳайратланарли самимийлик бизга беихтиёр бобомиз Рудакийнинг замони, унинг шойидек, ёки ҳарирдек латиф хуросоний услубини ёдимизга солади”.

Каримзода билан узоқ йиллардан бери таниш бўлган мунаққиднинг сўзларига кўра, шоир шеърлари йилдан-йилга равон, дилтортар бўлиб бормоқда. Тадқиқотчи ҳар бир ижодкорни қандай бўлса, шундай қабул қилишни тавсия қилади. Келтирилган бошқа бир таъриф, гўёки, яхши таърифдек кўринса-да, унинг тагида танқидий фикр ҳам бордек, гўё: “Нормурод Каримзода мушкул аруз вазнлари орқасидан бормайди, новатор шоирларимизга ўхшаб янги қофиялар изламайди, мавҳум ва тасаввур қилиб бўлмайдиган образлар изламайди, у шеърда оламшумул фалсафа яратишга интилмайди. Шу тариқа у шеърни оддий, содда ва самимий айтади”⁷.

Ж.Муҳаммад томонидан олиб борилган сўнгги кичик тадқиқотлардан бири сурхондарёлик Жамшед Жумъақуловнинг “Шарқ дурдонаси” номли тожикча журналда чоп этилган шеърларига бағишланган. Унда муҳаққиқ Жамшед Чағоний шеърини ҳақида ўз фикрларини билдириб, унинг мансур шеърлари хусусиятларини белгилаб беради. Чунончи, унинг реалист шоир ва шеърда кўпроқ шаклга эътибор беришини таъкидлаган.

Адабиёт, шеърини ва фалсафа билимдони, баркамол шоир ва етук тадқиқотчилардан бири бўлган Хожа ҳам Парисонинг “Муҳаббат гавҳари” номли кичик китобининг муқаддимасида шеър моҳиятини фалсафий нигоҳ билан талқин этган, масалан, коинотнинг шоирона яратилиши билан шеърнинг вужудга келиши ўртасида фалсафий-шоирона таносуб кўради⁸. Унинг маҳаллий тожик газеталарида эълон қилинган бир қанча мақолаларида шеърини ва шоир тушунчалари моҳияти, шоирлик масъулияти ҳақида сўзлаб, бугунги шоирларнинг ўтган шоирларга назира ёзишлик, жавобия ва татаббу қилиш йўлидан издошлиги носавоб иш деб билади, унинг фикрича, бу тарзда шоирнинг ижодкорлик маҳорати сўниши мумкин. Тожикистонда шоира Ҳадя Бухоройининг яқинда нашр этилган шеърлар девони сўзбошиси ҳам Хожа каламига мансуб.

⁶ Гулзода А.Б. Куллийети осор. Жилди 4. Шеърҳо, ғазалҳо, дубайтиҳо ва ҷаҳорпораҳо (Бо сарсухани Жаъфар Муҳаммад). – Тошканд: “Yosh avlod matbaa”, 2022.

⁷ Каримзода Н. Дурахши маъно.– Тошкент: “Янги нашр”, 2015. – С. 5.

⁸ Парисо. Марвориди ишк. – Самарқанд: “Зарафшон”, 2002. – С. 5.

Сўнгги бир неча йил давомида ёш тадқиқотчи Меҳмон Нарзикулов ҳам бугунги Ўзбекистон тожик шеърлятида ғазал тараққиёти масаласини ўрганиб келмоқда. Унинг "Ғазал ишқи ва ишқ ғазали" (ўзбек тилида) ва "Ишқнинг яшил шаҳри" (тожик тилида) номли иккита кичик рисоласи ушбу мавзунини ўрганишга бағишланган. М.Нарзикулов Ж.Муҳаммад Термизий ғазаллари ҳақидаги тадқиқотларидан бирида бу ижодкор ғазалларидаги ишқий мазмунларнинг ирфоний ғоялар билан уйғунлашуви, шоир шеърларида тасаввуфнинг алоҳида ўрни ҳақида ўз фикрларини баён қилиб, "Жаъфар Муҳаммад минтақадаги форс-тожик янги даври шеърлятида ирфоний ғояларнинг қайтадан тиклади, деб ҳисоблаш мумкин"⁹, – деб ёзади.

Дилшод Фарҳодзод ҳам илмий фаолиятини Фарзона Хужандий шеърляти поэтикасинини ўрганиш билан бошлаб, кейинги даврда ўзбекистонлик шоирлар шеърда жанр ва янги шеър шакллари масаласида илмий изланиш олиб бормоқда. Ҳозирги тожик адабиётда маълум ва машҳур бўлган шоирлар: Гулрухсор Сафиева, Ҳаёт Неъмат, Маҳбуба Неъматзода, Жаъфар Муҳаммад, Хожа, Парисо, Баҳодур Убайдуллоҳ ва бошқа ўзбекистонлик шоирлар ижоди ва шеърляти хусусиятларига оид ёзган илмий мақолалари республика ҳамда хорижий матбуотда чоп этилган. Уларда шоирлар шеърларида жанрий ранг-баранглик, эркин ва оқ шеър мавқеи, хусусиятлари, шеърдаги образлилик жиҳати, мазмун ва мавзу кўлами, тил хусусияти, адабий жараёнлар таъсири, анъана ва новаторлик, таржима, зуллисонайн шеърлар каби масалалар кўриб чиқилган.

Шундай қилиб, таниқли адабиётшунослар сафида туриб, адабий танқид билан шуғулланаётган шоирлар ўз фаолияти билан шоирлар ҳам илмий изланишларга, бадиий асарларга илмий ёндашиб, баҳо беришга қодир эканликларини исботлай олдилар. Миллий истиқлол адабиёти шаклланаётган бир пайтда улар адабиётшунос олимлар билан бир қаторда ушбу адабиётшунослик илми ривожига, ушбу адабий муҳитнинг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

РЕЗЮМЕ. Ҳозирги Ўзбекистон адабий муҳитида мустақиллик даври адабиётинини тадқиқ этиш масаласи давр тақозоси бўлиб, бу жараён адабиётшунос олимлар қаторида шоирларни ҳам жалб этиб келмоқда. Мақолада шоирларнинг адабий танқидга ёндашуви масаласи тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ. В современной литературной среде Узбекистана вопрос исследования литературы периода независимости является необходимостью времени, и этот процесс привлекает как поэтов, так и литературоведов. В статье рассматривается вопрос подхода поэтов к литературной критике.

RESUME. In the modern literary environment of Uzbekistan, the issue of studying the literature of the independence period is a necessity of the time, and this process attracts both poets and literary scholars. The article examines the issue of poets' approach to literary criticism.

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон адабий муҳити, тожик назми, адабий танқидчилик, мунаққид шоирлар

Ключевые слова и выражения: литературная среда Узбекистана, таджикская поэзия, литературная критика, критика поэты

Key words and word expressions: literary environment of Uzbekistan, Tajik poetry, literary criticism, critics, poets

⁹ Тоҳириён А., Нарзикулов М. Ғазал ишқи ва ишқ ғазали (Жаъфар Муҳаммад ғазаларига чизгилар). – Тошкент, 2015

ХАМЗА ШЕЪРЛАРИДА ТАКРОР САНЪАТИ

Шеърятда такрорнинг ўрни алоҳида – товуш, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап сингари грамматик унсурларнинг такрорлаш орқали шоир ўзининг бадиий ниятини ўқувчига таъсирчан тарзда етказишга эришади. Такрорнинг ҳар қандай тури ўзида шеър муаллифининг маълум бир мақсадини мужассамлаштиради¹.

Жадидлар XX аср бошлари ўзбек шеърятига даъваткор ва шиддатли руҳни олиб кирдилар. Ана шу даъваткорлик, ана шу шиддат давр шеърятига такрорларга қайта-қайта мурожаат этишга олиб келди ва булар орқали жадид шоирлар муайян шеърнинг бадиий қурилиши (композицияси)ни бир қадар ўзгача бўлишига, тўғрироғи, янгилашга ва ижтимоий шароитга мослашга эришдилар. Натижада, шеърлардаги мусикийлик, оҳанг ва мазмун ўқувчи ва тингловчи шуурига тез ва тўлиқ сингишига олиб келди. Чўлпоннинг "Халқ" шеърида лексик ва морфологик такрор сатр бошида, ўртасида, охирида келиб, анафорик, инфорик ва эпифорик қайтариқни ҳосил қилган². Такрорнинг бир неча турининг биргаликда келиши, шеърга мусикийликнинг баланд пардадаги кўринишини ва ўзига хос бўлган оҳангдорликни юзага келтирган³. Авлоний ижодида ҳам фонетик, морфологик ва лексик такрорлар биргаликда келган ва шеърнинг умумхулосаси, мусикийлиги ҳамда ритмик интонацияси юқори даражада ортган. Мисра ва банд такрори бошқа шоирларга нисбатан Ҳамза шеърларида, айниқса, "Миллий ашулалар учун миллий шеърлар" мажмуасида кўп учрайди. Бизнингча, шоирнинг мазкур тўпламида қайтариқларнинг бу қадар кўплигининг сабабини тўпламга кирган миллий шеърларнинг халқнинг кўптакрорли қўшиқлар оҳанги йўналишида битилганлигидан ва шеър марказига қўйилган даъваткор ниятни бир эмас, бир неча бор эслатиш заруриятидан излаш лозим. Масалан, шоир "Дардига дармон истамас" шеърининг халқнинг "Дўст мавлон-эй" қўшиғи оҳангида эканини эслатиб, қўшиқдан беш мисра намуна беради:

Мен бу ёнга келмас эрдим,
Ёра, келтурдинг мани-ё!
Ўтга солса, куймас эрдим,
Ёра, куйдурдинг мани-ё!
*Дўст мавлон-эй, кўнглум, Оллоҳ, сандадур*⁴.

Халқ қўшиғидан олинган парчадан ҳам кўриниб турибдики, унда сўз такрори ҳам, мисра такрори ҳам мавжуд (мисра такрори қўшиқнинг курсивга олинган мисраси). Агар шоирнинг "Миллий ашулалар учун миллий шеърлар" мажмуасига назар ташланса, такрорнинг барч тури муайян мақсад вазҳидан

¹ Қ у р о н о в Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. — Тошкент: "Академнашр", 2010, 305–306-бетлар.

² Ч ў л п о н А. Шеърлар, ҳикоялар, шеърӣ ва насрий таржималар. — Тошкент: "Забаржад медиа", 2022, 45-бет.

³ А х м е д о в а А. Чўлпон асарларида такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари \ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2023, 4-сон, 102-бет.

⁴ Ҳ а м з а. Тўла асарлар тўплами, V жилдлик, 2-жилд. Шеърлар. Педагогик рисоалар. Насрий асарлар. — Тошкент: "Фан", 1988, 29-бет. Шоир шеърларидан келтирилдиган кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинӣб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. — Ш.Х.

олдинги режага олиб чиқилганлигини кузатиш мумкин. Шундай экан, Ҳамза шеъриятидаги мисра ва банд такрорларини кўздан кечириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

1. Бир мисра такрори. Бир мисра такрори шоирнинг "Дардига дармон истамас" шеърида келади. Шеърнинг дастлабки икки мисраси *a-a* тарзда қофияланган. Қолган 8 та учлик ва охирги бешликнинг қофиялари ғазалнинг матладан кейинги байтлари қофиясида. Бир сўз билан айтганда, мисра такрори ғазалнинг ҳар байтидан сўнг келган. Ғазал ва такрор рамалда. Ғазал шакли бандлардан ажратиб олинганида рамали мусаммани маҳзуф баҳрига мувофиқ келади. Афойили: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*. Тактеъси: – V – – \ – V – – \ – V – – \ – V – .

Бизни Туркистон эли дардига дармон истамас,
Зулмат ичра кечса умри моҳитобон истамас.
Ухлама кўп, ўзбек эли, асри тараққий вақтида (29–30).

Бандлардаги учинчи мисра шеърда жами бўлиб 9 марта такрорланади ва ғазалнинг ҳар бир байтидаги мазмунни ёрқинлаштиришга сабаб бўлган. Ғазал шаклининг 9 байтида такрор мисра мавжуд эмас. Бунинг сабабини сўнги байтдан олдинги бозгаштда шоир мурожаат руҳидан кўра, надоматни олдинги режага олиб чиққанидан бўлса керак:

*Бу на ваҳшат, на жаҳолат, эр, қизу, пиру жавон
Доми гафлатдин халос ўлмоққа имкон истамас.
Эй Ниҳон, бинг ҳайф, эй инсоният, исломият,
Миллати хор ўлмагин ҳеч номусулмон истамас,
Ухлама кўп, ўзбек эли, асри тараққий вақтида (30).*

2. Икки мисра такрори. Миллий шеърларда икки мисра такрори йигирмадан зиёд шеърида учрайди. Бандлараро икки мисра такрорини яна халқ қўшиқларининг кўпида икки мисранинг нисбатан кўп қайтарилиши ҳамда мумтоз шеърятда истифода қилинган таржеъбанд жанридаги шеърларнинг шоир ижодига таъсири билан изоҳлаш мумкин. Шоир икки мисрани бандлараро такрор-такрор ишлатишида муҳим бир мақсад, алоҳида таъкид турганини тўғри тушуниш зарур. Давр учун муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга муносабат, айниқса, халқнинг билимсизлигидан куйиниш, турли хил бидъатларга муккасидан кетганлигидан озурда бўлиш, шу туфайли илм-маърифат, эрк, ўзлигини таниш, миллатни уйкудан уйғотишга даъват этиш зарурияти такрор мисралар ва улар орасида қайтариқ сўзларларни кўп ва ҳўб ишлатилишига сабаб бўлган. Ҳамза бир шеърида миллатни жаҳолат, истибдод, илмсизлик туфайли фоже аҳволга тушган Туркистонни йиғлашга даъват этади: сен шундай йиғлагинки, ҳатто "руҳсиз танлар тебрансин", сени шундай аҳволга солган, ўзи зиллатга, хорликка ботган миллат уйғонсин!

Дариг тутманг илм учун кетса молу жон,
Ўқув фарзлиги минг йўл Қуръонда фармон,
Маърифатсиз тонулмас аҳкоми имон,
Илмсизга айтулмас комил мусулмон.

*Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон (10).*

Бошқа бир шеърда ("Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон") ҳам тўрт мисрали бандлардан сўнг икки мисра такрорини келтиради:

*Эсиз, эсиз Туркистон, қани аввалги ҳоли,
Оламга зиё берган ул хуршиди иқболи,
Абри ғафлат куршади, тун бўлди истикболи,
Хўр бўлса миллатимиз, тутмасмукин уволи.
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмаз
Рухсиз тандур, ханжар урса, қони сўчулмаз (18).*

Миллий шеърларнинг яна бирида ("Тору мор эттинг") икки мисра такрори ғазал шаклидаги 14 байтли шеърнинг дастлабки ва охирги байти бўлиб келган:

*Оҳ, миллат, сафоҳат, тору мор этдинг,
Воҳ, ғафлат, жаҳолат, хору зор этдинг (19).*

3. Уч мисра такрори. Уч мисра такрори мажмуадаги шеърларда нисбатан кам учрайди. Кузатишимизча, уч мисра такрори "Миллий шеърлар" мажмуасида икки ўринда келади, холос. Шоир бу шеърни бошлашдан аввал илова қилган халқ кўшиғида ҳам уч мисра такрори мавжуд ва парчасида келган "Нимамиш, нимамиш?" мисрасини айнан ишлатилган:

*Эй мардуми Фарғоналар,
Бу шўришу афсоналар,
Хўп бағрингизни эздиму
Хассиз қадалган хоралар.
Нимамиш, нимамиш?
Туркистонда қора кун эмиш,
Бори жаҳлнинг зарбимиш! (69)*

4. Тўрт мисра такрори. "Мажмуа"да ва ундан кейин битилган шеърларида ("Мажмуа" чоп этилгандан сўнг ёзилган шеърлари, хусусан, шўро мафкурасига алданиб битган "Ҳой, ҳой, отамиз" каби декломатив шеърларида) тўрт мисра такрори худди халқ кўшиқларига тўрт мисранинг нақарот тарзида такрорланиши хос бўлгани каби анчагина учрайди.

*Эмди катта-кичик демангизлар,
Ўқусун баробар ўғил, қизлар.
Лаънат тошин отмасинлар хор ўлгач -
Қабримизга, ўлуб кетсак бизлар.
Келинг, ғафлатдан кечинг,
Ташиланг бидъат ишларини.
Бирлашингиз Туркистон,
Яшасин миллат ёшларимиз (26).*

5. Беш ва олти мисра такрори. Беш ва олти мисра такрори шоир ижодида факат икки шеърда учрайди, холос. Бу икки шеър "Атиргул" тўпламига киритилган. Ҳамзанинг ўзи "ашула" деб эскартиш берган "Ҳой, ишчилар" шеъри марш жанрида ёзилган бўлиб, унда "ишчилар" умумлашма образи Туркистон худудида истиқомат қилувчи меҳнаткаш халқни кўрсатади. Бу шеърга сиёсий тус беришдан кўра, унинг тағмаъносига эътибор қаратган дурустрок. Назаримизда, Ҳамза ишчилар тимсолида Туркистон ўлкасида истиқомат қиладиган меҳнат аҳлини назарда тутган кўринади. Беш мисрالي такрор билан бошланган ўн беш бандли мазкур шеърда ҳар тўрт мисрالي банддан сўнг беш мисрالي такрор келади:

Токайлар биз юрамыз
Кўлу оёқ боғли?!
Бир парча қолган нонга
Юрак, бағир доғли?!
Ҳой, ишчилар,
Ёзилган меҳнатчилар!
Битсин золим бойлар!
Эркингни қўлдан берма,
Яша хизматчилар! (147–149)

6 мисра такрор келган шеъри "Шундоқ қўлурми?!" деб номланган. Мазкур шеър ҳам "Атиргул" тўпламига кирган. Юртда рўй бераётган сиёсий ўзгаришлар Ҳамзани қониқтирмаган. Зеро, сиёсий тўнтаришлар, юртда Шўро тузумининг ўрнатилиши меҳнаткаш халққа рўшнолик бермаганини тушуниб етган зукко шоир истибдод ҳамон давом этаётганлигини ҳис қилган ва ана шу қайтариқли шеърни битган. Бунга ҳам шоир "ашула" деб эскартиш берган. Ўн бир бандли бу шеърда ушбу 6 мисрالي банд 6 марта такрорланади:

Шундоқ қолурму, қолурму?!
Ҳамон ваҳшатда қолурму?!
Нафси шаҳват қурбонлари,
Сизга ишониб бўлурму?
Туркистоннинг истиқболи
Сиз хоинларга қолурму?! (117–118)

Хуллас, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ана шундай қайтариқли шеърларни таълиф қилишига сабаб бўлган омилларни тўғри тушуниш лозим. Дастлабки сабабни мисралар такрорига асосланган шеърларнинг ёзилишига шоирнинг халқ кўшиқлари ва улардаги такрорлардан улги олгани билан изоҳлаш керак. Иккинчидан эса, буларни кўпчилик томонидан кўшиқ қилиб айтилишига умид боғлаб ёзгани билан асослаш лозим. Учунчидан эса, айни шу такрорлар халқнинг идрок кўзини очишга сафарбар этишни мақсад қилиб ёзилган кўринади. Назаримизда, такрорларнинг бу тариқа қўллаш Ҳамзанинг, нафақат Ҳамза, балки ўша давр жадид шуаросининг туб мақсадларининг ойнаси сифатида намоён бўлган. Зеро, такрорлар худди куёшнинг нурли найзаларини бир нуқтага тўплаб, ягона нишонга йўналтирилганидек, ўқувчи ва тингловчининг шуури ва эркинлик кўзини очишни мақсад қилиб истифода этилган, деб ҳисоблаш мумкин.

РЕЗЮМЕ. Мақола Ҳамза шеърларида такрор санъатининг ўрни масаласини ўрганишга бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена изучению роли искусства повтора в стихах Ҳамзы.

RESUME. The article is devoted to the study of the role of the art of repetition in Hamza's poems

Таянч сўз ва иборалар: шоир, шеър, бадиий ният, такрор, оҳанг, мисра, банд.

Ключевые слова и выражения: поэт, стихотворение, художественный замысел, повтор, мелодия, стих, строфа.

Key words and word expressions: poet, poem, artistic intent, repetition, melody, line, stanza.

Марварид НУРБАЕВА

НАВОИЙ ИЖОДИДА МАВЪИЗА

Алишер Навоий даҳо шоир, буюк мутафаккир, Шарқ мумтоз адабиёти, фалсафаси билимдони сифатида ўзи яратган лирик ва насрий характердаги асарлари матнида мавъиза атамасини ёки панд, насиҳат, ваъз шаклида ишлатган. Шоир яратган 30 дан ортиқ лирик ва насрий характердаги асарларида мавъизабоп фикрларини битган, тавсиялар берган. У яратган мавъизалар луғатларда мавъизага берилган таърифларга айнан жавоб беради. Навоийшуносликда Навоий мавъизалари деган ибора ишлатилмас-да, аммо республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг Навоий ўғити, дидактикаси деган фикр-қарашлари мавжуд. Хусусан, О.Шарафиддинов, С.Айний, М.Шайхзода, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, С.Ғаниева, И.Ҳаққулов, Ш.Сироҷиддинов, М.Муҳиддинов, М.Асадов, Б.Ражабова каби навоийшунослар ўз тадқиқотларида Навоийнинг пандлари, насиҳатлари, ҳикматлари, шохбайтлари, сўзлари, сўз муддаолари, шоирнинг нияти шаклида маълум маънода тадқиқотларни амалга оширган. Мазкур мақолада катта авлод навоийшуносларининг биз юқорида санаб кўрсатган олимлар фикрларига асосланиб, "Навоий ижодида мавъиза" номи остида ўз талқинларимизни ёритишга ҳаракат қилдик.

Алишер Навоий асарларининг мазмун ва шакл мундарижасига қараб, у яратган мавъизаларни: 1) лирик шаклдаги мавъизалар; 2) насрий усулдаги мавъизалар тарзида таснифладик. Даҳо шоир асарларига мазкур мавзу юзасидан мурожаат қилсак, у умрининг сўнгги кунларида ёзиб тугатган "Маҳбуб ул-қулуб"¹ номли асари мавъиза асосига қурилган бўлса, "Ҳамса" дostonларида махсус боб, фасл, мақолаларда ҳам ўз мавъизаларини бадиий талқин қилганки, бу ўринда илм, ислом, вафо, тузлик, қарам, саҳо, адл билан боғлиқ боб ва мақолотларни эслаш қифоя.

Алишер Навоий мавъизаларини анъанавий ва навоиёна услубга ҳос мавъизалар сифатида ҳам алоҳида тасниф қилиш мумкин.

Навоий мавъизаларининг қўлами жуда кенг.

1. Пайғамбарлардан Абулбашар деб сифатланган Одам Атодан тортиб то Муҳаммад с.а.в. тилидан айtilган мавъизалар.

2. Ҳақимлар тилидан айtilган мавъизалар. Луқмони Ҳақим, Фисоғурс каби.

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб \ Мукамал асарлар тўплами, XX жилдлик, 14-жилд. – Тошкент: "Фан", 1998.

3. Шайх, ориф, сўфий каби буюк сиймолар нуткида келтирилган мавъизалар. Бунинг энг ёрқин исботи унинг "Насойим ул-муҳаббат"² асарида тилга олинган 770 нафар шайх (35 нафари авлиё аёллар)лар. Асарда Абу Яъқуб Харрот Асқалоний, Абулаббос Динаварий қ.с., Шайх Абу Али Формадий қ.с., Қўрқут ато а.р.га бағишланган алоҳида фикраларда Алишер Навоий шайхлар тилидан улар айтган мавъизаларни тамсил қилган ёки улар кимдан мавъиза эшитган, ўрганган жиҳатларига урғу берган ё уларнинг мавъизаларини ўзига хос услуби хусусида гапирган. Масалан, "Абу Яъқуб Харрот Асқалоний қ.с. У дебдурки, Абулхусайн Нурий хизматиға еттим ва менинг била миҳбарайи эрди. Манга деди: Эй ўғул, тиларсенки, нима битигайсен? Дедим, бале! Неча байт бадиҳада имло қилди ва дедиким, бити! Битидим. Абётнинг ҳосили маъноси бу эрдиким, ҳар не сиз бу авроқда исбот қилурсиз ва битирсиз, биз аларни маҳв қилиббиз. Ложарам сиз ул исбот сабабидин улча мақсуддур, анинг идроку фаҳмидин маҳжуб бўлдунгиз. Ва бизга ул маҳв сабабидин мақсуд идроку фаҳмининг абвоби беинтиҳо ва инқитоъ очилди. Ва бизга: бу мавъизат боиси сизнинг неххоҳлигингиздур. Неча кўргайбизки, сиз авроққа нима битигайсиз ва ўзунгузни бу жиҳатдин улча мақсуддур, андин маҳжуб қилгайсиз". Ёки тазкиранинг Абулаббос Динаварий қ.с. фикрасида шайхнинг элга қарата айтган мавъизалари хусусида ёзган: "Абулаббос Динаварий қ.с. Бешинчи табақадиндур. Оти Аҳмад б. Муҳаммаддур. Юсуф б. Хусайн ва Абдуллоҳ Харроз ва Журирий ва Ибн Ато била суҳбат тутубдур ва Рувайм Бағдодийни кўрубдур. Нишобурға келди ва муддате анда бўлуб, элга мавъизат қилди, маърифат тили била хўброқ баён била. Ва Нишобурдин Тирмизға борди...". Ёки Шайх Абу Али Формадий қ.с. фикрасида Навоий унинг мавъизадаги устози хусусида тўхталган: "Оти Фазл б. Аҳмаддур. Хуросоннинг Шайх уш-шуюхи эрди. Тазкиру мавъизатда устод имом Абулқосим Қушайрийнинг шогирдидур ва тасаввуфда интисоби икки жонибдадур. Бири Шайхи бузургвор Шайх Абулқосим Гургоний қ.с.га ва яна бири Шайх ул-машойих Абулҳасан Харақоний р.т. гаки, ўз замонининг кутби эрди"...

Маълумки, Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат"га ота нисбаси билан ўндан ортиқ туркий шайхларни алоҳида фикра сифатида киритган. У Қўрқут ота ҳақидаги қисқа фикрада унинг сўзлари, ваъзлари мавъизомуз эканлигини таъкидлаб кўрсатган: "Қўрқут ато а.р. Турк улуси аросида шуҳрати андин ортуғроқдурки, шуҳратқа эҳтиёжи бўлғай. Машхур мундоқдурки, неча йил ўзидин бурунқини, неча йил ўзидин сўнгги келурни дебдурлар. Кўп мавъизомиз мағизлиқ сўзлари арода бор".

4. Шоир, адиб, муаррихлар сўзлари билан айтилган мавъизалар. Бунинг исботи сифатида 459 нафар қалам аҳли ҳақида ёзилган "Мажолис ун-нафоис"³ тазкирасини келтириб ўтишимиз мумкин. Асарнинг 2-мажлисида Мавлоно Тўтийнинг Мавлоно Котибийга қилган татаббуси ва мавъиза қасидаси хусусида тўхталган:

Мавлоно Тўтий – асли Туршиз вилоятидиндур. Бобур Мирзо мулозаматида тарбият топти. Яхши шакллик ва яхши хулқлик йигит эрди. Қасидада Мавлоно Котибийга татаббуъ қилур эрди. Анинг мавъиза қасидасигаким, матлаъи будур:

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат \ Мукамал асарлар тўплами, 17-жилд. – Тошкент: "Фан", 2001.

³ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис \ Мукамал асарлар тўплами, 13-жилд. – Тошкент: "Фан", 1997.

*Агар ба чаши ақолим сабъа ганжи зар аст,
Чу нек дар нигари аждаҳои ҳафт сар аст.*

"Тарчи ақл кўзида етти иклим олтин хазира бўлиб [кўринса-да], агар яхшироқ қарасанг, етти бошли аждаҳодир".

Яхши жавоби бордурким:

*Жаҳонки, ҳужраи шаш тоқу хонаи ду дар аст,
Зи чор рукни бисотаи фигони алҳазар аст.*

"Жаҳон боғи олти тоқли, икки эшикли хонадир. Унинг тўрт томонидан "Алҳазар!" (Ҳазар қил! Сақлан!) деган фигон эшитилади. Ғазаллари яхшидур".

Ёки Навоий ўзининг бир яхши суҳбатдоши бўлган шоир Ҳофизӣ Ёрийга бағишланган фикрада унинг мавъизаларини юксак баҳолаганини кўрамиз: "Ҳофизӣ Ёрий – хушсуҳбат ва ширинкалом киши эрди ва кироат илмин яхши билур эрди ва кўпроқ авқот тиловат қилур эрди ва ҳамиша фақир била мусоҳиб эрди. Мавъизада инсоф бобида бу байт анингдурким:

*Гарам бар сар ҳазор ояд бало шойистаи онам –
Ки, ҳастам бадтарин аз халқу худро нек медонам.*

"Агар бошимга минглаб бало келадиган бўлса, шунга сазоворман. Халқнинг энг ёмониман-у, [лекин] ўзимни яхши деб биламан".

Маълумки, тазкиранинг 8-мажлиси Султон Ҳусайн Баҳодирхон (Бойқаро) га бағишланади. У таъриф ва тавсиф қилинади. Ушбу мажлисда ҳукмдорнинг гўзал мавъизаси тамсил қилинган:

"Ошиқона киноят била ҳусн аҳлига элни шайдо қилур маънида насиҳат қилибдур ва оламга расво қилур маънида мавъизат этибдур, баса ғарибдур:

*Баъдазин, эй ҳусн аҳли, элни шайдо қилмангиз,
Бевафолиқ айлабон оламга расво қилмангиз.*

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"да фалон шоир шеърда мавъиза деб таъкидлаб айтмаса-да, аммо мавъиза характеридаги байтлардан мисол келтирган.

5. Ҳукмдорлар тилидан айтилган мавъизалар. "Тарихи мулуки Ажам"да⁴ тасвирланган пешдодий, каёний, ашқоний, сосоний ҳукмдорлар тилидан айтилган мавъизалар.

6. Навоий тилидан айтилган ўғит ва тавсиялар. Бунинг ёрқин мисоли "Садди Искандарий"да укаси Дарвешалига бағишлаб битган бобдир. Боб сарлавҳасида улуг шоирнинг ўзи "Мавъизаомуз калом" битидим деб айтган.

Хулоса шуки, мавъиза, ўғит, панд-насиҳатлар Навоийнинг лирик ва насрий асарлари матнида кўплаб учрайди. Уларнинг муаллиф, асар қаҳрамонлари тилидан ҳам айтилгани кўринади. Биз уларни шоир маҳорат билан яратган асарнинг ҳикматомуз лавҳалари деб баҳолашимиз мумкин.

⁴ А л и ш е р Н а в о и й. Тарихи мулуки Ажам \ Мукамал асарлар тўплами, 16-жилд. – Тошкент: "Фан", 1999.

РЕЗЮМЕ. Мақола Алишер Навоий ижодида мавъизанинг ўрни хусусида бўлиб, унда шоир қаламига мансуб қатор асарларнинг таҳлили камраб олинган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена роли афоризма в творчестве Алишера Навои и посвящена анализу ряда произведений, принадлежащих перу поэта.

RESUME. The article is about the role of *ma'viza* in the work of Alisher Navoi, and includes an analysis of a number of works by the poet.

Таянч сўз ва иборалар: насиҳат, ваъз, мавъиза, ҳикмат, таъриф, тавсиф, тасниф.

Ключевые слова и выражения: наставление, проповедь, афоризм, мудрость, определение, описание, классификация.

Key words and word expressions: advice, aforizm, lecture, wisdom, definition, description, classification.

Гулистон АБДУЛЛАЕВА

ХОРАЗМ ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг иккинчи босқичи 1905–1929 йилларни ўз ичига олади. Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, ривожланиши ва ниҳоясига етиши ҳам айна шу даврга тўғри келади. 1905 йилда Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳали ҳаёт эди. У тараққийпарварлик фаолиятини давом эттираётган, адабиёт, санъат, маориф раҳнамоси сифатида умрбоқий ишларни амалга ошираётган даврлар эди. Феруз янги усулдаги мактаблар фаолиятини йўлга қўйишни давом эттирди. Унинг бу ишлари жадидчиликнинг раҳнамоси Исмоилбек Гаспралининг ҳам диққатини тортганди. Афсуски, Феруз 1910 йилда вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Асфандиёр (1872–1918) тахтга чиқади. Асфандиёрхон фаолиятининг илк йилларида отасининг тараққийпарварлик ишини давом эттиради, жадид мактаби ҳам очади. Қайнотаси, бош вазир Исломуҳжанинг қўллаб-қувватлови билан бир қанча эътиборга молик ишларни амалга оширади. Асфандиёрхон 1911 йилнинг 22 январиди Исломуҳжанинг 10 банддан иборат ислохотлар дастурини амалиётга жорий этишни бошлайди. Дастурда асосан хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўзда тутилган эди. Хивада почта, телеграф, шифохона қурилиб, фойдаланишга топширилади. Афсуски, 1913 йил 9 августда Исломуҳжа ваҳшийларча ўлдирилади. Бу қотиллик Асфандиёрхоннинг тараққийпарварлигига ҳам якун ясади. Саройда гуруҳбозлик кучайди. Бу давр воқеалари бир қанча тарихий манбаларда ёритилган. Айниқса, Н.Полвонов, О.Қўшжонов³¹, У.Бекмуҳаммад², С.Самандар ва У.Бекмуҳаммадларнинг³ тадқиқотларида ўз баҳосини олган.

Хоразмдаги жадидчилик ҳаракати хусусида тадқиқотчи, адиб, журналист Рўзимбой Ҳасан қуйидагиларни ёзади: "1904 йилда ташкил

¹ Q o' s h j o n o v O., P o l v o n o v N. Xorazmdagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar va harakatlar. – Toshkent: "Abu matbuot-konsalt MCHJ", 2007; P o l v o n o v N. Xorazmdagi ijtimoiy harakatlar va siyosiy partiyalar tarixi. – Toshkent: "Akademnashr", 2011.

² B e k m u h a m m a d U. Xorazm jadidchilik harakati ensiklopediyasi. – Urganch: "Milleniumus print", 2024.

³ S a m a n d a r S., B e k m u h a m m a d U. Xorazm jadidchiligi: islohotlar, ta'lim va adabiyot. – Urganch: "Milleniumus print", 2024.

килинган "Жамияти хайрия" ташкилоти Хоразмда жади́дчилик ҳаракатининг кенг оммалашшига сабаб бўлди. Бу ташкилот сармоядор инсонлар маблағлари ҳисобидан ўлканинг чекка ҳудудларида мактаблар очишга киришди.

Умуман олганда, воҳада жади́длик икки оқимга эга бўлган. Унинг ўнг оқимига маърифатпарвар маъмур, хоннинг бош вазири Ислохўжа раҳбарлик қилиб, уларнинг мақсади хонликни сақлаб қолиш орқали сиёсий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш эди. Жади́дликнинг сўл оқими тепасида хонликнинг бош қозиси Бобоохун Салимов турарди. Уларнинг мақсади хонликни тугатиш, ўрнига республика ўрнатиш – Оврўпадаги давлатларга ўхшаган халқ томонидан сайлаб қўйиладиган раҳбарлик тизимини яратиш эди. Сўл оқим намояндалари ҳам биринчи навбатда икки томонлама зулм остида қоқоқликка юз тутган ўлкани маърифат орқали тараққиёт йўлига олиб чиқишни орзу қилишарди.

1914 йил август ойида хонликда "Ёш хиваликлар" фирқаси ташкил қилинади. Янги фирқа ташкилотчиси ва илк бошловчиси Полвонниёзхожи Юсупов бўлган. Бир қатор хорижий давлатларда бўлган, тўртта тилда бемалол гаплаша оладиган зиёли, жасур инсон ўз халқини озод қўриш орзусида бўлган ҳамфикрларни бирлаштиришга бутун ҳаётини бағишлайди"⁴. У Хивада савдогар оиласида туғилган (1861–1936). Ота-онасидан эрта етим қолган Полвонниёз амакиси Юсуфбой қўлида тарбияланади. Савдогарликка ҳавас қўйган Полвонниёз 1877 йилда Россияга, 1904–1905 йилларда Эрон, Усманийлар давлати, Миср, Сурия, Арабистонда бўлади. Ҳаж зиёратини адо этади. Ҳожилик мақомига эришади. Саёҳати давомида дунё ва давр янгиликларини кўради, хулоса чиқаради. Кейинчалик, "Ёш хиваликлар" ҳаракатига қўшилади. Унинг фаолларидан бирига айланади. 1918–1920 йилларда Тошкентда муҳожирликда яшашга мажбур бўлади.

1920 йил Полвонниёзхожи Юсупов ХХРнинг ҳукумат бошлиғи қилиб сайланган. Унинг миллий ва мустақил сиёсат юргизиши РСФСРнинг Хоразмдаги вакилларига ёқмади. 1921 йилда у ва ҳукумати аъзолари ишдан ҳайдалди. 1924–1925 йиллар воқеаларидан кейин Полвонниёзхожи Хива музейида фаолият юритади. Кексалик боис 1936 йилда вафот этади". Полвонниёзхожи Юсуповнинг "Ёш хиваликлар" фаолиятига бағишланган "Хотиралар" асари қимматли манбадир.

Н.Полвонов "Ёш хиваликлар" фирқаси хусусида тадқиқот олиб борар экан, бу ҳаракат 1904–1905 йилларда ҳамфикр маслакдошлар, 1910 йил бошларида манфаатлар гуруҳи сифатида шаклланган бўлса, 1917 йилда амалдорлар, маърифатли бойлар, зиёлиларнинг Хива хонига муҳолифат бўлган сиёсий кучи, 1918 йилда эса расмий сиёсий партия бўлганлигини ёзади. Бизнингча ҳам, "Ёш хиваликлар" ҳаракатининг сиёсий фирқа сифатида шаклланиши 1914 йил эмас, 1918 йилга тўғри келади. Партия сафларида Ҳусайнбек Матмуродов, Жуманиёз Бобониёзов, Бобожонбой Ёқубов, Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шоликоров, Султонқори Жуманиёзов, Худойберган Девонов, Муҳаммадёрхўжа Абдуллаев, Отажон Абдуллаев, Сафо Муғанний, Аваз Ўтар, Бобожон Ёқубов, Ҳакимбой Жонмуҳаммедов,

⁴ Н а с а н Р. "Yosh xivaliklar": aldanganlar qismati \ "Jadid" gazetasi, 2024-yil 22-noyabr.

Муҳаммадёрхожи Абдуллаев, Отажон Жуманиёзов, Раҳмонберган Ёқубов, Муҳиддин Умаров, Мулла Жуманиёз Султонмуродов, Қурбонбой Жалойир, Худойберганбек Матниёзов, Давлатназар қайроқ, Мурод Элтузаров, Мулла Матмурод, Мулла Абдулла Бердимуродов, Авазхўжа, Исомиддин эшон, Низомиддинохун, Собир Ёқубов, Бекжон Раҳмон, Ваис Раҳимий, Муҳаммад Юсуф Девонзода сингари тараққийпарварлар турли ҳудудлардаги фаоллари бўлишган. Уларнинг сони дастлабки пайтда 40 нафарни ташкил этган⁵.

Фирқа аъзолари орасида таникли шоирлар, ижодкорлар ҳам борлигини кўриш мумкин. Сафо Муғанний, Аваз Ўтар, Бекжон Раҳмон, Муҳаммад Юсуф Девонзода – Чокарлар ижодида маърифатпарварлик, жадиदчилик ғоялари акс этган асарлар учрайди. Улар бу ғояларни бадиий йўсинда халққа етказишда асосий вазифани бажарганлар.

"Ёш хиваликлар" фирқаси аъзоларининг дунёқараши шаклланиши ва тараққиётида хонликдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум, усмонийлар империяси, Россия, Туркистондаги сиёсий янгиланишлар катта таъсир этган. Жадид газета-журналлари, турли адабиётлар, жадидчилик етакчиларининг қарашлари "Ёш хиваликлар" фикр-ғояларининг ўсишига туртки берган. Фирқа ривожига усмонийлар давлатидаги "Ёш турклар", Туркистон ва Бухородаги жадидларнинг сиёсий қарашлари ва ғояларининг ўрни катта бўлган.

1918 йил июль ойида "Ёш хиваликлар" ўз дастурларини ишлаб чиқишади. Бу дастурнинг дастлабки шаклидаги бандлари қуйидагича эди:

1. Хон ва унинг ҳукумати томонидан мамлакатдаги якка бошқарувни бутунлай тугатиш.

2. Хива хони, тўралар, беклар ва вазирларнинг бойлиги, ҳар хил кўринишдаги мол-мулкларини халқ бойлиги деб эълон қилиш.

3. Йирик ер эгалари мулкларидан камбағаллар ҳаётини яхшилашда фойдаланиш.

4. Шариат ҳукми билан вақфларнинг барча даромадини фақат халқ маорифи учун сарфлаш.

5. Хивадаги янги ерларни ўзлаштириш учун Амударёдан ариқлар чиқариш.

6. Болаларни бепул ўқитиш учун Хивада мактаблар очиш.

7. Хивадаги шаҳар ва қишлоқларда бепул даволовчи касалхона, даволаш муассасаларини очиш.

8. Хива хони томонидан камбағал аҳолининг мажбуран тортиб олинган ер ва бошқа бойликларини ўз эгаларига қайтариш.

9. Асфандиёрхон ҳукмронлиги давридаги хазинага тушган халқ бойлигининг нимага сарфланганини аниқлаштириш.

10. Кўприклар ва алоқа йўлларини яхшилашга киришиш.

11. Беклар томонидан камбағал аҳолининг мажбуран тортиб олинган ер ва мулкларини ўз эгаларига қайтариш.

12. Мажбурий текин меҳнат (бегор)ни бутунлай тугатиш.

13. Хон ва унинг ҳукумати тугатиш, халқ ҳокимиятини тузиш ва юқоридаги дастурни амалга оширишга тезда киришиш, халқ ҳокимиятига

⁵ Bekmuhammad U. Xorazm jadidchilik harakati ensiklopediyasi, 41-bet.

қарши бўлган хон тарафдорлари, буржуазия ва абсилінқилобчиларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш ва бошқалар.

Дастурни кўздан кечирар эканмиз, машхур жадидушунос олим Бегали Қосимовнинг қуйидаги фикрлари эсимизга келади: "Жадидчилик оқим эмас, ҳаракатчилик. Ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракатчилик"⁶. Дарҳақиқат, "Ёш хиваликлар" фирқаси дастурида сиёсий масалалар ҳам, ижтимоий масалалар ҳам, маърифий муаммолар ҳам бор. Улар хон ва унинг ҳукуматининг бошқарувини тугатиб, демократик идора усулини амалга татиб қилмоқчи эдилар. Хон, беклар, тўралар, вазирларнинг бойликларини тортиб олиб, ижтимоий муаммоларнинг бир қисmini бартараф этишни ўйлагандилар. Таълимга алоҳида эътибор қаратдилар. Вақф мулкидан тушган пулларни маорифга йўналтиришни, болаларни бепул ўқитишни, янги мактаблар очишни ният қилдилар. Буларнинг кўпчилигига "Ёш хиваликлар" эришдилар ҳам. Бу тараққийпарвар, миллатпарварлар янги давлат куришни, халқ манфаатини ўйлаган эдилар.

Фирқа дастурида "Хива ҳудудини Туркистон Республикасига кўшиб, РСФСР таркибига киритиш" деган банд ҳам бор эди. Бу "Ёш хиваликлар" томонидан ўйланган ҳийла эди. Улар шу йўл билан шўролардан ёрдамлар оламиз, деб ўйлагандилар. Бироқ фирқа ичида бу банд бўйича баҳс юзага келиб, кейинчалик бу банд дастурдан чиқариб ташланади. Улар биз мустақилликни йўқотиб қўйсақ, тарих, авлодлар бизни кечирмайди, деган ҳулосага келишган эди ва тўғри қарор қабул қилишганди.

"Ёш хиваликлар" фирқаси катта сиёсий кучга айланади. Улар 1918 йил октябрда Асфандиёрхоннинг фитна туфайли ўлдирилиши, 1920 йил Саид Абдуллахоннинг тахтдан қулатилишига сабаб бўлишади. Большевиклар мададига таяниб, Хоразм Халқ Республикасини ташкил этган ҳам, унинг илк раҳбарлари ҳам Полвонниёзхожи Юсупов ва сафдошлари эди⁷.

Хуллас, Хоразмда жадидчилик ҳаракати 1905–1929 йилларда амалда бўлган. Жадидчилик ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракатчилк даражасига кўтарила олган. Бу ҳаракатнинг асосий кучи "Ёш хиваликлар" фирқаси бўлган. Афсуски, ҳаракатнинг бир қанча аъзолари дастлаб Хива хони Асфандиёр томонидан ўлдирилган бўлса, баъзилари большевиклар томонидан йўқ қилинди, сиёсий жараёнлардан четлаштирилдилар.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Хоразмдаги жадидчилик ҳаракати, унинг вужудга келиши, ривож, тугатилиши борасида қисқача сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается вопрос о возникновении, развитии и прекращении деятельности джадидского движения в Хорезме.

RESUME. This article briefly talks about the jadidistic movement in Khorezm, its emergence, development, and completion.

Таянч сўз ва иборалар: Хоразм, жадидчилик, "Ёш хиваликлар", фирқа, дастур, Полвонниёзхожи Юсупов.

Ключевые слова и выражения: Хорезм, джадидизм, "Младохивинцы", партия, программа, Палванниязходжи Юсупов.

Key words and word expressions: Khorezm, jadidism, "Yosh Khivaliklar", firqa, program, Polvonniyozhoji Yusupov.

⁶ Q o s i m o v B. Tanlangan asarlar, II jild. – Toshkent: Gʻ.Gʻulom nomidagi NMIU, 2022, 14-bet.

⁷ B e k m u h a m m a d U. Xorazm jadidchilik harakati ensiklopediyasi, 80-bet.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ БИР НАШРИ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбек фольклоршунослигида халқ эртакларини тўплаш, жанр, тур, тип хусусиятларига кўра таснифлаш ва илмий ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган¹. Шулар қаторида яна бир муҳим вазифа борки, аксар ҳолларда бажарилган ишларни натижаси ўлароқ майдонга чиқади, бу – халқ эртакларини нашр қилишдир.

Халқ эртакларини ёзиб олиш, тўплаш ишлари XIX аср охири – XX аср бошларидан бошланган бўлишига қарамай, илк эртаклар тўплами нашри 1939 йилда амалга оширилди. Буюк Каримов томонидан нашрга тайёрланган бу тўплагамга жами 21 та эртак киритилган бўлиб, 150 саҳифани ташкил этади. Эртакчилар ҳақида маълумот берилмайди. Ўттиз минг нусхада чоп этилган бу тўплагамни нашр этишда у ҳозирги ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви материалларидан фойдаланган².

Ўзбек халқ эртаклари тадқиқи билан махсус шуғулланиб, 1953 йилда "Ўзбек халқ эртаклари ҳақида" монографиясини чоп эттирган фольклоршунос Мансур Афзалов 1960 йилларда ўзбек халқ эртакларининг 2 жилдлигини тайёрлайди³. Бу тўплагам шу давргача нашр қилинган эртак тўплагамлари ичида нисбатан тўлиқ ва мукаммали эди. Биринчи жилдга 74 та, иккинчи жилдга 113 та эртак киритилган бўлиб, тўплагамдан жами 187 эртак жой олган.

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб, ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зариф, Тўра Мирзаевларнинг ташаббуслари билан амалга оширилган "Ўзбек халқ ижоди" кўпжилдлигида ҳам бир қанча эртаклар тўплами нашр қилинди. Булар: "Сув қизи", "Гулпар", "Кулса – гул, йиғласа – дур", "Олтин бешик", "Зумрад ва Қиммат", "Олтин бешик", "Ойжамол" ҳамда "Луқмони ҳаким" жилдларидир⁴. Ушбу кўпжилдликда нашр қилинган

¹ Каримий Б. Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари \ "Ўзбек тили ва адабиёти", 1995, 5–6-сонлар, 57–62-бетлар; Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Тошкент: "Фан", 1964. – 120 б.; Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: "Фан", 2008. – 252 б.; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилиги анъаналари тарихидан очерклар. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1982. – 344 б.; Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида "сеҳрли" рақамлар. – Тошкент: "Фан", 1991. – 154 б.; Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртак. – Тошкент: "Mumtoz so'z", 2014. – 190 б.; Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2016. – 277 б.; Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: "Фан", 2011. – 304 б.; Дўстхўжаева Н. Ўзбек сеҳрли эртакларининг структурал таҳлили. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1999. – 175 б.; Расулова З. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида "ғаройиб буюмлар". Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. – 146 б.; Назарова Ш. Ўзбек халқ эртакларида синов мотивларининг генезиси ва поэтикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017. – 150 б.; Жуманов Э. Ўзбек халқ эртакларида эпик формулалар. Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2021. – 183 б.

² Асқарова Ж. Эртакчилик ва эртак нашрлари. – Тошкент: "Firdavs-shoh", 2021, 74-бет.

³ Ўзбек халқ эртаклари, II жилдлик / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: М.Афзалов. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963.

⁴ Сув қизи. Ўзбек халқ ижоди кўп жилдлик / Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, Н.Сабуров. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966. – 328 б.; Гулпар. Ўзбек халқ ижоди кўп жилдлик / Тузувчи: К.Имомов. – Тошкент: Ғ.Ғулом

эртактлар фольклоршунос олимлар томонидан тайёрланган бўлиб, илмий тадқиқотлар учун асосий таянч манба ҳисобланади.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида Зубайда Хусаинова томонидан "Ўзбек халқ эртаклари"нинг икки жилдлиги нашрга тайёрланиб чоп қилинади⁵. Бу жилдларни тайёрлашда фольклоршунос олима 1963–1964 йилларда М.Афзалов тайёрлаган нашрга асосланади ва ундан 118 та эртакни саралаб олиб, ўз тўпламига киритади.

Таълимга, халқ оғзаки ижод намуналарига бўлган эътибор янада ошиши муносабати билан 2007 йилда "O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйида "O'zbek xalq ertaklari" уч жилдлиги чоп қилинади⁶. Нашрга таёрловчилар сифатида М.Афзалов, Х.Расул, З.Хусаиновалар кўрсатилган ушбу нашр ҳам аслида юқоридаги нашрнинг деярли айнан ўзи (бу нашрда 4 та эртак тушириб қолдирилган). Фақат уч жилдликда баъзи эртактларнинг ўрни алмашган.

Уч жилдликда жами 183 та – биринчи жилда 54 та; иккинчи жилда 47 та; учинчи жилда 82 та фольклор намуналари мавжуд. Мансур Афзалов тайёрлаган тўпладан тушириб қолдирилган 4 та эртак қуйидагилар: "Кашмирий", "Гилам", "Носир кал", "Гуноҳсиз мусича".

Аҳамият бериш лозим бўлган жиҳат шундаки, юқоридаги тўплагга гарчи эртак жанрига мансуб фольклор намуналари киритилди, дейилган бўлса-да, 183 та фольклор намунасининг 145 таси эртак жанрига тегишли. Шулардан 76 таси мўъжизавий, 46 таси маиший ва 23 таси ҳайвонлар ҳақидаги эртактлардан иборат. Биз кузатишларимиз натижасида қолган 38 та фольклор намуналарини қуйидаги жанрларга мансуб эканлигини аниқладик:

1. Афсона-ривоят жанрига мансуб намуналар

"Илоннинг иши заҳар солмоқ", "Илон пари", Шайтон билан деҳқон", "Деҳқон", "Алвасти", "Айёр билан содда", "Эралихон ва уч ўғри", "Қайси ерда чивин йўк?", "Рустам", "Доро билан Искандарбек", "Шохли Искандар", "Луқмони ҳаким", "Кимёгар", "Араб лаққи"; "Навоий билан ямоқчининг ўғли", "Навоий билан мардикор", "Навоий билан чўпон", "Ибн Сино ва жинни", "Жоҳил подшо ва Абу Али".

Афсона ва ривоятларнинг асосий жанр хусусиятлари биринчи галда ахборот бериш билан боғлиқ. Биз ажратиб чиққан ўн тўққизта фольклор намунаси худди шу функцияни бажаради. Масалан, "Шохли Искандар" афсонасида тарихий шахс Александр Македонский ҳақида сўз боради. Унинг ҳаётидаги бир ҳолат ҳақида афсонавий тарзда ахборот берилади.

номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – 272 б.; Кулса – гул, йиғласа – дур. Ўзбек халқ ижоди кўп жилдлик / Айтувчи: А.Шукуров. Нашрга тайёрловчилар: З.Хусаинова, Б.Саримсоқов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 304 б.; Олтин бешик. Ўзбек халқ ижоди кўп жилдлик / Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, К.Имомов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 256 б.; Зумрад ва Қиммат. Ўзбек халқ ижоди кўп жилдлик / Тузувчи: К.Имомов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 320 б.; Олтин олма. Ўзбек халқ ижоди кўп жилдлик / Тузувчи: М.И.Афзалов. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1966. – 360 б.; Ойжамол. Ўзбек халқ ижоди кўп жилдлик / Тузувчи: М.И.Афзалов. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1969. – 328 б.; Луқмони ҳаким. Ўзбек халқ ижоди кўп жилдлик / Нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, З.Хусаинова. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1990. – 224 б.

⁵ Ўзбек халқ эртаклари, II жилдлик / Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, Х.Расулов, З.Хусаинова. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.

⁶ O'zbek xalq ertaklari, III jildlik / Tuzuvchilar: M.Afzalov, X.Rasulov, Z.Husainova. – Toshkent: "O'qituvchi" NMIU, 2007.

2. Нақл жанрига мансуб намуналар

"Чўпон Али", "Олтин олма", "Бола подшодир", "Тан сиҳатлик – туман бойлик", "Доно қиз", "Каримбой билан хизматкор", "Канизак билан подшо", "Бажариб бўлмайдиган буйруқ" каби намуналар нақл жанрига тегишли. "Олтин олма" нақлида бой ва камбағал қўшнилар ҳақида сўз бориб, бойнинг қанча давлати бўлса ҳам бефарзанд экани, камбағал зўрға кунини кўрса ҳам уйи тўла боласи борлиги ҳақида гап боради. Хулоса сифатида эса фарзандлар олтин олмага қиёсланиб, бу дунёда яшашнинг мазмунини экани уқтирилади. Маълумки, нақллар бошқа фольклор жанрларидан фарқли ҳолда бадиий-эстетик функция бажаради. Биз келтирган намунадан ҳам худди шундай бадиий эстетик завқ олиш мумкин.

3. Масал жанрига мансуб намуналар

"Етти аҳмоқ", "Куйган чол", "Хасис бой ва унинг ўғиллари", "Икки ўртоқ" сингари асарлар масал жанрига тегишли. "Куйган чол" масалида чол ва кампирнинг эринчоқлиги, биттагина эшакка сув беришни бир-бирларига солиб, оқибатда ҳам мол-мулкидан айрилгани, ҳам соғлигига путур етгани ҳақида сўз боради.

4. Кулгили халқ ҳикоялари билан боғлиқ намуналар

"Соқи мумсик билан Боқи мумсик", "Ўпка кишлоқ", "Тентак подшо", "Ботмон дахсар", "Андижонликнинг ҳикояси", "Лофчининг қизи" "Ўғри ва подшо" каби намуналар эса латифа, аския, лофга ўхшаш кулгили халқ ҳикоялари билан алоқадор. Таҳлил учун "Ўпка кишлоқ" номли фольклор намунасини олайлик:

"Ўтган замонда миршаблардан бири бир чолдан Ўпка кишлоқни сўраган экан, чол турган жойига ишора қилиб: "Сиз ҳозир кекирдакка келдингиз, ўпкага боришга яқин қолди", – дебди.

Миршабнинг жаҳли чиқиб, қиличини яланғочлаб: "Чопаман!" – деган экан, чол: "Чопмасдан, секин яёв борсангиз ҳам етасиз", – деб жавоб берибди".

Юқоридаги намуна кулгили халқ ҳикояси бўлиб, эртақ жанрига умуман алоқаси йўқ. Тўпламдаги бу каби намуналарнинг айримлари лоф жанрига яқин бўлса ("Лофчининг қизи"), айримлари латифа ёки аскияга боғланади.

Бу фольклор намуналари деярли 50–60 йилдан буён эртақ тўпламларига киритилиб келинган ҳамда эртақ жанрига мансуб, дея баҳоланган. Фольклоршуносларнинг эндиги вазифаси ўзбек халқ эртақларининг янги жилдлари нашрга тайёрланар экан, ҳар бир эртақка эътибор билан қараш, бошқа жанрга мансуб фольклор намуналарини эртақ тўпламларига киритмаслик, уларни ўзлари мансуб жанр намуналари билан қўшиб нашрга тайёрлашдан иборат бўлади.

РЕЗЮМЕ: Мақолада ўзбек халқ эртақларининг 2007 йилда нашр қилинган III жилдлиги, унда берилган фольклор намуналарининг жанр хусусиятлари ҳамда нашрдаги баъзи камчиликлар ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ: В статье говорится об изданном в 2007 году III томе узбекских народных сказок, жанровой характеристике приведенных в нем фольклорных образцов, а также некоторых недостатках.

RESUME: The article talks about the III volume of Uzbek folk tales published in 2007, the genre characteristics of the folklore samples given in it, and some shortcomings.

Таянч сўз ва иборалар: эртақ, жанр, кулгили халқ ҳикоялари, тўплам, хусусият.

Ключевые слова и выражения: сказка, жанр, смешные рассказы, сборник, особенность.

Key words and word expressions: fairy tale, genre, funny folk stories, collection, feature.

НЕОЛОГИЗМЛАР ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Жамият тараққиёти ва ҳаётнинг талаб-эҳтиёжи билан шаклланган янги тушунчаларни ифодаловчи сўзлар неологизмлар дейилади. Уларнинг янгилиги дастлаб пайдо бўлган вақтлардагина сезилиб туради. Вақт ўтиб, бу хусусиятини йўқотиб, замонавий қатлам сўzlари қаторига қўшилади. Бу неологизмларга кўп бериладиган умумий таъриф. Аммо неологизмларга оид тадқиқотларга назар ташлайдиган бўлсак, турлича қараш ва таърифларни учратамиз. Неология фан сифатида шаклланишидан олдин хорижий сўзлар янги сўзлар сифатида келтирилган. Вақт ўтиши билан интеграция жараёнлари, илм-фандаги кашфиётлар бундай сўзларнинг сафини кенгайтирди ва алоҳида ўрганилишга, таърифга эҳтиёж сезилди. Неология ва неологизм атамасини француз олими Л.С.Мерсиер 1801 йилда фанга киритади. Дастлаб, тилга яқинда кирган янги сўзларгина неологизм термини остида ишлатилган бўлса, кейинчалик ижтимоий ҳаёт, маданият, фан ва техника тараққиёти туфайли тилда пайдо бўладиган янги сўзлар, сўз бирикмалари ва турғун иборалар, шунингдек, янги маъно касб этувчи лексик бирликлар ҳам неология элементи сифатида баҳолади. Шунингдек, неологизмларнинг (рус, инглиз, француз ва б. тилшунослигида) бир қатор назарияларига асосланган таърифлари ҳам мавжуд. Психоллингвистик назариясига кўра, неологизм бу – она тилида сўзлашувчининг шахсий тажрибасида илгари учрамаган лингвистик бирликлар ҳисобланади¹. Бундай таъриф диалектларни, касбий атамаларни, тарихий сўзларни, жаргон ва арголарни ҳам неологизмлар қаторига қўшишга сабаб бўлиши мумкин. Бу назария вакиллари неологизмлар таърифида бутун бир тил тизимини эмас, балки алоҳида шахс нутқини марказга қўйишган. Неологизмларнинг лексикографик назариясига кўра, неологизм луғатда қайд этилмаган сўзлар деб изоҳланган². Бизнинг фикримизча, бундай таъриф бугунги кунда неологизмлар учун эскирган. Чунки инновацион жараёнлар луғатларни янгилаш ва тўлдиришда енгилликлар яратди, электрон луғатлар оммалашди ва алоҳида янги сўзлар ва соҳа терминлари луғатлари кўпайди. Денотатив назарияга кўра, неологизмлар янги ҳодисаларни ва тушунчаларни билдирувчи сўзлардир³. Ахмонованинг "Лингвистик атамалар луғати"да⁴ ҳам, бошқа кўплаб бошқа тиллар изоҳли луғатларида ҳам шундай изоҳ мавжуд. Бу неологизмлар ҳақида энг кенг тарқалган таърифдир. Структуравий назария тарафдорларининг фикрича, фақат аниқ тузилиш ва расмий янгиликка эга бўлган сўзларнигина неологизмлар қаторига киритиш мумкин. Аниқ тарихий назария бўйича, неологизм учта параметр: тил майдони, вақт, тил бирлигининг янгилик турига эга бўлиши керак⁵. Юқорида неологизмларга, тилшунос олимларнинг қарашларидан келиб чиққан ҳолда,

¹ Тогоева С.И. Современная лексикография и новые единицы номинации [Текст] / – М.: Академия, 2007. – 264 с.

² Algeo John 1991. Fifty Years among the New Words: A Dictionary of Neologisms. Cambridge: Cambridge University Press, 244 p. <https://books.google.ru/books?id=3x>

³ Козырев В.А., Черняк В.Д. Лексикография русского языка: век нынешний и век минувший. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2015. – 631 с.

⁴ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: "Советская энциклопедия", 1966. – С.252

⁵ Котелова Н.З. Новые слова и словари новых слов. – М.: Наука, 1983. – 223 с.

қуйидагича умумий таърифни келтирамиз: *неологизмлар* – ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, янгиланишлар, илм-фан тараққиёти ва технологик кашфиётлар туфайли тилларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан лисоний бирликлар, яъни сўзлар, иборалар ва лексик маънолардир. Бу таъриф орқали неологизмларнинг бир неча шаклга эга эканлиги англашилаяпти. Неологизм тадқиқи билан шуғулланган олимлар 1. Неолексема 2. Неофразема 3. Неосемема дея неологизмларнинг уч турини фарқлашади. Ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев неологизмларни 1) луғавий неологизм ва 2) грамматик неологизм турларини ажратиб, луғавий неологизмларни эса 1) лексик неологизм, 2) фразеологик неологизмга, шунингдек, лексик неологизмларни ўз ичига неологизм-лексема ва неологизм семема деб номлаш мумкинлигини қайд этади⁶. (Грамматик неологизм жуда кам ҳолларда юз бериши, жуда кам учраши ва қўшимчалар билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги сабабли неологизм турларига қўшмадик.) Бу каби қарашлар неологизмларни аниқроқ, тизимлироқ ўрганиш нуктаи назаридан келиб чиққан, албатта. Биз неологизмларнинг бу кўринишдаги гуруҳланишини маъқуллаган ҳолда (бу икки хил бўлинишнинг моҳияти битта, шаклан фарқли, холос) бу жараёни неологизмларнинг сўнгги босқичига, яъни нутқдан лисонга кўчган вақтдаги ҳолатига нисбатан қўллаш тарафдоримиз. Маълумки, лексема лисоний бирлик.

Юқоридаги назарияларга асосланган таърифлардан ҳам англашиладики, янги сўзларни, яъни неологизмларни аниқлашнинг ўзи ҳам қийин жараён. Чунки шиддат билан ривожланаётган илм-фан, техника тараққиёти, алоқалар кунига юзлаб янги сўзларни пайдо қилаяпти. Буларнинг баъзилари чет тиллар орқали кириб келган, баъзилари тил ички имкониятларидан пайдо бўлган. Баъзилари кенг қўлланишда бўлса, баъзилари тор доирада бир неча дискурс, матн ёки нутқларда намоён бўлиш билан чекланмоқда. Масалан, *мессенжер, стикер, подкаст, клипмакер, спикер, пост, курьер, пресс-тур, кеишбек, админ* каби неологизмлар чет тиллардан ўзлашган бўлса, *ҳисоб рақами, рақамлаштириш, мурожаатнома, ягона дарча, ташаббусли бюджет, очиқ бюджет, экобоғ* каби бир қатор сўзлар луғатимизда мавжуд лексик бирликлар асосида яратилган.


Ш.Раҳматуллаев тил, лисон ва нутқ муносабатини қуйидагича изоҳлайди: "Лисон билан нутқ ўзаро дихотомия ҳосил этади, лекин зидланувчи (оппозитив) ҳодисалар эмас, балки асос ва ҳосила муносабатидаги ҳодисалар. Бундай муносабатни лисондаги бойликдан фойдаланиш жараёнини ҳам ҳисобга олган ҳолда қуйидагича чизма билан кўрсатиш мумкин:

Тил		
лисон	лисондаги бойликдан фойдаланиш жараёни	нутқ

Тил ҳодисаси дастлаб нутқда пайдо бўлади, такрор-такрор ишлатилиши натижасида миянинг тил хотираси қисмида бу ҳодисанинг рамзи шаклланади, кейинчалик ана шу рамздан нусха олиб, нутқий бирлик ҳосил қилинади.

⁶ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992, 153-154-бетлар.

Демак, асли тил ҳодисалари нутқдан лисонга кўчади ва кейингина лисондан нутққа олиб чиқилади. Бундай икки томонлама муносабатни чизмада қуйидагича акс эттириш мумкин:



Лисонда бор имкониятларгина нутқда воқеланади, лисоннинг имкониятлари бой бўлиб, нутқда унинг маълум бир қисмигина намоён бўлади дейишдан лисон гўё азалий, туғма, мукаммал деган фикр тушунилади. Ваҳоланки ҳали тили чиқмаган гўдакнинг миясидаги тил хотираси қисмида ҳеч қандай рамз бўлмайди; гўдак нутқни эгаллай бошлаганидан кейингина миясида рамзлар пайдо бўлади. Демак, лисон азалий (зот) эмас, балки нутқ асосида шаклланадиган, тўлдириладиган бойлик. Тилнинг тараққиёти нутқ ёрдамида воқе бўлади. Ҳар қандай янгилик, масалан, янги лексема яшаш, бошқа тилдан лексема олиш, аввало, нутқда воқе бўлади, бу янгилик тил тараққиёти қонунларига зид бўлмаса лисонда рамз сифатида муҳрланади, ана шундан кейин лисондаги бу рамздан нусха олиб нутқ ҳосил қилинади⁷. Олимнинг фикрларига қўшилган ва таянган ҳолда неологизм мақомидаги сўзларни тилда қўлланилиш ҳолати бўйича уч гуруҳга ажратишимиз мумкин: 1. Нутқий неологизмлар. 2. Тил неологизмлари. 3. Лисоний неологизмлар. Жадвалда қуйидагича тасвирлаймиз:

Тил бирлиги		
Нутқий неологизмлар	Тил неологизмлари	Лисоний неологизмлар.

Қўлланиш доираси бир ёки бир неча шахслар нутқи, бир неча матн билангина чегараланганда, тушунчаси ҳали тўлиқ шаклланмаган сўзларда ёки "мода"га эргашган телевидения ва радио дастурларида, реклама матнларида, пешлавҳаларда кўп учраётган баъзи сўзлар, масалан, *интро, барбершоп, спа, фискал рақами, теледебат, брон, шоппинг, ингридент, сет* кабилар нутқий неологизмлардир. Аксарият ҳолларда кўпчилигининг тилда муқобили бўлади ва буларнинг тил мулкига айланиш эҳтимоли жуда кам. *Изоҳ: юқорида олим таъкидлаган лисондан олдинги нутқ жараёнига нисбатан номланган.*

Иккинчи гуруҳ неологизмлари жамиятнинг барча қатламлари орасида кенг қабул қилинишни бошлаган янги сўзлардир. Кундалик ҳаётда бу лексемаларни қўллашга эҳтиёж мавжуд. Масалан, *онлайн* сўзига эътибор берадиган бўлсак, *онлайн дарс, онлайн машғулот* ҳар бир институт, университет, мактаблар таълим жараёнининг бир қисмига, *онлайн савдо* эса деярли ҳамма сотувчи-ю харидорлар учун қулай сотиш ва харид қилиш

⁷ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: "Мумтоз сўз", 2010, 2–6-бетлар.

усулига айланди. Деярли ҳар куни турли иловалар (клик, пайме, ғазна...) орқали картадан картага пул ўтказмаларини амалга оширамиз. Натижада, *ҳисоб рақам, ўтказма* сўзлари кенг қўлланиш дорасига кирди ва замонавий қатлам сўзлари қаторига кириш арафасидаги неологизм ҳисобланади. Ёки ўтказмалар натижасида ва харид чекларидан олинадиган турли фоизли тўловларни ифодалаш учун қўлланиладиган *кешибек* сўзи ҳам оммабоп тил неологизмига айланган. *Криптовалюта, тезкор, етказиш, ноткоин, биткоин, курьер, подкаст, тренд* кабилар ҳам тил неологизмлари сафига янги қўшилган. Бу неологизмлар лексемалашув жараёнидаги сўзлардир. Неологиянинг ўрганиш объекти сифатида ҳам айнан шу тур неологизмлар марказда туради. *Изоҳ: бу босқичида янги сўзлар нутқдан лисонга ўтиш жараёнида бўлади, умумий тил бирлиги мақомини сақлаб туради. Шу сабабдан тил неологизмлари сифатида ифодаладик.*

Неологизмларнинг лексемалашув жараёни тугаб, лисонда рамз сифатида муҳрланиб, замонавий қатламдан жой олганда ҳам маълум вақт янги лексема сифатида янгилик мақомини сақлаб туради. Бу вазиятдаги янги сўзларни лисоний неологизмлар сифатида баҳолашимиз мумкин. Масалан, изоҳли луғатларимиздан ўрин эгаллаган *бренд, блог, блогер, спикер, инаугурация* каби сўзларни маълум даражада янгилик мақомида дейишимиз мумкин. Мана шу босқичда **неолексема, неосемема ва неофразема** шаклида гуруҳласак мақсадга мувофиқ бўлади, назаримизда. Батафсилроқ изоҳлайдиган бўлсак, неолексема – янги сўз шакллари, неосемема – мавжуд лексеманинг янги маънолари, неофразема – янги бирикмалар.

Неологизм билан бир қаторда янги сўз, неолексема, инновация (инновацион лексика), неоним атамалари ҳам қўлланилади. Фикримизча, энг мақбули неологизм атамаси. Янги сўз деганда кенг қамровли тушунчага эга бўламиз. Унинг таркибига неологизм ҳам, окказионал сўз ҳам, янги диалектлар ҳам кириши мумкин. Неолексема бу юқорида келтирилганидек, неологизмнинг бир қисми. Бугунги кунда барча жабҳалардаги янгиликлар, янги жараёнларга нисбатан инновация сўзи қўлланилмоқда. Шу сабабли бу шаклни ҳам неологизмга вариантдош сифатида бериш ўзини оқламайди. Неонимлар бу янги терминлар бўлиб, терминологияда ўрганилади.

Мақоладан шундай хулоса англашиладики, неология тилшунослигимизда ўрганилишининг дастлабки босқичида, шу сабабдан унинг психолингвистик, социолингвистик, когнитив ва бошқа жиҳатларини ўрганиш катта меҳнат ва изланишларни талаб қилади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада неологизмнинг бир қатор назариялардаги таърифлари келтирилган. Шунингдек, уларнинг турлари ҳақида муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган.

РЕЗЮМЕ. В статье представлены определения неологизма в ряде теорий. Также автор высказал свое мнение об их типах.

RESUME Definitions of neologism in a number of theories are presented in the article. Also, the author expressed his opinions about their types.

Таянч сўз ва иборалар: неологизмлар, психолингвистик назария, нутқ, тил ва лисоний неологизмлар, неолексема, неосемема, неофразема.

Ключевые слова и выражение: неологизмы, психолингвистическая теория, речь, язык и языковые неологизмы, неолексема, неосема, неофраза.

Key words and word expressions: neologisms, psycholinguistic theory, speech, language and linguistic neologisms, neolexema, neosemema, neophrase.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ШЕЪРИЯТИДА ФОНОПОЭТИК ВОСИТАЛАР

Шарқ шеъриятининг энг сара анъаналари асосида, аввало, буюк Навоий шеърияти таъсирида (Навоий ёнглиғ сўз аро сармаст ўлғон), қолаверса, Огаҳий билан устоз-шогирдлик асосида (гар огаҳ эса сўз камолидин доим аниси Рожий ила Огаҳий эрур) шаклланган Комил назмининг тили тадқиқи бугунги долзарб масалалардан бири саналади. Жумладан, шоир шеъриятидаги фонетик ва фонографик бирликларнинг лингвопоэтик имкониятлари масаласи алоҳида ўрганишни талаб қиладиган масалалардан биридир.

Комил Хоразмий девонидаги назм намуналаридаги фонетик хусусиятларда ҳам шевага хос оҳангни илғаш қийин эмас, чунки ҳар бир ҳудудга хос диалектизмлар кўпроқ фонетик тизимда кўзга ташланади. Зеро, ўзбек шеваларининг мураккаб таркибга эгаллиги, аввало, уларнинг фонетик жиҳатдан ранг-баранглиги туфайлидир. Ўзбек шевалари унли ва ундошлар миқдори ва сифати, фонетик қонунлар, фонетик жараёнларнинг ўзига хослиги жиҳатидан ўзаро фарқланади ва аксинча, айрим жиҳатларига кўра, улар бир-бири билан ўхшашликларга ҳам эга бўлади¹.

Комил Хоразмий ўз шеъриятида фонетик диалектизмлар ва фонопоэтик бирликлардан муайян мақсадни кўзлаган ҳолда ўринли ва самарали фойдаланган. Булар шоирнинг сўзни ҳис қилиш ва танлаш, товушларга юкланган бадиий-эстетик жилони англаш қобилятини, қолаверса, унинг ўзига хос индивидуал услубини баҳолашда муҳим омиллардан биридир. Маълумки, фонетик диалектизмлар – товушлар тизими орқали намоён бўлади. Хоразм ўғуз шеваларида унлиларнинг қисқа-чўзиқлиги ва қаттиқ-юмшоқлиги (талаффузи) ҳам фонетик диалектизмни вужудга келтиради ҳамда маъно фарқлашга хизмат қилади. Буни О.Мадраҳимов қуйидагича далиллади: *йап* – бекит \\\ *йа:n* – арик; *даш* – тошмоқ \\\ *да:ш* – тош; *буз* – бузмоқ \\\ *бу:з* – муз каби². Сингармонизм – (грек. *сун* – "бирга", *ҳормониа* – "оҳангдошлик") сўзнинг асоси ва аффикс таркибидаги унлиларнинг ўзаро уйғунлашуви, гармонияси. Бу ҳодиса айрим туркий тиллар учун, ўзбек тилининг эса айрим шевалари учун характерлидир³. Шоир ижод қилган даврга келиб, сингармонизм адабий меъёр даражасида қўлланмаган бўлса ҳам, ўзбек шеваларида бугунгача анча кўринишлари сақланиб қолган. Хоразм шеваларида ҳам сингармонизмга амал қилиш ушбу шеванинг маҳаллий ўзига хослигини очиб беради. Жумладан, байтлардаги кўпгина сўзларда йўғон, тил орқа унлиларининг уйғунлашиб, лабиал сингармонизмни вужудга келтириши, айрим сўзларда ингичка, тил олди унлилар ўзаро мослашиши ва лингвал ёки палатал (танглай) сингармонизмни ҳосил қилиши учрайди. Масалан:

¹ Ashirboyev S. O'zbek dialektologiyasi. – Toshkent: "Nodirabegim", 2021, 32-bet.

² Мадраҳимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг Хива шеваси. – Урганч, 1999, 8-бет.

³ Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1985, 75-бет.

*Сўзунг оллида бaсe тaлxи кaлoмy ширин,
He aжaбким, туну кун шaҳду шaкaрдур хурушинг...* (Девон, 98), –

байтида қўлланган *"āжāбкīm, шāкār"* сўзларида дастлабки унли таъсирида кейинги бўғиндаги унлилар унга ўзаро уйғунлашган, яъни олд қатор, лабланмаган унлидан ташкил топган бўлса, диалектал бирлик саналувчи *хурушинг* сўзида орқа қатор, лабланган унлилар уйғунлашган, яъни танглай сингармонизмини ҳосил қилган. Бу сўз бугунги кунда Хоразм шеваларида *"хуруш"* шаклида ҳозир ҳам сақланиб қолган, фақат лексема семасида кенгайиш (қўшиб ейиладиган нарса) кузатилади. Бу сўз мумтоз асарлар луғатларида *"емиш, ғизо"* маъносини билдириши қайд қилинган⁴. Ёки:

*...Ҳажрида сўзи ниҳоним ўлтурур бир куни мани,
Қилмаса қаҳру малоли боисин ифшо манго...* (Девон, 18).

*Сумурсам бир лаболаб жом ул соқилар илгидин,
Менинг комимча бирдам айланиб гардуни нофаржом ...* (Девон, 124), –

каби мисралардаги *ōлтўрўр* сўзининг ҳар учала бўғинида, *сўмўрсām* сўзининг эса дастлабки икки бўғинида олд қатор, юқори тор, лабланган унли ўзаро бўғинларда мослашган ва лабиал сингармонизмни вужудга келтирган, шу билан бирга, учинчи бўғиндаги *"а"*нинг ҳам тил олди варианты (*ā*) тарзида талаффуз этилишига таъсир қилган. Шоир юқоридаги байтларда ишқ дардига йўлиққан ошиқнинг тушкун аҳволини ва маъшуқанинг сўзсизлигию шахло кўзлари бир кун уни *"ōлтўрўр"*ини ҳамда соқийнинг ишқ жомидан *"сўмўрсā"*, *"ком"* (бахт, шодлик)га эришишини ошиқона баён этади. *ōлтўрўр* сўзида олд қатор *"ō"* товушидек жаранглашида, оҳангдорлик касб этишида бўғинларда қўлланган тил олди *л, р* товушларининг ҳам аҳамияти ва ўрни бор.

Унлини кучли талаффуз қилиш билан маънони кучайтириш поэтик нутқда энг кенг қўлланувчи фонетик усуллардан биридир. Бир бўғинли сўзларда унлини кучли талаффуз қилиш (зарб урғуси) билан маънони кучайтиришга эришиш мумкин. Бироқ кўп бўғинли сўзларда бундай имкон биров чегараланган бўлади. Комил бундай ўринларда баъзан вазн, баъзан қофия талабидан келиб чиқиб, тил орқа унлиси мавжуд лексик ва грамматик диалектизмларни қўллаш орқали маънони кучайтиришга эришган:

*Тамаъ доманини қўлимдин ойир,
Бер ўрнига жайби қаноат манго...* (Девон, 19).

Комил ижодидаги фонетик-фонологик birlikларни лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиниши фонетик стилистиканинг эмоционал-экспрессив жиҳатлари тўғрисида қизиқарли фикр-мулоҳазаларни шакллантиради. Жумладан, фонетика ва стилистиканинг узвий боғлиқлиги ва алоқалари орқали фонетик birlikларнинг чексиз имкониятлари очилади. *"Сўз, ибора ва сўз формалари сингари сўздаги товушларда ҳам маълум стилистик бўёк ифодаланади. Нутқ товушларидаги эмоционаллик, таъсирчанлик,*

⁴ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, IV жилдлик, 3-жилд. – Тошкент: "Фан", 1984, 446-бет.

талаффуздаги жарангдорлик, эшитишдаги ёқимлилик, уларнинг бадий қўлланиш қоидалари, эстетик роли фонетик стилистиканинг ўрганиш объектини белгилайди. Тингловчи ҳам маънони товушлар ёрдамида қабул қилади. Шунинг учун сўз таркибидаги бирор товушнинг талаффузда ўзгариши (чўзиқ айтилиши, алмашиб қўлланиши, тушириб қолдирилиши, қаватланиши) маънога ҳам таъсир қилади. Бундай ҳолларда сўзнинг денотатив маъноси ўзгармай, фақат коннотатив маъноси ўзгаради"⁵. А.Абдуллаев таснифига кўра, фонетик усул билан маъно кучайтиришнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: 1) унлини кучли талаффуз қилиш (зарб урғуси); 2) унлини чўзиш (квантитатив урғу) ва 3) ундошни қаватлаш (геминация)⁶.

Тилшунослик ва адабиётшунослик илмида ундошлар уйғунлиги, яъни такрори аллитерацияни, унлиларнинг такрори орқали оҳангдорликнинг ҳосил қилиниши ассонансни юзага келтириши қайд қилинган. Комил ижодида ҳам буларга етарлича мисоллар мавжуд:

*Бўдубон жолиси авранги жаҳолат жуҳало,
Урдилар олам аро кўси жалолат жуҳало... (Девон, 155), –*

мисраларида сўзлардаги "ж" ундошининг жилоси ёки:

*Кўрмайин деб кўрди кўз, кўргоч кўнгул қилди ҳаво,
Бўлди зор этқон мени расво кўнгул, қаллоб кўз... (Девон, 196), –*

байтидаги "к" ундошининг, олд қатор ўрта кенг лабланган "о" ва орқа қатор қуйи кенг оралик "о" унлисининг умумий оҳангдаги етакчилиги ёки:

*Қаро қошларингдур қадим нун қилан,
Қизил юзунг ашкимни гулгун қилан... (Девон, 200), –*

мисраларида чуқур тил орқа, портловчи, шовкинли "қ" ундошининг нотўлиқ аллитерацияни юзага келтириши ва бу билан байт оҳангдорлиги ҳамда таъсирчанлиги таъминланган.

*Рангимни зафарон киби қилди сариг камар,
Қон этди асҳқим-у дили зорим қизил либос... (Девон, 74), –*

байтида юқори тор лабланмаган "и" унлисининг 14 ўринда қўлланилиши гўзал фонетик жилони – ассонансни юзага келтирган ва интонацион бутунлик, оҳангдорлик ва эмоционал-экспрессивлик таъминланган. Шоир сўз қўшилмалари ва изофий бирликлар қўллашда ҳам ундошлар уйғун бўлишига эришган: "шаҳду шакар", "наиғу намо", "қадду қомат", "қадру қиймат", "зийнати зайн", "шамъи шабистон", "жавҳари жон" каби.

⁵ Қ и л и ч е в Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1985, 88-бет.

⁶ А б д у л л а е в А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: "Фан", 1983, 9-бет.

Бундан ташқари, баъзи ўринларда *геминация* (иккита бир хил ундошнинг сўз таркибида қаватланиши⁷) ҳам фонопоэтик фигура сифатида мисра ва байтларга ўзгача оҳанг беришга хизмат қилган. Албатта, бунда шоир аруз вазни талабларидан келиб чиқиб, бундай қўлланишларни амалга оширган:

*Даҳони дуржида жонбахи гуфторин савол этдим,
Деди, ул ҳуққаи ёқут эрур, дурри Адандур бу... (Девон, 143), –*

байтида "дури Адан" изофий бирикмаси таркибидаги "дур" сўзидаги "р" ундошининг геминацияси натижасида маъно кучайтирилган, яъни бу қўшқўллаш бадий салмоқ касб этган. Шуниси ҳам аҳамиятлики, бу вазн талаби ҳам саналади, чунки агар шоир баъзи байтлардагидек "дури Адан" изофий бирикмасини иккилантирмаганида эди, ҳазажи мусаммани солим вазни бузилган бўлар эди.

Комил назмида баъзан геминацияга қарама-қарши ўларок дегеминация (*дегеминация* – сўз таркибидаги геминациянинг йўқолиши) ҳодисасини ҳам ёнма-ён қўллаганини учратиш мумкин. Жумладан, бу ҳолатга:

*Бош қотиғ хомушлиғ муҳрин оғиз дўққонига,
Жинси маъни бас касоду суст бозори ҳадис... (Девон, 37), –*

байтида гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шоир баъзан мисраларда синкопага йўл қўяди, бу ҳам аслида Хоразм шеваларининг ўзига хос талаффуз хусусиятлари саналади: *шаҳар* – *ша:ар*, *заҳар* – *за:ар* каби: "Гул этмас ҳеч булбул сўбатидин ору истиғно..." (суҳбат) (Девон, 173).

Хуллас, Комил ҳар бир сўзда товуш ва маъно уйғунлигини таъминлай олган ва ўз кўзлаган мақсадига эриша олган. Демак, "шеърнинг ҳар бир ҳарфи организмдаги хужайрага ўхшайди ва у доимо ҳаракатда, шеърда ўлик хужайралар бўлмайди" ёки "шеърда нафақат ҳар бир сўзга, балки ҳар бир товуш, ҳар бир унли, ҳар бир ундошга маъно юклатилади"⁸, – тарзидаги фикрларнинг юзага келиши тасодиф эмас, албатта. Шоир *аллитерация*, *ассонанс*, *геминация*, *дегеминация* каби фонетик усуллардан асар мазмунини бойитиш, лирик қаҳрамон руҳий кечинмаларини гавдалантириш, нутқ оқимининг мусиқийлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш учун моҳирона ва ўринли фойдаланган. Шу билан бирга, маҳоратли ва ҳассос шоир ўларок ҳар қандай тил бирлигини аруз вазни ва "илми қофия"га амал қилган ҳолда чинакам шакл ва маъно яхлитлигини таъминловчи ифода воситаси сифатида "узукка кўз қўйгандек", турли "ранг"ларда жилолантира олган. Шоир аллитерациядан шеърин мисралар жозибасини ошириш, ўқувчининг ёдида сақланишини осонлаштириш, образлиликни таъминлаш мақсадида фойдаланган бўлса, бир хил ёки бир-бирига яқин унлиларнинг мисралар, хижола ёки сўзлар таркибида оҳангдош ҳолатда такрор қўлланиши асосида геминация сингари байт жилосини, бадийатини ошириш, шеърин нутқнинг нафис, ёқимли, жарангдор чиқишига эришган.

⁷ Х о ж и е в А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати, 143-бет.

⁸ А л п о н о в а Ш. Инсон руҳиятини акс эттиришда фонетик воситаларнинг ўрни \\\ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2009, 4-сон, 81-бет.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Комил Хоразмий ижодида қўлланган фонопоэтик бирликларнинг лингвопоэтик имкониятлари ва уларнинг мусикийлик, жарангдорлик, таъсирчанлик ҳамда матннинг бадиий-эстетик бутунлигини таъминлашдаги аҳамияти хусусида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о лингвопоэтических возможностях фонопоэтических единиц, используемых в творчестве Камиля Хорезми, и их значении в обеспечении музыкальности, звучности, выразительности и художественно-эстетической целостности текста.

RESUME. This article talks about the linguopoetic possibilities of the phonopoetic units used in the works of Kamil Khorezmi and their importance in ensuring the musicality, sonority, impressiveness and artistic-aesthetic integrity of the text.

Таянч сўз ва иборалар: поэтоним, сингармонизм, аллитерация, ассонанс, элизия, геминация, дегеминация, товуш иккиланиши.

Ключевые слова и выражение: поэтоним, сингармонизм, аллитерация, ассонанс, элизия, геминация, дегеминация, удвоение звука.

Key words and word expressions: poetonym, synharmonism, alliteration, assonance, elision, gemination, degemination, sound doubling.

Дилноза ҚОБУЛОВА

ШҶРО ДАВРИ АНТРОПОНИМИКАСИДА АЁЛ ИСМЛАРИ

Ҳар қандай тилнинг миллий антропонимикаси унинг мавжудлик даврини акс эттиради, антропонимлар микро ёдгорликлар шаклида ҳар қандай халқ тарихининг маълум бир босқичидаги ижтимоий-сиёсий қарашларини, маданиятини, турмуш тарзини келажак авлодларга еткази, шунингдек, тилнинг қадимий характерли лингвистик хусусиятларини сақлаб қолади¹. Биз тадқиқ қилаётган Хоразм минтақавий аёл исмлари даврий таҳлили узоқ тарихга эга бўлиб, Хоразм халқларининг бой маданиятини ўзида акс эттиради.

Маълумки, шўролар даври XX асрнинг 1-чорагидан мустақиллик давригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврнинг ўзига хос жиҳати янги антропонимик модель: исм, фамилия, отаисмнинг тўлиқ таркибда қўллана бошланганлигида намоён бўлади. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча фуқаролари ўз исми билан бирга фамилия ҳамда отаисмига эга. Ўрта Осиё халқлари жумладан, ўзбекларда ҳозирги шаклдаги фамилия шўролар тузуми даврида пайдо бўлган.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида шўролар маҳаллий халқлар, жумладан ўзбекларга нисбатан русча фамилия ва отаисм (отчества, шариф) ўтказиш сиёсатини юргизишган. Бу сиёсат XX асрнинг қирқинчи йилларида расмий тус олган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳуқуқий мақомга эга бўлди ва соҳага оид шўролар ҳукуматининг бир қатор қарор ва йўриқномалари қабул қилинди. Ўша даврда берилган туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ва бошқа ҳужжатларда эркаклар фамилияси ва ота исми (отчества) учун "-ов", "-ев", "-вич", аёлларга "-ова", "-ева", "-на" қўшимчаси мажбурий тарзда қўшиб ёзилган. Бу қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган фамилиялар маҳаллий халқ орасида муайян тартибга айланиб, кейинроқ қатъий қоида қилиб олинди. Бу қоидага мустақиллик давригача фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идоралари, паспорт бўлимларида

¹ Ч о б а н о в М.Н. Основы азербайджанской антропонимии: автореф. ДД. – Баку, 1992. – С.48

катъий амал қилиб келинди. Дастлабки йилларда ҳужжат эгасининг исми ва фамилиясини қайд қилиш учун биттагина жой (графа) ажратилган бўлиб, исм ва фамилияни миллий тилда такрорлашга жой қолдирилмаган. Мустақиллик давригача фамилия яшашнинг шундан бошқа барча миллий, маҳаллий шакллари расмий равишда ёзиш қатъиян ман қилинган эди.

Таъкидлаш жоизки, шўролар даврида русча шакл фамилия ва отаисм (отчества)нинг жорий қилинишига қаршилик қилганлар, норози бўлганлар таъқибга олинган. Яна бир эътиборли томони шуки, ўша вақтда фуқароларнинг шахсий ҳужжатларини ёзиб берувчи давлат идораларида, асосан, руслар ёки рус тилида сўзлашувчи миллат вакиллари ишлаган. Улар маҳаллий халқ тилини билмаган ва давлат тили бўлган – рус тили қоидаларига ва русча талаффузга мос равишда шахсий ҳужжатларни расмийлаштириб беришган. Э.Бегматовнинг ёзишича, "шўролар даврида ўзбек тили антропонимларига, умуман атоқли отлар тизимида муносабатнинг кўпгина салбий томонлари мавжуд эди:

- иттифоқда бир қатор миллат ва халқлар каби ўзбеклар ҳам русча фамилия, отаисмга зўрлаб ўтказилган ва улар уч шакли система асосида номлар эди: Турсунова Гулчеҳра Бердиевна, Шарифов Турсун Тўхтабаевич каби;

- шахснинг шахсий ҳужжатларида ўзбекча ёзув учун махсус жой ажратилмаган эди. Шахс номи мавжуд ҳужжатларда фақат рус тилида ёзиларди;

- қайд қилинган хатолар ўзбек фуқаролари исм-шарифларини фақат русча имлода ёзиш ҳолатини туғдирди ва ўзбекча исмларнинг миллий талаффуз шаклини бузиб айтиш ва ёзишга замин ҳозирлади"².

Афсуски, собиқ иттифоқ даврида маҳаллий аҳолига нисбатан ўтказилган бундай антропонимик зуғум ва зўравонлик сиёсатининг қолдиқлари қисман бўлса ҳам ҳозиргача сақланиб қолган. XX асрнинг ўттизинчи йилларигача ўзбекларнинг исми ва фамилиялари, асосан, Мўмин Собир ўғли, Назира Карим қизи тарзида юритилган. Ўша даврда зиёлилар орасида қисман "зода" (Ҳамза Ҳакимзода, Мақсуд Шайхзода), "ий", "вий", "ия", "вия" (Мухтор Ашрафий, Мирзакалон Исмоилий, Музайяна Алавия) қўшимчалари орқали исм ва фамилия, тахаллуслар яшаш ҳам одат бўлган. Шу билан бирга, ўзбек зиёлилари орасида баъзида қўшимчаларсиз ҳам қуйидаги шаклда исм ва фамилиялар бўлган ва муҳими ҳозиргача сақланиб қолган: Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, Мирзакарим Осим ва ҳоказо. Эътиборли томони шуки, охириги вақтларда қўшимчасиз исм ва фамилиялар нафақат зиёли, ижодкорлар (Иқбол Мирзо, Акмал Нур, Шерзод Қудратхўжа) балки, оддий фуқаролар орасида ҳам кўпаймоқда.

Таъкидлаш жоизки, собиқ иттифоқ даврида фамилияларни русчалаштириш сиёсати барча иттифоқдош республикаларда бир хил кечмаган. Айрим халқлар жумладан, украинлар, арманлар, грузинлар, латишлар, эстонлар ва бошқалар, исм-шарифини аслича сақлаб қолишган. Аммо, Ўрта Осиёда яшайдиган халқлар, жумладан, ўзбеклар фамилиялари ёппасига "-ов, -ев"лашган. Шу арзимаган қўшимчалар туфайли маълум маънода миллий қадриятлар ва тарихий илдизларимиздан биров узоқлашдик³.

² Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: "Фан", 2013, 86-бет.

³ Х а к и м о в К. Antroponimik model: milliy familiya va uning zaruriyati haqida // FarDU ilmiy xabarlar. 2024, 1-son, 87–92-betlar.

XX асрнинг 20–30-йилларида "ўғли", "қизи" шакллари ишлатилганлигини юқорида таъкидладик. Айнан шу даврда зиёлилар орасида эса *-ий, -вий, -ия, -вия* тарзида ишлатилган ҳолатлар учраб турган. Шу билан бирга, 30-йилнинг – охири 40-йилларда эса расмий равишда руслардаги каби *-ов, -ова, -ев, -ева* шаклларида ишлатишга ўтилган. Айни ҳозирги даврга келиб эса хоҳлаган шаклда ҳужжатларга исмларни ёздирадилар. Фақат исмнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин, ҳеч бири чекланмаган⁴. Айниқса, мустақилликдан кейин "ўғли", "қизи" шакллари халқимизга яна қайтди.

Шўролар даври антропонимикасининг хусусиятларидан яна бири чет тилларидан, яъни, асосан, рус тилидан исмларнинг кириб келиши бўлди. Кириб келиши деганда, айнан ўзбек оилаларида янги туғилган ўғил ва қиз чақалоқларга русча исмларни қўйиш урф бўлган, ҳатто бунинг қўйганидан ота-оналар гурурланиб ҳам қўйишар эди. Бора-бора ўзбекча исмлар камайиб, чет элдан кириб келган байналмилал исмлар кўпайиб кетди. Ўзбек оилаларида ўзбек қизларига ҳам *Анастасия, Бернара, Елена, Элмира, Галина, Галия, Индира, Клара, Марина, Мария, Нина, Виктория, Ольга, Соня, Тамара, Зоя, Люда/Людмила, Ирина, Света/Светлана* каби бир қанча аёл исмлари 30–40-йиллардан кейин жуда ҳам кўп қўйилган. Тўғри, бунинг сарқитлари ҳозир ҳам мавжуд. Халқимиз орасида маъносини тушуниб ёки тушунмай чет эл исмларига мурожаат қилишган. Албатта, бу исмлар ёмон маъно беради демоқчи эмасмиз, лекин ўзбек халқининг миллий исмлари турганда, чет эл исмларига не ҳожат. Бу исмлар орасида мустақилликдан кейин ҳам мурожаатлар бўлган исмлар мавжуд, яъни улар кейинги даврларда ҳам қизларимизга яхши ниятлар билан қўйилган. Масалан, **Тамара** – ўзбек антропонимикасида фаол исмлардан бўлиб, *"ўзига ишонган мағрур, қўрқмас, софдил, содиқ"*⁵ каби маъноларни билдиради. Баъзи тадқиқотчилар исмнинг тескари ўқиши *"аромат"* бўлганлиги учун унинг маъносини хушбўй ҳидлар билан боғлаб юришади, лекин бу мазмун билан исмнинг алоқаси йўқ. **Клара/Қлара** исмини ўзбек тили исмлар луғатида ҳам ёки ўзбек исмлари бўйича электрон сайтларда ҳам учратмадик, бизнингча, русча исмлар қаторида тургани учун луғатлар таркибига ҳам киритилмаган. Ваҳоланки, бу исмлар XX асрнинг 70–80-йилларидан ўзбек исмлари орасида фаоллаша бошланган. Мустақилликдан кейин ҳам анча вақтгача қизларга қўйилиб келинган. Ёки **Элмира** – *"Ой тутилиши, ой тутилганида туғилган қиз"* маъносини беради, **Индира** – Инду ой демакдир. Индира веда динидаги илоҳа (худо)лардан бири ва у момақалдирок, ёмғир худоси ҳисобланади. Юқоридаги исмлар ўзбек халқи орасида кенг истеъмолда бўлишига қарамай, ўзбек исмлари луғатига, турли электрон луғатларга бу исмлар рус тилига мансуб исмлар бўлганлиги сабабли киритилмаган.

Юқоридаги таҳлиллар шўро даври фақат рус тилидан олинган исмларидан иборат бўлган, деган хулоса чиқармайди, албатта. Бу шу даврга хос хусусиятлардан бири, холос. Бу даврда миллий, ўзбек менталитетини ўзида мужассам қилган исмлар анчагина бўлган. Шўро даври Хоразм минтақавий аёл исмлари бўйича маълум бир хулосага келиш учун Хоразм вилояти Адлия бошқармаси ҳузуридаги Фуқаролик ҳолати

⁴ P a l v o n n a z a r o v a Н. Abdulla Oripov asarlaridagi antroponimlar \\\ Central asian journal of multidisciplinary research and management studies. Volume 1, Issue 7, April 2024, 9-bet.

⁵ <https://ismlar.com/name/Tamara>

далолатномаларини ёзиш органларининг туман ва шаҳар бўлимларидан олинган маълумотлар асосида статистик маълумотлар чиқаришга ҳаракат қилдик. Шўро даври исмларини таҳлил қилиш учун туғилишни қайд этиш маълумотлари эмас, балки сўнгги йиллардаги ўлимни қайд этиш маълумотларига таяндик.

Шўро даврида воҳа антропонимикасида ўзига хос бўлган, камёб аёл исмлари ҳам учрайди: **Ражабмама** (Шарипова, 1944-2023, Шовот тумани), **Заявар** (Бабаджанова, 1929-2023, Урганч шаҳри), **Гумамза** (Душняязова, 1931-2020, Урганч шаҳри), **Жумасутон** (Муҳамедова, 1950-2020, Шовот тумани), **Баян** (Кўпалова, 1949-2020, Урганч шаҳри), **Шалман** (Касимова, 1950-2020, Урганч шаҳри), **Марган** (Собирова, 1931-2020, Урганч тумани), **Зура** (Хударганова, 1948-2020, Хива шаҳри), **Чиноргул** (Палванова, 1941-2020, Ҳазорасп тумани), **Марзия** (Рузметова, 1938-2022, Урганч тумани), **Сария** (Бектубаева, 1935-2020, Урганч шаҳри), **Сарибиби** (Собирова, 1948-2020, Урганч шаҳри), **Заригул** (Шамуратова, 1960-2023, Шовот тумани), **Нахал** (Бобожонова, 1957-2023. Янгиариқ тумани), **Ханигул** (Бекчанова, 1956-2023, Гурлан тумани), **Сари** (Абдуллаева, 1935-2023, Хива тумани) каби.

Бу исмлар адабий тилимизда мавжуд антропонимларнинг фонетик варианты ёки имловий хато ёзилган шакллари бўлиши мумкин, лекин барчаси совет тузуми даврида қўйилган исмлар бўлиб, Хоразмда истиқомат қилувчи ўзбек оилаларида қўйилган.

Хуллас, шўро даври антропонимикасида аёл исмлари ўзига хослик касб этиб, ўзбек антропонимикасидан фарқ қилувчи жиҳатлар ҳам талайгина эканлигини гувоҳ бўлдик. Бу даврда воҳа антропонимикаси ўзгаришларга, янгиланишларга бой давр бўлган, янги исмлар кўпайган. Бу жараён нафақат рус тили орқали кирган исмлар, балки туркий тилларга мансуб янгидан-янги, гўзалликни, инсонларга хос яхши хислатларни англаувчи исмлар орқали кечган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада миллий антропонимика ва уни халқ тарихининг маълум бир босқичидаги ижтимоий-сиёсий қарашларини, маданиятини, турмуш тарзини келажак авлодларга етказишдаги аҳамияти таҳлил қилиниб, бу даврий таҳлилда ўз аксини топган минтақавий аёл исмлари Хоразм халқининг бой маданиятини акс эттириши мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется национальная антропонимия и ее значение в передаче общественно-политических взглядов, культуры и образа жизни определенного этапа истории страны будущим поколениям, а также на примерах показано, что региональные женские имена, отраженные в данном периодическом анализе, показывают богатая культура хорезмийского народа.

RESUME. The article analyzes national anthroponymy and its importance in conveying to future generations the socio-political views, culture, and lifestyle of a certain stage in the history of the people, and shows through examples that the regional female names reflected in this periodical analysis reflect the rich culture of the Khorezm people.

Таянч сўз ва иборалар: антропонимика, халқ тарихи, аёл исмлари, ижтимоий-сиёсий қараш, шўролар даври, шахсий ҳужжат, антропонимик модель.

Ключевые слова и выражения: антропонимика, народная история, женские имена, общественно-политические взгляды, советская эпоха, личный документ, антропонимическая модель.

Key words and word expressions: anthroponymics, folk history, female names, socio-political outlook, Soviet era, personal document, anthroponymic model.

БОБУР ДЕВОНИ ТИЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Тилшуносликда Бобур асарларининг тили, хусусан, "Бобур девони"да қўлланилган сўзларнинг ўзига хослигига оид қатор тадқиқотлар олиб борилган. А.Н.Самойлович, И.В.Стеблева, Г.Ф.Благова каби турколог олимлар, шунингдек, Х.Назарова, А.Иброҳимов, Ф.Исҳоқов, Ҳ.Дадабоев, Қ.Содиқов, З.Холманова, Д.Мухаммадиева, М.Шораҳмедова каби олимларимиз тадқиқотларида айнан Бобур асарларида қўлланилган лексик бирликларнинг ўзига хос хусусияти ҳақида сўз боради. А.Нурмонов Бобурни графика, ономастика, этимология, лексикография соҳалари ривожига муносиб улуш қўшган, сўзларнинг мазмуний майдон тушунчасига кўра изоҳига асосланган тезаурус луғат тузишнинг ўзига хос намунасини яратган олим сифатида таърифлайди. Т.Нафасов номшунос олим сифатида эътироф этади. З.Машрабов Бобурнинг семасиологияга оид жараёнларни илк бор ўзбек тилида изоҳлаган олим эканлигини қайд этади.

Дунё олимлари томонидан ҳам Бобур асарларининг тилига доир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борадаги дастлабки уринишлар асарни таржима қилиш жараёнида тузилган луғатлардан бошланган. В.Эрскин, Ж.Лейден, А.Кайзер, П.Куртейл, Л.У.Кинг, Д.Росс, кейинчалик А.Алпарслон, М.Жонпулат, Ю.Билол, Т.Сейҳан, Н.Жейлан ва бошқа тилшунос, манбашунос олимлар ишларида Бобур қўллаган сўзлар луғати, уларга изоҳ ва кўрсаткичлар берилган. Масалан, "Бобурнома" таржимаси билан шуғулланган Л.У.Кинг тўрт мингдан ортиқ сўзни изоҳлаган. У.Текстон, Р.Арат, А.Бевеиж таржималарида ҳам кўплаб сўзларнинг изоҳ ва шарҳлари берилган. Шунингдек, асарнинг ҳиндча ва бошқа тиллардаги нашрларида минглаб сўзларнинг изоҳи келтирилган. Айниқса, туркиялик олимлар томонида Бобур асарлари тили, жумладан, унинг девонидаги лексик бирликлар ҳақида кўпгина тадқиқотлар бажарилган.

Бобур асарларининг ўзбек тилидаги дастлабки изоҳли луғати "Бобурнома"нинг П.Шамсиев, С.Мирзаевлар томонидан 1948–1949 йилларда амалга оширилган биринчи нашри охирида илова қилинган. Шундан сўнг 1972 йилда Х.Назарова "Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат"ини эълон қилган. "Бобурнома"нинг 1960 йилдаги нашрида 600 дан ортиқ сўз ва бошқа луғавий бирликларга изоҳ берилган. Ф.Исҳоқов томонидан 2008 йилда "Бобурнома"нинг изоҳли луғати нашр қилинган. Унда 2498 та сўз изоҳланган. Ушбу луғат асарнинг 2002 йилдаги С.Ҳасанов нашри матнига асосланган. Шундай қилиб, Ўзбекистонда Бобур асарлари луғатини яратишдек машаққатли ишга ҳисса қўшганлар қаторида Ҳ.Назарова (1972, 2004) А.Иброҳимов (2002), М.Олимов (2004), Ф.Исҳоқов (2004, 2008), Ҳ.Дадабоев (2017, 2022), З.Холманова (2009, 2023), З.Тешабоева (2018, 2022), М.Шораҳмедова (2022) каби олимларнинг турли даврларда нашр эттирган китоблари эътиборга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги 2023 йил 25 январдаги Қарорига мувофиқ Бобур асарларининг изоҳли луғати

тайёрланганлиги бу йўналишдаги ишларни янги поғонага олиб чиқди, дейиш мумкин. Унда "Бобурнома", "Бобур девони", "Мубаййин" асарларида қўлланилган минглаб сўзлар изоҳи берилган.

Бобурнинг тилшунослик соҳасидаги истеъдоди ҳақида А.Иброҳимов "Бобур девони"да урдуча сўзлар" номли мақоласида, шунингдек, "Бобурнома"да хиндча сўзлар" (2002), "Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғати" (2022) монографияларида алоҳида тўхталган. Қолаверса, М.Салье (1948), Э.Мано (1995), Ю.Билол (1995), Т.Сейҳан (2005), В.Турк (2008), Р.Аскар (2011), А.Биннатова (2019) каби хорижлик бобуршуносларнинг тадқиқотлари ҳам аҳамиятга молик. Хусусан, "Бобур девони"нинг тил хусусиятлари билан махсус шуғулланган олимлардан туркиялик Ю.Билол ва Н.Жейланларни алоҳида эътироф этиш мумкин. Ю.Билол "Бобур девони" туркча нашрида ҳар бир сўзни атрофлича таҳлил қилади. Олим Бобурнинг етук тилшунос эканлигини алоҳида таъкидлаб, шундай ёзади: "Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлат арбоби бўлиши билан бирга, маданият, адабиёт ва тил соҳаларида ҳам замонасининг етук шахси сифатида дунё тарихидаги алломаларнинг энг пешқадамлари сафидан муносиб жой олган. Бобур асарлари тарихимиздан тортиб, то тилимизгача бўлган соҳаларни қамраб олган, у туркий тилини тараққий этишига бекиёс хисса қўшган улуг сиймолардан биридир. Унинг асарлари биргина чигатой адабиётидагина эмас, балки бутун туркий халқлар адабиёти ва тилининг шоҳ асарларидандир"¹.

Ю.Билол "Бобур девони" таржимасининг грамматика бўлимида (32–92) шоир шеърятининг шакл ва тил хусусиятлари ҳақида тўхталар экан, асар қўлёзмалари матни, ҳар бир қўлёзманинг тил хусусиятлари, сўзларда рўй берган фонетик ўзгаришлар, ўзбек, форс-тожик сўзларини таржимада бериш қонуниятлари, шунингдек, унли ва ундош товушлар тизимидаги тафовутларни мисоллар орқали тушунтириб беради. "Девон"дан ўрин олган ҳар бир байтни тартиб рақами билан келтиради, шу орқали сўзларнинг тегишли қўлёзма нусхалардаги мос келадиган ўрни ва саҳифаларини кўрсатади. "Девон" қўлёзмаларидаги сўзларнинг қандай ёзилганлигини аниқлайди ва нусхалардаги фарқли ўринларни қайд этиб боради. Масалан, бир сўз шакли бошқа қўлёзмада маълум бир фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда ёзилганлигини келтиради. "Девон"нинг имло қоидаларига хос хусусиятлари, жумладан, форсча, арабча сўз бирикмаларининг берилиши ва ўқилишига доир изоҳларга эътибор қаратади. Арабча ва форсча сўзларнинг турк тилидаги талаффузини уйғунлаштириш мақсадида баъзи сўзларга ўзгартириш киритганини ёзади. $\ddot{U}$, P , T , C , P^2 қўлёзма нусхаларидаги фарқли хусусиятларни нашр саҳифалари остида бирма-бир кўрсатиб ўтади. У "Девон"даги сўзларнинг ўзига хослигини асосан қуйидагича тавсифлайди: 1. "Бобур девони"да "бўл" ёрдамчи феълининг ўғуз туркчасидаги синоними "ўл" шаклида келтирилиши. 2. "қ" товушининг "х" ундошига алмашиши. 3. "м" товушнинг "д" билан алмашиб келиши. 4. Феъл ясашда ўғуз туркчасига синоним шахс қўшимчаларининг қўлланиши. Масалан: жон берурам (355а), истарам (16/36), кўрқарам (94/56), билмен (112/46), билманам

¹ Y ü c e l B. Babür Divanı (Gramer-Metin-Sözlük-Tıpkıbasım) Atatürk Kültür Dil ve Tarih Yüksek Kurumu. – Ankara, 1995. – S.32.

² Bobur asarlari qo'lyozmasining shartli belgilari

(420/1a), ерга бош чилман (85/4б), деман (15/1a), кўрман (112/4a), топман (119/16), чекмишам (362б), бемон ўлмишам (128/5a) ва в.б.[6.14].

Олим "Девон"даги арабча, форсча сўз ва қўшимчаларга батафсил тўхталади. Баъзи ўринларда форсча изофанинг туркча сўзларда қўлланишини, арабча баъзи сўзларнинг туркийлашиб кетганлигини мисоллар ёрдамида изоҳлаб ўтади. Жумладан, Бобур шеърларининг туркча таржимасини ўзаро қиёслаб кўрамыз:

*Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эурсам, бало манга!*

*Нетгаймен ул рафиқ билаким, қилур баче,
Меҳру вафо – рақибга, жавру жафо – манга.[9.29]*

Туркчаси:

*Kiltürse yüz belānı uşal bī-vefa manga
Kilsün eder yüzümni ivürsem belā manga*

*Nitkey min ol refik bile kim қилур besī
Mihir ü vefā raқibқа cevr ü cefā manga³.*

Таржимон шеърни таржима қилишда турк тилида мавжуд бўлмаган ўзбек тилидаги қ, з, ҳ, нг товушлари учун шартли ҳарф белгилари танлайди ва бу борада китобхонга тушунтириш беради. Ҳар бир шеърда келган нотаниш сўзларнинг изоҳини ва девонда келган ўринларини санаб ўтади. Масалан, девоннинг 22/2 32/5, 49/4, 398/... жойларида қўлланилган *refik* – арабча сўзининг "*аркадаш*", "*ўўлдош*" деган маънода қўлланишини айтади.

Ҳалисдемир университети, турк тили ва адабиёти бўлими тадқиқотчиси Сеҳир Йилдиз томонидан амалга оширилган "Бобур девони" таржимаси ҳам диққатга лойиқ (2023). Олим таржима жараёнида транскрипция усулидан фойдаланади. Уни тайёрлашда Б.Южел нашридан (1955) ташкари Суат Унлуниги "*Чағатой туркча луғати*"(2013), Фарход Раҳимийнинг "*Чағатой туркча луғати*" (2018) ва "Ферағийнинг Чағатой туркча луғати" (2021), Фикрет Туроннинг "*Чағатай оят луғати (Nisab-i Kutbiye)*" (2019), Басим Аталайнинг "*Абушқа Луғати (Çağatay lug'ati)*" (1970)дан кенг фойдаланганини қайд этади.

"Бобур девони" борасида турколог олимларнинг кейинги илмий тадқиқотлари ҳам таҳсинга сазовор. Шундай тадқиқотлардан бири туркиялик тилшунос олим Узейр Аслан томонидан олиб борилган. Унинг "Бобур девони"да устуворликларда параллеллик" мавзусидаги тадқиқотида⁴ Бобур девонида олмошларнинг келиш тартиби таҳлил этилади. Олимга кўра, Бобур девонида "*мен, сен, ул, ус ва бу*" олмошлари устуворлик қилади. Бу сўзлар шеърнинг бир бандида келса-да турли мазмун касб этади. Масалан, девондаги 108-ғазалнинг 8-бандида "мен" олмоши устунлик қилади. Биринчи "мен" – сатрдаги мавзу, иккинчи қатордагиси эса объектдир.

³ "Bobur devoni"da 24-raqam ostida.

⁴ A s l a n Ü. Bâbur Divanında Öncelemeler ve Öncelemelerde Paralelizm. Divan Edebiyatı Araştırmaları Dergisi 4, – İstanbul 2010. – S. 1–26.

*Mèn êliktin barıp-êrdim tutup êlgimni birev
Mèni oyğattı köz açtım-êse ol meh-veş êdi.*

Узейр Асланниг ёзишича, Бобур лирикаси тилида сўроқ олмошлари (сўзлари) ким, қайси, қайси бир, неча, қанча, агар, гоҳи, ҳам, не тарзида келади. Туркиялик яна бир олим Музаффар Сазнинг "Бобур девони"да ишқ метафораси⁵ номли мақоласида "Девон"даги ишқ ҳақидаги метафоралар аниқланиб, ҳар бири изоҳлаб берилади. Асардаги метафоралар онтологик метафора, структур метафора ва ориентатсия метафора каби учта кичик сарлавҳага бўлиб ўрганилган.

Бобур девонида одам организми билан боғлиқ ибораларнинг маъно жиҳатдан таснифи эса қуйидагича келтирилган:

1. Йиғламоқ (Кўздин қон тўк) 2. (Ko'pini tilinge ko'p mezkūr it (Uning ismini tilingga qo'yish). 3. Қарамок/қараш/тасвир қилиш (ember sal(Ko'z tikmoq, qoshing qoqib ko'zing o'ynat (88/2), қош ва кўз қимирламоқ, кўзини очиб юмиб ишора қилмоқ). 4. Қўзғолон. (Bosh bader (87/2) isyon qilmoq). 5. Ёқмоқ/қойил қолмоқ (ember ala al-(85/2) бирор нарсага ёки қаргадир қараса, ҳайратдан кўзни у ердан ўтира олмаслик, ундан кўз узолмаслик в.х.) Орган номлари билан тузилган идиомаларнинг флексив шаклларида инкор тусланишлар унчалик учрамайди. Бу дунёни тушуниш, идрок этиш ва ифодалашда ижобий нуқтаи назар мавжудлигидан далолат беради⁶.

"Девон"даги иборалар маъно жиҳатдан таснифланганда ўттиз иккита кичик гуруҳларга бўлиниши аниқланган. Бу маъноларнинг биринчи ўринда туриши Бобур яшаган давр шароитини, ҳаётга бўлган қарашини, характери ва бадий тафаккур қудратини акс эттиради. Ўйиборлиси, "Девон"да қўлланилган кўплаб иборалар бугун ҳам ишлатилмоқда. Буларнинг барчаси Бобур ижодининг ўзбек адабий тили тараққиётидаги ўрни бекиёс эканлигини кўрсатади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Бобур асарлари тили, хусусан, шоир шеъриятининг лексик хусусиятлари, бу борада жаҳон олимлари, жумладан, ўзбек ва турк тилшуносларининг тадқиқотлари ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о языке произведений Бабура, в частности, о лексических особенностях поэзии поэта, словаре, исследованиях мировых ученых, в том числе узбекских и турецких лингвистов.

RESUME. By studying the language characteristics of Babur's works, it is possible to get rich information about the language used in practice in the XV-XVI centuries, especially the words found in artistic and historical works. This article talks about the language of Babur's works, in particular, the lexical features of the poet's poetry, the dictionary, and the researches of world scientists, including Uzbek and Turkish linguists.

Таянч сўз ва иборалар: Бобур, девон, луғат, таржима, сўз, фонетика, этимология, лексикология

Ключевые слова и выражения: Бабура, Девон, словарь, перевод, слово, фонетика, этимология, лексикология.

Key words and word expressions: Babur, Devon, dictionary, translation, word, phonetics, etymology, lexicology.

⁵ S a z M. Bâbü'r Divanı'nda aşk metaforu. Rumelide Dil ve Edebiyat Araştırmaları Dergisi, (38), – İstanbul, 2024. – S. 158–191.

⁶ S a z M. Bâbü'r Divanı'nda aşk metaforu..– S 158–191.

ГАП БЎЛАКЛАРИ ВА ПРОПОЗИТИВ СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

Синтаксиснинг асосий муаммоларидан бири гапни таркибий қисмларга ажратиш ва ҳар бир гап бўлагининг гап қурилишидаги ўрнини аниқлашдан иборат. Формал-функционал тилшуносликда гап бўлаклари синтактик муносабатидан келиб чиқиб, бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратилиб ўрганилди. Субстанциал йўналишда кесим гапнинг маркази бўлиб, барча гап бўлақларини ҳатто, эга ва кесим валентлигини тўлдирувчи бўлақ сифатида талқин қилинмоқда. Чунки синтактик позицияда таянч нуқта предикат, яъни гапни шакллантирувчи марказ кесим саналади. "Шунинг учун гап бўлақларини кўриб чиқишда бевосита гапнинг "жони", марказини шакллантирувчи восита – кесимлик категориясининг таркибий, маънолари ва ифодаланиш усуллари эътиборга олиниши зарур. Чунки, кесимлик категорияси фикрни шакллантирувчи, уни тингловчига етказувчи энг муҳим лисоний восита ҳисобланади"¹.

Барча гап бўлаклари бир бутун ҳолда кесимга тобеланиб тузилишига кўра содда, мураккаб ёки бирикмали шаклларда кесимни кенгайтириб келади. Кесимлик категориясини шакллантирувчи асосий сўз туркуми феъл бўлиб, кесим таркибидаги предикацияни юзага келтирувчи мантикий-грамматик воситаларни ўзида мужассамлаштиради. Бундай қурилмалар пропозитив номланиш сифатида турли синтактик позицияларни эгаллайди. Пропозитив номланишлар ўзига хос структур-семантик бирликдан ташкил топган яхлит бутунлик бўлиб, улар ўз навбатида шаклий ва мазмуний томонлардан иборат. Кесим пропозитив номланишларнинг шаклий тузилиши дейилганида, улар таркибидаги бирикмали бўлақларнинг бир нечта шаклий узвлардан ташкил топиши назарда тутилади. Масалан: Ҳандалак кўтарган киши чол олдидан ўтаётганида қадамини секинлатди (С.Аҳмад). Мазкур жумлада *секинлатди* предикати бир нечта "бўш ўрин"ларига эга. Бу валентликларни эга позициясидаги *ҳандалак кўтарган киши*, ҳол позициясидаги *чол олдидан ўтаётганида*, тўлдирувчи позициясидаги *қадамини* бўлаклари тўлдириб келади. Гап кесими валентликларини тўлдириб келган бирикмаларнинг синтактик вазибалари бутун гап учун тегишли бўлади.

Гапда грамматик шаклланган кесимлик категорияси фикрни шакллантирувчи, уни тингловчига етказишнинг энг муҳим лисоний воситаси ҳисобланади. Лекин пропозитив номланишнинг бу тарзда кесимлик шаклига эга бўлмаган (сифатдошнинг *-ган*, *-ганда*; равишдошнинг *-иб*, *-май*, *-гунча*, *-гани*; ҳаракат номининг *-иш* аффикслари билан ифодаланган) предикатларининг пропозитив номланишлари алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан бирини кўрсатадиган бундай феъл шакллари билан ифодаланган ўрамлар ўзбек тилшунослигида турли мунозараларга сабаб бўлиб келди. Асосан, улар эргашган ва мураккаблашган содда гаплар ҳажми, чегарасини белгилашда, улар

¹ Сайфуллаева Р. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: "Фан ва технология", 2010, 329-бет.

таркибида предикациянинг мавжудлигини аниқлашда турлича талқин қилинди. Мана шундай долзарб масалаларнинг ўз вақтида ҳал бўлишида Н.М.Маҳмудовнинг содда гаплар семантик-синтактик асимметрияси юзасидан олиб борган тадқиқоти катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки унда "равишдош, сифатдош, ҳаракат номли ўрамлар орқали гапда қўшимча пропозициянинг ифодаланиши, бу эса гапнинг мазмунан мураккаблашувига сабаб бўлиши натижасида семантик-синтактик асимметрия юз бериши илмий жиҳатдан асослаб берилди"². Натижада туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланган феъл шакллари билан ифодаланган ўрамлар табиатини ёритишда гапнинг семантик тузилишидан келиб чиқиш зарурлиги кўрсатилди. Шундай қилиб, "ҳар қандай гапнинг мазмуний тузилиши мураккаб, қўп қиррали характерга эга бўлган, унда энг камида уч узв: 1) пропозитив; 2) модал; 3) коммуникатив узвларнинг иштирок этиши аниқланди. Гапнинг мазмуний тузилишини ташкил этган юқоридаги узвлардан энг асосийси объектив борлиқдаги айрим вазият ёки воқеаларни акс эттирувчи пропозитив тузилиш эканлиги кўрсатиб берилди"³.

Маълумки, ўзбек тилида гап бўлақларининг тартиби эркин бўлиб гап узвларининг реляцион тузилишидаги ўрнини аниқлашда позиция тамойилидан келиб чиқиш зарур. Чунки субстанциал таҳлилда синтактик бирликларга позицион нуқтаи назардан ёндашилиб, гап маркази ҳисобланган кесимнинг валентлигини тўлдиришга ҳаракат қилинади. Позицион тамойилга кўра "гапда мазмуний ва грамматик таянч нуқта предикативлик шаклидаги предикат, яъни кесим ҳисобланади"⁴. Пропозиция атамасидан гап семантикасида ўз ифодасини топган муайян воқеа, ҳодиса, гапнинг номинатив аспектдаги ифодаси, гапнинг мантикий негизи, ҳуллас, гапнинг субъектив мазмуни ва шаклий тузилиши билан боғлиқ тарзда юзага келадиган барча бошқа маъноларидан ажралган объектив мазмун тушунилади. Ҳ.Усмоновнинг ёзишича, "бутун гап учун нофункционал бўлак бўлган синтактик бутунлик учун пропозитив номланишлар атамасидан фойдаланган ва уларнинг гап қурилишидаги ўрни алоҳида кўрсатиб берилган. Бундай нофункционал синтактик бутунликка нисбатан пропозитив номланиш атамасини қўллаш тавсия қилинади"⁵. Улар предикат характериға кўра от ва феъл асосли пропозитив номланишларга ажратилади. Шунингдек, ўзбек тилидаги пропозитив номланишларнинг бир нечта турлари аниқланган ва моделлаштириб берилган. Жумладан, феъл предикатли пропозитив номланишлар равишдош, сифатдош ҳаракат номи шаклларида моделлаштирилади. От пропозитив номлар эса эга, тўлдирувчи, ҳол позицияларда моделлаштирилган. Шунингдек, уюштирувчи маркази равиш билан ифодаланган пропозитив номлар эга, тўлдирувчи ва ҳол позицияларида келиши кўрсатилади. Демак, бундай синтактик қурилмалар субстанциал таҳлил усулидаги гап қурилиш қолипига туширилса, улар таркибида алоҳида

² Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1984, 105–142-бетлар.

³ Нурманов А., Маҳмудов Н. ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: "Фан" 1992, 31-бет.

⁴ Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. – М., 1988. – С. 653.

⁵ Усмонова Ҳ.Ш. Ўзбек тилида гап бўлақларининг позицион структураси. ДДА. – Тошкент, 2009, 13-бет.

предикация мавжуд эмаслиги тўла намаён бўлади. Масалан, ҳаммага маълум "О п а м а й т г а н ҳ и к о я ҳ а м м а г а ё қ д и" гапини таҳлил қилиб кўрайлик:

Е (эга)	Н (ҳол)	W (атов бирлик)	Pm (предикат)
хикоя	-	ё қ	- ди
айтган		ҳаммага	Опам

Демак, гап маркази **ёқди** феъли (кесим) бўлиб, унинг **ёқ-** ўзак қисми атов бирлик, **-ди** эса предикати ҳисобланади. Кесимнинг атов бирлиги *ҳаммага* тўлдирувчиси билан кенгайтирилган. Ёйиқ аниқловчи вазифасидаги *опам айтган* бўлак эга вазифасидаги *хикоя* сўзининг кенгайтирувчиси сифатида жой олган. Бундан кўринадики, ҳозиргача турли мунозараларга сабаб бўлиб келаётган *Опам айтган хикоя ҳаммага ёқди* жумласи таркибидаги *опам айтган* сўз кенгайтирувчиси мустақил гап сифатида эмас, балки гапга қўшимча маълумот олиб кирган от асосли пропозитив аниқловчили бўлак сифатида ўрганишни талаб этади. Демак, бундай синтактик қурилмалар туркий тиллар синтактик қурилишининг ўзига хос хусусиятларидан бири саналган пропозитив аниқловчили гап бўлаклари сифатида қўлланилади. Пропозитив аниқловчили бирикмалар билан ифодаланган бўлакларни икки гуруҳга: **а) монопропозитив; б) полипропозитив** бирикмали гап бўлакларига ажратиб ўрганиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида ҳозиргача яратилган аксарият илмий тадқиқотларда монопропозитив гап бўлаклари атрофлича таҳлил қилинган. Масалан: *Сен айтган гаплар* ҳали эсимдан чиқмайди (Т.М.) каби. Аммо шундай феълнинг функционал шакллари билан ифодаланган икки ёки ундан ортиқ пропозитив бирикмаларни алоҳида ўрганишни тақозо қилади. Масалан: *Раис ўзи чақирган одамлари билан анча суҳбатлашди* (С.А) Мазкур жумланинг асосий предикати *раис – эга, суҳбатлашди – кесим* қисмида акс этган бўлиб, унга қўшимча *ўзи чақирган одамлар билан* бўлаги таркибида қўшимча пропозиция ифодаланган. Лекин у гап таркибида *одамлар билан* тўлдирувчисининг аниқловчиси вазифасидаги сўз кенгайтирувчиси сифатида қўлланган. Демак, қўшимча ахборот *ўзи чақирган* аниқловчиси ёрдамида гап таркибига пропозитив бирикмалар ёрдамида киритилган. Асосан, гап таркибида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ўрамлари иштирок этиб бир бутун тушунчани ифодалаш зарурияти туғилса полипропозитив ҳолат юзага келади. Масалан: *У ўзи ўқиган ва таълим-тарбия олган* мактабни тарк этиб кетмоқда (О.). Маълумки, бу гапда *ўзи ўқиган, таълим-тарбия олган мактаб* каби иккита пропозитив бирикма мавжуд.

Кўпинча бундай ўз субъектига эга бўлган "предикатив қолип"даги мураккаб сўз бирикмалари билан ифодаланган полипропозитив бутунликлар ёйиқ ёки уюшган ҳолда келади. Улар бирор шахс ёки предметга хос турли хусусиятларни ифодалашга ёрдам беради. Масалан: *У новча, соқоли мошикичири, қошлари ўсиқ, кўзлари қувгина, киши* (О.). Афғон чойфуруши *юзлари жуда келишган, пешонаси кенг, кўзлари юмалоқ, ёноқ суяклари унча чиқмаган, анча ёқимли, чиройли киши* (А.Мухтор). Бундай пропозитив номланишлар предикат характерга кўра от ва феъл асосли номланишларга ажратилади. Юқоридаги мисолларда от асосли пропозитив номланишлар акс этган бўлиб, уюштирувчи марказ от кесимлардан иборат.

Феъл пропозитив номланишлар билан ифодаланган бирикмалар гап таркибида кўпинча ўрин, равиш, пайт, мақсад ҳоли вазифасида қўлланилган бўлаклар таркибида келадилар. Масалан: Олифта қўшни қизлар *қовоқлари солиқ ҳолда* уйга кириб кетишди (О.). Бундай пропозитив номланишдан юзага келган бирикмалар содда, мураккаб ва ёйиқ ҳолатларда учрайди. Холмурод аста бориб эшикни очган эди, *усту-боши ҳўл, бети лой* ҳолда бир одам ўзини ичкарига урди (М.И.). Мен унинг *бахти тўлиқ, ёши улуг* бўлиб юришини истардим (С.А.). Бундай равиш ҳоли вазифасида келган синтактик бутунликлар ички тузилишига кўра икки ва ундан ортиқ предикатив ядролардан ташкил топиши ёки ёйиқ ҳолда қўлланиши ҳам мумкин. Лекин улар бир бутун ҳолда битта синтактик функцияни бажаришлари учун охирида *ҳолда, тарзда, ҳолатда* каби умумлаштирувчи сўзлар қатнашади: Зайнаб *оёғи олти, қўли етти бўлган ҳолда* эрини тўрт қават кўрпача устида ўтқазиб, ёнига учта пар ёстик қўйди (А.Қодирий). Хуллас, пропозитив номланишли бирикмаларнинг табиати хилма-хил бўлиб, юқорида уларнинг гап таркибидаги ўрни ва ифодаланиш усуллари ҳақида фикр юритилди. Улар асосан от ва феъл асосли пропозитив бутунликларга ажратилди. От асосли пропозитив номланишлардан ёйиқ аниқловчили ва тўлдирувчили мураккаб бутунликлар ҳосил бўлса, феъл асосли пропозитив бирикмалардан ҳоли мураккаб гап бўлаклари юзага келар экан.

РЕЗЮМЕ. Мақолада гап бўлақларининг пропозитив номланишли сўз бирикмалари билан ифодаланиши, гап қурилиш қолипидаги ўрни ва синтактик вазифалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье описывается представление фрагментов предложения пропозициональными именными словосочетаниями, их место в структуре предложения и их синтаксические функции.

RESUME. The article describes the representation of sentence fragments with propositional noun phrases, their place in sentence structure and their syntactic functions.

Таянч сўз ва иборалар. позиция, предикат, полипропозиция, пропозитив номланиш, валентлик, кесим, категория, қолип, номинатив бирлик.

Ключевые слова и выражение: позиция, предикат, полипропозиция, пропозитивное название, валентность, сказуемый, категория, модель, номинативные единитцы.

Key words and word expressions: position, predicate, polyproposition, propositional naming, valence, participle, category, pattern, nominative.

АБДУСАЛОМ АБДУҚОДИРОВ

Тоҷикистонлик таниқли навоийшунос олим, ўзбек ва тожик адабиётшунослиги ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган филология фанлари доктори, профессор Абдусалом Абдуқодировга умр вафо қилганида бу йил табаррук 75 ёшни қарши олар эди.

Бўлажак олим 1949 йилнинг 19 декабрида Тоҷикистон Республикасининг ҳозирги Суғд вилояти Ғончи туманидаги Ҳавутак қишлоғида оддий деҳқон оиласида дунёга келган. Ўрта мактабни тугатгач (1966), мактабда кутубхона мудир (1966–1967), ўқитувчи (1967–1968) бўлиб ишлаган. Ҳарбий хизматни ўтагач (1968–1970), ҳозирги академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университетини имтиёзли диплом билан тугатиб (1974), ўзи таҳсил олган олий ўқув юртида иш бошлайди ва бош лаборант (1974–1976), ўқитувчи (1976–1986), доцент (1986–1988), "Ўзбек адабиёти" кафедраси мудир (1988–1993; 1995–1998; 2004–2012), катта илмий ходим (1993–1995), ўзбек филологияси факультети декани (1998–1999), декан ўринбосари (1999–2000), "Ўзбек тили ва адабиёти таълими методикаси" кафедраси мудир (2000–2004) лавозимларида самарали фаолият олиб борди. 2012 йилдан умрининг охирига қадар – 2020 йилгача "Ўзбек адабиёти ва унинг таълими методикаси" кафедраси профессори вазифасида фаолият олиб борди. Заҳматкаш олим 30 дан ортик монография, тўплам, брошюра, дарслик, ўқув қўлланмалари ва 200 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи эди.

А.Абдуқодировнинг илмий ишларида ўзбек-тожик адабий алоқалари, Навоий ва тожик шоирлари ижодидаги анъана ва янгилик ҳамда бадиий маҳорат, Навоий асарларидаги тасаввуф масалалари тадқиқ этилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ у Навоий ва тасаввуф мавзусига – ҳали тўла ўрганилмаган мураккаб мавзу тадқиқига киришади. Унинг "Навоий ва тасаввуф", "Навоий ва нақшбандийлик" (1991) деб номланган янгича мазмундаги мақолалари "Адабий мерос" журналда эълон қилиниб, етук мутахассислар назарига тушган эди. Ўша йиллар тасаввуф ҳақида ёзиш анъанага айланган бир давр бўлиб, кўплаб қалам аҳли у ҳақида ёзиш бўйича мусобақага киришган давр эди. Аммо истиқлол мафкураси эса тасаввуфга доир янгича руҳ ва мазмундаги тадқиқотларини кутмоқда эди. Ўзбекистонда Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов, Султонмурод Олимов каби таниқли олимлар айнан шу йўналишда илмий изланишлар олиб бораётганда Тоҷикистонда А.Абдуқодиров улар билан бир вақтда ишга киришган эди. Унинг дастлабки кузатишлари сифатида нашр қилинган "Навоий ва тасаввуф" (Хўжанд, 1994), "Навоий ва нақшбандийлик" (Хўжанд, 1994) рисоалари ҳамда "Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати" (Хўжанд, 1997, 2002) номли икки луғат китоблари ўша давр илмий ҳаётидаги муҳим янгилик сифатида эътироф этилган эди.

А.Абдуқодировнинг "Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (вахдат ул-вужуд проблемаси бўйича)" деб номланган докторлик диссертацияси (1998) ҳам Навоий ижодидаги тасаввуфнинг муҳим бир масаласи таҳлилига бағишланган бўлиб, унда Оллоҳ, олам ва одамнинг

ягоналигини ифодалаган ваҳдат ул-вужуд (борлиқнинг яхлитлиги) таълимоти таҳлили ишқ, факру фано ва комил инсон масалалари билан боғлаб талқин этилган. Устоз олимнинг сўнги "Тасаввуф, навоийшунослик ва адабий таълим масалалари" (Хўжанд: "Нури маърифат" 2019, – 296 б.) монографиясида эса мумтоз адабиётимиздаги тасаввуф таълимоти унинг Алишер Навоий ижодидаги ўзига хос бадиий талқини, айниқса, мутафаккир шоирнинг етук нақшбандий эканлиги ҳамда навоийшуносликдаги бугунги кундаги долзарб масалалар билан бир қаторда адабий таълимда уларни ўрганиш билан боғлиқ муҳим масалалар ёритилганлиги жиҳатидан алоҳида илмий ва амалий қиммат касб этади.

Албатта, А.Абдуқодиров илмий кузатишларининг асосий қисмини Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир ишлар ташкил қилади. Устоз олимнинг бу борадаги илмий фаолияти алоҳида илмий қиммат касб этишини "Амир Алишер Навоий" (2003; тўлдирилган учинчи нашр – 2023), "Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти" (2005), "Амир Алишер Навоий ва тожик мумтоз шоирлари" (2007), "Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоий" (2014) каби монографиялари яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, сўнги икки тадқиқотдан аввалгиси форс-тожик мумтоз шоирларидан Низомий Ганжавий, Жалолiddин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомий анъаналари қиёсий-типологик нуқтаи назардан илк марта қиёсий йўсинда таҳлил этилганлиги билан аҳамият касб этса, кейингиси икки улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижоди, ўзаро адабий ҳамкорликлари чуқур илмий таҳлил қилинганлиги билан икки халқ адабий алоқалари йўлидаги салмоқли ишлардан биридир. Зеро, А.Абдуқодировнинг тадқиқотлари Навоий ижодиётидаги тасаввуфий масалаларни, Тожикистонда Навоий ҳаёти ва ижодини тожик адабиёти билан боғлаб ўрганиш, истиқлол даври мафкураси асосида тадқиқ ва тарғиб этиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Абдусалом Абдуқодиров Ўзбекистонда тожик, Тожикистонда ўзбек мумтоз адабиётининг зукко ва серғайрат тадқиқотчиси ва тарғиботчиси сифатида самарали фаолият олиб борди. Олимнинг қатор мақолалари Алишер Навоий ижодиётини форсий адабиётдаги буюк салафлари тажрибаларидан айри тарзда ўрганиб бўлмаслигини иқрор этувчи ёрқин далиллардан иборат эди.

Ҳар қандай илм ўзининг амалдаги аҳамияти билан қимматли ҳисобланади. А.Абдуқодировнинг ўрта мактаб ўқувчилари учун мўлжаллаб ёзилган "Ватан адабиёти" (5–11-синфлар) ўқув қўлланма ва мажмуаси (2001); Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазирлиги тавсияси билан нашр этилган 9-синф "Адабиёт" дарслиги (2007); "Шарқи Озод" нашриётида салмоқли адабда нашр қилинган 10-синф "Адабиёт" дарслиги (2012) шунингдек, олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган қатор ўқув қўлланмалари олим ишларининг қанчалик амалий қимматга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

А.Абдуқодировнинг илмий изланишлари кенгқамровлилиги билан характерланади. Устознинг "Аруздан беш дарс" (2003), "Бармоқ шеърӣ тизими" (2003), "Шеършунослик" (2003), "Ифодали ўқиш" (2003), "Адабиёт луғати" (2009) каби қатор китоблари бугунги кунда ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқилмоқда. "Тожик ва ўзбек пандномалари" (2012–2019) рукнида бир қатор

табдил ва таржима характеридаги китобларининг нашр қилингани ҳам таҳсинга лойиқ ишлар сирасидандир. Жумладан, унинг "Тожиқ пандномалари" туркумида мумтоз тожиқ адабиётидан бир қатор намуналарни ўзбек тилига таржима қилиб, уларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдил вариантлари билан нашр қилиши адабий алоқаларга доир муҳим ишлардан яна бири дейишга имкон беради.

Абдусалом Абдуқодиров табиатан ташкилотчи инсон эди. Бугунги ўзбек-тожиқ адабий алоқаларининг йўлга қўйилиши ва ривожланишида, айниқса, икки мамлакат – Ўзбекистон ва Тожикистон олимларининг ўзаро ҳамкорлигида бу олимнинг шахсий намунаси ва саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. У неча йиллар давомида ўзбек ва тожиқ адабиёти ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб келди. Ўзбекистонда ўтказилган адабиётшунослик, хусусан, навоийшуносликка бағишланган қатор халқаро илмий-назарий анжуманларнинг фаол иштирокчиси эди. Олим "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида ҳам ўзининг долзарб мавзулардаги теран илмий мақолалари билан муттасил иштирок этиб келганини илм аҳли яхши билишади. Унинг "Амир Алишер Навоий" номли салмоқли китоби мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг нуфузли олий ўқув юртларидан бири Тошкент давлат Шарқшунослик университети ҳомийлигида чоп этилгани ҳам муҳим воқеа бўлган эди. Бу ҳам аслида икки мамлакат олимлари ўртасидаги илмий-адабий ҳамкорликнинг ёрқин амалий кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу кенг қамровли монографик тадқиқот бўлиб, кўп йиллик меҳнат самараси сифатида яратилган салмоқли ишлар сирасига киради. Дарслик мақомига эга бўлган мазкур китоб истиқлол даври ёшлари учун мўлжалланган бўлиб, унда улуг мутафаккир шоирнинг таржимаи ҳоли, адабий, илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти атрофлича ёритилиб, янгиликларга бой бўлган мукамал иш сифатида Навоий муҳлисларига манзур бўлгани олимнинг кейинги изланишларига рағбат бўлган эди.

Абдусалом Абдуқодиров йиллар давомида бир ижодкор инсонга хос юксалиш йўлини босиб ўтди. Унинг илмий даражалари юксалди: аввал номзодлик. кейин докторлик диссертацияларини Тошкентдаги нуфузли илмий кенгашларда муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессорлик даражасига эришди. Аммо инсон сифатида унинг табиатида ўзгариш бўлгани йўқ. Аниқроғи, бу юксалишлар унинг кибрга берилишига, ўзини асло катта тутишига олиб келмади. Аксинча, табиатидаги камтарлик ва камсуқумлик, донишмандлик ҳаётий тажрибалари билан омукта бўлди. Булар унинг нуктадон олим сифатида ҳам, самимий инсон сифатида ҳам катта-кичикнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлишига олиб келди.

А.Абдуқодировнинг бевосита илмий раҳбарлиги остида ҳимоя қилинган (Бахтиёр Файзуллоев, Мавлонберди Суюнов, Суюнбой Тилабов, Олимжон Абдуллоев) тўртта номзодлик иши ҳам ўзбек ва тожиқ адабиётшунослиги ривожига қўшилган муносиб ишлар сирасига киради.

А.Абдуқодировнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган: у профессор (1999) илмий унвони соҳиби, Тожикистон маорифи (1998) ва маданияти (2013) аълочиси ҳам эди.

Илмдаги камолот фақат қўлга киритилган илмий даражалар, олинган мукофотлару нашр қилинган китобларнинг миқдори билангина

белгиланмайди, албатта. Амалга оширилган ишларнинг илмий салмоғи ва янгилиги, таҳлил даражаси, умумлашмаларнинг теранлиги билан бир қаторда устозликдаги бағрикенглик ва донишмандлик, шогирдлар учун фидойилик каби азалий ва абадий мезонлар билан ҳам ўлчанишини Абдусалом Абдуқодировнинг фаолияти мисолида кузатиш мумкин.

Абдусалом Абдуқодиров айна етуклик ёшида бу дунёни тарк этди. У навоийшунослик, ўзбек ва тожик адабий алоқалари, икки мамлакат олимларининг илмий ҳамкорликлари бўйича кўпдан-кўп ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим ишларни амалга оширишни ният қилган эди. Аммо унинг бу эзгу ниятлари бевақт ўлим туфайли якунига етмади. Устоз томонидан яратилган тадқиқотлар ҳали кўп йиллар давомида адабиёт илмига хизмат қилиши шубҳасиз. Заҳматкаш олим бошлаган хайрли ишлар у кишининг садоқатли шогирдлари ҳамда издошлари томонидан давом эттирилишига ишончимиз комил.

***Боқижон Тўхлиев, Мақсуд Асадов, Бахтиёр Файзуллоев,
Эргаш Очилов, Олимжон Абдуллоев, Ўқтамали Сатторов***

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

А.Собиров. Муҳаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари.....	3
Д.Юлдашев. "Қадимги туркий сўзлар луғати" ономастик тадқиқотлар учун манба сифатида.....	9
О.Нуржанов. Қорақалпоғистон ўзбек шеваларидаги тўй-маросим номларини ифодаловчи лексик бирликлар.....	13

Адабиётшунослик

И.Исмоилов. Абайнинг "Искандар" поэмаси генезиси.....	17
Я.Қосим. Рауф Парфи ва ҳозирги ўзбек шеърятини.....	21
Х.Ҳамидов. Сабоҳиддин Али ҳикоялари Миад Ҳақимов таржимасида.....	26
Н.Соатова. Шухрат ҳикояларида ҳаёт ҳақиқати ва бадий талқин.....	32

Илмий ахборот

И.Жумаев. Ўзғурмиш образи ҳақида	37
И.Мадияров. Насрий ва шеърӣ тез айтишларда аллитерация.....	42
И.Саймуратова. "Генетик" романида ровий образи	46
И.Асадов. Эшқобил Шукурнинг тасвир маҳорати.....	50
А.Қаюмов, М.Абдурахимова. Асарда бадий оҳангнинг ўрни	55
Г.Тешаева. Адабий параллелнинг ўрганилиши	59
М.Жўраев. Ёрийнинг Қорий ғазалига бир тахмиси.....	63
Б.Шукурова. Туркий халқлар адабиётида муаллим образи	67
И.Абдурайимова. "Фарход ва Ширин" достонидаги мактублар	72
К.Ҳажибоев. Бадий ижодда муштарақлик ва ўзига хослик.....	78
Ф.Кенжаев. Тарихий образ ва сунъий интеллект.....	82
Д.Ҳазратқулиён. Ижод аҳли ва адабий танқид.....	87
Ш.Хўҷамбердиев. Ҳамза шеърларида такрор санъати.....	92
М.Нурбаева. Навоий ижодида мавъиза.....	96
Г.Абдуллаева. Хоразм жадидчилик ҳаракатига оид янги маълумотлар.....	99
А.Абдужалилов. Ўзбек халқ эртакларининг бир наشري тўғрисида.....	103
Ш.Аннақулова. Неологизмлар хусусида айрим мулоҳазалар.....	106
Э.Юлдашев. Комил Хоразмий шеърятинида фонопоэтик воситалар	110
Д.Қобулова. Шўро даври антропонимикасида аёл исмлари.....	114
Ш.Ҳайитов. Бобур девони тилининг ўрганилиши.....	118
А.Мадаминов. Гап бўлаклари ва пропозитив сўз бирикмалари	122

Фанимиз заҳматкашлари

Б.Тўхлиев, М.Асадов, Б.Файзуллоев, Э.Очилов, О.Абдуллоев, Ў.Сатторов. Абдусалом Абдуқодиров	126
--	-----

СОДЕРЖАНИЕ

Лингвистика

А.Сабилов. Лингвопоэтические особенности поэзии Мухаммада Юсуфа	3
Д.Юлдашев. "Словарь древнетюркских слов" как источник для ономастических исследователей.....	9
О.Нурджанов. Лексические единицы, выражающие названия свадебных церемоний в узбекских диалектах Каракалпакстана.....	13

Литературоведение

И.Исмаилов. Генезис поэмы "Искандер" Абая.....	17
Я.Касым. Рауф Парфи и современная узбекская поэзия.....	21
Х.Хамидов. Рассказы Сабахиддина Али в переводах Миада Хакимова.....	26
Н.Соатова. Правда жизни в рассказах Шухрата и художественная интерпретация.....	32

Научная информация

И.Джумаев. Об образе Узгурмиша	37
И.Мадияров. Аллитерация в прозаических и стихотворных скороговорках.....	42
И.Саймуратова. Образ рассказчика в романе "Генетик"	46
И.Асадов. Мастерство изображения Эшкабила Шукура.....	50
А.Каюмов, М.Абдурахимова. Место художественного тона в произведении	55
Г.Тешаева. Изучение художественных параллелей	59
М.Джураев. Тахмис Яри к газели Кари.....	63
Б.Шукурова. Образ учителя в литературе тюркских народов.....	67
И.Абдурайимова. Письма в поэме "Фархад и Ширин"	72
К.Хаджибаев. Общность и особенность в художественном творчестве.....	78
Ф.Кенджаев. Исторический образ и искусственный интеллект.....	82
Д.Хазраткулиён. Люди творчества и литературная критика.....	87
Ш.Худжамбердиев. Искусство повтора в стихотворениях Хамзы.....	92
М.Нурбаева. Афоризм в творчестве Навои.....	96
Г.Абдуллаева. Новые сведения о движении хоразмских джадидов.....	99
А.Абдуджалилов. Об одном издании узбекских народных сказок.....	103
Ш.Аннакулова. Некоторые соображения о неологизмах.....	106
Э.Юлдашев. Фонопоэтические средства в поэзии Камиля Хоразми	110
Д.Кабулова. Женские имена в антропонимике советской эпохи.....	114
Ш.Хайитов. Изучение языка дивана Бабура.....	118
А.Мадаминов. Члены предложения и пропозитивные словосочетания	122

Деятели науки

Б.Тухлиев, М.Асадов, Б.Файзуллоев, Э.Очилов, О.Абдуллоев, У.Саттаров. Абдусалом Абдукадыров	126
--	-----

CONTENT

Linguistics

A. Sabirov. Linguopoetic features of Muhammad Yusuf's poetry.....	3
D. Yuldashev. "Dictionary of Old Turkic Words" as a source for onomastic research.....	9
O. Nurjanov. Lexical units denoting wedding ceremony names in the Uzbek dialects of Karakalpakstan.....	13

Literary studies

I. Ismailov. The genesis of Abai's poem "Iskandar".....	17
Y. Kasim. Rauf Parfi and modern Uzbek poetry.....	21
Kh. Hamidov. The stories of Sabahiddin Ali translated by Miad Khakimov.....	26
N. Soatova. The truth of life and literary interpretation in the stories of Shukhrat...	32

Scientific information

I. Jumaev. About the image of the Ozgurmish.....	37
I. Madiyarov. Alliteration in prose and poetic tongue twisters.....	42
I. Saimuratova. The image of the narrator in the novel "Genetic".....	46
I. Asadov. Eshkobil Shukur's pictorial skills.....	50
A. Kayumov, M. Abdurakhimova. The role of literary tone in the work.....	55
G. Teshayeva. Study of literary parallel.....	59
M. Juraev. An estimate of Yori's Kori ghazal.....	63
B. Shukurova. The image of the teacher in the literature of the Turkic peoples...	67
I. Abdurayimova. Letters in the epic "Farkhod and Shirin".....	72
K. Hajiboev. Commonality and uniqueness in artistic creation.....	78
F. Kenzhaev. Historical image and artificial intelligence.....	82
D. Hazratkuliyon. Creative people and literary criticism.....	87
Sh. Khojamberdiev. The art of repetition in Hamza's poems.....	92
M. Nurbayeva. Aphorism in the work Navoi.....	96
G. Abdullaeva. New information about the Khorezm Jadid movement.....	99
A. Abdujalilov. About an edition of Uzbek folk tales.....	103
Sh. Annakulova. Some thoughts on neologisms.....	106
E. Yuldashev. Phonopoetic means in the poetry of Kamil Kharezmi.....	110
D. Kobulova. Female names in the anthroponymics of the Soviet period.....	114
Sh. Hayitov. Study of the language of Babur's Divan.....	118
A. Madaminov. Parts of speech and propositional word combinations.....	122

Doers of Science

B. Tukhliev, M. Asadov, B. Faizulloev, E. Ochilov, O. Abdulloev, O. Sattorov. Abdusalom Abdukodirov.....	126
---	-----